ISSN 2091-5446

ИЛМИЙ АХБОРОТНОМА

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК SCIENTIFIC JOURNAL

2017 йил, махсус сон (104) САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Самарқанд вилоят матбуот бошқармасида рўйхатдан ўтиш тартиби 09-25.
Журнал 1999 йилдан чоп қилина бошлаган ва ОАК рўйхатига киритилган.

БОШ МУҲАРРИР **Р. И. ХАЛМУРАДОВ, т.ф.д. профессор**
БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ: **А. Ж. ХОЛИҚОВ, к.ф.д.**
А. М. НАСИМОВ, т.ф.д., профессор

ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ:

М. Х. АШУРОВ	- ЎзФА академиги	**Ж. Д. ЭЛТАЗАРОВ**	- фил.ф.д., профессор
Т. М. МЎМИНОВ	- ЎзФА академиги	**Д. И. САЛОҲИЙ**	- фил.ф.д., профессор
Ш.А.АЛИМОВ	- ЎзФА академиги	**С. А. КАРИМОВ**	- фил.ф.д., профессор
Т.РАШИДОВ	- ЎзФА академиги	**Т. Ш. ШИРИНОВ**	- тар.ф.д., профессор
С. С. ҒУЛОМОВ	- ЎзФА академиги	**М.Д.ДЖУРАКУЛОВ**	- тар.ф.д., профессор
Н. Н. НИЗАМОВ	- ф.-м.ф.д., профессор	**И. М. САИДОВ**	- тар.ф.д., профессор
А. С. СОЛЕЭВ	- ф.-м.ф.д., профессор	**Б. О. ТЎРАЕВ**	- фалс.ф.д., профессор
И. А. ИКРОМОВ	- ф.-м.ф.д., профессор	**А. С. БЕГМАТОВ**	- фалс.ф.д., профессор
Б. Х. ХЎЖАЯРОВ	- ф.-м.ф.д., профессор	**Ж.Я.ЯХШИЛИКОВ**	- фалс.ф.д., профессор
И. И. ЖУМАНОВ	- ф.-м.ф .д., профессор	**М. Қ. ҚУРОНОВ**	- пед.ф.д., профессор
Э. А. АБДУРАХМОНОВ	- к.ф.д., профессор	**Х. И. ИБРАГИМОВ**	- пед.ф.д., профессор
Н. К. МУХАМАДИЕВ	- к.ф.д., профессор	**Н. Ш. ШОДИЕВ**	- пед.ф.д., профессор
Ж. Х. ХЎЖАЕВ	- б.ф.д., профессор	**Э. Ғ. ҒОЗИЕВ**	- психол.ф.д., профессор
З. И. ИЗЗАТУЛЛАЕВ	- б.ф.д., профессор	**Ш. Р. БАРАТОВ**	- психол.ф.д., профессор
З. Ф. ИСМАИЛОВ	- б.ф.д., профессор	**Б. Қ. ҚОДИРОВ**	- психол.ф.д., профессор
С. Б. АББОСОВ	- геогр.ф.д., профессор	**Р. А. СЕЙТМУРАТОВ**	- и.ф.д., профессор
Л. А. АЛИБЕКОВ	- геогр.ф.д., профессор	**Б. Х. ТЎРАЕВ**	- и.ф.д., профессор
А. А. АБУЛҚОСИМОВ	- геогр.ф.д., профессор	**Х. Х. ХУДАЙНАЗАРОВ**	- т.ф.д., профессор

Обуна индекси – якка тартбдаги обуначилар учун **- 5583,**
ташкилот, корхоналар учун **- 5584**

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

СамДУ кадрлар маскани		
Халмурадов Р.И	Ўзбекистон университетлари неча ёшда?	4
Қодиров М.Қ.	Ўзбекистонда олий таълим ва илм-фан шаклланишида Мирзо Улуғбек мадрасасининг ўрни	6
Холиқов А. Ж.	СамДУда олий малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий-техник салоҳиятни юксалтириш истиқболлари	10
Эштаев А.	СамДУ маънавий-маърифий салоҳияти ва истиқболдаги режалар	13
ТАРИХ/ HISTORY		
Джуракулова Д.М.	Самарқанд Давлат университетининг археология мактаби тарихидан	17
Муқимов З.	Иброҳим Тамғачхон олий мадрасаси(1066 й.)	22
Саидов И.М.	Патриотизм воспитанников СамГУ в тылу (1941-1945)	26
Маматқулов А.Я.	Ўзбекистонда совет давлатини иқтисодий районлаштириш сиёсатининг оқибатлари (1960-1980 йиллар)	29
ФАЛСАФА/ PHILOSOPHY		
Яхшиликов Ж.Я.	Ўзбекистонда фалсафий ғоялар ривожланишида СамДУ фалсафа илмий мактабининг ўрни	34
ФИЛОЛОГИЯ/ PHILOLOGY		
Салоҳий Д.	Мутафаккир тақдирида Самарқанд тимсоли	42
Муҳиддинов М.	Самарқанд Навоийшунослик мактаби	45
Болтабоев Ҳ.	Самарқанд университети адабиётшунослик мактабининг шаклланишида Фитрат илмий фаолиятининг ўрни	51
Оразимбетов Қ.	Шоирона маҳорат - ўрганиш мактаби демак	54
Умуров Ҳ.	Мен – халқимнинг томирида қон	58
Каримов С., Ҳамдамов Ж.	СамДУ тилшунослар бешиги	65
Малиновский Е.А.	Из истории факультета русской филологии СамГУ	74
ПЕДАГОГИКА/ PEDAGOGICS		
Шодиэв Н., Ахмедова Ш.	Миллий дастурни амалга оширишда таълимнинг педагогик тадқиқотлар билан интеграцияси	76
Солеев А., Қурбонов Ҳ., Хушвақтов Ҳ.	Таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш омиллари	80
Джураев А.С.	Олий таълим тизимида кадрлар сиёсати ва стратегиясини шакллантириш омиллари	86
ИҚТИСОДИЁТ/ ECONOMICS		
Насимов Д. А.	Иқтисод илмининг фидойилари	90
Хайдаров О.	Иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида мақсадли касбга йўналтириш механизми (“Навоий” эркин иқтисодий зонаси мисолида)	91
МАТЕМАТИКА / MATHEMATICS		
Лакаев С.Н., Улашов С.С., Халхужаев А.М.	Научная школа математический анализ и его приложения к современной математической физике	95

Икромов И. А.	Махсусликлар назарияси ва унинг татбиқлари	104
МЕХАНИКА / MECHANICS		
Хужаёров Б. Х.	Исследования в области механики жидкости и газа, проводимые в СамГУ	110
ИНФОРМАТИКА/ INFORMATICS		
Жуманов И.И.	Методы и программно-алгоритмические комплексы обеспечения достоверности информации в структуре пакетов передачи данных на основе избыточности различной природе	119
ФИЗИКА / PHYSICS		
Қодиров М.	Самарқанд Давлат университетида физикавий тадқиқотларни йўлга қўйилиши ва ривожланиш тарихи саҳифалари	129
Сабиров Л.М., Семенов Д.И.	К вопросу об избыточном поглощении высокочастотного звука в окрестности особой точки раствора	137
Бабаходжаев А.	Флагман физической науки Узбекистана	142
КИМЁ / CHEMISTRY		
Аронбаев Д.М., Насимов А.М., Аронбаев С.Д.	Электрохимические методы контроля в медицинской диагностике и тенденции их развития	147
Муҳамадиев Н.Қ.	Хроматографияда ажралиш жараёни мақбуллаш ва идентификациялашнинг физик-кимёвий асослари	152
БИОЛОГИЯ / BIOLOGY		
Келдиёров Х.О.	Самарқанд биология илмий мактабларининг тарихи ва бугуни	159
ГЕОГРАФИЯ / GEOGRAPHY		
Аббасов С.Б., Рахматуллаев А.	Мустақиллик йилларида Самарқанд Давлат университетида география фани ва таълимидаги ривожланиш босқичлари	165
УНИВЕРСИТЕТНИНГ ОЛТИН ФОНДИ		
Халмурадов Р.И.	Олим, педагог, ташкилотчи раҳбар, камтарин инсон Мусо Мўминов: ўзбек олимлари ҳаёти ва илмий фаолиятига чизгилар	169
Мамарахимов Х.М.	Давлат ва сиёсат арбоби Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни	172
Бабахаджаев А.Б., Шарипова М.К.	Учёный, поэт и руководитель с большой буквы	177
Хушвақтов Ҳ.	Университетимиз оптиклар тайёрлаш илмий мактаби	179
Холиқов А.Ж., Хушмуродов Ш.Х., Ахмедова Г.	Самарқанд ядро физикаси мактаби ва академик Толиб Мусаевич Мўминов	182
Собиров Л.М.	Основатель научной школы кристаллооптики в Узбекистане	186
УНИВЕРСИТЕТ ҲАЁТИДАН		
Тошев Ф.	Қутлуғ маскан сабоқлари	188
Умуров Ҳ.	Олий бурч	189
МУАЛЛИФЛАРГА/ FOR AUTHORS		192

УДК: 378.(575.1)

ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ НЕЧА ЁШДА?

Р.И. Халмурадов
Самарқанд Давлат университети

Бир неча йил муқаддам хизмат сафари билан хорижда бўлганимда, Европадаги қадимий университетларнинг таниқли олимлари билан учрашган эдим. Ўзаро мулоқотларда Париж (Сорбонна), Кембриж, Болоня университетларининг жаҳон тан олган алломалари ўзлари фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари XII-XIII асрларда ташкил этилганини фахр-ифтихор билан айтган эди. Мазкур университетларнинг олимлари асрлар давомида эришган ютуқлари ва илмий кашфиётлари ҳақида эшитиб, табиийки, ҳайратланганман.

Ўзбекистонга қайтар эканман, ҳар гал Беруний, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоийларни камолга етказган илм даргоҳлари ҳақида ўйлаб қоламан. Ахир, биз номларини келтириб ўтган ўнлаб, яна юзлаб дунё тан олган алломаларимиз илмий маълумотларни олий таълим муассасаси мақомида бўлган мадрасаларда олган эди-ку! Тарихнинг ёритилмаган саҳифаларини ёритиш, энг муҳими, ўз-ўзини англаш, ўтмишни холисона баҳолаш фурсати келмадимикан?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида олий таълим тарихини билишга, уларни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш кучайди. Ҳаққоний руҳдаги мақолалар, илмий изланишлар матбуотда эълон қилинмоқда. Яқинда Нажмиддин Абу Ҳафс Аҳмад Насафийнинг «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» («Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси») асари ҳақидаги маълумотни ўқиб қолдим. Асар муаллифи XI-XII асрларда яшаб ижод этган насафлик аллома бўлиб, кейинчалик Самарқандга келиб, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида барпо этилган Иброҳим Табғачхон мадрасасида мударрислик қилган ва ўзининг юқоридаги асари асосида талабаларга дарс ўтган. Бир ўринда олим-мударрис ўз устозлари ҳақида маълумот берар экан, Абу Али Ҳусайн ал-Ҳақоний номини тилга олади ва у Самарқанддаги «Амир» гузарида жойлашган илк мадрасанинг мударриси эканини ёзади. Бу маълумотдан кўринадики, шу пайтгача илк мадраса номини олган Иброҳим Табғачхон мадрасасидан ҳам олдин Работи Ғозиён мадрасаси фаолият кўрсатган.

2000-2004 йилларда Самарқанд Давлат университети (СамДУ) олимлари томонидан Ўзбекистонда олий таълим тарихига оид бир қатор мақолалар ва рисолалар чоп этилди. Уларнинг энг эътиборлиси академик, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ботурхон Валихўжаевнинг тадқиқотларидир. Ушбу муҳим мавзу 2003 йили СамДУда ўтказилган олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг сайёр йиғилишида ҳам ўртага ташланган эди.

Академик Ботурхон Валихўжаев ўзининг 2001 йили нашр этилган «Самарқандда олий таълим мадрасайи олия – университет тарихидан лавҳалар» номли илмий-оммабоп рисоласида IX-X асрларда Самарқандда 17 мадраса фаолият кўрсатганини, шулардан бири Работи Ғозиён эканини, у энг қадимий мадрасалигини айтиб ўтади.

«Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» китобини нашрга тайёрлаган олим Саид Акбар Муҳаммадаминов асарда тилга олинган илмлар ва ўрганилиши лозим бўлган маълумотларга ҳам тўхталган эди. Асар муаллифи мадрасада ўрганилган илмларни 23 катта соҳага бўлиб чиқади. Ҳар бир соҳа яна бир неча фаслга ажратилган. Табиийки, ўрганилган илмларнинг асосини, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комилликка бошловчи диний илмлар ташкил этган. Шу боис муаллиф асосий эътиборни диний илмлар тарғиботига қаратади. Астрономия, астрольогия, математика, тиббиёт, зоология каби дунёвий фанлар асарнинг иккинчи қисмида берилган. Гуманитар соҳага дахлдор фанлар сифатида тарих, шеърият, шеърий санъатлар, мақоллар ва сирли илмлар эътироф этилган.

Ботурхон Валихўжаев ўз рисоласида Аҳмад Насафий асарида келтирилган дунёвий илмларнинг ўрганилишини Самарқандда IX-X асрларда фаолият олиб борган 25 мадраса мисолида илмий асослаб беради. Айниқса, Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясида Аҳмад Насафий таъкидлаган илмлар билан бир қаторда, фалсафа, мантиқ, ҳандаса, география, алжабр каби фанларнинг атрофлича ўрганилганини алоҳида таъкидлайди. Бундан чиқадики, XII-XIII асрлардан бошлаб фаолият олиб бораётган Европа университетларидан 2-3 аср олдин,

аниқроғи, IX асрда олий илм даргоҳи ўзимизда, Самарқандда ташкил этилган. Бу халқимизнинг ҳақли равишда фахрланишига асос бўлади.

Ўз сарҳисобини IX-XII асрларда бошлаган мадрасайи олиялар тарихимизнинг турли даврларида равнақ топган, хурофот ва бошқа зулмат кучлари таъсирида турғунликка юз тутган.

Европанинг қадимги университетлари тарихи ҳам шунга ўхшаш даврларни ўз бошидан кечирган, албатта. Масалан, Буюк Британиядаги дунёга таниқли Оксфорд университети фаолияти 1117 йилдан бошлаган, деб ҳисобланади.

Саламонка (Испания) университети ташкил этилиш тарихи 1218 йил деб белгиланган. Қирол Алфонс IX нинг фармони билан «Студиум Генерале» деб номланган умумтаълим мактаби ташкил этилган. У асосан муқаддас ёзув ва шариат ҳуқуқини ўргатишга ихтисослашган. Қирол Алфонс X ҳукмронлигида ушбу умумтаълим мактаб мақоми ўзгартирилиб, университет (мадрасайи олия) деб номлана бошланган.

Мисрдаги, араб дунёсидаги энг йирик Ал-Азҳар университети 988 йили ташкил топган, деб қайд этилади. У ердаги таълим дастлаб масжид ҳовлисида исломнинг шиъа йўналишидан таълим берувчи мактаб бўлган. Ўз тарихида ислоҳотларни бошидан кечирган ушбу университет кейинчалик сунна таълимининг йирик мактабига айланган. XIX асрнинг охирларидан эса ушбу олий таълим муассасаси ҳозирги университет мақомига эга бўла бошлаган.

Дунёдаги энг машҳур Гарвард университетига 1636 йили бадавлат ҳомий Жон Гарвард томонидан асос солинган ва у ўз фаолиятини дин арбобларини ўқитишдан бошлаган. XVIII аср мобайнида унинг фан дастурлари аста-секинлик билан дунёвийлашиб борган ва XIX асрнинг охирига келиб АҚШнинг асосий илмий-маънавий марказига айланган.

Юқоридагиларга ўхшаш таҳлилий мулоҳазаларни Италиядаги Болоня (1088 йил), Марокашдаги Ал-Карауин (859 йил), Франциядаги Сорбонна (1180 йил) ва бошқа бир қатор университетлар ҳақида ҳам айтсак бўлади.

Маълумки, ўтмишимизда учта буюк Уйғониш (Ренессанс) даври бўлганини жаҳон тан олган. Биринчи уйғониш қадим Туркистонда илк бор IX-XI асрларда юз берди. Бу давр бизга Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Форобий ва бошқа алломаларни берди. Бу олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, мантиқ, жуғрофия, тиббиёт фанлари ривожланиб, инсоният учун энг зарур илмий масалалар ечимига беҳисоб ҳисса қўшилди. Иккинчи уйғониш даври соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида юз берди. Бу даврда илм-фан, маданият ва маърифат ривожланиб, Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, кейинчалик Шайбонийхон даврига келиб, юқорида номлари саналган илмлар олий ва ўрта тоифадаги мадрасаларда яна равнақ топди.

Биринчи уйғониш даври билан иккинчи уйғониш даври ўртасида бир ярим асрлик оралиқ бўлса, иккинчи уйғониш даври билан учинчи уйғониш даври оралиғи тўрт аср давом этди. Туркистонда учинчи уйғониш даври XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида рўй берди. Ҳар бир уйғониш даври илм-маърифат равнақига ҳисса қўшар экан, илмлар доираси янада кенгайиб, такомиллашиб борди. Қатор илмларнинг тамал тошини қўйган аждодларимизнинг яратган илм соҳалари ҳозир ҳам замонавий шаклда хорижий давлатларда ҳам, ўзимизда фаолият олиб бораётган университетларда ҳам ўрганилмоқда ва ўқув дастурларига киритилмоқда.

Ўрта асрларда олимларнинг илмий рутбаси аллома, мутафаккир, донишманд каби сифатлар билан тилга олинган бўлса, бугун бу илмий мартаба академик, фан доктори, профессор каби номлар билан аталиб келинмоқда.

Мадрасаларимиз тарихидаги бундай нурли саҳифалар XVI асргача давом этди. Темурийлар салтанатининг инқирози мадрасалар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Ана шу инқироз туфайли 1920 йили Самарқандда ўз фаолиятини тўхтатган энг сўнгги илм даргоҳи – бу Мирзо Улуғбек ва Шердор мадрасалари бўлди. Орадан 7 йил ўтгач, 1927 йили ҳозирги Самарқанд давлат университети ташкил этилди. Дастлаб педагог-кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти 1929-1930 йилларда педакадемияга айлантирилди. Шундан буён университет 90 йил давомида тарихий йўлни босиб ўтди. Халқимизнинг интеллектуал

салоҳиятини белгилайдиган маърифат ўчоғи, мамлакатимизнинг кадрларга бўлган талабини қондириб келган таълим муассасаси сифатида фаолият олиб борди.

Маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» асарида юртимизнинг бой тарихига баҳо бериб: «Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият қуёшининг чиқиш жойи, маърифат дунёсининг манбайи сифатида танилган эди», – деб ёзган эди.

Олий таълим муассасаларимиз тарихини, буюк алломаларимиз таҳсил олган ва улар томонидан асос солинган даврларга боғлаш масаласини кўриб чиқадиган вақт етиб келди, деб ўйлайман. Бу ишимиз тарихий адолатни тиклаш баробарида, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларимизни ватанпарварлик, илмпарварлик руҳида тарбиялашга, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

УДК:378.(575.1)(09)

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ШАКЛЛАНИШИДА МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАСИНИНГ ЎРНИ

М.Қ.Қодиров
Самарқанд Давлат университети

Ушбу мақола Ўзбекистонда олий таълим ва илм-фан шаклланиши ҳамда тараққиётида Мирзо Улуғбек мадрасаси ва расадхонасининг аҳамияти, жаҳон тамаддуни ривожида тутган ўрни, замонасининг энг илғор методлари билан осмон жисмлари кузатиш, шунингдек малакали мутахассислар тайёрлаш фаолиятига бағишланган.

Инсоният, жамият ва давлатлар тарихида шундай ҳодиса ва воқеалар юз берадики, буюк сиймолар яшаб, ижод қилишадики уларнинг қадр-қиммати ва тарихий аҳамияти йиллар, асрлар ўтгач янада тиниқлашиб, кишиларнинг маданий ва миллий меросига айланиб абадиятга дахлдор бўлади. Бу ўринда бизнинг ўзбек халқимиз ўзининг буюк ўтмиши, олиму фузалолари, мутафаккирлари ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Мотуридий, Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Беҳбудий, Бурҳониддин Марғиноний, Фитрат, Чўлпон кабилар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Айниқса, IX- XV асрларда яшаб, ижод этган аждодларимиз жаҳон тамаддуни тарақиётида тиббиёт, математика, геология, физика, астрономия ва тасаввуф илмини, ислом маданияти ривожланишида оламшумул ишларни амалга оширганликларини кўхна тарих исботлаб турибди.

Жаҳон илм аҳли ва нуфузли тарихчилари ҳали Европа уйғониш даврини бошидан кечирмаган вақтларда жаҳон илм-фан тараққиёти, маданиятида муҳим рол ўйнаган мусулмон ренессансида ўзбек халқининг буюк фарзандлари (биргина, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг фанга киритган янгилик ва кашфиётларини ўзи нақадар салмоқли эканлигини эсга олиш кифоя) муносиб ҳисса қўшганлар. Шу ўринда тарихда иккинчи ренессанс номи билан машҳур бўлган Амир Темур ва унинг сулолалари давридаги маданият, илм-фан, таълим тизимини чет эл ва ўзбекистонлик тарихчи олимлар, мутахассислар томонидан ўрганиш ҳануз долзарблигича қолмоқда. Бу соҳадаги тадқиқотлар билан мамлакатимизда жиддий шуғулланиш имкониятлари фақатгина истиқлол туфайли пайдо бўлди.

Биз ушбу мақоламизда ўзбек илми ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси буюк астроном олим Мирзо Улуғбек бобомизнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олий таълим тизими ва илм-фанни ривожлантиришдаги ҳиссаси тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

Амир Темур шахсияти (феномени)ни, Амир Темур салтанати даврида Турон давлати ҳудудида илм-фан, маданият, шаҳарсозлик, деҳқончилик, ҳунармандлик санъатининг гуркираб ривожланиш сирини унинг қуйидаги сўзлардан ҳам англаб олса бўлади: «Мен олимларга, илоҳиётчиларга, файласуфларга ва тарихчиларга ҳурмат - эҳтиром кўрсатдим. Мен уларни ҳурмат қилдим ва эъзозладим». Темур бобомизнинг набиралари Мирзо Улуғбек ана шу давр муҳитида катта бўлгани ва замонасининг илғор билимлари билан қуролланганлигини туфайли

оламшумул ютуқларга эришганлиги исботлаб турибди. Лекин бугунги кунда Улуғбек даҳосини тўлиқ ўргандик ёки унинг таълим ва илм-фан соҳаларидаги улкан ишларидан миллатимиз маданий меросини тараннум этувчи хулоса ҳамда амалий таклифлар чиқара олдикми, деган саволларга баралла «ҳа», деб жавоб бера олмасак керак.

Улуғбек илмий ва маданий меросининг турли жабҳаларини ўрганган В.В.Бартолд [1], Қори Ниёзий [2], Ботирхон Валихўжаев [3-4], Ашраф Ахмедов каби олимларимизнинг муҳим асарларини эътироф этиш билан бир қаторда, буюк бобокалонимизни ўзбек илм-фани ва таълим тизимини шаклланиши, тараққиётидаги муҳим хизматларини бугунги кун билан боғлашдек муҳим қирралари очиб беришга тарихчи олимларимиз айниқса, бу масалани ҳукумат даражасига олиб чиқишга илм-фан, таълимнинг республика миқёсидаги мутасадди раҳбарлари «ботина олмагандек» кўринадилар. Нафақат жаҳон аҳли, ҳатто Ўзбекистонимиздаги кўпчилик аҳоли ҳам Мирзо Улуғбек бобомизни астроном олим ва давлат арбоби сифатидагина билишади, холос. Чунки унинг математика, география, тарих, адабиёт ва санъат, социология ҳамда ижтимоий соҳалардаги фаолият, ишлари оммавий ахборот воситаларида, нашрларда кенг ёритилмаган, баъзи ҳолларда уларнинг илмий-маданий қадр-қимматига етарли даражада урғу берилмаган. Масалан, унинг 1425 йилда яратилган «Тўрт улус тарихи» китоби инсониятнинг пайдо бўлишидан то Амир Темур давригача, шу жумладан, Чингизхон даври, унинг авлодлари тарихини ўз ичига олган мукаммал асар ҳисобланади. Улуғбек илмий мероси тўғрисидаги дастлабки асарлар, муҳокама ва тақризлар ҳам чет эллик олимлар, мутахассислар, ёзувчи, тарихчилар томонидан ёзилган ([1]; [5-7]).

Дарҳақиқат, Улуғбек илмий ва маънавий мероси ўзининг кенглиги, унинг ўзи эса ўша даврнинг энг илғор фуқароси сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси яхлит ҳолда ёритиб берилган дейиш қийин. Шунинг учун ҳам Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йил 13 июнь куни мамлакатимиз суд органлари вакиллари билан бўлган учрашувда Улуғбек мактабини яратиш тўғрисидаги фикрни ўртага ташлаганликлари бежиз эмас.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни келтиришдан мақсад нима? деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 майдаги 596-Ф сонли фармойиши билан Самарқанд Давлат университети ташкил топганининг 90 йиллиги нишонланади, 2018 йилда эса ўзбек университетлари сардори Ўзбекистон Миллий университети 100 ёшга тўлади. Энди чет эллардаги университетларни ёшига эътибор берайлик. Англиянинг Оксфорд шаҳрида 1096 йилда диний дарслар ўтилгани ва 1117 йилда эса Оксфорд университетини англиялик руҳонийлар ўзларининг ибодат қилувчиларига, худди шунингдек, АҚШдаги Гарвард университети (1636 й.) ҳам асосан руҳонийлик, Швециядаги Упсала университети (1477 й.) черков асосида теология фанлари бўйича, Мисрдаги Ал-Азхар университети (988 й.) шиъа асослари бўйича таълим бериш учун ташкил қилинганлиги маълум. Агар бу университетларни 1420 йилларда бевосита Улуғбек томонидан ташкил қилинган мадраса таълимидаги фанлар билан таққослайдиган бўлсак, бу мадрасада Қуръон ва ҳадислардан ташқари, ўнлаб табиий (математика, астрономия, география ва ҳ.к.) ва ижтимоий-гуманитар (тарих, мантиқ ва ҳ.к.) фанлар ўтилганини кўриш мумкин [3-4,8], (Б.Валихўжаев, М.Турсунова ва бошқалар). Шу ўринда Самарқанд Давлат университети ректори Р.Халмуродовнинг «Ўзбекистон овози» газетасидаги «Ўзбекистон университетлари неча ёшда?» [9] ҳамда университет доценти М.Бобохоновнинг «Халқ сўзи» газетасидаги «Қадимий университетлар ватани» мавзусидаги [10] эълон қилинган мақолаларида бу масала яна бир бор кўтарилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу муаммо 2000-2008 йилларда Самарқанд Давлат университети олимлари (Б.Валихўжаев, Р.Холмуродов, М.Муҳиддинов, Д.Салоҳий, Т.Ширинов, М.Турсунова, С.Каримов ва бошқ.) томонидан Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси, шунингдек, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз шаҳарларидаги ана шундай таълим масканлари асосида Ўзбекистонда қуйи, ўрта ва олий таълим берувчи мадрасалар VIII - XI асрларда шаклланган, XII-XV асрларда эса мукаммал таълим тизимига айланганлиги хулоса қилинган. Хусусан, камтарин ва фидойи инсон, таниқли олим, академик Ботурхон Валихўжаевнинг Самарқанд Давлат университети тарихи тўғрисида айтган қуйидаги гаплари алоҳида аҳамият касб этади: «...Бас шундай экан, Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг маълум маънода бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш

тарихини ҳам Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг таъсис этилиш тарихи билан боғлаш мақсадга мувофиқ кўринади» [3-4]. 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш тантаналаридан кейин Самарқанд Давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус ишчи гуруҳи ҳам ушбу масала бўйича кўплаб тарихий манбаларни ўргандилар, тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилишди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги, ЎзФА Астрономия институти (Ш.Эгамбердиев), САмДУ (Т.Ширинов) ва кенг жамоатчилик иштирокида 2009 йилда Самарқандда Улуғбекнинг 615 йиллигига бағишлаб “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси” халқаро конференция ўтказилди, Улуғбек расадхонаси ҳудуди ободонлаштирилди, буюк бобомизга янги ҳайкал ўрнатилди, расадхона музейи қайтадан экспонатлар ва янги материаллар билан бойитилди. Аммо Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси бугунги ўзбек таълими, илм-фани шаклланиши, тараққиётида асосий замин бўлгани тўғрисида расмий қарор қабул қилинмади. Ваҳоланки, ушбу ишчи гуруҳ олдига ҳукуматимиз томонидан айнан шу хулосани бериш ва уни тарихий илмий манбалар асосида исботлаш вазифаси қўйилган эди. Лекин бу ишлар нима учундир кейинчалик тўхтаб қолди. Биз САмДУ профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари фақатгина Самарқанд Давлат университети ёшини Улуғбек даври мадрасайи олиялари билан боғлашдан манфаатдор эмасмиз. Асл мақсадимиз, Ўзбекистонимизни дунёга танитган Ибн Сино, Фарғоний, Хоразмийлар ўз даврларида фаолият юритган илғор мадрасаларда таълим олганини ва уларнинг илмий-ўқув даражаси Европа мамлакатлари университетлари даражасидан паст эмаслигини билдириб қўйиш, бинобарин Ўзбекистондаги бошқа олий таълим муассасаларининг ташкил топиш саналари Швеция, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги университетларнинг ёшларидан кичик эмаслигини эътироф этиш, холос. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, 1925 йилда СССР ташкил топганига атиги бир неча йил бўлишига қарамай рус оғайниларимиз Петербург Фанлар академиясининг 200 йиллигини тантанали нишонладилар. Бизнинг Улуғбек мадрасаси – замонасининг илғор университети ва унинг негизида ташкил қилинган расадхона илмий лабораторияси - Фанлар академияси эмасми? Биз негадир тортиниб турган бугунги кунларда Европа ва бошқа мамлакатлардаги олимлар, буюк шахсларнинг бир неча ўн ва юз йиллар олдин айтган хулоса ва эътирофларига эътибор қаратайлик. Жумладан, С. Эдшед: «Мирзо Улуғбек мадрасаси бугунги Кембридж ва Лувиян университетларига ўхшаш, бироқ, улардан ҳам олдин бунёд этилган биринчи қироллик мадрасаларидан бири ҳисобланади. Улуғбек илмий мактаби эса Европа «Қироллик жамияти»дан аввал шаклланган ва унга асос бўлиб хизмат қилган абадийликка дахлдор илмий мактаб эди». Ҳақиқатан ҳам Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси замонасининг университети эди ва унда диний билимлар билан бирга математика, геометрия, астрономия, медицина, тарих, география, поэтика, этика каби дунёвий дарслар ўтилган. Ахир, машҳур француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Вольтер (1694-1778), қарийб 230 йиллар олдин, «Улуғбек Самарқандда академияга асос солди», деган хулосага келади. Бизнинг заминда бунгача ҳам Хоразмда Маъмун академияси 1010 йилларда ташкил қилинган. Улуғбек расадхонаси ва мадрасси обрў-эътиборини инобатга олиб, уни Улуғбек академияси деб бежизга айтмагандир. Таниқли шарқшунос олим В.В.Бартольд ўзининг «Улуғбек ва унинг даври» асарида [1] олий мусулмон диний ўқув юртлари халифаликнинг шарқий чеккаларида унинг марказий ва ғарбий вилоятларидан олдинроқ пайдо бўлган, деган хулосаларга келади.

Мирзо Улуғбек ўзининг мадраса ва расдхонаси фаолиятини биргаликда, яхлитликда, кетма-кетликда олиб бориши ўрта асрларда таълим, фан интеграциясини бошлаб берганидан гувоҳлик беради. Мадрасада мударрисларни танлаш ва ажратиш, уларга маошлар белгилаш, толиби илм(талаба)ларга стипендиялар тўланиши, қабул жараёнида малакали мударрис (ўқитувчи)лар билим олувчилардан суҳбат – имтиҳонлар олиши, талабаларни қобилиятларига қараб 3 та тоифага ажратилиши, ўқиш муддатларини вақтларга бўлиниши бугунги кун олий таълим муассасаларига хос элементлар, расадхонада юлдузларни осмонда жойлашиш координаталарини ва ҳаракат траекторияларини аниқлаш, бу тадқиқотларнинг илмий методологик жиҳатларини ишлаб чиқиш, кузатув натижаларини муҳокама қилиш (илмий семинар) ва китоб (асар)лар шаклида чоп этилиши замонавий университетлар қошидаги илмий тадқиқот институтлари ва уларнинг таркибидаги лабораторияларга ўхшаб кетиши билан ҳам ҳайратлидир.

«Ўтмиши кўмилган миллатнинг истиқболи ҳам зулмат пардаси остидадир», деб ёзади машҳур венгер олими Ҳ.Вампери. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ўзбек давлатчилиги тарихини янгича ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш (“Наврўз” байрами, муқаддас ҳаж зиёрати, диний эркинликлар ва ҳ.к.), миллатимиз маданиятини белгилайдиган асориатиқаларни рўйхатга олиш, қадимий шаҳарларимиз – Самарқанд, Қарши, Тошкент, Хива, Марғилон шаҳарларининг минг йилликларини ЮНЕСКО иштирокида байрам қилиш ва маданий мерос сифатида қўриқлаш лозимлигига эришиш каби оламшумул ишларни амалга оширдик. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, таълим ва илм-фанимиз илдизларини қайси даврлардан бошланганлигини ҳанузгача белгилаганимиз йўқ. Биз зиёлилар ёшлар тарбиясида ҳам, мамлакатимизнинг кейинги тарихини яратишда ҳам, фан ва маданиятини жаҳон тамаддуни ривожидаги ўрнини белгилашда ҳам IX-XV асрларда фаолият юритган мадрасалар ҳамда бу илм даргоҳларидаги буюк аждодларимизнинг илмий-маданий меросини ўрганиш, келгуси авлодларга етказишга масъуллигимизни ёдда тутишимиз керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф ва хулосалар сифатида келтиришни лозим деб топдик:

биринчидан, давлат миқёсида Улуғбек мадрасаси фаолият юритган йилни (1420 йил), Самарқандда олий таълим муассасаси – университет ва расадхона қуриб битирилган йилни (1429 йил) эса академия ташкил топган сана деб расман қабул қилиш;

иккинчидан, бу саналарни расман қабул қилиниши тарихий ва илмий асосларини янада мукаммал ўрганиш, ҳукумат даражасига олиб чиқишни Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик, Астрономия ва Археология институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университети, Бухоро Давлат университетлари раҳбарияти ва олимлари зиммасига топшириш;

учинчидан, мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари, олий таълим муассасаларида ЎзФА иштирокида Улуғбек мактабларини табақали равишда ташкил қилиш;

тўртинчидан, умумтаълим мактабларида ҳам астрономия дарсларини киритиш ҳамда олий таълим муассасалари (ЎзМУ, САмДУ, ҚарДУ)да «5140400 - Астрономия» таълим йўналишини физик-астроном деб ўзгартириш ва бу таълим йўналишини битирганларга таълим муассасаларида ишлаш (дарс ўтиш) ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Адабиётлар

1. Бартольд В.В. Улугбек и его время. -Петроград,1928.
2. Қори - Ниёзий Т.Н. Улуғбек ва унинг илмий мероси. -Т.:«Ўзбекистон» нашриёти, 1971.- 294 б.(Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. М. 1950 йилда Москвада чоп этилган монографиянинг ўзбекча таржимаси).
3. Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим мадрасайи олия-университет тарихидан лавҳалар. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.-184 б.
4. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. -Самарқанд, САмДУ нашри, 2001.-48 б.
5. Ўрта асрлар Шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари: китоб-альбом. Ш.Салихов ва бошқ. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2014. – 154 б.
6. Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси. Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги ва 2009 – халқаро астрономия йилига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари, Самарқанд, 9 - 11 июнь 2009 йил. Тошкент-Самарқанд: «Фан», 2009.- 396 б.
7. Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд. Ўзбекистон Республикаси «Фан» гашриёти, 2007.-461 б.
8. Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи. -Самарқанд: САмДУ нашри, 2010.-110 б.
9. Халмурадов Р. Ўзбекистон университетлари неча ёшда? «Ўзбекистон овози» газетаси, 2017 йил 1 июнь, №367(32.282).

10. Бобохонов М. Қадимий университетлар ватани. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 22 июль, №144(6838).

УДК: 378.(575.1)

САМДУДА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК САЛОҲИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.Ж. Холиқов

Самарқанд Давлат университети

Бугунги кунда илм-фан ва таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Илм-фан ва таълим соҳасидаги институтционал ўзгаришлар, биринчи навбатда, ўқитиш сифати, илмий салоҳият даражасини оширишга қаратилган бўлса, иккинчидан инновацияларни ривожлантириш негизида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун республикамизда интеллектуал салоҳиятни ошириш ва уларда рағбатлантириш тизимини кенг жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Олий таълимнинг ижтимоий масъулияти кўп жиҳатдан ҳар бир инсоннинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва шу йўл билан ўз фаровонлиги ҳамда умуман, жамият фаровонлигини оширишга имкон беради. Шунинг учун кўпгина мамлакатларда олий таълимни ривожлантириш стратегияси миллий стратегия устуворликлари билан белгиланиб, унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари янада ривожлантирилмоқда. Натижада таълим тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада сифатни янада ошириш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, мамлакатимиз 2012 йилда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дунё мамлакатлари ичида 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш бўйича 141 мамлакат орасида 2-ўринни эгаллаган [1]. Мамлакатда юқори малакали кадрларни тайёрлаш меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлашга, илмий фаолиятни самарали ташкил этиш орқали илмий асоси юқори бўлган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш эса бир қанча ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Бунда янги иш жойларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш кабиларни таъкидлашимиз мумкин. Шу билан бирга, мамлакатда аҳолининг интеллектуал салоҳияти юқори даражага кўтарилиши иқтисодиёт реал секторида инновацион фаолиятни ривожлантиришга замин яратади. Натижада жамият аъзолари эҳтиёжи қондирилиши доимий равишда таъминланиб борилади. Юқоридаги имкониятларни амалга оширишда Самарқанд Давлат университетида интеллектуал салоҳиятни оширишга таъсир этувчи омилларни тизимли тадқиқ этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда таълим тизимини ривожлантириш учун бир қанча мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди. 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909 сонли қарорлари [2] шулар жумласидандир. Мазкур қарорларнинг асосий мақсади, авваламбор, инновацион ғояларни ривожлантириш натижасида интеллектуал салоҳиятни ошириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Мамлакатимиз таълим тизимида интеллектуал салоҳиятни янада ошириш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларига бўлган талабни тизимли ўрганиш натижаларига қараб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Самарқанд Давлат университети жамоаси ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда йўриқномаларида кўрсатилган меёрий талаблардан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш

вазифасини амалга оширмоқда. Таълим билан биргаликда илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳозирги замон талабаларидан ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ёш изланувчиларда янгиликка интилувчанликни шакллантириш билан бир вақтда уларнинг илмий салоҳиятини оширади. Университет физика, астрономия, математика, информатика, механика, кимё, биология, география, экология, филология, фалсафа, тарих, археология, педагогика, психология, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш учун замон талаблари даражасида юқори малака ва илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган.

Университетда кадрлар тайёрлаш 34 та бакалавриат йўналишида, 40 та магистратура мутахассислиги бўйича йўлга қўйилган бўлиб, ёш кадрларни тайёрлашда фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига ҳамда республикамиз иқтисодиётининг кадрларга бўлган эҳтиёжига асосий урғу берилади. Масалан, 2017-2018 ўқув йилида университетда бир қатор, жумладан биотехнология, доривор ўсимлимкларни етиштириш технологияси, кимёвий технология, тупроқшунослик, демография каби янги йўналишларда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Яқин келажакда университетимизда ўрмончилик, балиқчилик, электроника, асбобсозлик, технологик жараёнларни автоматизациялаштириш, материалшунослик каби муҳим соҳаларда кадрлар етиштириш режалаштирилган. Шунингдек, хорижий илмий марказлари тажрибаларини ўрганиш ҳамда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли қарорига асосан ривожланган Европа, АҚШ ва Осиё мамлакатлари илмий марказларида ёшларимизнинг ўқишини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкаларини ташкиллаштириш борасида тадбирлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йиллар давомида 100 дан ортиқ университет талабалари ва ёш ўқитувчиларининг нуфузли хорижий университетларда магистратура, докторантурада ўқишлари ва малака оширишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони замонавий фан ва технологияларнинг долзарб масалаларини ечишда ижодий ёндаша оладиган кадрларни тарбиялашда ҳамда ОТМлар салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу фармонга асосан республикамизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг 2 босқичда, яъни таянч докторантура (фалсафа доктори) ва докторантура (фан доктори) орқали илмий даража олиш тизими жорий қилинди. Бу борада университетимизда 41 мутахассисликлар, жумладан 02.00.12 – нанокимё, нанофизика ва нанотехнология, 02.00.06 – юқори молекуляр бирикмалар, 05.01.02 – тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш, 11.00.05 – атроф муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, 03.00.13 - тупроқшунослик каби янги йўналишларда фалсафа докторлари ва фан докторлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Университетда илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган фан докторларининг 50 нафардан ортиғи илмий кадрлар тайёрлаш жараёнига жалб қилинган.

Илмий кадрлар тайёрлашда республикамиз иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда докторантура кўламини кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқот институтлари салоҳиятидан, моддий техник базасидан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Университетимизда илмий-тадқиқот ишларини самарали олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари жумладан, ядро физика институти, ботаника институти, ион-плазма ва лазер технологиялари институти, астрономия институти, зоология институти ва бошқа илмий марказлар билан кўп томонлама ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Ҳамкорликда олимларимиз лойиҳалар доирасида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар, шунингдек, республика илмий марказлари олимлари раҳбарликларида магистрлик ҳамда докторлик диссертациялари бажарилмоқда. Бундан ташқари, иқтидорли талабаларимизнинг республикамиз илмий тадқиқот марказларида стажировка ўтишлари учун дастур ишлаб чиқилган. Шунингдек, илмий тадқиқотларни янада жадаллаштириш, талабаларнинг илмий кўникмаларини ошириш мақсадида университетда тажриба майдончалари, «Астрономия» ва «Компьютер дастурчилиги» ўқув-илмий марказлари, «Яшил кимё» ва «Биохилма-хиллик ва экология» ўқув-илмий комплекслари фаолият кўрсатмоқда.

Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда уларнинг Давлат илмий-техник дастурларига мослиги ҳамда олинган натижаларнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларига жорий этилишига ҳамда лойиҳалар доирасидаги илмий-тадқиқот ишларига талабаларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги вақтда университетда табиий, аниқ ва гуманитар фанлар йўналишларида 18 та фундаментал, 16 та амалий ва 1 инновацион лойиҳалар доирасида 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ҳамда 95 нафар талаба ва магистрлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ушбу лойиҳалар математика, биология, физика, кимё ва география йўналишларидаги долзарб илмий муаммоларни ечишга қаратилган. Олимларимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг аҳамияти олинган натижаларнинг амалиётга татбиқи даражаси ҳамда нуфузли илмий журналларда чоп этилиши билан аниқланади. 2016 йилда олимларимиз томонидан нуфузли хорижий ва республика илмий журналларда 350 дан ортиқ мақолалар, 110 та монография ва ўқув қўлланмалар чоп этилди. Кейинги йилларда математика, физика, кимё, география, биология фанлари йўналишларида хорижий илмий журналларда кўп мақолалар чоп этилиши ва бинобарин, олий ўқув юртимиз олимлари томонидан чоп этилган илмий ишларга иқтибослик даражаси бўйича Ўзбекистон Миллий университети қаторида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиши университетимиз илмий мактабларининг нуфузидан далолат беради.

Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Самарқанд ТЕЛЕКОМ, ОАЖ «Самарқандкимё», «ЎзБАТ» қўшма корхонаси, «Пульсар» АЖ, «Самарқанд Пахта Саноат» корхонаси, «Самавтогазтаъминот» ОАЖ, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шулар жумласидандир.

Жаҳон стандартларига мос равишда кадрлар тайёрлаш ҳамда давлатимизнинг илмий-техник салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш тўғрисида гапирар эканмиз, албатта олий таълим муассасалари моддий техник базасини мустаҳкамлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Ушбу йўналишдаги муаммолар нафақат Давлат дастурлари доирасида, балки ОТМларнинг ўзлари ҳам халқаро фондлар инвестицияларини жалб қилиш орқали ҳал қилиниши лозим. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, университет биология, кимё, физика фанлари йўналишидаги ўқув ва илмий лабораториялари 2016-2017 ўқув йилида давлат дастурларига асосан, Германияда ишлаб чиқарилган янги замонавий асбоблар билан жиҳозланди. Шу билан бирга, сўнгги 3 йилда халқаро фондлар маблағлари ҳисобидан 400,0 минг Еврога физика йўналишидаги илмий лабораториялари учун замонавий асбоблар харид қилинди. Жумладан, газ хроматографи, «Дехсил» анализатори, рақамли оссиллограф ва газ генератори каби янги асбоблар билан кимё лабораториялари бойитилди ҳамда атом ва ядро физикаси соҳасига тегишли замонавий асбоб-ускуналар физика факультети лабораторияларига ўрнатилди. Бундан ташқари, 2017 йилда халқаро ТИКА ташкилоти гранти ва Ерасмус Мундус дастури маблағлари ҳисобидан 40 дан ортиқ замонавий компьютерлар олиниб, замонавий лингафон кабинети ҳамда «Табиатни муҳофаза қилиш ва экология» маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорларида белгиланганидек, олий таълим тизимида ўқув жараёнларни такомиллаштириш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда инновацион фаолиятнинг самарали тизимларини жорий қилиш Олий ўқув юртларига жуда катта маъсулиятни юклайди. Бу ишларни амалга ошириш учун Самарқанд Давлат университетининг 2017-2030 йилларда истиқболли ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегияга асосан яқин йилларда қуйидаги муҳим вазифаларни бажариш белгилаб қўйилган:

- мавжуд илмий лабораторияларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш. Республика ва хорижий илмий марказлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш.
- ўқув жараёнини ташкиллаштиришда хорижий олий таълим муассасалари тажрибаларидан фойдаланиш, илғор педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқи кўламини кенгайтириш.
- талабаларнинг чет тилини ва илғор компьютер технологияларини ўзлаштириш чораларини такомиллаштириш.

• илмий ва ўқув лабораторияларни замонавий асбоблар билан жиҳозлаш. Университет информацион-технологик базасини замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш орқали мустаҳкамлаш.

• профессор-ўқитувчиларнинг ва иқтидорли талабаларнинг чет эл илмий марказларида стажировка ўташларини ҳамда магистратура ва докторантура институтларида ўқишини ташкиллаштиришнинг самарали механизмини яратиш.

• саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган инновацион тадқиқотларни амалга ошириш.

• нуфузли хорижий Олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда илмий-ўқув марказларини ташкил этиш.

• педагог кадрларни касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириш, педагог ва илмий ходимларни стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, ОТМ битирувчиларини ПҳД дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикамизда мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, уни жаҳон стандартларига мос равишда илмий кадрларни тайёрлаш орқали ошириб бориш, университет олдида турган улкан масалаларни ечишга имконият яратади.

САМДУ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ САЛОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

А.Эштаев
Самарқанд Давлат университети

Ўзбек миллати тамаддунининг бугунги камолотида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлган Самарқанд давлат университетининг маънавий илдизлари халқимиз тарихининг бир неча йилликларига бориб тақалиши баробарида, ўз фаолияти давомида ана шу миллий маънавиятнинг такомили ва тобора юксалиб боришига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кейинги асрларда у илм-фан ва маданият ривожига нафақат тайёрлаган салоҳиятли кадрлари билан, балки бу соҳада тўпланган бой тажрибалар маскани сифатида ҳам шуҳрат топди.

Университетда маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия соҳасидаги ишлар мустақиллик мафкурасига асосланган ҳолда олиб борилади ва бунда асосий фаолият миллий қадриятларни эъзозлашга ҳамда уни тарғиб қилишга йўналтирилган.

Олиб борилаётган ҳар бир маънавий тадбир талабалар онгига миллий ғояни сингдириш, Ватанга муҳаббат, ўзликни англаш, мустақилликнинг қадрига етиш каби туйғуларни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган.

Маънавий-маърифий ишлар шахснинг маънавий камолотини юксалтириш; диний бағрикенглик, сиёсий-ҳуқуқий, экологик, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятни, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанликни шакллантириш; миллий байрамлар, тарихий саналар ва буюк аждодлар таваллудини нишонлаш; ёшлар ва аҳоли турли табақалари ўртасида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш каби йўналишларида олиб борилмоқда. Турли мавзуларда мунтазам равишда семинар-тренинглар, тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Университет талабаларининг Ватанга ва ўз халқига меҳр-муҳаббатини, миллий ғурур, ифтихор туйғуларини юксалтиришга қаратилган анъанавий «Талабалик баҳори» фестивалининг, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Барҳаёт анъаналар» каби кўрик-танловларни мунтазам ўтказиш йўлга қўйилганлиги, СамДУ Бош ўқув биносида юртимиздаги таълим, маънавият ва маърифат тарихига доир «Маърифат бўстони: кеча, бугун ва келажак жилолари» деб аталувчи рангтасвирлар мажмуаси (панно) яратилганлиги, мустақиллик йилларида Самарқандда яратилган маънавий иншоотлар рўйхати тузилганлиги, «Самарқанднинг маънавий ўчоқлари» номли электрон харита ишлаб чиқилганлиги, ана шу йўлланма ва қўлланмалар асосида талабалар учун очиқ осмон остида ҳамда ўқув ва маънавият хоналарига қўйилган компьютерларда виртуал саёҳатлар амалга оширилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Самарқанд давлат университети ўз фаолияти давомида регионда турли шаклдаги маънавий-маърифий тадбирларнинг байроқдори бўлиши баробарида, унда фаолият олиб борган ва олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг яратган янгиликлари, амалга оширган кашфиётлари, умуминсоний муносабатлар ва миллий қадриятларга бўлган муносабатлари, таълим соҳасидаги илғорлиги билан йиллар давомида бошқаларга ибрат намунаси бўлиб келмоқдалар. Бу эса дорилфунуннинг чинакам маънода маънавий-маърифий маскан эканлигини тасдиқлаб туради.

САмДУнинг ана шу салоҳиятини, мамлакат илм-фани ва миллий таълим тизимини барпо этиш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқотлар, адабиёт соҳасида эришган улкан ютуқлари, ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари, республикамизга кўпминг сонли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқимиз маданияти ва маърифатини халқаро майдонда намойиш этиш ва тарғиб қилишдаги хизматларини инобатга олган Ўзбекистон ҳукумати бу қутлуғ даргоҳнинг 90 йиллигини жорий йилда кенг нишонлашга йўналтирилган Фармойиш қабул қилди.

Ушбу Фармойишни университет жамоаси нафақат уларнинг кўп йиллик меҳнатлар эътирофи, балки истиқболда амалга оширилидаган вазифалар учун йўлланма сифатида қабул қилди ва ишни ана шу вазифалар стратегияси бегилаб берилган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлгининг гарови» мавзусидаги маърузасини жамоа ва вилоят аҳолиси орасида тарғиб этишдан бошлади.

Чунки муҳтарам Юртбошимиз ушбу маърузасида олдимизга бу борада олиб борилаётган кенг миқёсли ишларни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларни мантиқий якунига етказиш вазифасини олдимизга қўйди. Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатлигини аниқ-равшан белгилаб берди.

Президентимиз ўз маърузасида бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини айтдилар. Энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти эканлигига алоҳида эътиборни қаратган Юртбошимиз ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз дедилар. Муҳтарам Президентимиз ўз маърузаси якунида Ватанимизнинг буюк келажагини сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз, деб ишонч билдирдилар.

Ҳамиша ўзини халқ билан бирга ҳис этган ва унинг тақдирини ўз тақдирим деб билан Юртбошимизнинг бу айтганлари САмДУда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар учун ҳам дастуриламалдир. Шу боисдан, юбилей тадбирлари доирасида бир қатор маънавий тадбирларни ўтказишни режалаштириб олдик ва уларни бажаришга киришдик.

Жумладан, «Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги фани шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд илмий мактабининг тутган ўрни» мавзусида ўтказилган иккита конференция гарчи илмий характерда бўлса ҳам, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун катта маърифий аҳамиятга эга бўлди. Чунки улар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Худойберди Дониёров ва бошқа алломаларнинг илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолиятлари ҳақида янги маълумотлар олдилар ва ибратландилар.

«Шайх Худойдод Вали илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган конференция ҳам худди ана шундай тарбиявий аҳамият касб этди. Конференцияда Яссавия тариқатининг етук намояндаларидан бири,

мутасаввуф шоир ва олим Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва ижоди юзасидан тингланган маърузалардан ташқари алломанинг ЎзФА Тил ва институти катта илмий ходими С.Сайфуллоҳ томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган «Улуғ авлиё» асарининг тақдимоти жуда ҳаяжонли бўлди.

«География XXI асрда: муаммолар, ривожланиш истиқболлари» Республика илмий-амалий конференцияси университет таълими ва маънавиятига сезиларли ҳисса қўшган профессор Мардон Умаровнинг ибратли ҳаётига бағишланганлиги билан тарбиявий аҳамият касб этди.

Бу каби анжуманлар ташкил этиш маърифий тадбирлар доирасида ўзини оқлади. Шу боис, СамДУ тараққиёти ва ривожида, ўзбек илми ва маънавиятида улкан из қолдирган академиклар, фан, маданият ва санъат арбоблари, профессорлар ҳаёт йўлини ўрганиш ва ёшлар ўртасида тарғиб қилишга бағишланган тадбирлар истиқболдаги режадан кенг ўрин олган. Шунингдек, университетнинг нуфузли олимлари, кўп меҳнати сингган ректорлари ҳақида видео ва ҳужжатли фильмлар яратиш ва жамоатчиликка намойиш этиш, илмий-педагогик фаолиятига бағишланган уч тилли буклетлар тайёрлаш ҳам шу тадбирлар доирасига киради.

Вилоят ва шаҳар телевидениеси орқали дорилфунуннинг шонли йўли ҳақида туркум кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрлаб қўйилди. Ҳозирча тўрттаси намойиш этилди, учтаси навбатда турибди. Бу ишга университетнинг З.Муқимов, С.Каримов, М.Турсунова, А.Абдулқосимов, Е.Малиновский, Н.Низомов, А.Насимов, Ф.Набиев, Х.Келдиёров, А.Солеев , Ж.Яхшиликов, Б.Хўжаёров, Ж.Вафоева, М.Қодиров, С.Лақаев, Э.Абдураҳмонов, А.Жумабоев, А.Жабборов, Ў.Жўраев сингари таниқли олимлари жалб этилди.

«Ўзбекистонда илм-фан, олий таълим тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд давлат университетининг тутган ўрни» мавзуларида ўтказиладиган халқаро конференциялардан, шунингдек «Улуғбек астрономия мактаби ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» илмий анжуманидан ҳам катта маънавий-маърифий озиқланиш кутилмоқда.

Нашрга тайёрланаётган «Самарқанд давлат университети тарихи архив ҳужжатларида», «Самарқанд давлат университети илмий мактаблари тарихи», «Самарқанд Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини», «Самарқанд туризм шаҳри» китоблари, фотоальбом ва буклетларда, «Биз – Ўзбекистон ёшларимиз», «Биз – бир жамоамиз» бадиий кўргазмаларини ташкил этишда, «Устоз-шогирд» рукнида икки ва уч авлод учрашувларини ўтказишда, университет тарихига оид нодир китоблар ва қўлёзма манбалар кўргазмасини ташкил этишда жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинди. Энг муҳими, Самарқанд давлат университетидаги маънавий-маърифий, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишларни ўзида жамлаган китоб ҳам нашрга тайёрланди. Бу бизнинг келажакдаги фаолиятимизни изчил режа асосида олиб боришда йўриқнома бўлади.

Маърифат масканлари саналадиган СамДУ илмий-амалий музей-лабораторияси, геология ва зоология музейлари замонавий талаблар даражасида жиҳозланган. Бу ишлар археология музейида давом эттирилмоқда.

Университет тарихида муносиб из қолдирган таълим ва фан намояндаларининг оилаларига меҳр-саховат кўрсатиш ҳамда «Иқтидорли ёшлар Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пойдевори» шиори остида Самарқанд шаҳар олий таълим муассасалари талабалари фестивали ҳам жуда катта маърифий аҳамиятга бўлади. Ёшларимизни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва уларнинг ягона мақсад – Ватан равнақи ва истиқболи йўлида янада мустаҳкам жипслашишларига хизмат қилади.

Хуллас, амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар нафақат Самарқанд илму маърифати тарихида, хусусан Самарқанд давлат университети тақдирида ҳам ғоятда муҳим роль ўйнайди. Дунё таълим тизимининг илғор технологияларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш билан биргаликда, бу қутлуғ масканда маънавий-маърифий, илмий-педагогик соҳаларда анъаналар давом эттирилмоқда ва бу анъаналар, шубҳасиз, Самарқандда замонавий университет моделининг яратилишига хизмат қилади.

УДК: 902.6(09)

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АРХЕОЛОГИЯ МАКТАБИ ТАРИХИДАН

Д.М.Джуракулова
Самарқанд Давлат университети

Ўтган аср 60-йилларининг 2-ярмидан бошлаб Самарқанд шаҳри ташкил топганининг 2500 йиллигини асослаш учун Афросиёб (Самарқанд) шаҳарчасини археологик жиҳатдан ўрганиш бўйича археологик тадқиқот ишлари қизғин бошланиб кетди. Атоқли археологлар В.А.Шишкин, унинг вафотидан кейин Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Афросиёб археологик комплекс экспедицияси кенг кўламли илмий фаолият кўрсатаётган бир вақтда бу ишга кўпгина илмий тадқиқот институтлари, олийгоҳлар, жумладан, ЎзФА Археология, Санъат, Шарқшунослик институтлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд Давлат университети жалб қилинган эди. Шу муносабат билан 1967 йили СамДУ ҳузурида «Афросиёбни тарихий археологик жиҳатдан ўрганиш илмий-муаммовий лабораторияси» ташкил қилиниб, т.ф.н. М.Д.Джуракулов раҳбарлигида археологик отряди ташкил этилди. Унинг таркибида археолог илмий ходимлардан Я.К.Крикис, Н.А.Аванесова, Х.Одилов, А.Н.Улянова, Ф.Алиевалар фаолият кўрсатган ва 1970 йилга қадар отряд ҳаракатда бўлиб, унинг базасида эса 1971 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №448 буйруғи билан СамДУ «Археология» кафедраси ташкил қилинди ва кафедрани М.Д.Джуракулов бошқара бошлаган. Шу вақтдан эътиборан “Ўзбек Археология мактаби”га асос солинди.

Муаммовий лаборатория таркибида ҳаракат қилган археологик отряд Афросиёб шаҳарчасининг ғарбий секторида қазишмалар олиб бориб, шаҳарнинг VIII-XI асрларга оид коммуникацияси, меъморчилиги, йўл қурилиши, сув билан таъминланиш, кулолчилик ҳунармандчилиги, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар тарихига доир қизиқарли илмий манбаларни қўлга киритди ва натижаларини илмий нашриётлар орқали эълон қилди. Хусусан, отряд ходимлари қимматли нумизматик коллекциялар тўплади. Масалан, Ургут туманига қарашли Жумабозор қишлоғи атрофидан XIV асрнинг 1-ярмида Самарқандда ва Бухорода зарб қилинган мис танга пуллар хазинаси, Афросиёбнинг шимолий шарқий қисмидан топилган ва шайбонийлар даврига оид мис тангалар шаҳар тарихини ўрганишда қимматли манбалар сифатида фойдаланилди.

Кафедра 1971-1974 йиллар доц. М.Д.Джуракулов, 1975-1985 йиллар доц. Р.Р.Мукашева, 1986 йил доц. Қ.К.Кубаков, 1986-1993 йиллар проф. Н.А.Аванесова, 1993-2012 йиллар проф. М.Д.Джуракулов ва 2012 йилнинг январь ойидан бошлаб т.ф.н. Д.М.Джуракулова томонидан бошқарилиб келинмоқда.

Айни вақтда кафедра таркибида 18 та профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб келади. Жумладан, тарих фанлари доктори профессор М.Д.Джуракулов, доцентлар Н.А.Аванесова, Д.М.Джуракулова, Н.У.Холматов, ўқитувчилар Р.Б.Абриев, И.М.Қурбонбоев, О.Т.Эргашев, ассистентлардан А.Асланов, У.Умаров, А.Умаров, А.Сандибоев, О.Фатаева, А.Каспаров кабилар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ЎзР ФА Археология институти етакчи илмий ходимларидан т.ф.н. Ж.К.Мирзаахмедов, Б.К.Сайфуллаев ва КИХ М.М.Саидовлар ҳам кафедрада қатор йиллардан бери фаолият олиб боришмоқда.

Университетимизда археология фанидан таълим бериш ишларининг бошланиши университетнинг ташкил топиш тарихи билан боғлиқ кечган. Археологик илмий тадқиқот ишлари эса Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ташкил топиши ва соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари таниқли палеолитшунос олим Давид Натонович Лев номи билан боғлиқдир. Буюк инсон, физик олим Мусо Мўминов 1944 йили уруш туфайли вақтинча ёпилган университетни қайта тиклашга муяссар бўлди ва Ленинграддан эвакуация туфайли Самарқандга келган Д.Н.Левни ишга таклиф қилади. Бу олим археология фанидан таълим ишларини, ўша йилларнинг қийинчиликларига қарамай, бирмунча жонлантириб, Зарафшон водийсининг энг қадимги давр тарихини ўрганишга киришади, дала текширув ва тадқиқот ишларига университет тарихчи талабаларини жалб қилиб, уюштирилган археологик отрядга илмий раҳбарлик қилади, муҳим илмий ютуқларга эришади. Сурхондарёнинг Бойсун тоғи

одамзоднинг мустер давридан бошлаб макони бўлиб келган экан, демак, бу жамоалар танҳо яшамаган бўлса керак ва Зарафшон водийси ҳам энг қадимги даврлардан бошлаб одамзод макони бўлиб, маданият яратилиб келинган ҳавза бўлиши мумкин, деган назарий башоратни илгари суради, амалда бу борада муҳим археологик кашфиётлар қилади. Жумладан, 1947-1948 йилларда ўрта палеолит даврига доир Омонқўтон, Такалисой ғор маконларини топиб ўрганади, Зарафшон водийси бундан аввал 80-50 минг йиллар илгари одамзод томонидан ўзлаштирилиб, ўз даврига нисбатан юксак маданият яратиб келганлиги масаласини биринчи бор илмий жиҳатдан исботлаб берди. Бу тадқиқот ишларида фаол қатнашган талабалардан кейинчалик К.Х.Самибоев, Қ.М.Маматқулов, К.Маҳмудов кабилар фан номзоди илмий даражасини олишди. Д.Н.Левнинг бутун илмий-маърифий ва маданий ҳаётида унинг турмуш ўртоғи меҳрибон аёл Елена Николаевна Амарсева алоҳида ўрин тутган. Бу садоқатли аёл катта лаборант, кичик илмий ходим сифатида Д.Н.Левнинг барча изланишларида фаол, беминнат иштирок этган.

Д.Н.Лев 1958-1969 йиллар Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган сўнгги палеолит (мил. авв. 30-25 минг йилликлар) даврига оид маконини қазиб ўрганиб, ибтидоий уруғ-жамоалар турмуш, хўжалик ва маданияти тарихини илмий жиҳатдан ёритиб берувчи 10 мингдан зиёд меҳнат қуроллари ва бошқа археологик ашёларни қўлга киритиб, бу макон Марказий Осиёда эталон ёдгорлик эканлигини исботлаб, фан оламига алоҳида янгилик сифатида киритишга эришган. Шунингдек, Д.Н.Лев Қоратепа – Сазағон тоғолди массивларида мезолит, неолит (мил. авв. XII-VI минг йилликлар) даврларига доир уруғ-жамоаларининг қатор маконларини, А.А.Асқаров ва Н.А.Аванесова билан Ургут тоғи, Мўминобод қишлоғи атрофида жойлашган жез даври (мил. авв. ИИ минг йиллик)га тегишли моддий маданиятга бой 6 та аёллар қабрларини ўрганиб, ўтмишдошларимизнинг маҳаллий анъаналарига ва мусиқа санъати тарихига доир (суякдан ясалган най) илму фан учун қимматли манбаларни тўплашга эришди ва шу билан бирга ватанимизнинг қадимги маданият тарихига беқиёс илмий янгиликлар киритишга муваффақ бўлди. Жумладан, ватанимиз ҳудудида ташкил топган бу юксак ибтидоий маданий мерос ва ҳаёт ўзга юртлардан кириб келган эмас, балки маҳаллий жойли туб асосда шаклланган, цивилизация сари интилиб яшаган ўтмишдошларимиз ақл-заковати билан яратилган маданий, маънавий мерос маҳсулидир, деган муҳим хулосага келинди. Бу каби бой археологик манбалар асосида университетимизда биринчи бор махсус археология хонасини ташкил қилган.

Д.Н.Лев экспедицияси таркибида талабалик йилларидан бошлаб иштирок этиб, фан сирларини қунт билан ўрганганлардан М.Д.Джуракулов, Э.Б.Бижанов, М.Телеумурадов, К.Махмудов, Ю.П.Холюшкин кабилар фан докторлари илмий даражасига, Н.А.Аванесова профессор илмий унвонларига эга бўлишган. Демак, 1971 йилда ташкил топган Археология кафедраси устозлар томонидан яратилган бебаҳо илмий мероснинг янада ривожланишини муносиб таъминлаганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Устоз Д.Н.Лев вафотидан кейин унинг илмий фаолиятини 1969 йилдан шогирди М.Д.Джуракулов давом эттирди. У 1969-1973 йилларда Самарқанд сўнгги палеолит даври маконини тадқиқ қилишни давом эттириб, бой археологик манбаларни қўлга киритишга эришди. Бу тадқиқотларнинг натижалари сифатида қатор илмий мақолалар, жумладан, «Самарқанд макони ва Ўрта Осиё сўнгги палеолит муаммолари» (Тошкент, «Фан», 1987, 15 б/т), «Самарқанд макони Марказий Осиёнинг эталон ёдгорлиги» (Кишинев, 2000, 12 б/т), «Самарқанд тарихининг кўҳна илдизлари» (Самарқанд, 2006), «Зарафшон водийси археологик ёдгорликлари геологияси» (Самарқанд, 1989, 12 б/т. Э.М.Мамедов ҳаммуаллифлигида) каби қатор монографик тадқиқотлар нашр қилинди.

Кафедра илмий жамоаси 1993-2000, 2001-2009 йилларда «Зарафшон водийси илк цивилизацияси тарихи» мавзусида Давлат гранти маблағлари асосида кенг кўламли тадқиқот ишларини олиб бориб, муҳим илмий натижаларга эришилдилар, кафедранинг моддий техника базаси эса янада юксалтирилди. Марказий Осиё олий ўқув юртлари орасида ягона СамДУнинг «Археология» кафедраси ҳузурида «Археология музей лабораторияси» ташкил қилиниб, замонавий технология билан жиҳозланди. Музей лаборатория проф. Н.А.Аванесова раҳбарлигида самарали илмий тадқиқот ишлар билан бирга, кенг кўламли маданий, маърифий соҳаларда ҳам фаолият юритиб, турли тоифадаги меҳмонларнинг қадамжойига айланган.

Мустақил тадқиқотчилар ва докторантлар, магистрантлар фойдаланадиган илмий база сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кафедра грант маблағлари асосида фаолият кўрсатиб, ватанимиз қадимги цивилизацияси тарихини тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий кашфиётлар қилишга эришди. Айни вақтда кафедра тадқиқотчилари ЎзФА Археология институти билан келишган ҳолда поляк археологлари билан ҳамкорликда «Зарафшон воҳаси тошга ишлов бериш устахоналари» мавзусида илмий изланишларни олиб бормоқда. Шунингдек, Қоратепа – Сазағон тоғининг шимолий-шарқий қия бетларидаги дара сойлар қайирларидан 30 дан зиёд мезо-неолит (мил. авв. 12-6 минг йилликлар) даврларига доир уруғ-жамоларининг манзилгоҳлари, ғор типидаги 10 дан зиёд маконлар топиб ўрганилди. Натижалари эса «Сазағон маданияти» номи билан фанга киритилди. Сўнгги йиллардаги археологик мавсумларда кўп маданий қатламга эга «Очил» ғорини қазиб ўрганиш давом эттирилмоқда ва бу ёдгорлик Сазағон қишлоғи атрофидан 1966 йилда Очил Ибрагимов томонидан дастлаб келтирилган археологик манбаларга нисбатан берилган ҳолда унинг номи билан аталган. У археология фанига қизиқувчан бўлиб, Д.Н.Лев эътиборини қозонган ёш археолог эди. Очил Ибрагимов фан номзоди ва доцент лавозимида фаолият кўрсатиб, археологик дала кузатув ва текширув ишларининг ташаббускорларидан эди. Сазағон маданияти мажмуаси ёдгорликларини ўрганишда марҳум археолог Б.Амирқуловнинг ҳам муносиб хизматларини унутмаслик лозим.

Доц. Н.У.Холматов иштирокида Сазағон, Тепақул, Жангал қишлоқлари атрофида қатор неолит даври маконлари қазиб ўрганилди ва бой археологик манбалар тўплашга эришилди. Мазкур манбалар бу музофотда, умуман, Ўрта Зарафшон ҳавзасида бундан XII, VI-IV минг йиллар илгари яшаган уруғ-жамоаларининг турмуш-тарзи, хўжалиги, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақида қизиқарли археологик маълумотлар берди. Археологик ашё-манбаларнинг гувоҳлик беришича, сазағонлик уруғ-жамоалар илк бор ўтроқ деҳқончиликни кашф қилиб, ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўта бориб, цивилизация сари интилиб яшаган жамоалардан бўлиб чиқди. Бу музофотдаги маконлардан топилган ашёлар сазағонликларнинг Зарафшон ҳавзасида дастлаб ишлаб чиқариш хўжалигининг ташкил бўлганлигидан гувоҳлик бериб, дастлабки ўтроқ деҳқончиликка ўтиш эса илк цивилизациянинг маҳсули сифатида намоён бўлди. Бу каби янги археологик далиллар Зарафшон водийси қадимги уруғ-жамоаларининг маданияти аввалги тасаввурларга нисбатан юксак бўлганлигидан гувоҳлик бериши билан бир вақтда бу водий ҳам илк деҳқончиликнинг дастлаб ташкил топган ватанларидан эканлиги ҳақида, аввалги тасаввурларга нисбатан, янги хулосалар беришга чорлайди. Айни вақтда ҳам бу ёдгорликлар доц. Н.У.Холматов раҳбарлигидаги отряд томонидан қизғин ўрганишни давом эттирмоқда. Дала тадқиқот ишларига археолог магистрлар ва талабаларни жалб қилиш анъанага айланган. «Сазағон маданияти» мажмуаси натижалари ҳақида қатор илмий ишланмалар, мақолалар нашр қилинган. М.Джуракулов, Н.Холматовларнинг «Ўрта Зарафшон мезонеолити» (Тошкент, «Фан», 1991, 16 б/т), М.Д.Джуракулов, Н.А.Аванесова, Б.Амирқуловларнинг «Зарафшон водийси ибтидоий жамоалар маданияти» (Самарқанд, 1995, 14 б/т), Н.У.Холматовнинг «Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маанияти» (Тошкент, «Фан», 2008, 12 б/т), Д.М.Джуракулованинг «Зарафшон водийси тош ва бронза даври маданияти» (Тошкент, «Фан», 2011, 15 б/т) кабилар шулар жумласидандир.

Кафедра ҳузурида талабаларнинг «Ёш археолог» илмий тўгараги фаолият кўрсатиб келади. Тўгаракка тажрибали илмий раҳбар раҳнамолик қилади ва унинг илмий фаолияти кафедра илмий-тадқиқот муаммовий мавзуси билан боғлиқ. Ҳар йили талабаларнинг анъанавий йиллик илмий анжуманида 20-25 талаба ҳамда магистрлар маърузалар билан қатнашиб келади. Улар орасидан олийгоҳлараро, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиб, танловларда ғолиб бўлганлар ҳам анчагина. Жумладан, О.Т.Эргашев, Э.Сатторовлар Навоий номидаги Давлат стипендиати бўлиб кафедра таълимини олган. Кафедра ташаббуси билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон олийгоҳлари ёш тарихчи ва археологлари илмий анжумани (1977 йил) ўтказилди. СамДУ ва ЎзМУ Археология кафедралари ёш археологлари биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар. Кафедра қошидаги «Ёш археолог» илмий тўгарагида таълим олиб, университетни битирганлар орасидан 30 дан зиёд фан номзодлари, 38 магистрлар, 8 фан докторлари, 1 академик етишиб чиққан бўлиб, улар Ўзбекистон, шунингдек, ҳамдўстлик

мамлакатларининг турли олийгоҳлари ва илмий марказларида муносиб хизмат қилиб, университетимиз шарафини улуғлаб келишмоқдалар. Фан номзодларидан: Аванесова Н.А., Ахмедов А., Баратов С., Бердимуродов А.Э., Бозоров М.Б., Бижанов Э.Б., Гречкина Т., Джуракулов М.Д., Джуракулова Д.М., Лебедова Т., Махмудов К., Маитдинова Н., Маликов А., Мукашева Р.Р., Мустафоқулов С., Ибрагимов О.И., Ионесов В.И., Сайфуллаев Б., Соколовская Л., Телеумурадов М.Т., Тошкенбоев Н.Х., Отахўжаев А., Павчинская Л., Кубаков К.К., Холматов Н.У., Хўжаев Й., Холюшкин Ю.П., Щепенева Л. кабиларни; фан докторларидан: Бижанов Э.Б., Джуракулов М.Д., Маиддинова Г., Телеумурадов М.Т., Маҳмудов К., Ионесов В.И., Холюшкин Ю.П., проф. Аванесова Н.А. кабиларни кўрсатиш мумкин. Проф. Ю.П.Холюшкин РФАсининг академиги, Новосибирск ФАда бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Кафедрани битирганлар орасидан фан, жамоат арбоблари етишиб чиққан. Масалан, проф. М.Д.Джуракулов СамДУ ректори ва 2 муддат вилоят халқ депутати бўлиб сайланган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси фахрий унвони соҳиби, Бердимуродов А.Э. ЎзФА Археология институти директори, вилоят халқ депутати ва бошқалар.

Мустақиллик шарофати туфайли Археология кафедраси бир қанча МДҲ ва хориж давлатлари билан илмий алоқалар ўрнатилган. Жумладан, Урал федерал университети, Новосибирск Давлат университети, Екатеринбург Давлат университети, Италиядаги Болоня, Франциянинг Сарбоннна, Германиянинг Бамберг, Хитойнинг Шимолий-Ғарбий университети олимлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган. Кафедра магистратура орқали етук мутахассислар тайёрлашда ҳам фаолият олиб боради. Уларнинг илмий изланиш мавзулари кафедранинг истиқбол илмий-тадқиқот муаммоси билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Кафедра 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий истиқбол режасига эга бўлиб, «Ўзбекистон худудидаги илк цивилизациялар: моддий ва маънавий маданият»умумий мавзусида илмий-тадқиқот олиб боради ва ҳар бир профессор-ўқитувчи шу умумий мавзу билан боғлиқ тадқиқот мавзулари билан таъминланган.

Кафедра ҳузуридаги археологик экспедиция таркибида айни вақтда бир неча ҳудудларда, жумладан Самарқанд вилоятидаги, Қўшработ, Нуробод, Жомбой, Самарқанд туманларида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш бўйича археологик отрядлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Проф. Н.А.Аванесова 2013 йилдан эътиборан Қўшработ тумани Урганжи қишлоғи яқинида жойлашган ёдгорликда кузатув бошлаб юборди. Бирламчи натижаларга кўра бу ерда жез даврига оид топилмаларнинг борлиги эътироф этилмоқда. Бундан ташқари 2012 йилдан бошлаб Самарқанд туманида жойлашган Кофирқалъа ёдгорлигида ўзбек-француз қўшма экспедицияси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда кафедра аъзолари бир қаторда талабалар, магистрлар ҳам қатнашмоқдалар. Шу билан бирга, Сазағон отрядлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Проф. Н.А.Аванесова раҳбарлигидаги отряд Сурхондарё водийсининг Шеробод туманида жойлашган Бўстон VI-VII бронза даврига тегишли некрополни ўрганиш билан шуғулланиб, бу воҳада мил. авв. ИИ минг йилликда яшаган жез даври уруғ жамоаларнинг хўжалиги, турмуш маданияти, маънавияти билан боғлиқ илк цивилизация тарихини ўрганиш билан машғул бўлиб, бой ва қизиқарли манбалар тўплаб, уларнинг натижаси сифатида нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, хорижий мамлакатлар марказий нашриётларида монографиялар ва илмий мақолалар эълон қилинган. Проф. Н.А.Аванесова Зарафшон ҳавзаси ибтидоий тарихини ўрганиш борасида самарали тадқиқот ишлари олиб борган ва олиб бормоқда.

Жумладан, Сойғус, Ғус, Сиёбча, Чакка, Жом, Мўминобод сингари якка ва гуруҳ тарзидаги, кўпинча, аёлларга тегишли осору атиқаларга, ясан-тусан ашёларга бой, ибтидоий жез даври (мил. авв. 2 минг йиллик) уруғ-жамоаларининг моддий-маданиятини, хусусан, юксак даражада ривож топган заргарлик санъатлари, хуллас, аждодларимиз томонидан яратилган ва бизгача етиб келган бой маданият ва маънавий меросни ҳар томонлама ўрганишда бу манбалар бетакрор муҳим илмий аҳамиятга эга. Шунинг билан бир қаторда Тўқайли жез даври металлурглар қишлоғи, Жуков диний-мемориал сиғиниш мажмуаси каби ёдгорликлар янги ёндашув асосида ўрганилиб, ибтидоий юртдошларимиз яратган бетакрор бой маданий мерос

тарихини тиклаб, фан оламига киритилиши фан ютуқларидан бўлиб ва бу изланишлар давом эттирилиниб келинмоқда.

Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчиларидан доц. Р.Р.Мукашева, доц. К.К.Кубаков, доц. О.И.Ибрагимов, асс. А.О.Ёрқулов, О.О.Ибрагимов, Т.Р.Раҳматуллаевларлар ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ижтимоий-иқтисодий тарихини, этнографиясини ўрагниш борасида муносиб илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, доц. Р.Р.Мукашева Ўрта Осиёда мил. авв. VII-VI асрларда яшаган қадимги қабилаларнинг Ҳиндистон ва бошқа қўшни мамлакатлар аҳолиси билан ўрнатган ва олиб борган ижтимоий-иқтисодий ҳамда савдо маданий алоқалари тарихи ва этнографияси ҳақида, доц. К.К.Кубакова, О.И.Ибрагимов ва О.О.Ибрагимовлар XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Юқори Қашқадарё ва Самарқанд воҳаларида яшаган чорвадор аҳолининг турмуш тарзи, миллий анъаналари, уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одатлар тарихи ҳақида баракали изланишлар олиб боришган. А.О.Ёрқулов Нуробод туманидаги илк ўрта асрларга тегишли Улустепада археологик қазишмалар олиб борган, Нақшаб кулолчилиги маданияти тарихи бўйича тадқиқотлар олиб бориб, илмий мақолалар эълон қилган. Т.Р.Раҳматуллаев умумтаълим мактабларида тарих дарсларини ўтишда археологик манбалардан самарали фойдаланиш ўқув-усуллари мавзусида тадқиқотлар олиб борган.

Кафедра экспедициясига умумий илмий раҳбарликни проф. М.Д.Джуракулов олиб боради. Кафедра ўз илмий ва таълим фаолияти йилларида ҳар 2-2,5 йил давомида «Археология, қадимги дунё тарихи ва этнография масалалари» умумий мавзусида илмий тўпламлар нашр қилиб келмоқда ва 2016 йили унинг навбатдаги 21-сони нашр қилинди. Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари шу ўтган йиллар давомида 22 монография, 1000 га яқин илмий мақолалар нашр қилишган бўлиб, умумий ҳисобда бу ҳажм 920 босма табоқдан ошади. Проф. М.Д.Джуракулов ва проф. Н.А.Аванесоваларнинг монографик китоблари, илмий мақолалари хорижий мамлакатларнинг марказий нашриётларида ҳам эълон қилинган.

Кафедра ўз фаолият йилларида олий маълумотли мутахассислар – тарихчи ва археолог кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. 1999-2000 йиллардан эътиборан магистратура йўналиши, 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб кафедра ҳузурида «археология» йўналишининг бакалавриат таълими бўйича қабул ҳаракатга кирди. Асосий фанлардан дарс бериш ишлари юқори малакали ва илмий даража ва унвонларга эга мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориш таъмиинланган. Ҳар бир ўтиладиган фан, маъруза, амалий дарс янги замонавий педагогик ёндашув асосида, мустақиллик, ватанпарварлик руҳияти ва ғоялари билан чуқур суғорилганлигига муҳим эътибор қаратилиниб келинмоқда. Шу боисдан кафедра профессор-ўқитувчилари ўз муддатида касбий малакаларини илм ва таълим марказларида оғишмай ошириб келиши таъминланган.

Кафедра ҳар доим инновацион таълим технологиясини ҳаётга жорий қилишга катта эътибор бериб келмоқда. Мультимедия, электрон дарсликлар яратилган, слайдлар, диаграммалар ва бошқа ўқув-услубий, технологик жиҳатларни таълим жараёнига тадбиқ қилиш, замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўйича рисолалар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилган. Шунингдек, вилоятнинг Оқдарё, Ургут, Қўшработ, Нуробод туманларидаги касб-ҳунар коллежларида корпоратив ҳамкорлик асосида қўшма кафедралар ташкил қилиниб, уларга янги педагогик технологиядан ҳамда ўқув-услубий ёрдам кўрсатилиниб келинмоқда. Нуробод туманидаги Жом қишлоғи умумий ўрта таълим мактаби ҳузурида тарихий ўлкашунослик музейи ташкил қилинган, маданий ва маърифий алоқалар ўрнатилган.

Кафедра кўп йиллик илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган бой археологик манбалардан кенг фойдаланган ҳолда ўз фаолияти йилларида асосий ўқиладиган фанлар бўйича 6 та дарслик, 30 та ўқув қўлланмаси, 40 дан зиёд ўқув-услубий ишланмалар, дастурлар яратган. Кафедрада 60 га яқин ўтиладиган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар ва электрон дарсликлар яратилган. Жумладан, «Ибтидоий жамият тарихи», «Археология асослари», «Жаҳон цивилизациялари тарихи», «Тарихий география», «Ўрта Осиё тош даври тарихи», «Этнология», «Ёдгорликларни муҳофаза ва рестоврация қилиш» каби асосий фанлар етакчи мутахассислар томонидан ўтилиши таъминланган.

Кафедранинг новатор педагог олимлари фанни, олий таълимни ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ғоялари руҳияти асосида тарбиялашдаги хизматлари давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Масалан, доцентлардан Р.Р.Мукашева, Қ.Қ.Кубаков, проф. Н.А.Аванесовалар «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси», проф. М.Д.Джуракулов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари соҳиблари бўлишганлар.

Кафедра илмий педагог ходимлари айни дамларда фанни, олий таълимни янада такомиллаштириш, ёш авлодни мустақиллик ғоялари, ватанпарварлик руҳияти, буюк авлодларимиз яратган илму фан ва маърифий меросимизни янада бойитиш, давр, замон, келажак ривожи учун истеъдодли ёш кадрлар авлодини тарбиялаб етиштириш борасида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

УДК: 9(575.1)

ИБРОҲИМ ТАМҒАЧХОН ОЛИЙ МАДРАСАСИ (1066 й.)

З.Муқимов
Самарқанд Давлат университети

XI аср ўрталарида Буюк Қорахонийлар салтанати икки қисмга Ғарбий ва Шарқий хонликларга ажралиб кетади. Мовароуннаҳр, Бухоро ва Самарқанд билан Фарғонанинг Ғарбий қисмлари Ғарбий ҳоқонлик таркибга кириб, Тамғачхон[1] унвонини олган Қорахоний[2,] Тамғач Буғрохон[3] Абу Ишоҳ Иброҳим ибн Наср Қорахонийлар салтанатининг Ғарбий қисмининг пойтахтини Ўзганддан Самарқандга кўчирди ҳамда шарқий Қорахонийлардан мустақил давлат сиёсатини олиб бора бошлади. Қорахонийлар (990-1212) давлати шарқий Турк ҳоқонлиги, Уйғур, Қарлуқ давлатларининг инқирози даврида ташкил топган улкан империя давлати бўлиб, унинг асосий халқи ўтроқлашган турклардан иборат эди. Уларнинг ёппасига ислом динини қабул қилишлари Бағдод йилномасига кўра 950-йиллар деб кўрсатилади. Аммо Мовароуннаҳр туркларининг мусулмон динини қабул қилишлари VIII аср бошларида, Ғарбий Турк ҳоқонлиги давридаёқ юз бера бошлаган деб ҳисоблаймиз.

Самарқанд Қорахонийларининг биринчи ҳукмдорларидан бўлган Иброҳим Тамғач хон (1052-1068 ҳукумронлик) Бўри Тегин[1] ўта диндор, мусулмон дини ва маданиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи ҳукмдор бўлиб, у тарихий манбаларда: "…буюк ҳоқон адолатни қувватловчи, давлат таянчи, миллатнинг тожи, зафар қучувчи, муҳтарам подшоҳ, Аллоҳ таоллонинг халифаси, мўминлар амири ва қиличи" сифатлари билан улуғланган. (1. -270)

Ибн ал-Асир ҳам ўз асаридаги маълумотларда худди шундай таърифларни келтиради. "Унинг олдига сўфий Абу шужо ал Алавий келиб: "Сен ҳукм суришга яроқсизсан," - деб мурожаат қилибди. Унинг фикрини эшитган Иброҳим Тамғачхон эса қабул хонаси эшикларини ёпиб, Ҳукмронликни тўхтатишга қарор қилибди. Шунда унинг ҳузурига шаҳар аҳолиси йиғилиб: "У с ўфий, дарвеш хато қилди, бизга ҳукмдор бўлиш, ишларимизни бошқариш айнан сенга аталгандир", - дейишибди. Аҳолининг фикрларини эшитган хон эса, ўз эшикларини қайтадан очибди. "У жуда диндор одам эди, қонуншунослар қароридан ташқари ҳеч қандай пул олмас (солиқлар- З.М.) ундирмас эди, - деб ёзиб қолдирган (2. -186 с).

Яна манбаларда унинг қонунчиликни, тартиб-интизомни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларига оид ҳикоялар ҳам етиб келган. Бир куни ўғри ва талончилар унинг бу ҳаракатларига жавобан Самарқанд арки дарвозасига, "биз худди пиёздек, қанчалик бизни кўп қирқсалар, Шунчалик кўп ўсиб кетаверамиз" деб ёзиб кетганлар. Иброҳим Тамғачхон эса бунга

---

[1]**Тамғачхон** - Ҳоқон, у осмон ва қуёшнинг илоҳий ифодаси бўлган Хитой -" Тавғоч" императорининг унвонига тенг келувчи унвон эгаси маъносида.

[2]**Қорахоний –** манбаларда - қора, буюк, қудратли маъноларда учрайди. Мовароуннаҳрдаги сўнгги Қорахоний ҳукмдор – Қилич Арслонхон Усмон 599х. /609. 1202-1212 ҳукмронлик йиллари.

[3]**Буғро –** яғмо туркий қабиласининг тотеми - туя.

[1]Бўри тегин – унинг ёшлгидаги номи. Бўри шаҳзода маъносида.

жавобан! “Мен бу ерда боғбонга ўхшаб турибман, сиз қанчалик ўссангиз ҳам, сизни суғуриб ташлайман”, - деб ёзиб қўйишни буюрган экан (4. -374-376). Аша шундай адолатпарвар, диндор ҳукмдор ҳозирги Ўзбекистон доирасидаги илк олий мадрасадан бирини таъсис этиш шарафига муяссар бўлган. У 1066 йилда Самарқандда Олий мадраса қуришга фармон бериб, ўзига қарашли кўплаб мол-мулкларни унинг эркин фаолият юритишини мақсад қилиб вақф тарзида ҳадя қилган. Проф. С.Г. Агаджановнинг кўрсатишича, ўша йили яна давлат касалхонаси қуришга ҳам фармон бериб, уни иқтисодий жиҳатдан сақлаб туриш учун ўзига қарашли турли бинолар, карвонсаройлар, савдо дўконлари, Самарқанд атрофидан ер майдонларини ҳам вақф қилган (3.136 с.) Ушбу мадраса, бино ва хонақоҳлар (зовия) тарихчи, археолог олимларимиз томонидан ўрганилган бўлса-да, баъзан зиддиятли маълумотлар ҳам учраб туради. Афросиёб, Шоҳи-Зинда комплексида 1959-1960, 1968-1969 йилларда проф. Н.Б.Немсева томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар (5.-99-145)[1], шунингдек, исломшунос олим И.И.Бекмирзаевнинг қадимий фиқҳий асар “Шурут ал–Муҳит”[2]дан мадраса ҳақидаги вақфномани топиб, ўзбек тилига ўгирган таржимаси (1. -267-276 с.с.), Самарқанд мадрасалари тарихи билан шуғулланган олимларимиз акад. Б.Валихўжаев, К.Каттаевларнинг асарлари мадраса тарихини ўрганишимизда қимматли маълумотлар беради.

Мадраса таъсис қилиш ҳақидаги вақф ҳужжатида “ у илм ва дин аҳли йиғилувчи жой бўладиган Шаҳар марказига туташган, Самарқанд шаҳрининг ичкарисида **янги дарвоза** номи билан танилган жойда, 1066 йилда қурилганлиги тўғрисида аниқ қилиб кўрсатилган (1. -272с). Ҳужжатда “**Янги дарвоза”** деган жойда, дейилган бўлса-да, бу жой турли даврларда турлича аталган бўлиши мумкин. Жумладан, Жанубий дарвоза, “Боб ал ҳадид” (темир дарвоза), Кеш дарвозаси (аммо Афросиёб дарвозалари номини XIV асрда Амир Темур томонидан қурилган “Оҳанин” дарвозаси билан алмаштирмаслик лозим). Ушбу мадраса “Қусам ибн Абос мақбарасидан унча узоқ бўлмаган жойда 1066 йилда Иброҳим Тамғачхон буйруғи билан қурилган”лиги Самарқанд тарихи китобида ҳам таъкидлаб ўтилган (8. -148 с.). Аммо йиллар, воқеалар ушбу биноларга ҳам ўз таъсирини ўтказган, вақт ўтиши билан мадраса ва хонақоҳ бузилиб, Н.Б. Немсеванинг кўрсатишича, 7-8 метрли маданий қатлам остида қолиб кетган. Бу ҳолат, ҳатто тарихий манбаларда ҳам акс этган. Жумладан, XIV аср бошларида Самарқандга келган араб сайёҳи ибн Батута ўз эсдаликларида фақат Зовия-ҳонақоҳинигина кўрганлигини ёзиб қолдирган.

“Самарқанддан ташқарида Қусам ибн Аббос ибн Абдул Муталлиб қабри бор[1]”. Ташқарисидан катта ариқ оқади, у қабр ёнида қурилган зовияни (хонақоҳни) кесиб ўтади, унинг ҳар икки қирғоғида дов-дарахтлар, ток новдалари, ясмин гуллари ўтказилган. Зовияда зиёратчилар учун жойлар кўп (9.378). Ундан кейин ёзилган машҳур “Самария”асарининг муаллифи Абу Тоҳирхожа даврига келиб эса бу бинолар умуман бузилиб кетган. Олим фақат Қусамия мадрасаси ҳақида ёзиб қолдирган. “Султон Санжар Мозий замонида (1118-1157) ўша қабристонда (Шоҳи-зинда мақбараси кўзда тутилмоқда – З.Ю.). “Қусамия аталган бир мадраса солинган эди. У мадраса Самарқанд қўрғони ўрнига, тепа устида “Оби Машҳад[2]” ариғининг яқинида кун ботар томонда эди. “Ҳозирда ундан бир нишона қолмагандир (10.133 б.). Ушбу маълумотлар тадқиқотчилар орасида “Иброҳим Тамғачхон ва “Қусамия” мадрасалари бу икки номдаги бир мадрасадир” деган фикрни туғдирган. Жумладан, ушбу сатрлар муаллифи

[1]**Немцева Н.Б**. нинг тадқиқотида келтирилишича, вақфномалардан парчалар илгари ҳам француз, рус тилларида М. Хадр, О.Д.Чехович, А.А. Семеновлар томонидан амалга оширилган,жумладан, О.Г.Большаков “Два вакфа Ибрагим Тамгач-хана в Самарканде. “ Страны народов Востока”. Вып. X, - М.; 1971. - стр. 172.

[2]Бурхониддин Маҳмуд ал Бухорийнинг (1156-1219) фиқҳий асари, вақф ҳужжати анашу асардан топилган.

[1]VIII асрда Самарқанд фатҳида иштирок этиб шаҳид бўлган, Пайғамбаримиз (С.А.В)нинг амаккиваччаси.

[2]**“Оби Машад”** - “Оби Машҳад” шаҳид бўлганлар ариғи, кейинчалик “Ғозийлар” ариғи, кейинроқ “Новадон” ариғи деб аталган бўлса керак.

ҳам дастлаб шундай фикрда бўлган (Худди Ялангтушбий мадрасаси- “Шердор” номи билан аталгандек).

Аммо манбашунос тарихчи олим К.Каттаев тўғри таъкидлаганидек, бу икки мадраса қурилган даври бўйича 100 йил фарқ қилиб, икки туркий сулоланинг икки мадрасасидир. “Қадимий вақфномага кўра, Иброҳим Тамғачхон мадрасаси Қусам ибн Аббос мақбарасининг ғарб томонига жойлашган бўлса, – деб ёзади олим, - Султон Санжар томонидан қурилган. Қусамия мадрасаси Самарқанд қалъаси девори яқинида тепаликда қурилган, булар умуман бошқа-бошқа мадрасалардир.”(7.9-10 б.б.) Ҳозирда Иброҳим Тамғачхон мадрасаси ҳам археологик жиҳатдан ҳам вақфномалар бўйича тадқиқ этилган бўлса, “Қусамия” мадрасаси ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Энди Н.Б. Немсеванинг археолгик тадқиқотлари И.И. Бекмирзаев таржима қилган вақфнома маълумотлари асосида фикр юритсак, аввало, шуни таъкидлаш лозимки, мадраса, ҳонақоҳ ва бошқа бинолар мўғуллар ҳукмронлиги давридан олдинги даврга оид илк илм-масканларидан бўлиб, у 44х55 метр ўлчамли, бир қаватли, кириш портали – ҳашаматли 12-13 метрлар атрофида, унинг шарқий ёни-девори Қусам ибн Аббос комплексининг ғарбий қисмидан 6-8 метрлар чамаси узоқликда бўлган, тўрт айвонли, икки гумбазли, сарой-айвон композициясидаги бино бўлган (5.-130,134.с.с). Олима Н.Б. Немсева унинг маданий қатлам остида сақланиб қолган пойдеворлари асосида тўла кўринишини тиклаган. Вақфномада келтирилишича, мадраса Масжид, дарсхоналар, Қуръон таълими учун мўллжалланган кутубхона, Қуръон ўқишни ўргатадиган муаллим ўтирадиган жой, одамларга таълим-тарбия берадиган, халқахоналари бўлган, ҳовли-жойли бир мадраса бўлган. Унинг Шоҳи-Зинда мажмуасида маданий қатлам шаклидаги харобалари тадқиқ этилганда тузилиши яна да аниқланиб, қуйидагилардан: “Мачит, дарсхона (дарс ал илм) -илм билан шуғулланадиган жой; Қуръонни ўқиш жойи (мактаб); Қуръон ўқиладиган йирик, катта хона бино (мажлис мукра); “Одоб” дарси ўқитиладиган бино, хона (мажлис); ҳовли атрофидаги кичик хоналар – ҳужралар; ҳовли (саҳат) ва боғ (бўстон) қисмларидан иборат бўлган”(5-134,139с.с.).

Вақфномада ҳам ўша давр тарихий топономикасига мос ҳолда мадраса ўрни аниқ келтирилган: “Мадраса томонларининг бир чети кўчага, иккинчи томони эса Тархонбекнинг қизи Малика хотунга тегишли ҳовлига туташган. Учинчи томони аҳли илмлар ўтирадиган уйларга (вақф қилинган уйларга) ҳамда Малика хотунга қарашли карвонсаройга, тўртинчи томони шахсий ҳовли ва амир-Низомуддавла ҳонақоҳи, Малика Туркон хотуннинг ҳовлиларига туташ” бўлган.

Вақф ҳужжатига кўра, 5 та карвонсаройлар ҳужралари билан, хоналар, ўчоқхона, оғилхона, пичанхона ҳамда тўртта савдо дўконлари, Жармаъад қишлоғидаги барча деҳқон уйлари, тикувчилик уйи, узумзорлар, омборхона экинзор ва ғаллазорлар, уларга тутаШиб кетган яйловлар мадрасага вақф қилинган.

Ушбу вақфнома мамлакатимиз тарихидаги бизгача етиб келган энг қадимги вақф ҳужжатларидан бири бўлгани учун унинг ҳуқуқий табиатини очиб бериш мақсадида қуйидаги парчани тўла келтирамиз “... бу мулк тўғри мақсадда садақа қилинган, қонуний кучга эга бўлган, қатъий қарор билан бир тўхтамга келган, абадий, бошқа йўлда фойдаланиш ман қилинган, Аллоҳ (азза ва жалла) йўлида вақф қилинган мулкдир... ҳеч нарса қайтариб олинмайди, ҳадя этилмайди, мерос қилиб қолдирилмайди, гаровга олинмайди, мулк сифатида тортиб олинмайди, талофат кўрганлик важҳидан бузиб ташланмайди.” (1-272-275 б.б.)

Экинзор ерлар бир йилга ижарага олиниши, фойдаланиш мақсадида ўн саккиз ойдан ошиқ бўлмаган муддатга шартнома билан фойдаланилиши мумкин. (1.273б)

Ҳужжатнинг кейинги қисмларида вақф мулкларидан келадиган даромадлар – пулларнинг иш бошқарувчига, Мударрисга (360 дирҳам бир йилда) толиби илмларга нафақа (стипендия) тарзида тўлаш учун (18.000 дирҳам) ҳужжатда талабаларга бериладиган нафақа ойига 30 дирҳамдан ошмаслиги, барча мударрис ва муаллимларга ходим ва хизматчиларга бериладиган йиллик маошлар миқдори белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ҳар бир ашур ойида ушбу пулдан 50 мискин ва камбағалларни кийинтириш ҳамда уларга зиёфат уюштириш учун 1000 дирҳам ажратилган (1-275 стр).

Вақфномага кўра, унга ажратилган вақф мулклардан тушган пул даромадлари яна қуйидаги кишиларга бўлиб берилган: Вақф мулкларини бошқарувчига, Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича дарс берадиган Мударрисга ва унинг издошлари бўлган толиби илмларга (уларга

бериладиган пул мударриснинг хоҳиши билан озайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин бўлган), талабаларга белгиланган пулни тарқатишга масъул шахсга, одоб-ахлоқдан дарс берадиган тарбиячига, Қуръондан дарс берадиган муаллимга, одамларга Қуръон ўқиб берадиган Қуръон ривоятлари ва қироат илмидан хабардор бўлган Қорига (Қуръон ўқувчилар тўртта) Мадраса, хонақоҳ, масжид ва толиби илмларнинг дарсхоналари, қандил, чироқ, мойчироқлар учун, рамазон ойларида бериладиган зиёфатлар, гўшт ва нон маҳсулотлари учун.

Рамазон ойида бўладиган Хатми Қуръон кечаларида ҳар йили ёқиладиган шам ва чироқлар учун, Қурбонлик кунларида, сотиб олишга арзийдиган, Қурбонликка ярайдиган мол сотиб олиш учун (Қурбонликга сўйилган мол гўштлари мискин ва камбағалларга берилган).

Мадраса ҳовлисини супуриб-сидириб чироқларни ёқиб турадиган масъул 2 ходимга, мударрис томонидан фиқхни биладиган кишилар орасидан танланиб мадраса ва хонақоҳга жавобгар, унда доимий яшайдиган кишига, бу ишни мударрис икки кишига ҳам топшириши, биринчиси, кутубхонага иккинчиси, бошқа ишларга масъул бўлиши мумкин (1-270-275б.б.)

Яъни ушбу парчада вақфдан тушган даромадларнинг тақсимланишида мадраса ва хонақоҳга масъул ходимлар сони аниқланади. Мадрасанинг барча ишлари молиясини бошқариш Абу Тоҳир Абд ар-Раҳмон ибн Ҳасан ал Ғаззоллийга топширилган.

Юқоридагилардан қисқача қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Қорахоний ҳукмдорлар давлати мусулмон давлати бўлганлиги учун ҳам уларнинг биринчи хоқонлари давридаёқ Самарқандда илк мадрасалардан бири бунёд этилиб, вақф билан таъминланган.

2. Ислом оламидаги мадрасалар тарихи шуни кўрсатадики, улар Халифаликнинг бошқа қисмларига қараганда, шарқий томонларида (масалан, Мовароуннаҳрда) эртароқ вужудга келиб ривожланган. Бу ҳолатни олимлар (акад. В.В.Бартолд) Мадрасалар шарқий ўлкаларда будда монастирлари асосида вужудга келиши тезлашганлиги билан тушунтирмоқчи бўладилар. Бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди.

3. Афросиёб девори ортида шаҳар ичида 1066 йилда таъсис этилган Иброҳим Тамғачхон мадрасаси ўша даврдаги илк олий мадрасалардан бири бўлган, Мўғул-татар босқини даврида шаҳар билан бирга вайронага айланган бўлиши мумкин.

4. Вақфнома маълумотларидан кўриниб турибдики, унда ҳам мактаб таълими, ҳам юқори таълим бўлиб, Қуръон, Буюк имом Абу Ҳанифа мазҳаби фиқҳ асосида ўқитилган.

5. Вақф даромадларидан толиби илмларга нафақа (стипендия) берилиб, унинг миқдори илмга қизиқиши ўзлаштириши, хулқ-атвори даражасига қараб, мударрис томонидан ўзгартириб турилиши мумкин бўлган.

6. Бу ҳолатлар Қорахоний турклари сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам буюк алломалар муҳаддислар, фақелар етишиб чиққан Ватанимизда таълим тизимининг анчагина ривожланганлигини кўрсатиб турибди.

7. Ушбу мадраса Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг ривожланишида муҳим ҳисса қўшган таълим ўчоқларидан бири бўлган. Унда таълим олган ва етишиб чиққан алломалар, дарс берган мударисларни аниқлаш, келгуси тадқиқотлар орқали ойдинлашиши мумкин.

Адабиётлар

1. Бекмирзаев Илҳомжон Исроилович. «X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид суд процессуал ва нотариал ҳужжатлар». 07.00.04. – Диншунослик, ислом тарихи ва манбашунослиги. Тарих фан. докт. Илмий даражани олиш учун ёзилган Диссертация. – Тошкент, 2016. -276 бет.
2. Ибн ал –Асир. “Ал Камил фи-т-таърих”. Полный свод истории// Перевод арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова.-Ташкент: Узбекистан. 2006. -186 стр.
3. Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в ХИ-ХИИ в.в. – Москва:Наука. 1991. - 136 стр.
4. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. - Соч.Т.II. ч.II. –Москва.1963. –с.с. 374-376.
5. Немцева Н.Б. Медресе Тамгач-Богра-хана в Самарканде (Из археологических работ в ансамбле Шахи-Зинда). В книг.: Афрасиаб вып.III. –Ташкент:Фан, 1974. -99-145, 130, 134, 139 с.с.

6. Ботурхон Валихўжаев. Самарқандда Олий таълим мадрасаи олия - университет тарихидан лавҳалар. –Тошкент:А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти.- Самарқанд, 2001. -184 б.
7. Комилхон Каттаев. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожи.- Самарқанд:Зарафшон,2007.-9-16 б.б.
8. История Самарканда.Том I. –Ташкент:Фан, 1969. -14 с.
9. Ибн Батута. Саёҳатнома. Туҳфат ан нуззор фи ғаройиб ал -амзор ва ажойиб ал асфор.//Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига туҳфа. – Тошкент:Шарқ, 2012. -378 б.
10. Абу Тоҳирхожа. Самария. “Тарихи Муллозода ва Самария тўпламида”. – Тошкент:Янги аср авлоди. 2009. -133б.

UDK: 9(575.141)

ПАТРИОТИЗМ ВОСПИТАННИКОВ САМГУ В ТЫЛУ (1941-1945)

И.М.Саидов
Самарқанд Давлат университети

Заслуживает внимания тот факт, что научная деятельность университета в момент временного слияния его с САГУ фактически не прекратилась. Та часть работников УзГУ, которая осталась в Самарканде, настойчиво продолжала свои исследования.

Заслуженный деятель науки профессор П.М. Факторович опубликовал в это время ряд работ по истории биологии и медицины в Средней Азии. Член-корреспондент АН УзССР, вице-президент АН УзССР Муминов И.М. написал работу о жизни и философии Мирзы Бедиля. Проф. Текучев А.Н. написал за это время большую работу «Экспериментальные исследования лучепоглащательной способности некоторых металлов в зависимости от состояния поверхности». Проф. Умняков И.И. написал работы: "О тохарах и тохарском вопросе"–"О происхождении слова "таджик" и "Об узбеках – Героях Советского Союза".

Доц. Абдуллеев В.А. вёл планомерную работу по изучению поэтического наследия Хорезма и влияния Алишера Навои на поэтов Хорезма.

Проф. Романов Н.П. написал работу о новом методе аналитической теории чисел, основанной не применении теории Гильбертова пространства к теории чисел. А проф. Войцик в 1941-44 гг. занимался проблемой социального романа. В результате теоретической работы им были написаны две статьи: "Севастопольская страда" С.Н. Сергеева-Ценского, как эпопея на одного героизма и "Историзм Ал.Толстого".

Коллектив геологов-преподавателей УзГУ (Макарова С.Д., Крюков А.В., Данилова А.Д., Смирнов Р.В., Смирнова О.К.) выявил в период 1943-44 гг. крупное месторождение шеелитовых руд. В тяжелых и сложных условиях Великой Отечественной войны, Коммунистическая партия и Советское правительство продолжали проявлять неослабное внимание вопросам развития высшей школы и, в частности, подготовке национальных кадров советских специалистов по всем отраслям знаний. В бюджете, утвержденном на X сессии Верховного Совета СССР, ассигнования на подготовку специалистов были увеличены вдвое по сравнению с 1943 годом.

Узбекская республика значительно окрепла в годы Отечественной войны, как за счет развития собственной промышленности, так и за счет эвакуированных из временно оккупированных гитлеровцами областей Союза ССР, крупных промышленных предприятий, высших учебных заведений и научно-исследовательских учреждений. В трудных условиях военного времени Коммунистическая партия и Советское правительство проявляли неустанную заботу о высшей школе и подготовке кадров для отраслей народного хозяйства. Ставя перед коллективом научных работников города и области большие задачи, областной и городской комитеты партии облисполком и горисполком в то же время проявляли постоянную заботу о научных работниках, оказывали им всемерную материальную помощь и поддержку. Все научные работники были обеспечены квартирами, им выдавался спецпаёк. Ученые и их семьи были прикреплены к специальным магазинам и столовым.

Важнейшим событием в научной жизни республики явилось создание 8 ноября 1943 г. Академии наук Уз.ССР, в состав которой вошли и Самаркандские ученые - Г. Абдуллаев, С. Айни и И.М. Муминов. Вузы Самарканда только в течение I941-I943 гг. выпустили 2,5тыс. военных и гражданских специалистов высшей квалификации. Значительно увеличился выпуск специалистов в 1944/1945 гг. Подготовка учителей в Самарканде велась в Педагогическом институте им. М. Горького. Еще в предвоенные годы институт превратился в крупный учебный комбинат, включающий дневной педагогический и учительский институты.

После временного закрытия УзГУ педагогический и учительский институты были единственными учебными заведениями в городе, готовившими научные и педагогические кадры для вузов, неполных средних и средних школ.

Новым крупным фактором, подчеркивающим заботу партии и правительства о подготовке кадров молодых специалистов, явилось решение ЦК КП(б) Узбекистана о восстановлении Узбекского государственного университета в связи с чем, было издано распоряжение СНК СССР от 15 февраля 1945 года[1].

На основании указанного распоряжения состоялось постановление Совета Народных Комиссаров Узбекской ССР от 24 марта 1944 г. о восстановлении УзГУ и была создана комиссия в составе: Разакова И.Р. – наркома просвещения УзССР - председатель комиссии и членов: Артыкова Р.З. - председателя самаркандского облисполкома, Муминова М.М. - вновь назначенного ректора университета и профессора УзГУ, Факгоровича П.М.

Ректорат университета при помощи партийных и советских органов предпринял, в первую очередь, мероприятия, направленные на организацию подготовительного отделения, на приглашение научных работников, на возвращение университету научно-учебного оборудования и различного хозяйственного инвентаря и ряд других мероприятий.

Полное развертывание всех работ стало возможным лишь в конце 1944 года, после реэвакуации учреждений, занимавших университетские помещения.

Всесоюзный Комитет по делам высшей школы при СНК СССР утвердил в структуре университета 5 факультетов (исторический, филологический» физико-математический, биологический и геолого-географический), в составе которых были организованы 23 кафедры.

Одновременно утверждены штаты профессорско-преподавательского состава в количестве 74 единиц. Регулярные занятия на всех факультетах УзГУ начались со 2 октября 1944 года. Контингент студентов на этот день, первый учебный день после восстановления университета, характеризовался следующими цифровыми данными

№№ Пп	факультеты	Курсы				Всего
		I	II	III	IV	
1	Истфак	52	16	13	6	88
2	Физфак	79	55	20	34	188
3	Физмат	23	26	7	8	75
4	Геофак	20	14	-	6	-
5	Биофак	21	14	-	-	85
Всего		207	125	40	54	426, из них 45% местных национальностей

Из приведенных данных видно, что студенческие контингенты укомплектовывались как за счет приёма на I курс, так и за счет восстановления студентов на старшие курсы, прервавших обучение в связи с временным прекращением деятельности УзГУ, возвратившихся из рядов РККА по ранению и т.п. Определенная часть студентов старших курсов была пополнена за счет перевода из Самаркандского государственного педагогического института им. М. Горького. Учебно-педагогическую, научно-исследовательскую и политико-воспитательную работу начали осуществлять всего 51 человек профессорско-преподавательского состава, из них; профессоров-зав.кафедрами - I0, из них докторов наук - 7, кандидатов наук-1; доцентов-

[1] М. М. Муминов. Краткий исторический очерк развития УзГУ (к 20-летию). С. 17

зав.кафедрами - 11, из них кандидатов наук – 8, доцентов кафедр - 13, из них кандидатов наук - 12, старших преподавателей - 6, из них - 2 зав.кафедрами; ассистентов и преподавателей 11[2].

Коллектив профессорско-преподавательского состава и студентов с первых дней с большим подъёмом приступили к выполнению сложных и ответственных задач, стоящих перед ними. Все последующие годы деятельность университета характеризуется неуклонным увеличением студенческою контингентав, штатов профессорско-преподавательского состава, пополнением научно-лабораторных оборудований, учебных пособий и расширением материальной базы в целом. В качестве примера можно привести следующие цифровые данные, показывающие рост количества студентов по факультетам и штатов профессорско-преподавательского состава:

Годы обучения	Контингент студентов дневного отделения						Кол-во научных работников
	Истфак	Филфак	Физмат	Биофак	Геофак	Всего	
1945-46	132	179	108	90	81	585	62
1946-47	176	235	121	124	142	798	117
1947-48	252	314	140	185	188	1079	118
1948-49	306	350	187	231	244	1318	115
1949-50	322	278	247	342	205	1494	130
1950-51	322	391	280	369	229	1591	138
1951-52	322	405	307	342	249	1625	140
1952-53	246	436	354	296	236	1568	145
1953-54	207	454	417	282	265	1625	136
1954-55	175	498	482	257	299	1711	133
1955-56	141	502	571	307	173	1694	125
1956-57	260	1304	1105	412	-	3032	260
1957-58	262	1144	1024	376	-	2806	289
1958-59	279	1168	1060	360	-	2867	287

В 1945 году на базе университета было создано заочное отделение с факультетами: исторический, математический, русской и узбекской филологии.

Позже были открыты факультеты: географический (1948 г.), биологический (1953 г.), романо-германской филологии (1961 г.). С 1963 г. при инженерно-техническом факультете работало заочное общетехническое отделение с вечерней и заочной системой обучения.

С 1946 по 1971 гг. было выпущено специалистов по заочной системе обучения 9422 человека.

В январе 1945 г. состоялась межвузовская научная конференция, посвященная 20-летию Узбекской ССР, на которой профессор Авербуг выступил с докладом «20 лет развития высшего образования, литературы и искусства в Самарканде». Докладчик отметил, что за годы своего существования вузы Самарканда выпустили около 7 тыс. специалистов – врачей, агрономов, зоотехников, педагогов, экономистов, в том числе 2 тыс. специалистов из лиц коренных национальностей[3]. Около трехсот научных работников вузов опубликовали 1700 научных трудов. За годы войны вырос и окреп отряд интеллигенции Самарканда, улучшилась подготовка кадров в высших учебных заведениях. Большую роль в этом сыграли высшие учебные заведения центральных городов страны. Видные ученые старейших вузов страны оказали местным ученым максимальную помощь в подготовке к защите кандидатских и докторских диссертаций.

Патриотический труд советской интеллигенции в годы Великой Отечественной войны способствовал победе Советских Вооруженных Сил над немецко-фашистскими захватчиками.

[2] ГАСО, ф.74, оп.11, д.230, л.4

[3] История Самарканда» Иад-во *Фав*§ т.2, Ташкент, 1940 г.

Интеллигенция Самарканда в деле обороны страны не отставала от рабочего класса и крестьянства, помогая совершенствовать вооружение, боевую технику и организацию производства.

Литература

1. Муминов М. М. Краткий исторический очерк развития УзГУ (к 20-летию).
2. ГАСО, ф.74, оп.11, д.230, л.4
3. “История Самарканда” Изд-во Фан т.2, Ташкент, 1968 г.

УДК: 371.9

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

(1960-1980 йиллар)

А.Я.Маматқулов

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ таркибида узоқ йиллар давомида маъмурий-буйруқбозлик тизими остида бўлганлиги, шунингдек, шундоқ ҳам мураккаб аҳволга тушиб бораётган хўжалик алоқаларининг батамом узилиб қолиши кучли инқироз ҳолатларини келтириб чиқарди. Мустабид тузум ва унинг зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг қаттиқ марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Совет империясининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл - йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Урушдан кейинги беш йилликлар ана шундай тарзда режалаштирилган бўлиб, уларга маҳаллий шароитда республика раҳбарияти томонидан баъзи аниқликлар киритиш ҳам марказнинг рухсати билан қилинар эди. Халқ хўжалигида амал қилиб келинган усул экстенсив тараққиёт маҳсули бўлиб, у ўзида иқтисодий заруратни эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий бошқаришни ва режали ривожланишни акс эттирар эди. Қатъий режа асосида режалаштирилган иқтисодиёт ишлаб чиқариш монополизмини шакллантирар эди. Иқтисодчи олим Н.Тўхлиевнинг таърифига кўра “монополизм истеъмолчидан танлаш ҳуқуқини тортиб оладиган, шу тариқа бозорда якка ҳукмронликни қўлга киритадиган даҳшатли ялмоғиздир[1]”

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир ёқлама тарзда, фақат хомашё етиштирадиган ҳолга тушиб, комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмагани ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликларда намоён бўлди. Кейинги ўн йилликларида иқтисодиётда хомашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хомашё тармоқларини ривожлантиришга қаратилиши бу номутаносибликларни янада кучайтирди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган эди[2].

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви қадимдан ташкил топган қишлоқ хўжалик тармоқлари пахтачилик, пиллачилик, қоракўлчилик, боғдорчилик, узумчиликни, хусусан пахтачиликни ривожлантирилишидан ташқари саноатнинг янги тармоқлари-рангли металлургия, газ ва кимё, муҳим тармоққа айланаётган тўқимачилик саноати билан белгиланарди. Бу тармоқларнинг ривожланиши эса саноатни хом ашё манбаларига ва тайёр маҳсулотни истеъмол қилувчи районларга яқинлаштиришга, шу билан бирга ишлаб чиқарувчи кучларни бутун мамлакат кўламида жойлаштириш вазифасига жавоб бериши лозим эди. Иқтисодий бошқарувга бундай ёндашув табиийки, республикани бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёси билан бир қаторда стратегик хом ашё (пахта) етказиб беришини тақазо этар эди. Айни пайтда Ўзбекистон саноати пахтачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базаси ҳисобланиб, пахта етиштириш соҳасидаги ишларни комплекс механизациялаш учун керакли мукаммал машиналарни яратишда, ирригация қурилиши ва мелиорация ишлари учун зарур машина ва механизмларни, пахта тозалаш саноат асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарарди. Бироқ

Ўзбекистон ССР саноатига билдирилаётган юксак талаблар бу ерда янги технологияларни, замонавий фан ва техника ютуқларини жорий қилиш билан ҳамоҳанг эмасди. Бу эса муқаррар равишда совет давлати халқ хўжалигининг “ривожланиши” омили ҳисобланиб, бир томонлама хусусиятга эга бўлган беш йиллик режаларнинг бажарилмаслигига ва бошқа номутаносибликларга олиб келар, булар айниқса саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида аниқ кўзга ташланарди. Коммунизмни моддий-техника базасини “мустаҳкамлаш” ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини “ошириш” вазифаларини қўйган бу тузум иккинчи жаҳон уруши бошланишидан аввалроқ халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 15 йиллик “истиқболлик” режасини тузишга киришган эди. Ана шу вақтларда мамлакат территорияси 13 иқтисодий районга бўлинган эди. Иқтисодий риёнлаштиришнинг бу тажрибаси талабга жавоб бермасада бу ҳаракатлар 1960 йилларгача давом этди. Шу йили СССР территорияси 16 иқтисодий районга, кейинчалик ерларнинг ўзлаштирилиши ва саноат корхоналарининг кенгайтириб бориши билан 1961 йилда 17 та иқтисодий районга, 1963 йилда эса 18 тага етказилганди[3]. Иқтисодий районларнинг ўнтаси РСФСРда, учтаси Украинада, Айрим иқтисодий районлар биттадан республикани ўз ичига олган эди. (Белоруссия, Қозоғистон), Айрим ҳолларда бир нечта республика бирлашиб, битта иқтисодий районни ташкил этар, бундай иқтисодий районлар каторига Кавказ орти иқтисодий райони, Болтиқ бўйи иқтисодий райони, Ўрта Осиё иқтисодий районларини киритиш мумкин эди.

Ўрта Осиё иқтисодий районига Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари кирди. Ўзбекистон мана шу иқтисодий районлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, майдонининг ҳажми жиҳатидан Ўрта Осиё иқтисодий районини ташкил этган республикалар орасида Туркманистондан сўнг иккинчи ўринда туриб, унинг майдони 449,6 минг км^2. бўлиб, бу майдонга Буюк Британия, Белгия, Голландия, Швейцария, Австрия давлатларини сиғдириш мумкин эди. Умуман олганда Ўзбекистон собиқ СССР территориясининг 2 фоизини эгаллаб, бу ерда мамлакат аҳолисининг 5,1 фоизи истиқомат қилган эди[4].

Меҳнатнинг минтақавий бўлинишига кўра Ўрта Осиёда «Пахта» хомашё комплексини ривожлантириш тақозо этилар эди. “Пахта” дастури маълум мақсадлар сари аниқ йўналтирилган бўлиб, у 11 та қисмлардан иборат бўлган. Улар, жумладан пахта экиладиган майдонларни кенгайтириб бориш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, ягона халқ хўжалигини юқори сифатли хомашё билан таъминлаш, хомашёни сифатини сақлаб туриш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта етиштиришда ишчи кучини мунтазам етказиб туриш, сув заҳираларини тўғри ишлатиш ва сув билан таъминлашни юқори босқичда амалга ошириш, тупроқни такрор ишлаб чиқаришини таъминлаш, атроф - муҳитни ҳимоялаш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари комплексини ривожлантириш, пахта етиштиришни техник базасини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигида пахтачилик комплексини иқтисодий услублар асосида такомиллаштириш, халқ хўжалигида хизмат механизмини такомиллаштириш[5] кабилар ташкил этар эди. Ушбу дастур мамлакат халқ хўжалигида пахта хомашёсига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва Ўзаро Иқтисодий ёрдам кенгаши давлатлари таркибига кирувчи социалистик давлатларни хомашё билан таъминлаш орқали ташқи муносабатларни йўлга қўйишдан иборат эди[6]. Масалан, СССР 1985 - 1990 йилларда жаҳонда етиштирилган пахтанинг 21 фоизига эгалик қилди, шундан олинган тола жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинди. Социалистик тизимга кирувчи давлатлардаги тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 30 фоиздан 97 фоизигача Ўзбекистон ССРда етиштирилган пахта ҳисобидан таъминланди[7]. Бироқ, пахта валюта тушумига эга бўлган асосий хомашё ватани бўлганлиги боис ундан келадиган даромад асосан умумий иттифоқ мамлакат бюджетига тушган. Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасининг 90 фоизи қайта ишланмасдан четга экспорт қилинишининг ўзи ҳар йили мамлакат бюджетига келтирган соф даромад марказнинг Ўзбекистонга бераётган дотациясидан ўн баробар кўп эди[8]. СССР халқ хўжалигида қабул қилинган социализм тузумнинг иқтисодий қонуниятларига асосланган ҳудудий ишлаб чиқариш - аслида мамлакат ижтимоий - иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилар эди. Бундай усулдаги «минтақавий бошқарув СССРда иқтисодий районларнинг шаклланиши ва меҳнатнинг минтақавий бўлиниши натижасида пайдо бўлган бўлиб»[9], у ҳудудий, тармоқлараро бошқарувларга асосланган эди[10]. Совет давлати тарихига бағишланган баъзи адабиётларда мазкур хусусият мамлакатнинг бошқа

минтақаларида турли босқичда бўлган деб таърифланади. АҚШ Луизиана штати давлат университетининг политология фанлари профессори Питер Свик собиқ совет давлатининг иқтисодий ривожида мамлакат територияcини анъанавий тўрт этноминтақага бўлади. Уларга 1. Европа – словян минтақаси: Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия; 2. Болтиқбўйи минтақаси: Латвия, Литва, Эстония; 3. Кавказорти минтақаси: Грузия, Арманистон, Озарбайжон; 4. Ўрта Осиё минтақаси: Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон республикаларини киритади[11].

А.В.Шубин ҳам ўзининг "От застоя к реформам. СССР в 1917-1985гг" номли китобида мамлакатдаги иқтисодий минтақани тўрт гуруҳга бўлади[12]. Булар Болтиқ бўйи. (капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари сақланган, саноатлашган минтақа), Россия, Украина, Белоруссия (социалистик ривожланиш йўлидан бораётган, саноатлашган минтақа), Кавказ орти ва Молдавия (аграр - саноатлашган, ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланиб бораётган минтақа), Ўрта Осиё ва Қозоғистон (ишлаб чиқаришда анъаналарни сақлаб қолган, аграр-саноатлашган минтақа)

Иқтисодчи олим Н.С. Зиёдуллаевнинг таъкидлашича, бу йўсиндаги иқтисодий бошқарув «халқ хўжалигини тармоқларга ажратиб, режалаштириш асосида бошқариш социалистик халқ хўжалиги тарқоқлигини бартараф этар эди»[13]. Ўрта Осиё СССРнинг асосий иқтисодий районларидан бўлиб, бу ерда асосан пахтачилик учун қишлоқ хўжалик техникасини етиштириб бериш ривожланган эди. Ўзбекистон ССРнинг ҳам бу минтақада тутган ўрни катта эди. Ўзбекистоннинг табиий шароити хилма-хил ва асосан халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулай эди. Республикада кенг майдонни эгаллаган водийлар ҳам, жазирама қум саҳролари ҳам, тоғлар, ер ости ва бошқа табиий бойликлар мавжуд бўлиб, бошқа иттиқоқдош республикалар орасида ўз ўрнига эга эди. 1960 йилларга келиб республика собиқ иттифоқдош республикалар орасида аҳолисининг сони бўйича тўртинчи ўринда туриб, Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибидаги тўрт республика орасида эса биринчи ўринни эгаллаган. Ўзбекистон ССРнинг пахтачилик соҳасига ихтисослашуви республиканинг саноати тузилишига ҳам таъсир этган ва бу ҳол минерал ўғит етиштириш, пахта тозалаш, тўқимачилик саноати, тўқимачилик саноати учун машина ҳамда ускуналар етказувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантиришни, катта минтақавий қишлоқ хўжалиги комплексини жамлаган пахта хом ашёсини етиштириш ташкил этар эди[14].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ўзидаги иқтисодий районлар турли гуруҳларга бўлинган. Масалан, "Совершенствование структуры народного хозяйства Узбекской ССР" номли китобда Ўзбекистон минтақавий ихтисослашувга кўра 6 та иқтисодий районларга бўлинади, улар Бухоро - Қизилқум, Қуйиамударё, Самарқанд - Қарши, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона каби иқтисодий районлардан иборат эди[15]. "Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар" деб номлаган монографияда Ўзбекистон ССР бешта: Тошкент, Фарғона, Зарафшон, (Жанубий-Ғарбий), Қуйи Амударё, Сурхондарё, (Жанубий) иқтисодий районларга бўлинади[16]. Бу иқтисодий районлар республиканинг қуйидаги вилоятларини ўз ичига олган: Тошкент райони - Тошкент ва Сирдарё вилоятларини; Фарғона райони - Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини; Зарафшон райони - Самарқанд, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон АССРни, Жанубий район - Сурхондарё вилоятини. Адабиётларда иқтисодий районларни сони турлича берилган, бу бизнингча совет иқтисодий сиёсатида нўноқлигидан далолат беради, айни пайтда бу иқтисодий районларда жойлаштирилган асосий ишлаб чиқариш кучлари Ўзбекистон ССР хўжалигини анча мураккаб аҳволга ҳам солиб қўйган. Бу иқтисодий районлар халқ хўжалигининг бир соҳасига (хом ашё) йўналтирилганлиги боис ўлкага турли хил озиқ-овқат ва саноат моллари асосан четдан келтирилиб, республика эҳтиёжларининг 50 фоизини қондирган.

Вилоятларда озиқ - овқат саноати тармоқлари, турли саноат корхоналари ёки уларнинг филиалларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлсада, республикадаги саноат корхоналарининг йиғиндиси асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларига тўғри келганди[17]. Бу иқтисодий районларнинг хусусияти ва хўжалигининг ривожланиши турлича бўлган. Тошкент, Фарғона иқтисодий районлари ўзларининг саноат ишлаб чиқариш персонали, ялпи маҳсулотининг ва саноатдаги асосий фойдаларининг катталиги билан умумреспублика ишлаб чиқаришида ажралиб турган[18]. Гарчи Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах ва

Қорақалпоғистонда зарур ресурс ва имкониятлар мавжуд бўлсада, бироқ, бу ерларда саноат ривожланиши ҳамма кўрсаткичлар жиҳатидан орқада бўлган[19]. Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлар саноатининг асосий йўналишлари ҳам пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, пахтани қайта ишлаш саноати Қашқадарёда 51 фоиз, Сурхондарёда 56 фоизига тенг бўлган[20]. Қуйи Амударё ва Сурхондарё иқтисодий районлари саноат жиҳатдан энг паст бўлган Тошкент иқтисодий районига қараганда ҳам 4 баравар, Фарғона иқтисодий районига қараганда 2 баравар кам ривожланган[21].

Шу ҳолатда ҳам 1980 йилларга келиб ҳам совет давлатида саноатни районлар ичида жойлаштириш масаласи илгари сурилганича қолаверди. КПСС ХХИВ съездида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масаласини такомиллаштиришга эътибор берилиб, улар қаторига жумладан, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда иттифоқдош республикалар ролини ошириш; мамлакат шарқий районларини табиий ресурсларини келгусида жадал ўзлаштириш ва бу районларнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтириш, йирик шаҳарларнинг кенгайиб кетишини тўхтатиб туриш, бундай шаҳарларда аҳолига ва шаҳар хўжалигига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган объектлардан ташқари саноат корхоналарини жойлаштиришни тўхтатишни қоида қилиб олиш, кичик шаҳарлар ва ишчи пасёлкаларида ихтисослаштирилган кичик корхоналар ва йирик шаҳарлардаги завод ҳамда фабрикаларнинг филиаларини жойлаштириш, шу билан бирга саноат марказларида ишлаб чиқаришни эркаклар ва аёллар меҳнатидан баробар фойдаланишдан иборат вазифалар белгиланди. Умуман, ҳаддан ташқари марказлашган режалаштириш улкан бойлик ва салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишини бўғиб қўйди. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган республикалардан бири сифатида умумиттифоқ меҳнат тақсимотида хўжаликнинг илғор тармоқлари бўйича ўзига хос имконият ва шароитларга эга бўлсада, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмади. Ишлаб чиқариш соҳалари марказга қарам бўлиб, у хомашёга биринчи ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлди. Бунинг устига ишлаб чиқариш кучларини имкониятга қарамасдан жойлаштириш, уларни ривожлантиришдаги номутаносибликлар, нуқсонлар халқ хўжалигининг ҳудудий тузилишида катта қийинчиликларга сабаб бўлди.

Адабиётлар

1. Тохлиев Н.Бозорга отишнинг машаққатли ёли – Тошкент. Озбекистон, 1999. - 69 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2011. 45-бет.
3. Бедринсев К.Н. Ўзбекистон ва унинг иқтисодий раёнлари. – Тошкент. Қизил Ўзбекистон, 1957. -36 б.
4. Бедринсев К.Н. Ўзбекистон ва унинг иқтисодий районлари. 1957 -37 б.
5. Зиядуллаев Н.С. Моделирование региональных экономических систем. -С. 123.
6. Экономические проблемы комплексной программы «Хлопок».- Ташкент. Фан, 1981. - С. 122.
7. Нурмуҳамедов Ҳ. Республикамиз «қарздор»ми? // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. – № 4. – Б. 8.
8. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар... – Б. 93.
9. Досумов Р.Я. Перестройка управления промышленным производством в новых условиях хозяйствования.,-Т.;»Фан». 1990. С.24.
10. Зиядуллаев Н.С. Моделирование региональных экономических систем.,-М.: «Наука». 1983. С10-11
11. Peter Zwick. Ethnoregional socio-economic fragmentation and soviet budgetary policy, - ‘’Soviet Studies’’, Universiti of Glasgow press, vol. XXXI,Juli 1979, №.3, - p. 387.
12. Шубин А.В. От “застоя” к реформам. СССР в 1917-1985гг.М.,РОССПЭН,2001. С135
13. Зиядуллаев Н.С. Моделирование региональных экономических систем.С120
14. Зиядуллаев Н.С. Моделирование региональных экономических систем. – с 120.
15. Совершенствование структуры народного хозяйста Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1987. – с. 72.

16. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. – Тошкент. Фан, 1974. – 166 бет.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. 529-бет.
18. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. ... – 166 бет
19. Досумов. Р.Я. Перестройка управления промышленным производством в новых условиях хозяйствования.-Т. Фан, 1990. - с.12.
20. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб.- 530-бет.
21. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар.- 170 бет

УДК: 1(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР РИВОЖЛАНИШИДА САМДУ ФАЛСАФА ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ЎРНИ

Ж.Я.Яхшиликов

Самарқанд Давлат университети

Ҳар қандай фалсафий илмий ғоялар мутассил ўзгариб, янгиланиб бораётган жамият ҳаётининг ъникоси сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган фанларнинг турли соҳаларига эҳтиёжларнинг юзага келиши, бу эҳтиёжларнинг ижодкор инсонлар томонидан қондирилиши негизида жойларда фаолият кўрсатаётган турли илмий мактаблар ижодкорлари фаолияти асосида яратилган ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида тараққий қилади.

Дарҳақиқат, СамДУ фалсафа илмий мактаби ҳам бой тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлиб, бу мактабнинг юзага келиши фалсафа кафедрасининг ташкил этилиши жараёни билан боғлиқ. Самарқанд Давлат университети фалсафа кафедрасига дастлаб И.М.Мўминов асос солган.

Фалсафа кафедраси шаклланиши ва ривожланиши негизида И.М.Мўминов раҳбарлигида фалсафа илмий мактаби ривожлана бошлаган.

Университетда 1928-1932-йиллардаёқ М.Красноусов, П.Г.Ларина, Х.Файзуллаев, И.М.Мўминов сингари етакчи устозларнинг фаол иштирокида устоз-шогирд тамойили мезони бўйича мамлакат тараққиёти учун лаёқатли ёшлардан жадаллик билан миллий кадрлар тайёрлашга киришилди. Бу ташкилий ишларда И.М.Мўминов фидоийлик кўрсатиб жуда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширган. Коммунистик мафкура кучайган энг мураккаб тарихий шароитда миллий маданият, маънавият масалаларини тадқиқ қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси қудратини юксалтиришда маънавиятини ривожлантириш орқали илмий салоҳиятни кучайтиришда билимли кадрларни сафарбар қилишга ҳаракат қилган. И.М.Мўминов ижтимоий фанлар соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларни бирлаштириб ижтимоий ҳаётда юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда ибрат кўрсатиб, фалсафанинг энг мураккаб долзарб масалаларини тадқиқ қилишга мавжуд куч қудратини қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирда СамДУ) ташкил топгандан кейин фалсафа кафедрасига асос солганлардан бири сифатида аллома, олим, файласуф академик И.Мўминов кафедрани ва тарих факультетини бошқариш жараёнида биринчи кундан бошлаб олий маълумотли миллий кадрларни тайёрлаш билан бир қаторда мустақиллик ва миллий маънавий қадриятларни тиклаш ҳақидаги ғояларни илгари суришни ўз олдига асосий мақсад қилиб, илмий тадқиқот ишларини шу йўнанилшга қаратган эди.

Зеро, совет даврида атайлаб халқни ўз тарихи ва милий-маънавий маданиятидан маҳрум этиш, уни инкор этиш ёки унутишга ундаш билан тоталитар ҳукмрон мафкура миллий онгни бузиш, бошқача айтганда “совет ҳалқини” шакллантириш каби манфур мақсадларни кўзлаган эди.

Дарҳақиқат, академик С.М.Шермуҳаммедов ҳақли равишда, “Шундай шароитда И.М.Мўминов нафақат ўзбек файласуфлари ичида, балки Собиқ иттифоқда ҳам биринчилардан бўлиб тарихий ва маънавий-маданий меросни, авваломбор ўша миллатнинг маънавий камолотига сафарбар этиш лозимлигини чуқур англаб етди ва жаҳон маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик йирик олимлар, файласуфлар, шоирлар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий қарашларини фалсафа илми нуқтаи-назаридан ўрганишни бошлаб берди. Албатта, ўз-ўзидан маълумки, марказнинг зуғуми ва қаттиқ мафкуравий назорати ҳукмрон шароитларда И.М.Мўминов илмий изланишларининг мазмуни ва “доирасига” таъсир кўрсатмай қолмаган. Бироқ зукко файласуф олим сифатида унинг чинакам ватанпарварлик жасароти шундаки, тоталитар тузум шароитида ҳам Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий фалсафий тафаккури, маданияти, тарихи, илмий мероси донишманднинг фалсафий тадқиқотлари ва илмий-педагогик ва тарғиботчилик фаолиятида доимий ва ўзгармас мавзу бўлиб келган эди” [1],- деб И.М.Мўминов хизматларини оқилона объектив тарзда кўрсатиб беради.

И.М.Мўминов 1950 йилда “XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон халқлари ижтимоий ва фалсафий фикри тарихидан” мавзусидаги докторлик диссертациясини ўзбекистонлик файласуфлар ичида биринчи бўлиб ҳимоя қилди ва Самарқанд Давлат университетида фалсафа илмий мактабига асос солди. Ўша даврдаги мураккаб шароитда коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида миллий маданият ва миллий маънавиятни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Собиқ Шўро даврида фалсафа ўта сиёсийлаштирилиб, ҳукмрон мафкуранинг хизматкорига айлантирилганди, фан сифатида реал воқеликдан ажралиб қолганди. Фалсафанинг барча муаммолари Марксизм таълимотлари асосида олиб борилди. Ўтмиш фалсафий мероси ўрганилганида бир тамонлама ёндашилиб, материалистик, атеистик нуқтаий назардан ўрганилди.

Энг муҳими Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг қарашларидан материалистик, атеистик ғоялар изланди. Улуғ ҳадисшунослар ва тасаввуф таълимотининг ижодкорлари бўлган Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг таълимотлари ўта зарарли, деб қораланди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Бобур каби буюк салтанат эгаларининг фаолиятини бузиб талқин қилинди, уларнинг фаолиятини реалроқ ёритган файласуф олимларимизни ўтмишни идеаллаштиришда айбланиб қаттиқ жазоланганлар.

И.Мўминов ўша даврда Самарқанд Давлат университети аспирант ва тадқиқотчилари бўлган истеъдодли ёшлардан ҳисобланган М.Хайруллаев, С.Шермуҳаммедов, А.Ахтамов, М.Ҳақбердиев, Р.Каримов сингари ёшларнинг тадқиқот ишлари, илмий ишлар олиб боришига астойдил жазм қилган кафедра ўқитувчилари ва аспирантлари ўзбек миллий маданияти ва маънавий қадриятларимизнинг фалсафий асослари ва уларнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва ролини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга қаратди. Бундай ижобий аҳамиятга молик бўлган ҳатти - ҳаракатлар аллома файласуф олим И.М.Мўминов бошчилигида Самарқанд Давлат университети фалсафа кафедраси қошида умуммиллий маънавий қадриятларимизни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиб бериш учун илмий изланиш ишлари олиб бориш, унинг натижаларини умумлаштириб китоблар ёзиб, диссертацияларни ҳимоя қилиб халқимизни, миллатимизни бу ноёб маънавият дурдоналари билан бахраманд этувчи фалсафий мактабнинг шаклланиши учун замин яратишга олиб келди.

Университетда фалсафий мактаб вужудга келгандан кейин И.Мўминовнинг бевосита илмий раҳбарлигида М.Хайруллаев “Фаробийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”, С.Шермуҳамедов “Ўзбек миллий маданий меросининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва роли”, М.Самишкин “Ақлий ва жисмоний меҳнатнинг ижтимоий-фалсафий асослари”, А.Ахтамов “Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги алоқаларнинг ижтимоий-маънавий асослари” каби долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, уларнинг натижаларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб чиққанларидан кейин номзодлик ва доктирлик диссертацияларини ёзиб муваффақиятли ҳимоя қилиш билан бир қаторда, алоҳида рисолаларни, китобларни ёзиб босмадан чиқариб, халқимизни тарихий маънавият дурдоналари билан бахраманд этдилар.

Университетнинг мазкур фалсафа илмий мактаби ўзининг олиб борган ижобий ишлари натижасида Ўзбекистонда катта диққат-эътиборга сазовор бўлди ва республика илмий жамаотчилигининг тавсияси билан Ўзбекистон Фанлар академияси қошида фалсафа, тарих ва ҳуқуқ бўлими ташкил этилиб, унга фалсафа фанлари доктори, профессор И.Мўминов бошлиқ этиб тайинланди.

Кейинчалик бу бўлим Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига айлантирилди.

И.Мўминов Тошкентга ишга ўтгандан кейин аллома файласуф олимнинг шогирдлари бўлмиш доцентлардан Р.Каримов, Ю.Талишкин, М.Ахмедов ва проф. О.Бозоров университет фалсафа кафедрасининг мудири лавозимида мазкур мактабнинг илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни замон талабига мувофиқлаштирган ҳолда давом эттириб ижобий натижаларга эришдилар. Проф. О.Бозоров раҳбарлик қилган даврда (1976-1987-й.й.) ёш тадқиқотчи аспирантлардан М.Бозоров, Ж.Яхшиликов. Р.Мардонов, Р.Аҳмеджонов, М.Мадримова, Г.Абдусаидова, Ш.С.Қўшақов, П.С.Ҳайдаров, М.О.Оллоёров ва бошқалар кафедранинг умумий илмий йўналишининг айрим соҳалари бўйича олиб борган илмий изланишлари натижаси

юзасидан номзодлик диссиртацияларини ёқлаб фалсафа фанлари номзоди деган илмий унвонни олишга сазовор бўлдилар.

Шу билан бир қаторда, кафедра ташаббуси билан фалсафа, диншунослик, этика ва эстетикадан талабаларга сабоқ беришнинг илмий - назарий, амалий ва услубий ишларни замон талаби асосида такомиллаштириб бориш масалалари юзасидан бир нечта Республика илмий-услубий конференциялар ўтказилди. Унинг материаллари умумлаштирилиб босмадан чиқарилганлиги ва профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтишлари олий таълим талабларига тўлиқ жавоб беришини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллегияси кафедранинг намунали олиб бораётган ижобий ишларини Республиканинг барча олий ўқув юртларига кенг ёйиш юзасидан махсус қарор қабул қилинганди. Бу қарор кафедра илмий жамоатчилигини руҳлантириб юборди ва янги зафарларга чорлади.

Шу йиллар ичида кафедра доценти Ҳ.Каримов узоқ йиллар меҳнат маданиятининг шаклланиши, ривожланиши ва унинг шахсни маънавий камол топтиришдаги роли ҳақидаги мавзуси юзасидан олиб борган илмий изланишларини умумлаштиргандан кейин докторлик диссертациясини ёзиб Тошкент илмий жамоатчилигига тақдим этди. Мазкур диссертация Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида муҳокама этилиб, ижобий баҳолангандан кейин 1984 йили шу институтнинг ихтисослаштирилган илмий кенгашида ҳимоя қилиниб, фалсафа фанлари доктори илмий даражани олишга сазовор бўлди. 1986 йили профессорлик илмий унвонини олди.

1988 йилдан кейин то мустақилликнинг бошлари 1992 йилгача фалсафа кафедрасини фалсафа фанлари доктори, профессор О.Эргашев бошқарди. Унинг раҳбарлигида ҳам фалсафий мактабнинг ижобий ишлари давом эттирилиб кафедра аспиранти Н.Исроилова “Қишлоқда маънавий ҳаётнинг ривожланишида илмий-техниканинг роли”, Б.Исоқов “Деҳқонлар ижодий фаоллигини оширишда илмий-техника тараққиётининг таъсири” мавзуларида номзодлик диссертацияларини ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражани олишга сазовор бўлдилар.

1993 йилда доцент Ж.Яхшиликов Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ихтисослаштирилган Илмий кенгашида “Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг обеъктив ва субъектив омиллари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб фалсафа фанлари доктори илмий даражаси соҳиби бўлганидан кейин кафедрани бошқариш унинг зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлиши билан бир қаторда, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича, унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган фалсафа фани соҳасида ҳам замон руҳиятига мувофиқ келадиган янгича тафаккур қилиш, демократик қарашларни кишилар онгига чуқур сингдириб бориш ва шу долзарб муаммолар юзасидан илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Тафаккур” журналининг бош муҳаррири саволларига берган жавобларида, “Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад - озод жамиятни барпо этиб бўлмайди” [2], - деб таъкидлаган эди.

Шундай ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни эътиборга олган ҳолда Самарқанд Давлат университети фалсафа кафедраси профессор-ўқитувчилари фалсафа фани бўйича янги дастур асосида талабаларга сабоқ бериш билан бир қаторда, олиб борадиган илмий-тадқиқот ишларининг мавзусини умуминсоний ва умуммиллий қадриятларимизнинг долзарб муаммоларини тадқиқот этишга асосий диққат-эътиборларини қаратдилар.

1993 йилда бўлиб ўтган кафедра йиғилишида профессор-ўқитувчиларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларининг мавзуси қайтадан кўриб чиқилди ва кафедранинг умумий тадқиқот йўналиши этиб “Марказий Осиё маънавий тараққиётининг фалсафий муаммолари” (илмий раҳбар проф. Ж.Я.Яхшиликов) этиб тасдиқланди.

1995 йилда кафедра илмий тадқиқот мавзуси яна қайтадан кўриб чиқилиб, замон руҳига мослаштирилиб “Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари диалектикаси” этиб яна қайтадан тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда кафедранинг профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, тадқиқотчилари шу умумий мавзунинг айрим йўналишлари бўйича тадқиқот ишлари олиб бориб, унинг натижалари юзасидан илмий мақолалар ёзиб республика журналларида, илмий тўпламларда босиб чиқармоқда ва номзодлик диссертацияларини ёзиб ҳимоя қилмоқдалар. Лекин бундан фалсафа кафедраси илмий жамоаси мустақиллик мазмунига мувофиқ келадиган фалсафий тадқиқот ишларини Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилингандан кейин олиб борган деган, хулоса чиқармаслик керак.

Профессор Ж.Я.Яхшиликов ўзидан олдин кафедрага раҳбарлик қилган устозларнинг ижобий ишларини давом эттириш билан бир қаторда, мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича тафаккур қилиш ва янгича фалсафий дунёқарашни талабалар онги ва қалбига сингдириш ишларига жиддий эътиборни қаратмоқда. Бунинг боиси шундаки, Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилингандан кейин университетда таълим олаётган талабаларга эски марксистик мафкурага асосланган фалсафа фани дарслиги юзасидан эмас, янги замон талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмалар, дарсликлар асосида дарс ўтишни ҳаёт талаб этар эди.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейин фалсафа фанидан ҳали ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзиб нашрдан чиқариш учун маълум вақтни талаб этишини этиборга олган проф. Ж.Я.Яхшиликов кафедра профессор-ўқитувчиларини фалсафадан, мантиқдан, маънавият асосларидан ўқув дастурида белгиланган мавзулар юзасидан маъруза матнларини ёзиб босмадан чиқариб, талабаларни ўқув қўлланмалари билан таъминлашга сафарбар этди. Бундай саъй-ҳаракатлар қисқа муддатда ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Кафедра профессор-ўқитувчилари 1992-1994 йиллар мобойнида фалсафа фанининг янги ўқув дастурига асосланиб уч қисмдан иборат (ҳар бири 5 босма табоқ) ўзбек тилида маъруза матнларини ёзиб босмадан чиқардилар ва талабаларни озгина бўлса ҳам ўқув қўлланмага бўлган эҳтиёжини қондиришга муваффақ бўлдилар. Бу ишларни амалга оширишда проф. Ж.Я.Яхшиликов раҳбарлигида доцентлардан У.Қулмуродов, М.Мадиримова, М.Буриев, Г.Ҳайдров, Х.Самибоев, М.Оллоёров, Х.Расулова, Н.Убайдов, Г.Абдисаидова ва бошқалар фаол қатнашганлар.

Фалсафа фанлари доктори Ш.Қўшоқов эса “Диалектика ва унинг альтернативи” ўқув қўлланмасини 7 босма табоқ ҳажмида тайёрлаб, республика “Ўқитувчи” нашриётидан чоп эттириб, кенг китобхонлар оммасига тарқатди. Шунигдек, доцент М.Оллоёров “Мантиқ” курсидан, доцент У.Қулмуродов “Фалсафа тарихи”дан ўзбек тилида маъруза матнларини нашр эттириб талабалар ўртасида тарқатдилар.

1999 йилда проф. Ж.Я.Яхшиликов, доц.Х.Зохидовлар томонидан “Маънавият асослари” курси бўйича касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей талабалари учун ўқув дастури тайёрлади, бу тайёрланган дастур республика танловида биринчи ўринни олди ва бир неча маротаба нашр этилиб, ҳозирги кунга қадар шу дастур асосида сабоқ берилмоқда.

2001 йили проф. Ж.Я.Яхшиликов ва А.Аликулов ҳаммуаллифлигида “Миллий қадриятлар ва маънавият асослари” ўқув қўлланмаси таёрланиб, СамДУ нашриётида (6 босма тобоқ) чоп этилди.

Устозлар тамонидан асос солган фалсафа илмий мактаби янги замон талабларига жавоб берувчи ижтимоий-маънавий ҳаётнинг долзарб мавзулари юзасидан илмий изланишлар олиб боришга профессор-ўқитувчилар, аспирант, доктарант, мустақил изланувчилар жалб этилди. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда бўлаётган туб ўзгаришларнинг ижтимоий-маънавий, фалсафий моҳиятини тадқиқ этиш, унинг ижтимоий мазмунини янгича тафаккур қилиш асосида назарий-амалий таҳлил қилиб беришга астойдил киришдилар. Бундай ижобий ҳатти ҳаракатлар ўз самарасини бермай қўймади. Мустақилликнинг ўтган қисқа 25 йили ичида профессор-ўқитувчилар фаол олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижалари юзасидан кўплаб илмий мақолалар, рисолалар, монографиялар, китоблар, услубий қўлланмалар, илмий тўпламлар тайёрлаб нашр эттирдилар. Масалан, 1994 йилда кафедра профессор-ўқитувчилари ёзган мақолалар асосида таркиб топган “Ижодиёт ва инсон омили” илмий тўплами (проф. Ж.Я.Яхшиликов бош муҳаррир) 7 босма табоқ ҳажмида, фалсафа фанлар доктори Ш.Қўшоқов муҳаррирлигида “Фан ва фалсафада рефлекция муаммоси” илмий тўплам 1995 йилда 5.5 босма табоқ ҳажмида босмадан чиқарилиб кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. 1993-1994-

йилларда кафедранинг бевосита ташаббуси билан аллома файласуф олим, академик И.Муминов юбилейи ва буюк аждодларимиздан бири бўлган, астроном олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигини нишонланиши муносабатида университетда Республика илмий-назарий конференция ўтказилди.

Мазкур илмий анжуманда республикамизнинг кўзга кўринган фан арбоблари, йирик олимлар, файласуфлар, тарихчилар қатнашиб илмий маърузалар билан чиқиш қилдилар. Ҳар иккала илмий анжуманнинг материаллари проф.Ж.Я,Яхшиликов умумий таҳрири остида 5-6.5 босма табоқ ҳажмида нашр этилди. Шунингдек, 1996-йил май ойида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейининг кенг миқёсда нишонланиши муносабати билан фалсафа кафедраси жамоа аъзолари “Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” мавзусида ҳалқаро илмий конфренциянинг ўтказилишида бош-қош бўлди.

Конференцияда республикамизнинг йирик олимлари, фан арбоблари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда, бошқа давлатлардан келган олимлар ҳам иштирок этиб, Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва давлатчиликни бошқариш ҳақидаги қарашлари ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва роли ҳақида чиқиш қилиб, қизиқарли тарихий фактларни, фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар ва муҳокама этдилар.

Конференцияда илмий маърузалар билан чиқиш қилган олимларнинг мақолаларидан энг мазмунлилари танлаб олиниб “Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” номи билан 16 босма табоқ ҳажмида проф. Ж.Я.Яхшиликов бош муҳаррирлигида конференция материаллари босмадан чиқарилди.

Устозлар асос солган кафедра фалсафа илмий мактабининг аъзолари учун 1997 йили тарихда из қолдирадиган йил бўлди. Шу йил октябрь ойида фалсафа кафедраси базасида СамДУнинг 70 йиллиги тўйини нишонлаш арафасида “Ўзбекистон мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш масалалари” мавзусида халқаро илмий-назрий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда республика ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган йирик ижтимой-гуманитар соҳасидаги фан арбоблари, олимлар, илмий текшириш институт ходимлари, ёш тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари мустақиллик фалсфасининг долзарб муаммолари, маънавият, мафкура ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, жаҳон фалсафаси тараққиётида тасаввуфнинг роли, умуминсоний қадрятларимизнинг гуманистик демократик жамият қуришда тутган ўрни ва роли каби муҳим масалалар юзасидан илмий маърузалар билан чиқиш қилиб, фикр алмашдилар.

1998 йил 26-27 ноябрь кунлари кафедра асосчиси академик И.М.Мўминов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб «И.М.Мўминов ва истиқлол даври фалсафасининг долзарб муаммолари» мавзусида Республика конференцияси ўтказилди. Конференция материалларида Ўзбекистонда фалсафа фанини ривожлантиришда академик И.М.Мўминовнинг хизматлари ва унинг илмий мероси, Марказий Осиё фалсафасини тадқиқот қилиш муаммолари, Мустақиллик фалсафаси моҳияти ҳамда истиқлол фалсафасининг илмий-услубий муаммоларини ёритишни қамраб олинган. Шу билан биргаликда, академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан “Академик Иброҳим Мўминовнинг илмий фалсафий мероси ва унинг ижтимоий-фалсафий фанлар тараққиётида тутган ўрни” мавзусига бағишлаб республика аҳамиятига эга бўлган конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Академик Иброҳим Мўминовнинг фалсафий мактаби ҳамда Ўзбекистонда фалсафий фанлар тараққиёти, фалсафа тарихини ўрганишда академик Иброҳим Мўминов илмий-фалсафий меросининг ўрни ва аҳамияти ҳамда мустақиллик даври фалсафасини ўқитишнинг илмий – назарий ҳамда услубий масалаларини ёритишга қаратилди. Конференция материаллари 22 босма тобоқ ҳажмида нашр эттирилди. Конференцияда республиканинг энг етакчи файласуф олимлари иштирок этди.

Мазкур конференция материаллари алоҳида илмий тўплам шаклида тайёрланиб (15 босма табоқ) профессор Ж.Я.Яхшиликов муҳаррирлигида босмадан чиқарилиб, илмий жамоатчилик ўртасида тарқатилди.

2006 йил 22-23 декабрь кунлари кафедра базасида «Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция материалларида ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалари бўлган

цивилизациянинг моҳияти ва интеграция муаммоларининг назарий-методологик масалаларини ёритишга қаратилди ва 20 босма табоқ ҳажмида нашр эттирилди.

Умуман олганда, охирги йилларда Самарқанд Давлат университети фалсафа кафедраси Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида кўплаб республика аҳамиятига эга бўлган Республика илмий конференция ва семинарлари уюштирилиб, унинг материаллари мунтазам равишда чоп эттирилиб борилди. Масалан, “Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожи истиқболлари” республика конференциялари тўплами (I-II- китоб шаклида Тошкент – Самарқанд, 2010 йил, 20 босма тобоқда) нашр эттирилди. 2011 йил “Маънавий тараққиёт ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг фалсафий масалалари” (20 босма тобоқда), 2012 йилда “Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари” мавзусида Республика илмий конференцияси материаллари (22 босма тобоқда), 2013 йил 28 ноябрда СамДУ ва ЎзМУ ҳамкорлигида Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (12.5 босма тобоқда), 2014 йил 18-19 апрель кунлари СамДУ ва ЎзМУ ҳамкорлигида Руспублика илмий-назарий конференция уюштирилиб, конференция матераллари (18 босма тобоқда) ҳамда 2016 йил 15-декабрь ойида илмий назарий Республика семинари уюштирилиб, конференция материаллари (33.25 босма тобоқда) 2017 йил февраль ойида нашр эттирилди. Бу анжуманларда фан, таълим, интеграция ва инновация масалаларига бағишланган энг зарур ва ижтимоий тараққиёт учун муҳим аҳамиятли бўлган фалсафий масалалар ёритилган.

Бундан ташқари, шу йили кафедра аъзолари “Фан ва илмий ижодиёт методологиясининг муаммолари” (муҳаррирлар проф. Ж.Я.Яхшиликов, фалсафа фанлари доктори Ш.Қўшақов) илмий тўпламни 15 босма тобоқ ҳажмда тайёрлаб нашр этдилар. Мазкур тўпламдан профессор-ўқитувчиларнинг мустақиллик йилларида жамиятимизнинг ижимоий-иқтисодий маънавий ва илмий-техник тараққиёти соҳасида бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг ижтимоий-маънавий жиҳатлари назарий-амалий асослаб беришга бағишлаб ёзилган илмий мақолалар ўрин олган.

Профессор Ж.Яхшиликов муҳаррирлигида 2014 йили “Глобаллашув ва маънавий тараққиёт” мавзусида кафедра илмий тўплами тайёрланиб, 10 босма табоқда СамДУ нашриётида чоп этилди. Тўпламда глобаллашув тушинчасининг мазмун ва моҳияти, унинг табиати, ижтимоий ҳаётга таъсир этиш имкониятлари, ҳамда унинг таъсирида юз берадиган геополитик ўзгаришлар, унинг сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлили, мамлакат халқлари маънавий юксалишига таъсири кенг тадқиқ этилган.

Кафедранинг илмий жамоа аъзолари кейинги йилларда тадқиқот ишлари олиб боришни фаоллаштиришлари туфайли ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Масалан, 1998 йилда проф.Ж.Я.Яхшиликов ва доц.П.Хайдаров “Фалсафа ва дунёқараш” (6 босма табоқ), проф.Ж.Я.Яхшиликов, проф.Ш.Ахадов 1999 йилда Республика фан нашириётидан “Темурийлар маънавияти” (10 босма табоқ), доц. М.Оллоёров 2000 йилда “Мантиқ” (12 босма табоқ, ўқув қўлланма), доц.Н.Убайдов “Ўрта аср мутафаккирларининг табиий илмий фалсафий қарашлари” (6 босма табоқ), проф.Ж.Я.Яхшиликов, проф.Ш.Қўшоқов, доц.О.Абдурасулов 2001 йилда Республика “Фан нашриёти”дан “Мустақиллик ва муҳандис техник зиёлилар фаоллиги ошиб бориши механизимининг объектив ва субъектив омиллари” (10 босма табоқ) номидаги китоблар, монографиялар, ўқув қўлланмалари босиб чиқарилиб кенг китобхонлар оммаларига тақдим этилди.

Проф. Ж.Я.Яхшиликов Н.Убайдуллаева билан 2004 йилда Республика “Фан” нашриётидан, “Жадидчилик ва Беҳбудий” (10 босма табоқ), 2008 йилда О.М.Ғайбуллаев “Шахс маънавий камолати ва эстетик маданият” Тошкент: “Чашма принт” нашриётида (10 босма тобоқ), 2010 йил Шуҳрат Қаршиев “Маънавий маданият ва исломий қадрият” Самарқанд “Зарафшон” нашриёти (8 босма тобоқ), 2012 йил Р.Қобилов “Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси” (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Тошкент, “Фан” нашриёти (4 босма тобоқ), 2012 йилда СамДУ нашриётида проф. Ж.Я.Яхшиликов, доц. Л.Н.Жўраев “Иқтисодий маданият ва давр”, (10 босма табоқ), 2015 йилда проф. Ж.Я.Яхшиликов, доц. Н.Э.Мухаммадиев “Фан” нашриётида “Миллий ғоя ва мафкура” (16 босма табоқ) номли монографиялари чоп этилган. Бундан ташқари, фалсафа кафедраси илмий мактаби вакиллари тамонидан мустақиллик йиллари фалсафанинг энг муҳим долзарб муаммосининг турли жабҳаларини тадқиқ қилмоқдалар. Масалан, 2015 йил У.Т.Язданов “Фуқаролик жамияти ривожида жамоатчилик

фикрининг роли”, Тошкент: “Нишон-ношир” нашриётида (13 босма табоқ), шу йили С.Қ.Язданова “Миссионерлик анатомияси (Кеча ва бугун), Самарқанд Имом Бухорий ҳалқаро маркази нашриётида (10,5 босма табоқ), 2009 йил доц. Ш.Ш.Негматова “Жамият ва давлатни бошқаришнинг маънавий-аҳлоқий асослари” Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётида (6 босма табоқ), шу муаллиф тамонидан “Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари” монографияси “Фан” нашриётида (10 босма табоқ) чоп этилди.

Кафедра доценти О.Турсунова ва асс.З.Язданов томонидан СамДУ нашриётида “Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланилиши” (10 босма табоқ), 2017 йилда доцент А.А.Ахмедов томонидан “Экологик назорат: назария, методология ва амалиёт” монографияси Тошкент: “Адабиёт учқунлари” нашриётида (10 босма табоқ), доцент М.М.Аллаярова СамДУ нашриётида “Бадиий эстетик тарбия ва маънавият” (9 босма табоқ) номли монографияси нашр этилган. Мазкур кафедра илмий мактаби вакиллари СамДУ нашриёти орқали кўплаб услубий қўлланмалар чоп этдилар. Масалан, доц. О.Турсунова ва З.Я.Язданов 2016 йилда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитиш методикаси” услубий қўлланмалари 1-2 қисмдан иборат бўлиб (20 босма табоқ), СамДУ нашриётида чоп эттирилган.

Доц. С.Қ.Язданова 2015 йили “Дунё динлари тарихи” услубий қўлланмаси (10 босма табоқ). доц. М.Оллаяров, доц. М.М.Аллаярова “Мантиқ” (10 босма табоқ) услубий қўлланмаси, доц. А.А.Ахмедов, асс. Х.Донабоевлар “Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари” услубий қўлланмалари (8 босма табоқ) СамДУ нашриётида чоп этилди. Бу услубий қўлланмалар турли фалсафий фанларни талабалар тамонидан ўзлаштиришида муҳим қўлланма вазифасини бажармоқда. Нашр этилган илмий маҳсулот маҳсули бўлган китоблар, монографиялар, ўқув қўлланмалар босиб чиқарилиб кенг китобхонлар оммаларига татбиқ этилди. Шу билан биргаликда, проф.Ж.Я.Яхшиликов малакали кадрлар тайёрлашга ҳам эътиборни кучайтирди. Унинг раҳбарлигида қуйидаги аспирант, тадқиқотчи, докторантлар диссертацияларини ҳимоя қилган: О.Абдурасулов “Ўзбекистонда ислоҳатлар жараёнида инженер-техник зиёлилар ижодий фаоллигини ошириш муаммоллари” (1997 йил), М.Аллаёрова “Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда шахс бадиий ижодини ривожлантиришнинг объектив шароитлари ва субъектив омиллари” (1999 йил), Л.Н.Жўраев “Иқтисодий маданиятнинг структуравий - функционал таҳлили” (2005 йил), М.Қ.Мирзаева “Жамият тараққиётида транскоммуникациялар ролини оширишнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари” (2005 йил), О.М.Ғайбуллаев “Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиши масалалари” (2005 йил), У.Эргашев “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ижтимоий адолатнинг қарор топиши масалалари” (2006 йил), Д.Б.Рахимова “Ўзбекистонда талаба ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари” (2008 йил), Б.Э.Исроилов “Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг объектив ва субъектив омиллари” (2010 йил), Р.И.Норлиев “Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари” (2011 йил), А.Р.Самадов “Ахлоқий идеалнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва унинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти” (2011 йил), А.А.Ахмедов “Экологик назоратнинг ижтимоий-фалсафий масалалари” (2011 йил), А.Қ.Айматов “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадиий асослари” (2011 йил), С.Қ.Язданова “Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий таҳлили” (2012 йил), Ш.Ш.Негматова “Ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг ахлоқий нормалари” (2012 йил), Р.Ш.Тошқувватова “Проблемы соотнашения политического и религиозного экстремизма в условиях глобализатсии” (2012 йил) мавзуларида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Шу билан биргаликда, проф Ж.Я.Яхшиликов раҳбарлигида О.М.Ғайбуллаев докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда Ш.Негматова докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари олиб бораётган тадқиқот ишларининг айрим қисмлари бўйича илмий оммабоп мақолалар ёзиб, республика газета ва журналлари саҳифаларида чоп этишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда проф.Ж.Я.Яхшиликов, доц.Н.Убайдов, О.Турсунова, М.Мирзаева, Р.Тошқуватова, Л.Жўраев, ўқитувчилардан У.Язданов, И.Шерманов, Х.Жўрақулов, З.Язданов,

Б.Мамарасулов ва бошқалар турли мавзуларда ёзган мақолаларини республиканинг “Гулистон”, “Мулоқот”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, “Тафаккур”, “Жамият ва бошқарув”, “СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси”, “Ҳуррият” каби газета ва журналларда ҳам илмий мақолалар босиб чиқардилар.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, кафедранинг ташаббуси билан ректоратнинг бевосита раҳбарлигида университетда Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган бўлим Тарих факультети қошида ташкил этилди. Ҳозирги вақтда мазкур бўлимда талабалар бакалавр ва магистратурада таълим олиб фалсафий дунёқарашнинг сир-асрорларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишга астойдил киришган. Бу ишларни бошқариб бориш фалсафа кафедраси негизида янгидан ташкил этилган махсус миллий ғоя, фалсафа ва маънавият асослари кафедраси зиммасига юклатилган.

Малакали кадрларни тайёрлашни янада жонлантириш мақсадида 2017 йил 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси №83-рақамли ОАК раиси қарори билан Самарқанд Давлат университети ҳузурида фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш бўйича Кенгаш тузилди ва кенгаш шифри ДСс.27.06.2017.Ф.09.02. деб белгиланди.

Диссертациялар ҳимояси:

09.00.01 – онтология, гноселогия ва мантиқ;

09.00.02 – онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси;

09.00.03 – фалсафа тарихи;

09.00.04 – ижтимоий фалсафа фанлари бўйича ҳимояга рухсат этилди. ОАК томонидан эълон қилинган бу қарор ҳудудда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантиришга объектив шарт-шароит яратилди.

Хулоса қилиб айтгандда, кафедра профессор-ўқитувчилари мустақиллик яратиб берган эркин, озод ижод қилиш ва тадқиқот ишлари олиб бориш барча имкониятларидан унумли фойдаланиб, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг долзарб муаммоларини янгича тафаккур қилиш ва миллий истиқлол ғояси асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни янада такомиллаштириб боришга астойдил киришган. Бу истиқболли режаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун кафедра аъзолари келажакда мустақиллик ижтимоий фалсафасининг энг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга профессор-ўқитувчиларни сафарбар этишга қаратилди.

Адабиётлар

1. С.Ш.Шермухаммедов. Академик Иброҳим Мўминов - Ўзбекистонда фалсафа илмий мактабининг асосчиси. Илм-фан ва таълим –истиқлол пойдевори. Республика илмий-назарий семинар материаллари. -Самарқанд - Тошкент, 2013 йил. -9 бет.
2. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. -94 бет.

УДК: 494.3

МУТАФАККИР ТАҚДИРИДА САМАРҚАНД ТИМСОЛИ

Д.Салоҳий
Самарқанд Давлат университети

Ер юзининг сайқали дея таърифланмиш азим шаҳар Самарқанд тарихимизда ўтган кўпгина мутафаккирлар тақдирида ёрқин из қолдирган. Милоддан аввалги VIII асрлардан буён бу муқаддас юртга қараб йўл олган илм ва маърифатталабларнинг, устоз ва муршидталабларнинг қадамлари тингани йўқ. Шеърият мулкининг соҳибқирони Амир Низомиддин Алишер Навоийни ҳам ҳаётининг энг масъулиятли даврларида шу шаҳар меҳр билан ўз бағрига олган эди. Бунинг натижаси сифатида Самарқанд бир умр шоир қалбида нодир инжудек таассурот қолдирди, дилбар шоир сиймоси эса Самарқанд учун ширин хотира бўлиб қолди. Алишер Навоий Мовароуннаҳрнинг маркази бўлмиш Самарқандни жаннатларга тенглаштириб «Самарқанди фирдавсмонанд» деб атайди. Унинг тасаввурида Самарқанд – жаннат, атрофидаги ариқлар ҳам жаннат ариқлари. Руди Кўҳак (Зарафшон дарёсининг) суви асал билан тенгдир. Бу сув беморни даволайди. Ундан бутун Самарқанд водийси баҳраманд бўладилар. Самарқанддаги Кўҳак (Чўпонота тепалиги) жаҳон хазинасининг тилсимотидир. Ундаги ҳатто «ушоқ тошлар» ҳам «лаълу инжу» билан тенгдир, ўт-ўланларнинг ям-яшил ранги мовий осмонни эслатади. Ҳазрат Навоийнинг 24-25 ёшларида Самарқандга қилган сафарлари, бу ерда кечирган ҳаёти, бу сермашаққат, аммо фараҳли йилларнинг шоир кейинги ижодига таъсири масалалари самарқандлик олимлар томонидан анча муфассал тадқиқ этилган. Ўтган асрнинг ўрталарида академик Воҳид Абдуллаев улуғ шоиримизнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида фундаментал тадқиқот яратди. Бу тадқиқот бугунги кунга қадар ҳам ўзининг юксак илмий қимматини йўқотгани йўқ. Унинг навоийшуносликдаги аҳамияти шундан иборатки, буюк шоир ҳаёти даврларининг Машҳад, Ҳирот (Самарқандга келгунга қадар), Астробод тафсилотлари муфассал ёритилмаган. Фанимиз бу соҳада умумий маълумотлар билан кифояланмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор, албатта. Навоий Машҳадда жуда ёшлик даврларида бўлган. Унинг бу ердаги фаолияти асосан ўқиш-ўрганишдан иборат бўлиб, уни қуршаган адабий-маърифий муҳит ҳақида ўз асарларида маълумотлар қолдирган. Астрободда эса шоир бор-йўғи бир йил бўлган. Шунинг учун унинг бу давр ҳаёти тафсилотларини ёритишнинг мушкуллик жиҳатлари бор. Самарқандда эса шоир онгли ҳаётининг энг жўшқин даври кечди. У бу ерга машҳур шоир бўлиб келди. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафоий уни ўз мартабасига муносиб тарзда иззат-икром қилди, самарқандлик йирик олимлар унга дарс берганларида алоҳида эътибор билан муносабатда бўлдилар. Аммо энг муҳим ва жиддий масала борки, бу Самарқанднинг Ҳазрат Навоийнинг Машҳадда Шайх Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммадлар воситасида шакллана бошлаган фалсафий-маърифий, диний-тасаввуфий қизиқишлари бир ўзанга тушишига йўл очган, бу соҳадаги дунёқараши шаклланишига имкон яратган шаҳарларидан бири эканлигидир. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг илмий асосланган мантиқий хулосаларига кўра, Навоий Ҳиротдан чиқиб кетишни ният қилар экан, қайси шаҳарни танлаш ўзининг ихтиёрида эди. У Камоли Турбатийдек, Паҳлавон Муҳаммаддек дўсту ёрлари бор бўлган ер Машҳадни танлаши ҳам мумкин эди. Бунинг устига, шоир Ҳиротдан кетишни ният қилган пайтлари отахони Саййид Ҳасан Ардашер ҳам Машҳадда эди. Аммо Навоий Самарқандни танлади. Чунки бу ерда ақли камолга етган, қаламининг шуҳрати кенг ёйилган ёш шоирни меҳригиё сингари ўзига тортиб турган янги илм – илми ирфон бор эдилар. Навоийнинг Самарқанддаги таҳсил йиллари, ул зотни қуршаган маънавий-адабий муҳит, шоир ва Абуллайсийлар хонадони, шоирнинг машғулотлари ва билим доираси, адабий фаолияти, унинг Ҳиротга қайтиши ва Самарқанд билан доимий муносабатда бўлиши, Навоийнинг самарқандлик издошлари каби мавзулар академик В. Абдуллаев илмий тадқиқоти ва «Навоий Самарқандда» деб номланган монографиясида кенг таҳлил этилган бўлса, Б. Валихўжаев шоир фаолиятининг янги тафсилотларига аҳли илм эътиборини тортди. Олим Навоийнинг Шайх Хожа Аҳрори Вали назарига тушиши, унинг илтифотларига мушарраф бўлиши, йирик фақиҳ Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий ва унинг оиласи билан муносабатлари, Самарқандда яратилган ёки бу шаҳар билан боғлиқ асарлари хусусида фикр юритади. У ўзигача яратилган тадқиқотларни

тўлдиришга, янги илмий фактлар билан бойитишга интилар экан, шоирнинг нақшбандия тариқатига расман кириши ҳам Самарқанд билан бевосита боғлиқ эди, деган фикрни ўртага ташлайди. Унинг кузатувларига кўра, шоир ўзининг пири, Шайх Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан ҳам Самарқанд сафарида, карвон йўлларида учрашган эди.Бу икки мутафаккир дунёқарашларининг умумий бир нуқтаси борки, у ҳам бўлса ёшликларидан тақдирлари боғланган шаҳар – Самарқандга бўлган умумий муҳаббатдир. Абдураҳмон Жомий бу шаҳар таърифида шундай деган:

Агар бойликни кўрмоқчи бўлсанг - Ҳиндистонга бор,
Агар покизаликни кўрмоқчи бўлсанг - Маккага бор,
Агар иккаласини ҳам топмоқчи бўлсанг - Самарқандда қол.

Алишер Навоий эса бу шаҳарни қиблаи муборакка ташбеҳ берган:

Самарқанд сайқали рўи заминдур,
У меҳрим қибласи – жонга яқиндур.

Бу икки дилбар шахснинг танишувлари санаси ҳақида фанда аниқ маълумот учрамайди.[1]Тожикистон ФА си академиги А.Мирзаев «Хамсат ул- муттаҳаййирин»даги баъзи ишораларга кўра, бу ҳодиса Султон Абусаид Мирзо ҳукмронлиги даврида (1451-1469) Ҳиротда содир бўлган, дейди.[2] Академик Б.Валихўжаев эса Жомий ва Навоийнинг танишувлари айнан Самарқанд сафарларида юз берган бўлиши мумкин, деган мулоҳазани баён этади.[3] Олимнинг таъкидлашича, Абдураҳмон Жомий тўрт марта Самарқандда бўлган. У биринчи марта Мирзо Улуғбек даврида, яъни 1436 йилда бу шаҳарга келади. Ёш Жомий Улуғбек мадрасасининг талабаси сифатида ўқишни давом эттириб, замонанинг машҳур олимлари Қозизода Румийдан, Улуғбекнинг ўзидан дарслар тинглаган. Ана шу вақтда у Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийдан ҳам таълим олган. Маълумки, Навоий ҳам 1465-69 йилларда Самарқандда яшаган, бу ернинг йирик уламолари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлардан таълим олган, уларнинг «фарзандим», деган илтифотларига сазовор бўлган. Навоий ҳам, Жомий ҳам 1469-йилдан эътиборан Ҳиротда муқим бўлганлар. Б.Валихўжаевнинг шоирлар учрашувлари улар мадрасада таълим олган йилларида ёки ўша пайтда кўп серқатнов бўлмаган карвон йўлларида содир бўлган бўлиши мумкин, деган хулосаси мантиқан ҳақиқатга яқиндир. Е.Э.Бертелс шоирлар учрашуви 1469 йилдан кейин Ҳиротда содир бўлган, деган фикрини шундай мантиқий асослайди: «Трудно думатв, что такой знаток и любитель поэзии, как Навои, мог долго жиьт в Герате, не стремясь лично познакомиться с его знаменитейшим поэтом» [4]. (Таржимаси: Навоийдек шеърият билимдони ва ошиғи Ҳиротда узоқ йиллар яшар экан, бу шаҳарнинг энг машҳур шоири билан шахсан танишишга интилмаганлигига ишониш қийин). Худди шунингдек, бир муршиди комил билан учрашган (Хожа Аҳрори Вали), бир устоз таълимини олган (Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий) икки ҳиротлик мусофир йигит Самарқандда бир-бирларини танимасликлари мумкин эмас эди. Масаланинг бундан ҳам муҳимроқ бир жиҳати бор. Самарқанд келажакда буюк мутафаккирлар бўлиб таниладиган икки ёш толиби илмнинг эътиқодлари камолга етган, фалсафий қизиқишларига жавоб топилиб, тасаввуфий дунёқарашлари муқим шаклланган шаҳардир. Улар бу ерга толиби илмлар сифатида келдилар, сафар ниҳоясида эса бирлари йирик пир-муршид (Жомий), бирлари эса мутасаввуф ва амир[5] (Навоий) сифатида Ҳиротга қайтдилар. Бу ўринда яна шундай савол туғилиши табиий: нега Абдураҳмон Жомий Самарқанд сафарлари давридаёқ бир муршидга қўл бериб, ўзига пир танлади, Навоий тақдирида эса бу ҳодисани анча кечиктирилиб, Ҳиротга қайтгач, 1476 йилда содир бўлди? Ахир у Самарқандга, ўзининг эътирофига кўра, муршидталаб бўлиб келган (шоирнинг машҳур маснавийсидаги ишорасига кўра), бу ерда муршиди офоқ Хожа Аҳрори Вали суҳбати ва илтифотига мушарраф бўлган эмас эдими?! Нега Навоий Хожа Аҳрори Валига қўл бермади? Бунинг сабаби, фикримизча, қуйидагилар бўлиши мумкин: биринчидан, Жомий

[1]Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. - М.:"Наука", 1965. С.225.
[2]Абдулғани Мирзоев. Алишер Навои ва Абдураҳмони Чоми. – Душанбе:"Ирфон", 1968. С.8.
[3]Валихўжаев Б. Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари. // "Мулоқот", 1991, 2-сон, 23-31-б.
[4]Бертельс Е.Э. Наваи. М.-Л., 1948. С. 148.
[5]"Том ут-таворих" муаллифи Абдулмўминхон Навоий Самарқандда Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими эди, "Чиғатой амири" деган мансабга эга эди, деб маълумот беради.

Навоийдан 27 ёш катта эди. У Самарқанд сафарида юрган йилларида 40 ёшлар атрофидаги диний-фалсафий дунёқарашини тўла шакллантирган, кўпгина зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор шахс эди. Бошқача айтганда, Жомий тариқат йўлига кириш учун ҳам ақлан, ҳам соҳиби илмлик нуқтаи назаридан анча етилган эди. Иккинчидан, нақшбандия тариқатининг йирик шайхларидан бири, кейинчалик Жомийнинг қайнотаси бўлган Шайх Саъдуддин Қошғарий ҳар доим у билан бирга эди. Шунинг учун Абдураҳмон Жомий ортиқ кечиктиришни лозим кўрмай Шайх Саъдуддин Қошғарийга қўл бериб, тариқатга киради. Алишер Навоий эса Самарқандга келганда 24-25 ёшли йигит эди. У бу даврда бутун Хуросонга танилган машҳур шоир бўлишига қарамай, ҳали тариқатга киришга тайёр эмас эди. Навоийнинг Самарқандда кечирган ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган олим академик В.Абдуллаев шоирнинг бу ерда фалсафа, тарих, астрономия, математика, географияни яхши ўрганганлиги, Ибн Сино, Форобий, Абул Фазл Муҳаммад Самарқандий, Мақдисий, Ёқут Ҳамавий, Ибн Хавқал, Наршахий, Шамсиддин Самарқандий (ХИИИ) кабиларнинг поэтика, фалсафа, тарих, география, астрономия ва риёзиётга оид бўлган китобларини ҳамда Улуғбек, Низомий Арузий Самарқандий, Юсуф Саккокий Хоразмий, Саъдиддин Тафтазоний, Қозизода Румий, Али Қушчи Самарқандийнинг асарларини ўқиганлигини таъкидлаб ўтади.[6] Маълум бўлаётганидек, Навоий Самарқандда кечирган 4-5 йиллик ҳаёти давомида асосан аниқ ва табиий фанларни ўрганишга зўр иштиёқ кўрсатади. Илми ирфонни эса кейинчалик, Ҳиротга қайтгач, Ҳазрат Жомий билан узлуксиз суҳбатларда, яқин алоқада бўлиб такомилга етказади. Шоир Самарқанд сафаридан кўзлаган мақсадига эришади. У ўз даврининг йирик диний раҳнамоси Хожа Аҳрори Вали билан учрашди, аммо авлиё даргоҳида муқим бўлиб қола олмади. Чунки, илми ҳолга кириш учун аввало илми қолни (зоҳирий билимларни) такомилга етказиш зарур эди. Бунинг учун бу даврда Самарқандда имконият ниҳоятда кенг эди. Шоир 1469 йилда Ҳиротга қайтиб, Жомий билан ниҳоятда яқин алоқада бўлди, унинг маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлди ва етти йил давомида ўзининг тасаввуфий дунёқарашини камолот даражасига етказгач, 1476-йилда тариқатга кирди. Икки юксак салоҳият, ўткир тафаккур ва ўта нозик маданият соҳиблари бўлмиш бу назокатли шахсларни илми ирфондан бўлак нарса қониқтира олмас эди. Жомий ва Навоий дўстлиги ва ҳамкорлигининг асосий пойдевори ҳам фақат шеърият, адабиёт эмас, балки тариқат эканлиги аён бўлади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жомий ва Навоий курраи замин тарихида ёрқин ҳодиса бўлиб қолган темурийлар даври миллий юксалишининг бетимсол йўлчи юлдузлари эдилар. Бу юлдузлар шўъалаларининг бирлашиб, сомон йўли ҳосил қилишида жаннатмисол Самарқанднинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Самарқанд тарихи учун шу даврда Жомий ва Навоий ниҳоятда керак эдилар, улар учун ҳам Самарқанд сафарлари катта ҳаётий эҳтиёж эди. Улар ўз ташрифлари билан Самарқанд тарихини юксалтирдилар, Самарқанд эса икки буюк даҳонинг юзага келиши учун ҳозирланган ўзига хос замин эди.

Навоийнинг Самарқанддаги адабий-илмий фаолияти ҳали жуда кўп тадқиқотлар учун мавзу бўлиши мумкин. Навоийшунослик соҳасида изланишлар олиб борувчилар шоирнинг бу ерда аниқ ва табиий фанларни ўрганиш бўйича қилган сайъ-ҳаракатлари, қизиқишлари доираси ҳақида чуқурроқ фикр юритмоқлари, унинг мактуботи (ёзишмалари)даги Самарқанд билан боғлиқ тафсилотларга аниқлик киритишлари, Самарқанддаги қадамжолари харитаси хусусида ўйлаб кўрмоқлари лозим кўринади. Шоир шеъриятида осмон жисмлари, сайёралар билан боғлиқ чуқур илмий мулоҳазалар кўзга ташланади. Бу унинг Мирзо Улуғбек расадхонасида олган таълими самаралари эмасмикин? Шоир Самарқандга келганда Мирзо Улугбек фожиасидан ўн беш йил ўтган бўлса-да, расадхонада ҳамон илмий фаолият юритилиб турган эди. Шоир асарларида қимматбаҳо тошлар, жавоҳирлар ҳақида ҳам теран илмий тушунчалар, ташбеҳлар, бадиий лавҳалар учрайди. Бу бевосита Навоийнинг бирор жавҳаршунос устози ҳам бўлгандир, деган тасаввур уйғотади. Бу каби қатор саволларга жавоб топиш учун ҳали самарқандлик толиби илмлар ихлос билан жуда кўп изланишлар олиб боришлари лозим.

Адабиётлар

1. Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. -Тошкент: Фан, 2002.
2. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. - Тошкент: Бадиий адабиёт,1968.-136-б.

[6]Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент, “Фан”, 2002. 40-49-б.

3.Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари //Мулоқот, 1991, № 2. 23-31-б.
4. Муҳиддинов М. Навоийнинг ишқ баёни//Саодат.- 1991.- № 3. - Б.8-9.
5. Мирзоев А. Алишер Навои ва Абдураҳмони Чоми. – Душанбе: Ирфон,1968. - 64 с.
6. Равшанов П. ва б. Тарих бадиияти. – Тошкент: ФАН,1989. - 234 б.
7. Шукуров Н. Бу олам саҳнида... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. - 248 б. 8. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва самарқандлик шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1970.- № 6. - Б.24-28.

УДК: 891.709

САМАРҚАНД НАВОИЙШУНОСЛИК МАКТАБИ

М.Муҳиддинов
Самарқанд Давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада Самарқанд аҳли ва Самарқанд мактаби намояндаларининг ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда самарқандлик олимларнинг қўшган ҳиссалари ҳақида маълумотлар берилган. Ўз навбатида, янги тадқиқотларни амалга ошириш, Самарқандни том маънода жаҳон навоийшунослигининг асосий марказларидан бирига айлантириш, Самарқанд илмий мактаби навоийшунослик фанининг янада ривожланиши учун ҳал қилиниши лозим бўлган бир нечта вазифалар келтирилган.

Калит сўзлар: Самарқанд муҳити, Самарқанд мактаби, навоийшунослик мактаби, миллий маънавият, адабий анъана, тил хусусиятларини ўрганиш, тилшунослик ва услубшунослик, қиёсий-типологик таҳлил, таржимашунослик мезон ва меъёрлари,адабий алоқалар, анъана ва новаторлик

Самаркандская школа навоеведения

Аннотация. В данной статье приводятся сведения о вкладе представителей Самаркандской научной школы литературоведения в изучение жизни и творчества основоположника узбекской классической литературы Эмира Алишера Навои. Также в работе определены задачи по превращению Самарканда в один из основных центров мирового навоеведения, а также дальнейшему развитию данного научного направления в рамках Самаркандской научной школы литературоведения.

Ключевые слова: Самаркандская научная среда, Самаркандская школа, научная школа навоеведения, национальная духовность, литературное наследие, изучение особенностей языка, лингвистика и стилистика, сравнительно-типологический анализ, критерии и нормы переводоведения, литературные взаимосвязи, традиция и новаторство

School of Navoi study in Samarkand

Abstract. This article is about contribution of Samarkand people and representatives of Samarkand school, in particular contribution of scientists of Samarkand in studying life and activity of Mir, Alisher Navoi, foundes of Uzbek classic literature. And also several tasks for implementing new researchet, making Samarkand as the main centire of studying world Navoi study, for developing the discipline of Navoi study at Samarkand school.

Key words: Samarkand atmosphise, Samarkand school, Navoi study school, national spirituality, literary, tradition, study language peculiaritist, lingvistics and mefhodics, cocuparative – typologic analysis, criteria and norms of translation, literary relations tradition and innovation

Она халқимиз шуҳратини оламга ёйган қайси улуғ аждодимизнинг ҳаёт йўлига назар ташламайлик, Самарқанд шаҳри, Самарқанд муҳити, Самарқанд мактаби бу зотларнинг умр йўлларида муайян мақомга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Одамушшуаро Рудакий ва Имом Бухорийдан бошлаб, Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбеккача, Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валийдан тортиб, Мир Алишер Навоий ҳамда Мирзо Бобургача ўз қисматларини Самарқанд тақдири билан муштарак, деб билганлар, илм-фан, дину диёнат,

маданият ва санъатнинг бешиги бўлган бу муқаддас маконга ҳамиша ўз эҳтиромларини изҳор этиб турганлар. Ўз навбатида, Самарқанд аҳли ва Самарқанд мактаби намояндалари бу улуғ зотларнинг шуҳратини оламга ёйишга баҳолиқудрат ҳисса қўшганлар.

Жумладан, миллий маънавиятимизнинг яловбардори, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда самарқандлик олимларнинг ҳиссаси – беқиёс. Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини ёритувчи илк тарихий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн" асари бўлса, унинг ижодий фаолияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида қимматли маълумот берувчи илк манба муаллифи бошқа бир самарқандлик шоир ва олим – Давлатшоҳнинг "Тазкират уш-шуаро" тазкирасидир. Самарқандлик бу икки олим ҳали Мир Алишер ҳаётлиги пайтидаёқ навоийшуносликни бошлаб берганлар ва ушбу анъана асрлар давомида бошқа олимлар томонидан изчил давом этиб келмоқда.

XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, навоийшунослик фаннинг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлади. Камоли қониқиш билан қайд қилиш лозимки, Алишер Навоий ҳақидаги дастлабки мақола ва тадқиқотлар айнан Самарқанд илмий ва адабий мактаби намояндалари томонидан яратилди.

Айтиб ўтиш керакки, Навоийга муносабат, Навоий шахсига эҳтиром шўролар замонида бирданига ижобий тус олган эмас. Айрим олимлар: *"Навоий каби сарой шоирларининг услублари асримиз завқига ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир",* – деган фикрда бўлган пайтда Абдурауф Фитрат ва Вадуд Маҳмуд каби миллат фидоийлари Навоийни *"ўзбек шоирларининг бобоси"*, Навоий яшаган даврни эса адабиётимизнинг *"биринчи олтин даври"* деб ҳаққоний баҳо беришга журъат қилганлар.

Кейинчалик бу жараёнга Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Абдуллаэвлар қўшилиб, Самарқандда том маънодаги навоийшунослар мактабига асос солдилар. Садриддин Айний тожик тилида *"Алишер Навоий"* монографиясини яратиш баробарида "Хамса"нинг қисқартирилган нашрини тайёрлаган бўлса, Абдураҳмон Саъдий Навоий ижодининг умумфалсафий ва бадиий маҳорати масалаларини ўз докторлик диссертациясида асослаб беришга ҳаракат қилган.

Айниқса, аллома Воҳид Абдуллаевнинг "Навоий Самарқандда" номидаги тадқиқоти ўз даврида воқелик ҳисобланиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Воҳид Абдуллаев тадқиқотида Алишер Навоийнинг Самарқандда тўрт йил яшаганлиги, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг қатор шоирлари ва олимлари билан ижодий алоқада бўлгани, Самарқанддан олган баҳрамандликлари кейинги бутун ижодига самарали таъсир қилиб, гўзал шеърлари ва достонларига материал сифатида хизмат қилгани илмий далиллар асосида исботлаб берилган. Академик В.В.Бартолд ва бошқа шарқшунослар, *бу даврда Самарқандда илм-фан, маданият инқирозга юз тутган, Ҳиротда эса, аксинча, ривожланган,* деган фикрни илгари суришган. В. Абдуллаев ўз тадқиқотида аниқ факт ва далиллар асосида XV асрнинг 50 – 60-йилларида Самарқандда маданий-адабий анча жонлангани, аксинча, Абусаид Мирзо давридаги Ҳирот зиддиятлар ўчоғига айланиб қолгани, шу боис, илм ва адабиёт намояндалари Ҳиротдан Самарқандга интилганларини исботлаб берган.

Бу устозларнинг давомчилари – Содиқ Мирзаев, Ботирхон Валихўжаев, Раҳмонқул Орзибеков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам Навоийнинг шахсияти, ижоди ва дунёқарашининг турли қирралари тадқиқ этилди. Содиқ Мирзаэв ўз номзодлик диссертациясида Навоий арузи ҳақида тадқиқот олиб бориб, аруз вазнининг замони ўтгани, шоирлар энди аруз вазнидан эскилик сарқити сифатида тезроқ қутулишлари лозим, маъносидаги "башорат" ва "кўрсатма"лар берилаётган даврда Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари ҳамда лирик меросининг куллиётини тадқиқ этди. Навоийнинг хизматлари натижаси ўлароқ туркий тилни аруз вазнига тўлиқ мослаштириш назарияси ва амалиёти яратилгани, бу вазн тизими ўзбек тилининг фонетик ва фонологик таркиби ўзгармасдан келишида муҳим рол ўйнаганини илмий жиҳатдан асослаб берди. Айниқса, "Навоий лирикасига вазн кўрсатгичи" деб номланган диссертация иловаси 147 бетдан иборат бўлиб, унда адабиётшуносликда биринчи марта Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиётига кирувчи тўрт девоннинг ҳар биридаги лирик жанрнинг вазн хусусиятлари ўрганилган. Ушбу кўрсатгичлар кейинчалик "Хазойин ул-маоний"нинг академик нашри учун асос қилиб олинди.

Академик Ботирхон Валихўжаев ижодининг ўқ томирини Навоий мавзуси ташкил этади, десак, янглишмаган бўламиз. Адабиётшуносликни мумтозлик даражасига кўтарган заҳматкаш устозимиз деярли барча тадқиқотларида Навоийнинг шахсияти, ҳаёти ва фаолиятига муносабат билдириб келганлар. Бу хулоса, кузатув ва умумлашмалар кейинчалик икки жилдлик "Ўзбек адабиёти тарихи" ўқув қўлланмаси (2002), Хожа Аҳрор Валий ҳақида ёзилган "Буюк маънавий муршид", шунингдек, "Мумтоз сиймолар" китобида ўз аксини топди. Б. Валихўжаэв учун Навоий номи – Самарқанддек азиз ва табаррук. Бу икки муқаддас тушунчани боғловчи ҳар қандай далил, ҳар қандай кичик чизги (деталь) олимнинг диққат марказидан четда қолмади.

"Мулоқот" журналида эълон қилинган "Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари" мақоласида Навоийнинг Самарқандда таълим олган мадрасалар ҳақида маълумот берган бўлса, "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида Навоий ва Самарқанд адабий муҳити масаласини янги фактик материаллар ва хулосалар билан бойитди.

Раҳмонқул Орзибеков ўз тадқиқотларида Навоийнинг бой ва бетакрор бадиий-эстетик олами, бу муаззам ижоднинг кейинги давр адабий жараёнга кўрсатган ижобий таъсири, Навоийдан илҳомланган шоир ва адибларнинг ижодий мероси тадқиқига эътибор қаратди. Бу тадқиқотлар Самарқанд илмий муҳитидаги қиёсий адабиётшуносликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий улкан мутасаввиф шоир Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонини олти ёшлигида ёд олиб, умр бўйи унинг таъсирида юрган ва олтмиш ёшларида, яъни умрининг охирида "Лисон ут-тайр" асарини ёзиб, устозга чуқур эҳтиром кўрсатган.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз Самарқанд давлат университетининг мактабида таълим олган йирик олим Нажмиддин Комилов ҳаёт ва ижод йўлида ҳам мушоҳада қилишимиз мумкин. Албатта, биз бу ўринда Нажмиддин Комилов илму ижодини улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий даҳосига қиёслаш фикридан мутлақо йироқмиз. Гап шундаки, Н. Комиловнинг илк илмий-ижодий тадқиқоти – Самарқанд Давлат университетининг талабаси сифатида 1965-йилда ёзган "Форс-тожик адабиётида Алишер Навоийга издошлик тарихидан" мавзусидаги диплом иши ҳам, энг сўнгги, ўзи варақлашга улгурмаган "Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар*)" (2012) китоби ҳам Алишер Навоий ҳазратларининг ижодига бағишланган. Олимнинг ўз таърифи билан айтганда, у бир умр *"Навоий мулкининг нигоҳбони"* бўлиб яшаган.

"Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар*)" асари олимнинг бу борадаги охирги, айни чоғда, энг сара тадқиқотларидан бири бўлиб қолди. Атоқли олим ўз китобида Алишер Навоий қаламига мансуб элликта ғазални атрофлича шарҳлар экан, бу етук назм жавоҳирларининг ҳар бир байти, ҳар битта мисраси замиридаги чуқур фалсафага, нозик ташбеҳ ва тимсолларга ақл ва қалб кўзи орқали нигоҳ ташлаган. Навоий ишлатган ҳар бир сўздаги ҳикматга, бадиий сайқалу маъно жилоларига китобхонни ошно этишга интилган.

Шарҳ, шарҳлаш – бу қадимий адабий анъана. Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Мирзо Бедил каби улуғ аждодларимизнинг мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарлари турли даврларда шарҳ этилиб, уларнинг маъно-мазмуни, ибора ва истиль оҳлари тушунтириб келинганини яхши биламиз. Н.Комилов таъкидлаганидек: *"...Бу, биринчидан, машҳур асарлар ғоялари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга тақдим этишга кўмаклашса, иккинчидан, шу баҳонада янги-янги асарларнинг яратилиши, ўлмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожи, тўлишиб боришига сабаб бўлган".*

Алишер Навоий асарлари ҳам неча юз йиллар давомида турли даражада, турфа тилларда изоҳланиб, шарҳланиб келган. Бадиий асарларни шарҳлашнинг ўз талаблари борлигига эътибор қаратган ҳолда Навоий ғазалларини шарҳлашдаги Н.Комиловнинг ўзига хос ёндашуви ғазалларнинг қийин ибораларини ва кўп маъноли мураккаб ўринларини имкон қадар содда тилда тушунтириб берилгани билан ажралиб туради.

Эътиборли жиҳати шундаки, олим бу борадаги адабий анъанани ижодий ўрганиб ва синтез қилиб, Навоий ғазалларини қуйидаги уч усулга таяниб шарҳлайди: биринчидан, асар тилидаги ҳозирги китобхонга тушунилиши қийин сўзлар луғатини беради; иккинчидан, байтларнинг насрий баёнини тақдим этади; учинчидан, ғазалнинг умумий мазмун-маъноси,

бадиий хусусиятлари устида мулоҳаза юритади. Бу анча қулай усул бўлиб, амалий аҳамияти ҳам кўп эканига ушбу шарҳларни мутолаа қилиш жараёнида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” деб номланган, икки китобдан иборат, “Комил инсон ахлоқи” деб номланган биринчи китоби 1996 ҳамда “Тавҳид асрори” деб номланган иккинчи китоби 1999 йили чиққан, кейин бир муқовада иккинчи бор 2009 йили чоп этилган илмий асари ҳам, 2005 йили нашр юзини кўрган “Хизр чашмаси” китоби ҳам Алишер Навоий ижодини таҳлил қилиш асосига қурилган. Бу асарларида олим буюк шоир ижодини тамоман янги, яъни тасаввуфий нуқтайи назардан атрофлича таҳлил қилиб беради.

Университетимизда камол касб этиб, кейинчалик мумтоз адабиётимизнинг йирик билимдонлари сафидан муносиб ўрин эгаллаган олимларимиздан яна бири сифатида, албатта, филология фанлари доктори,профессор Ҳасан Қудратуллаевни алоҳида таъкидлаш жойиз. У **“**Навоийнинг адабий-эстетик олами” асарида буюк шоир ва мутафаккир Навоийнинг бадиий ижод ҳақидаги мулоҳазалари, шакл ва мазмун, бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси борасида илгари сурган эстетик қарашларини атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилган. Китобда берилишича, Навоийнинг бадиият, гўзалликка муносабати, нафосат сирларини заковат билан ифодалаган пурмаъно фикрлари ўлмас меросининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хусусан, Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари бадиий асарларида, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Насойим ул-муҳаббат” каби илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Навоий Аҳмад Тарозийдан кейинги биринчи ўзбек адабиётшунос олими, шунингдек, ўзбек тилида асар ёзган илк муаррих ва тазкиранавис ҳам. У адабиёт ва санъатнинг туб назарий асосларини таҳлил қилиб, замондошларини қизиқтирган муаммоларга жавоб қидиради, адабиётнинг ижтимоий вазифасини энг муҳим масалалардан бири сифатида таъкидлайди. Бадиий маҳорат масаласи Навоий қарашларида асосий ўринни эгалласа-да, Навоийнинг эстетик олами – кенг ва ранг-баранг. Унда анъанавий жанрлар, бадиий санъатлар, вазн ва қофия хусусида қизиқарли, ибратомуз фикрлар – талай.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўзбек ва рус олимлари ҳам ўрганган. Бироқ шоирнинг эстетик олами, бадиий ижоди янглиғ, чексиз ва бепоёндир. Биз унинг гўзаллик, ижод жараёни, илҳом ва нафосат ҳақидаги қарашларини кўздан кечирганимизда ҳали қатор масалалар ёритилмагани, улуғ мутафаккирнинг салоҳият ва тафаккур қудратини белгилаб берувчи хизматлари етарли баҳо олмаганини кўрамиз.

Мазкур рисола – шу ва шунга яқин масалалар хусусида сўз юритилгани билан алоҳида қимматга эга.

Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш масаласи ҳам самарқандлик олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Улуғ Турсунов –Самарқандда навоийшунослик мактабига асос солган олим. Зеро у ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ республикамизнинг таниқли олимлари қаторидан ўрин олган. 1936 йилдан эса ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)да ўз фаолиятини бошлаб, то умрининг охиригача Ўзбекистонда тилшунослик тараққиётининг фидоийси бўлди. Унинг кўп илмий асарлари тил тарихини тадқиқ этиш, ўтмиш аждодларимизнинг асарлари тили ва услубини ўрганиш, унинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати ҳамда тараққиётидаги ўрнини белгилаш каби муҳим масалаларни ёритишга бағишланди. Шу жиҳатдан устознинг тил тарихи масалаларига доир ишларини икки катта гуруҳга ажратиб қараш мумкин:

1. Ўзбек тили тарихини ўрганиш;
2. Алишер Навоий асарлари тили ва услубини тадқиқ этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Улуғ Турсунов раҳнамолигидаги тилшунослик мактабида етишиб чиққан самарқандлик олимлар орасида устознинг таъсирида Алишер Навоий ижодий меросини тилшунослик нуқтайи назардан ўрганиш билан шуғулланмагани кам топилади. Х.Дониёров, А.Мухторов, Н.Ражабов, Р.Қўнғиров, Б.Ўринбоев, Ж.Ҳамдамов, У.Санақулов каби республикамизнинг етакчи тилшунослари илмий фаолиятида новоийшунослик соҳаси алоҳида ўрин эгаллади. Масалан, таниқли тилшунос Х.Дониёров ижодида “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972), “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” (Самарқанд: СамДУ,

1985), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (Т.: 1991, У. Санақулов билан ҳаммуаллифликда) каби асарлари – шулар жумласидан.

Шунингдек, навоийшуносликнинг илк даврлари бўйича Қутбиддин Муҳиддинов XV – XVI асрларда Алишер Навоий асарларининг тилини тадқиқ этиш, махсус луғатлар тузиш ишлари бошланганлигини муҳим илмий тадқиқот ишларида ёритиб берди. Айниқса, унинг 1971-1973 йиллар давомида Навоий асарлари бўйича тузилган “Абушқа”, “Санглоҳ”, “Мабоне ул-луғат” каби луғатлар бўйича амалга оширган илмий тадқиқотлари навоийшушосликда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Профессор Назар Ражабовнинг ҳам “Алишер Навоий – олим ва мураббий” (Самарқанд: 1971, 1989), “Навоий – она тили тақдири учун курашчи” (1990), “Алишер Навоий ва она тилимиз” (Т.: 1992), “Алишер Навоий меъроси – туганмас бойлигимиз” (1994) каби асарларида Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари, моҳир сўз санъаткори эканлиги, юксак бадиий маҳорати, унинг она тилини бирдан-бир, ягона асосчиси ва ҳимоячиси бўлганлиги ҳамда мутафаккирнинг фаол ҳаракати ва ташаббуси билан темурийлар (Ҳусайн Бойқаро) даврида она тилимиз юксак мақомга эга бўлганлиги талқин этилади.

Профессор Абдужаббор Мухторов ҳам ўзбек тили тарихи соҳасидаги ишларида Алишер Навоий асарларининг лингвистик хусусиятлари бўйича махсус боблар ажратган. Масалан, Усмон Санақулов билан ҳамкорликда “Ўқитувчи” нашриётида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995) ўқув қўлланмасининг сўнгги бобида “Алишер Навоий – она тили учун курашбайроқдори”, “Алишер Навоийнинг адабий тили ҳақида”, “Навоий асарларида адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусиятларининг акс этиши”, “Алишер Навоий ва адабий тил услублари”, “Навоий асарларининг тили ва услуби”, “Навоий асарларида бошқа тилларнинг унсурлари”, “Навоийнинг тил ҳақида қарашлари”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илмий-тарихий аҳамияти”, “Ўзбек адабий тили тарихида Навоийнинг ўрни” каби қатор мавзулар таҳлил этилган.

Профессор Бозорбой Ўринбоев, устози – Улуғ Турсунов қўлёзмалари асосида (ҳаммуаллифликда) чоп эттирган ишларидан ташқари, яна Навоий асарларининг лисоний хусусиятлари бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Жумладан, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (1968), “Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши” (1971), “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи” (1982), “Навоий асарларининг изоҳли луғати”, “Навоий ижодининг чўққиси” (1985), “Алишер Навоий асарларида тасвирий воситалар” (1991) каби ишлари фикримизга далил бўла олади.

Усмон Санақулов Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати, тил билимига, умуман, тилшуносликка доир қарашлари хусусида қатор илмий рисола ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишга киришди. Жумладан, унинг “Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати ва қофия” (1988), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (1991), “Алломалар мероси – ҳаётимиз зиёси” (1996), “Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати” (2004), хусусан, “Ўқитувчи” ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995), “Ўзбек адабий тилининг илк даврлари” (2004) ўқув қўлланмаларида “Навоий даври ўзбек адабий тили” ва “Ўзбек адабий тилининг асосланишида Алишер Навоийнинг ўрни” номи билан махсус боблар ажратиб, уларда буюк сиймонинг асарлари ва унинг ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти соҳасидаги хизматлари холисона талқин этилган, юксак баҳоланган.

Қ.Муҳиддинов, Х.Дониёров, У.Санақулов, И.Носиров, З.Ҳамидов каби тилшунос олимлар Навоий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, Худойберди Дониёров ўтган аср 60-йилларининг охирида навоийшуносликнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлган Алишер Навоий асарларининг тили ва услуби масалаларини кенг кўламда тадқиқ этишни бошлаб берди. 1968 йили чиққан “Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир” мақоласида олим Алишер Навоий асарларининг қайси туркий лаҳжа ва шеваларга асослангани масаласини батафсил таҳлил этади. Навоий ўз асарларида тез-тез қайд қилганидек, унинг асарлари “Хитодин то Хуросон”га қадар тарқалган туркий эл, уруғ ва халқларнинг барчаси учун умумий бўлган адабий тилда ёзилган, шу сабабли, олимнинг фикрича, бу адабий тилнинг диалектал манбалари ўлароқ

Марказий Осиё ҳудудларида тарқалган қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ лаҳжалари бирдай хизмат қилган.

Х.Дониёровнинг “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” номли илмий рисоласида Марказий Осиё жўғрофиясида XI асрда шаклланган адабий тилнинг XV асрда улуғ шоир ва мутафаккир томонидан дунёнинг энг ривожланган ва нафис адабий тиллари даражасига олиб чиқилгани, шу боис эски ўзбек адабий тили то XIX асрнинг иккинчи яримига қадар нафақат ўзбек этноси, балки, бошқа қардош туркий халқлар учун ҳам муштарак адабий тил вазифасини бажариб келгани хусусидаги қарашлар олға сурилади.

Алишер Навоийнинг тилшунослик ва услубшунослик борасидаги қарашлари Х.Дониёровнинг “Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари” китобида теран таҳлил қилиб берилган. Бу таҳлиллар якунида олим: *“Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” номли машҳур асари унинг умр давомида қилган илмий-ижодий меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларининг якуни ва натижасидир. Бу асар тилшунослигимиз учун катта бир маданий мерос ва туганмас хазинадир”,* – деган чуқур мантиқий-илмий хулосани чиқаради.

Худойберди Дониёров бошлаб берган Навоий асарлари тили ва услубини ўрганиш ишини СамДУ профессорлари У.Санақулов ва С.Каримовлар давом эттирдилар. Профессор И. Мирзаев эса Э. Э. Бертелс, В.В.Бартолд каби буюк шарқшуносларнинг Навоий ҳақидаги асарларини ўзбек адабий тилига таржима қилган ҳолда кенг илмий жамоатчиликни бу ноёб ва теран илмий асарлар билан таништирмоқда.

Самарқанд навоийшунослик мактабида камол касб этиб, аммо Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган ва олиб бораётган олимлар ҳақида ҳам кўп ва хўб гапириш мумкин. Уларнинг бу соҳадаги изланиш ва тадқиқотларини алоҳида эътироф этган ҳолда, бемалол айтиш мумкинки, мустақилликдан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилгани каби, Самарқанд навоийшунослик мактаби ҳам ривожланишнинг янги палласига қадам қўйди. Бу олимлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича учта докторлик (М.Муҳиддинов, Ш.Сирожиддинов, Д.Салоҳий) ва бир нечта номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, ўнлаб китоб ва монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр этилди. Бу шаҳарда республика миқёсида навоийшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган турли илмий-амалий конференциялар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Самарқанд Давлат университети филология факультетида “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусида фундаментал тадқиқот олиб борилмоқда.

Аммо Самарқанд олимларининг салоҳиятини ҳисобга олганда, булар – кам. Самарқанд илмий мактаби навоийшунослик фанининг янада ривожланиши учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши мақсадга муовфиқ деб ҳисоблаймиз:

– Алишер Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари бўйича ўрганиш, янги манбаларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, Навоий асарларининг турли нашрлари(илмий-танқидий, йиғма-қиёсий, академик, факсимел, оммабоп ва ҳоказолар)ни тайёрлаш ва чоп этишни изчил давом эттириш;

– Алишер Навоий даври, ҳаёти ва фаолиятига доир адабий, тарихий манбаларни танқидий ўрганиб, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар асосида унинг тўлиқ таржимайи ҳолини тиклаш;

– Алишер Навоий ва Самарқанд илмий-адабий муҳити масаласини янада чуқурроқ ўрганиш, XV – XIX асрларда Самарқандда яратилган илмий ва адабий манбаларда Навоийнинг шахси ва ижодига берилган баҳони қиёсий-типологик таҳлил қилиш;

– Алишер Навоий асарлари тилини лингвистик ва лингвопоэтик мезонлар асосида тадқиқ этиш ва шу орқали ўзбек адабий тилининг тарихий тадрижи ҳақида аниқ хулосалар бериш;

– Алишер Навоий асарлари мисолида ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалаларини ўрганишни давом эттириш;

– мусулмон Шарқи минтақасида бақамти ривожланиб келган араб ва форс-тожик адабиётининг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги мазмун ва моҳият билан бойитган Алишер Навоий ижоди туфайли учинчи кучли адабий жараён – туркий халқлар адабиётининг

пайдо бўлиши ва ривожланиши тамойилларини илмий ўрганиш ҳамда бу эврилишларда улуғ шоир ва мутафаккир ижодининг ўрни, мавқеи ва аҳамиятини кўрсатиш;

– таржимашунослик мезон ва меъёрлари асосида Алишер Навоий асарларининг жаҳондаги турли тилларга қилинган таржималарини ўрганиш, шоир асарларининг янги таржималарини амалга ошириш;

– Алишер Навоий ижоди бўйича хорижий олимларнинг қилган тадқиқотларини ўзбек тилига таржима қилиш, уларни холис ўрганиш;

– ўзбек тасаввуф шеъриятида Алишер Навоий асарларининг ўрни, мавқеи ва аҳамиятини комплекс равишда ўрганиш, шеърияти ва насрий асарларида илоҳиёт ва диний маърифат масалаларини тадқиқ этиш;

– Алишер Навоий ва адабий алоқалар, анъана ва таждид (новаторлик) масалаларини йирик йўналишда (Навоийгача бўлган давр, Навоий даври ва Навоийдан кейинги даврга бўлиб) таҳлил этиш;

– Алишер Навоий достонларининг шарҳли насрий баёнларини яратиш, лирик асарларига шарҳ ёзиш, насрий асарларини ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлаштириб қайта баён этиш каби усул ва воситалар орқали улуғ шоир ва мутафаккирнинг ижод оламига яқинлашиш ва ёш авлоднинг маънавий оламини бойитишнинг самарали йўлларини излаб топиш, шу тариқа унинг ғояларини тарғиб ва ташвиқ этиш;

– зуллисонайн шоирнинг “Девони Фоний” ҳамда бошқа форсий меросини таржима ва тадқиқ қилиш, унинг форс-тожик мумтоз шеърияти ривожига кўрсатган таъсирини ўрганиш, анъана ва таждид, татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазаллар ўртасидаги муштараклик ва тафовутларни аниқлаш.

Бу вазифалар самарқандлик олимлардан янада кўпроқ заҳмат чекиш, илмий холислик мезонлари асосида янги-янги тадқиқотларни амалга оширишга ундайди, шунингдек, Самарқандни том маънода жаҳон навоийшунослигининг асосий марказларидан бирига айлантиришни тақозо этади.

УДК: 891.709

САМАРҚАНД УНИВЕРСИТЕТИ АДАБИЁТШУНОСЛИК МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ФИТРАТ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Ҳ. Болтабоев

Ўзбекистон Миллий университети[*]

1927 йилда Самарқанд педагогика академияси (ҳозирги СамДУ) ташкил этилиши билан Тошкентдан бир қатор филолог-олимлар янги олий ўқув даргоҳида дарс бериш учун жалб этилди. Улар орасида бу вақтга қадар гуманитар фанларнинг бир неча соҳалари бўйича етук олим саналган профессор Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат (1886-1938) ҳам бор эди. Фитрат домланинг Самарқандга ишга чақирилиши тасодифий бўлмай, 1909-14 йилларда Истанбул университетида таҳсил олиш баробарида «Воизин» мадрасасида дарс бергани, С.Айнийнинг қайд этишича[7], 1910-16 йиллар давомида форс тилида битилган 7 китобнинг муаллифи сифатида эътибор топгани, она ватанга қайтгандан сўнг ёш бухороликлар фирқасининг ташкилотчиларидан бири бўлгани ҳам инобатга олинган эди. Қолаверса, Самарқандда 1917 йил июлидан 1918 йил апрелининг охиригача “Ҳуррият” газетасида муҳаррирлик қилган пайтда шаҳар адабий муҳитида сезиларли из қолдирган эди.

Маълумки, 1918 йилнинг 12 майида Тошкентда халқ дорилфунуни (кейинроқ Туркистон университети, Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент давлат ва ниҳоят Ўзбекистон Миллий университети) ташкил топиши билан мазкур ўқув даргоҳининг “Адабиёт ва фалсафа” шўъба (факультети)ни бошқарган (кейинроқ ушбу шўъба асосида Шарқ ҳамда филология факультетлари ташкил этилган эди). 1920 йилдан Бухоро халқ жумҳурияти ташкил топиши

[*]Ушбу мақола муаллифнинг 2017 йил 12 майда СамДУда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда адабиётшунослик илмининг шаклланишида Самарқанд адабиётшунослик мактабининг роли» мавзусидаги маърузаси асосида тайёрланиб, нашр этилмоқда - Муҳарририят

[7]Айнӣ С. Намунаи адабиёти точик. -Душанбе: Адиб, 2010.

билан Маориф ва Ташқи ишлар нозири сифатида фаолият кўрсатган, 1923-24 йилларда Москвадаги Лазаревлар жонли Шарқ тиллар институтида араб-форс-турк тиллари ва адабиётлари бўйича дарс берган ва шу аснода Санкт-Петербург олимларининг тавсияси билан профессор илмий унвонини олган эди.

Бундан ташқари, проф. Фитратнинг ўзбек тили ва адабиётига оид ўнлаб дарслик ва қўлланмалари, мақолалари чоп этилиб, улар амалда университет таълими учун қўлланма бўлиши мумкин эди. Жумладан, "Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ва ҳаваслилари учун қўлланма" (1926) асари адабий таълимга киришаётган ижодкор ва ўқувчилар учун бошланғич маълумот берувчи манбага айланган, "Сарф. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба" китоби 1923 йилдан, унинг 2-қисми бўлган "Наҳв" китоби 1925 йилдан олий таълим тизими учун она тилидан асосий дарслик вазифасини бажараётган эди.

Фитрат домла Самарқандда экан, олий таълим тизими учун миллий адабиёт тарихининг изчил курсини яратмоқчи бўлди ва бу соҳада туркий филологиянинг ибтидоси Маҳмуд Кошғарийнинг"Девону луғотит турк" асаридаги манзум ва мансур адабий намуналарни тўплам, уларни мазмун жиҳатидан бир-бири билан боғлаб, бу манбалар қайси даврга тегишли эканини аниқлаш орқали улуғ турк адабиётининг шаклланиш даврини асослаб берди[8]. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан "Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд" дарслик-мажмуасини яратиб, қадимги даврлардан XVI асрларгача кечган адабиётимиз тарихини изчил илмий тизимга солди. Қабилавий давр адабиёти намуналаридан тортиб "Бобурнома"га қадар давом этган улкан адабиётнинг асосий намуналарини бир китобга жойлаб, тизимли суръатда адабиётимиз тарихининг тараққиётини кўрсатиб берди. Барча маърифий ва эстетик жиҳатлари билан бирга яна бу китобнинг илмий аҳамияти шундаки, унда илк бор адабиёт тарихини даврлаштириш муаммосига эътибор қаратилиб, гарчи шаклан ижтимоий-иқтисодий формациялар йўналишида берилган бўлса-да, ҳар бир давр чегарасини адабий манбалар орқали кўрсатдики, айни ҳақиқатга жаҳон адабиётшунослиги XX асрнинг сўнгги чорагидагина эътибор қарата олди. Ушбу мажмуанинг дарслик қисмини ёзиш учун астойдил тайёргарлик кўриб, "Қутадғу билиг" (1927), "Аҳмад Яссавий" (1927), "Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар" (1928), "Ҳибату-л-ҳақойиқ" (1928), "Чиғатой адабиёти" (1929) сингари фундаментал мақолалари матбуотда эълон қилинишидан мақсад, ўзбек адабиёти изчил фундаментал тарихини яратиш ишига айни адабиётшунослик ватани бўлган Самарқанд шаҳрида[9] қўл ургани бежиз эмас. Сизга маълумки, айни улкан ишлар ўз даврида тақдирланиш ўрнига 20-йилларнинг охирида Жалил Бойбўлатов томонидан бу "феодал ўтмишини идеаллаштириш" номи остида танқид қилиниш билан чекланмай, балки "Фитрат пролетар адабиётига асосни Ясссавий каби диний адабиёт вакилларидан излади", деган ёрлиқ билан унинг фаолиятини сусайтиришга ҳаракатлар бўлди[10]. Шуларга қарамасдан, Фитрат домла Самарқандда ўзи бошлаган ишни ниҳоясига етказиш тараддуди билан "Ўзбек адабиёти намуналари"нинг 2-жилдини тайёрлади. Бироқ қаттол замон бу мўътабар манбани чоп этишга имкон бермади. Шукрки, айни китобга кириши мумкин бўлган қисмлар алоҳида мақолалар сифатида матбуот саҳифаларида эълон қилиб улгурилган эди. Бу жиҳатдан 2-жилдга сўзбоши тарзида ёзилган "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш" (1929) мақоласи янги лотин ёзуви тарғиботи учун чоп этила бошлаган "Аланга" журналида чоп қилинди. Бунга қадар 2-жилдга тегишли бўлган "Ўзбек шоири Турди" (1928), "Муҳаммад Солиҳ" (1928), "Машраб" (1930) сингари мақолалари китобхонлар қўлига етиб улгурган эди.

---

[8] Фитрат.Энгэскитуркадабиётинамуналари. // Адабиётимизнингтарихиучунматериаллар. – Самарқанд-Тошкент: ЎзбекистонДавлатнашриётинингнашри, 1927. – 124 б.; Қайта нашри: Т.: MUMTOZSOZ, 2009; Ўзбекадабиётинамуналари.Іжилд. - Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр, 1928. -319 б; Қайта нашри: Т.: MUMTOZSOZ, 2013.

[9] Бу ўринда Низомий Арузий, Давлатшоҳ, Мутрибий ва бошқа ўнлаб Самарқандийлар томонидан ёзилган адабиётшунослик илмига оид рисола ва тазкиралар назарда тутилди.

[10] Қаранг:Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1928. 13,14, 15 май; Ўзбекларнинг адабий мерос байроғи остида пантуркизм // Шарқ ҳақиқати. 1930. 7, 8, 9 август.

Айни маънода Фитрат домланинг Алишер Навоий ҳазратларининг қадамжоси ҳисобланган Самарқандда улуғ шоир ҳақидаги тадқиқотларини тилга олмаслик мумкин эмас. “Навоийнинг форсий шоирлиғи ва унинг форсий девони тўғрисида” (1925) мақоласида ҳатто Бобур ҳазратларига қарши бориб,

Навоийнинг забардаст форсийзабон шоирлигини ҳам асослаб берди. Бу билан ўз даврида туркийга нисбатан “қабо”, “ҳарб тили” сингари тошлар отиб, ўзбекчада нафис бадиий асарлар яратилиши мумкин эмас, деган эскирган даъвони қайта бош кўтаришига йўл бермади. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрисида”(1930) мақоласида эса айни сюжетнинг “Шоҳнома”дан тортиб ўзига қадар мавжуд бўлган барча намуналарини ўрганиб чиқиб, Хуршид томонидан саҳнага қўйилган мусиқий драма муносабати билан ушбу достонни юксак маҳорат билан таҳлил этди, таҳлил жараёнида ҳали шўро адабиётшунослигида урф бўлиб улгурмаган типологик таҳлил ва компаративистик адабиёт тамойилларини қўллаш билан ўзбек адабиётшунослиги жаҳондаги машҳур илмий мактаблардан қолишмаслик даражасида Шарқ адабиёти тарихини таҳлил эта олиши мумкин эканини афкори умумияга англатди. “Машраб” мақола-тадқиқотида адабиётимиз тарихи учун муҳим бўлган қаландарийлик адабиётининг илдиз-моҳиятини очиб бериш баробарида ўнлаб тасаввуфий тимсолларнинг қаландарлик адабиётида алоҳида мазмун касб этгани, уларнинг суфиёна маъни ташиган рамзлари моҳиятини очиб берди. Айни мақолада улуғ шоир Машрабнинг туғилган вақти ва жойи, “Мабдаи нур” асарининг муаллифлигида илмий асосланган қарашларни эълон қилдики, Фитрат кузатишлари гарчи шўро даврида ўринсиз равишда танқид этилганига қарамай, ўзбек адабиёт-шунослиги бундай илмий хулосаларга мустақилликдан кейингина етиб келди.

Фитрат домланинг адабиёт тарихи билан боғлиқ равишда ўзбек мумтоз адабиётида уч адабий (илмий-академик ҳам) мактаб борлигини аниқлади. Улар Хожа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ “ибодат мактаби”, Навоий адабий мероси орқали шаклланган “мумтоз адабий мактаб” ва ниҳоят, Умархон даври адабиётида шаклланган поэтика мактабидир. Бу мактабларга хос хусусиятлар, истильоҳлар, тамойиллар ва тараққиёт омиллари Фитрат домла томонидан тавсия этилган илмий истилоҳларнинг ўзидагина муносиб шаклини олди.

Менинг назаримда, 1930 йилда пойтахтнинг Тошкентдан Самарқандга кўчирилиши билан боғлиқ масалалар бугунги тингловчиларга маълум. Бироқ шу эсга олиш жоизки, айни даврда маданий ҳаёт учун ўта муҳим бўлган икки сиёсат – лотин ёзуви асосида янги алифбога ўтиш, 1929 йилда ташкил этилган Тожикистон Ресубликаси учун илмий-филологик адабиётлар етказиб бериш муаммоси ҳам тарихан зуллисонайн шаҳар бўлган Самарқанд зиёлилари зиммасида эди. Бу жиҳатдан Фитрат домланинг юқорида тилга олинган ва айни давр матбуотида эълон қилинган ўзбек тили ва имлоси масалаларига доир мақола ва чиқишларидан ташқари, 1927 йилдан тожик тилида нашр этила бошлаган “Раҳбари дониш” журнали орқали “Лойиҳаи алифбои наву тоза” (1927), “Дар гирди алифбои тоза”, “Дар гирди алифбои нав” (1928) сингари мақолалари принципиал муҳим рол ўйнади. Улуғ алломанинг “Сарфи забони тожики” (1926), “Қоидаҳои забони тожики” (1930) каби дарслик-қўлланмаларининг аҳамияти хусусида шу тил билимдонлари жўяли фикрлар айтишига ишонаман.

Буюк форс адабиёти тарихига муносабат масаласи, форс-тожик классиклари асарларини янги шароитда нашрга тайёрлаш, тарғиб ва тадқиқ қилиш, тожик адабиётининг изчил тарихини яратиш каби муаммолар ҳам Самарқанд адабий муҳити зиммасидаги илмий юмушлардан эдики, улуғ олимнинг “Раҳбари дониш”да тожик тилида чоп этилган “Таърихи адабиёти Эрон”, “Сайфи Исфаранги” мақолалари давр эҳтиёжига амалий жавоб бўлди. Устод Айнийнинг 1927-йилда тожик тилида чоп этилган “Одина” қиссасининг сўзбошиси[11] Фитрат домланинг бир заминда юксалган ҳар икки қондош адабиёт учун нақадар асқотарли манбалар муаллифи эканини англатади. Шу ўринда аслан юртдош бўлган икки буюк олим ва адиб устод Айний ва Фитрат домла ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ҳақида сўз юритишга эҳтиёж туғилмоқдаки, бироқ ушбу беадад мавзу доирасида кичик бир чиқиш билан илмий ҳақиқатни тўла англатиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, Самарқандда адабиётшунослик мактаби доирасида фақатгина Фитрат домланинг илмий фаолиятининг айрим қирраларини эсга олиш билан чекланамиз.

[11]Фитрат. Саргузашти тожики камбағал ёки Одине (Сарсухан). / Айни С. Одина. – Самарқанд-Душанбе: Нашриёти давлатии тожик, 1927. - С. 3-4.

Шунингдек, форс мумтоз адабиёти йўналишида Фитратнинг “Форс шоири Умар Хайём” рисоласи (1929), аввалроқ Москва даврида чоп этилган “Бедил. Бир мажлисда” рисолалари ҳам форсий адабиёт бўйича ўз даврида асосий қўлланма бўла олгани, кейинроқ Фирдавсий юбилейи муносабати билан ўртага чиққан Фитратнинг мақолалари ҳам айни Самарқанд даври илмий ижодининг самараси эканини таъкидлаш зарур.

Фитрат домланинг тарих, фалсафа, мусиқа каби соҳаларга оид асарлари “Санъатнинг маншаи” (1927). “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” (1928), “Шарқда шахмат” (1928), “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” (1930) ва бошқа мақолаю рисолалари Самарқанд заминида ёзилганини мамнуният билан тилга оламиз. Шунингдек, драматурглик фаолиятининг изчил давоми бўлган “Шўриши Восеъ” (1927), “Рўзалар” (1930) сингари пьесалари айни заминдаги санъат ва театр ишлари билан бўлган ҳамкорлиги натижаси эканини ҳам тилга олиш зарур. Шунингдек, Фитрат домла айни даврда диний сюжетлар асосида бир қатор ҳажвий ҳикоялар ёзгани ва уларнинг давр матбуотида чоп этилгани ҳам аён ҳақиқат.

Агар айтилганларни рақамлар тилига кўчирадиган бўлсак, уч йил давомида филология илмига оид 8 та китоб (шундан 2 таси тожик тилида), 24 та илмий мақола (шундан 6 таси тожик тилида), 2 та драматик асар (шундан 1 таси тожик тилида,) ўнлаб шеърий ва публицистик асарлар битгани инобатга олинса, Фитрат домланинг Самарқанд Давлат университети адабиётшунослик мактабининг асосчиларидан бири эканини биргина рақамлар кўрсатиб туради. 40-42 ёшли университет профессори Самарқандда оила қургани, университет ҳовлисидаги мўъжазгина хонада яшаши баробарида бундай кўламли илмий-ижодий ишлар билан муваффақиятли машғул бўлгани ҳар қандай интеллектуал соҳа вакилини ўйлантириб қўяди, инсон умри унга Аллоҳ таоло томонидан фақат бунёдкорлик ишлари учун берилгани ва агар мақсад сари йўналтирилса, бу умрнинг атиги уч йили улкан ишлар яратилажагига Фитрат домланинг амалий тажрибаси мисол бўла олади.

Ҳазрат Навоий

Нуқс изламоқ эрмаса муроди,
Бер барча ҳунар аро кушоди

деб ёзганида буюк “Хамса” яратилганидан 450 йилдан сўнг яна бир улуғ адиб ва аллома чиқиб, нафақат Самарқанду Ўзбекистон, ўз илмий салоҳияти билан Шарқ афкори илмиясини бойита олишига башорат қилган бўлса не ажаб.

УДК: 891.705

ШОИРОНА МАҲОРАТ - ЎРГАНИШ МАКТАБИ ДЕМАК

Қ.Оразимбетов
Нукус педагогика институти

Ибройим Юсуповнинг шоирлик маҳорати, ижодий бой тажрибасидан бунёд бўлган асарлар, лирик ва лиро-эпик жанрлар, шакллар ёш шоирлар учун ўрганиш мактаби, тадқиқотчилар учун тадқиқот объекти бўлиши сўзсиз. Шундай шоирлик маҳоратининг кўринишини унинг лирик тўплам тузиш тажрибасидан ҳам кўриш мумкин.

И.Юсуповнинг 1988-йили нашрдан чиққан «Тузли шамоллар» тўпламининг атамаси унга киритилган асарларнинг ҳеч бирида учрамайди. Буни шоирнинг ушбу лирик тўпламни тузишдаги дастлабки муваффақияти ва асосий тамойили деб қараш керак. Сабаби, шоир бу лирик тўпламни тузишни пухта режалаштирган, тўпламга киритилган 33 та асардан 31 таси 1987-, 1988-йилларда яратилган.

Албатта, шоир ўз асарларини аниқ тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда яратади. Лирик қаҳрамон замон ва макон тушунчасини қатъий ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Шундай экан, тўпламдаги асарларда бош муаммо – ўз даврининг шароитидан келиб чиқади. Ўтган асрнинг 80-йилларининг иккинчи ярмида собиқ иттифоқда шароит жуда кескинлашиб, унинг келажагининг қоронғи эканлиги борган сари ойдинлашиб бораётган эди. Қолаверса бизнинг ҳудудимизда экология муаммоси инсоният ҳаётига хавф сола бошлади. Бу нарса одамларнинг кайфиятига таъсир қилмай қолмади. Тўпламдаги «Бу ер ҳали зўр бўлади», «Умид дарахти», «Плаха излаб», «Орол элегиялари», «Қийин ҳол», «Қайта қуришнинг болаларига», «Виждон монологи», «Дейишади», «Сенсиз менинг куним йўқ», «Чимбой йўлларида» каби

асарларида лирик қаҳрамон битта. Лирик қаҳрамонни ўзи яшаб турган даврнинг муаммолари ҳаяжонга солади, у экологик қийинчиликларнинг пайдо бўлиш сабабларини яқин ўтмишдан қидиради. Масалан, «Бу ер ҳали зўр бўлади» асари туркум шеърлар. Унда экологик муаммо энг асосий муаммо сифатида тилга олинади. Шеърда лирик қаҳрамон экологик инқироздан ташвишга тушади:

Асты да дуз, үсти де дуз,
Жасап турған жеримиздиң,
Ашшығ ой деп налыманыз
Тамған маңлай теримизди.

Ушбу табиий офатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Уни ўзимизнинг бепарволигимиздан, лоқайдлигимиздан деб билади. Шеър келажакка, бу йўлда аҳволнинг яхшиланишига ишонч билан якунланади:

Зер қәдирин билип зергер,
Сондай заман келган гезде,
«Арендаға аз-маз жер бер»,
Деп жалынар дуня бизге...

«Умид дарахти» шеърида лирик қаҳрамон ушбу муаммонинг халқимизнинг бошига тушганига жони ачийди. Бироқ ўзини умид дарахтига қиёслаб, ҳаётдан умидини узмайди. Унда ҳали яшашга иштиёқи борлигини билидради.

«Плаха излаб» шеърида лирик қаҳрамонни фақат ҳудудий эмас, дунёвий муаммолар ташвишга солади.

Жаўрап Миссисипи, Әмиўдәрялар,
Жағысларын таслап қашады Арал,
Газға уўланған Ҳиндлер қаңғырып барар,
Чернобилде таллар дир-дир қалтырар.
Пахтадан «ақ алтын» алыў қастында,
Зәҳар шашқан самолёттың астында,
Баўыры шаншып ыңырсыйды балалар,
Жолда өлип атқан торғайлар қалар.

«Орол элегиялари» шеърини эса поэтик изланишлар, шоирлик маҳорати ва тажрибасининг натижаси сифатида қараш керак. Шеър беш бўлимдан, саккиз қаторли бандлардан иборат. Шеърнинг бундай композицион тузилиши ундаги мушоҳаданинг изчиллигини ва бутунлигини таъминлайди.

Шеърда элегия янаям ўткирлашади. Шеър мавзусининг ўзиёқ «Орол элегиялари» деб қўйилиши бекорга эмас. Орол дарди, айниқса шу даврда бизнинг ҳудудимиз халқлари учун энг катта муаммо бўлди. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида қайғу бўлиши мумкин, бироқ у умумхалқ дарди олдида ҳеч нарса эмас. Мана шоир шу халқ дардини етказишнинг эмоционал таъсирчанлиги юқори, ўткир шаклини топган.

Шунингдек, лирик асарларда кўпинча воқеа биринчи шахс тилидан баён қилинади. Бу асарда биринчи ва учинчи шахс аралашиб келади - воқеанинг учинчи шахс тилидан баён қилиниши - бу унга баёнловчининг қатнашиши деганни англатади. Баёнловчи воқеага эпик асарларда қатнашади. Демак, бир асарнинг ўзида лирик ва эпик тасвир усуллари аралашиб келади. Аслида элегияни фақат лирик усул – ҳиссиётларнинг иштироки, эмоцияни ниҳоятда ўткирлаштириб ҳам яратишса бўлар эди. Шоир бунда бошқача йўл тутган. Кўз олдимизда юз берган фожианинг келиб чиқиш сабабларини ўрганган, уни таҳлил қилган, унга баҳо берган, фараз қилган. Эпик ва лирик тасвир усулларини қўллаш орқали шундай таъсирчан асар ярата олган.

Шеърнинг биринчи бўлимида денгизнинг аянчли ҳолати тасвирланади. Шеърда фикрнинг энг кескинлашган, ўткирлашган пайти айни шу биринчи бўлимда ифодаланган. Иккинчи бўлимда кечаги денгизнинг тўлиб-тошиб тургандаги бахтли дамлари тасвирланади. Учинчи бўлимда замон, давр ҳақида фикр юритилади. Тўртинчи бўлимда яна ўлиб бораётган денгиз билан хайрлашув туйғулари берилади ва денгизни ўлдирган уч «жиноятчи»нинг ким эканлиги баён қилинади. Энг кейинги бешинчи бўлимда оптимизм руҳи сезилади. Мана шу бўлим шеърни тўпламдаги бошқа асарлар билан боғлайди. Лирик қаҳрамоннинг ўқувчида

ишонч учқунларини уйғотишга интилиши шоирнинг ижодий ниятини, унинг лирик тўпламни тузиш тамойилларини ҳам англатади.

Хош теңиз, сүйиклим! Жаралы жандай,
Өлим ҳалатында урасан ҳаллас,
Мениң қайғым амфибия адамдай,
Сенсиз қырда жасап саўа бола алмас.
Бул үш қылмыс қамалларын бузыўға,
Адамзат бир зор атланыс қылажақ.
Жаңаша ойлаўдың күни қызыўда,
Шынлық толқынлари ҳәўиж алажақ.

Фикрни бундай қилиб контраст ривожлантириш ҳаёт ҳақиқатини очиб беришда қўл келади. Сабаби ҳаёт ҳам кўпинча бир текис ривожланмайди. Шунингдек, бадиий асарда фикрнинг бир хиллиги ўқувчини зериктириши ҳам мумкин. Шеърдаги яна бир кўзга ташланадиган нарса – унда фикрлашнинг аналитик усули қатнашади. Шоир ҳаётни фақатгина кузатувчи эмас, унинг қонуниятларини тадқиқ қилувчи ҳамдир. Бу шароит асарнинг жанр сифатига ҳам таъсир қилади. Шеър – медитатив-фалсафий лирика. Ҳаётни ўрганишдан туғилган фикр ундан кейинги «Қийин ҳол», «Қайта қуришнинг болаларига» деган шеърларида ҳам давом эттирилган. «Қийин ҳол» шеъри ҳаммаси бўлиб тўрт банддан иборат бўлишига қарамасдан саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида юз берган аҳволни, шу пайтлардаги давр, замон қарама-қаршиликларни ҳам тасвирлаб беради.

Айниқса, «Қайта қуришнинг болаларига» шеърида даврнинг, замоннинг аччиқ ҳақиқатлиги публицистик усулда очиб берилади. Шоир юрагида тўпланиб қолган дард тўкилади. Шоирона сезгирлик орқали бошқалар ҳис қила олмайдиган ҳодисаларни бадиий шаклда етказади. Бу фикрлаш шакли бўйича публицистик лирика. Бироқ унда шоирнинг интеллектуал ўй-фикрлари қатнашади.

Буўған белди шештик, шалғай салынды,
Миё‘а ағашы марапатқа малынди,
Кеўил қәтержамлық шербетин ишип,
Ҳақийқатқа барар жоллар тарылды.
Қосып жазыў менен жоқты бар қылды,
Жер бузылды, ағын суўлар сарқылды,
Тәсил- ҳийле, пара, ағайиншилик,
Ел тәғдирин чай үстинде ҳал қылды.

Билгишлер сөйледи алдынан орап,
Ийкемшиллер ынғай табын жағалап,
Аяқларды қағып гөне шөңгелер,
Жағымпазлар жалпылдады «аға»лап.
Бетон мал қоралар муздың ығындай,
Бәри бийғам көшип кететуғындай,
Жайрап атыр техникасы тат басып,
Бийдәўлет баланың хожалығындай.

Таъкидлаганимиздек шеър - публицистик лирика. Лекин, шоир публицистик фикрни ҳам бадиий тасвир воситалари ва усуллари орқали тўлалигича ифодалашга эришган. Айниқса, «Миё‘е ағашы марапатқа малынды», «Кеўил қәтиржамлық шербетин ишип», «Ийкемшиллер иңғай жабин жағалап», «Аяқларды қағип гөне шөңгелер», «Бетон малқоралар муздың ығындай», «Бийдәўлет баланың хожалығындай» деган мисраларда аллегория, метафора, ўхшатиш моҳирона ишлатилган.

Юқоридаги асарнинг муаммоси «Виждон монологи», «Дейишади» шеърларида ҳам ифодаланган. Биринчи шеър мавзусидан кўриниб турганидек лирик қаҳрамоннинг ўз қалби билан дардлашиши, диалог шаклида, иккинчи шеър аналитик фикрлаш шаклида ёзилган. Бу шеърларни биз таҳлилга тортган шеърлар қаторига қўшиб турган асосий белгиси – уларда ўз даври, замони ҳақида фикр юритиш бўлиб ҳисобланади. «Чимбой йўлларида» шеъри алоҳида эътиборни талаб қилади. Асарда лирик қаҳрамоннинг макон ва замон чегараларида жуда эркин

ҳаракат қила олиш имкониятидан моҳирона фойдаланган. Бир кичик асарда лирик қаҳрамоннинг хотиралари орқали 50-60 йиллик воқеа ҳикоя қилинади. Бу томондан шеърни Ч.Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи билан қиёслаш мумкин. Тўғри, Ч.Айтматовнинг романида унинг бош қаҳрамони Эдигей бир кунлик йўлда бир асрлик воқеани эслайди ва эпик йўналишда тасвирлаб беради. Унга баён қилувчи ҳам, муаллиф ҳам қатнашади. Ён сюжетлар ҳам қўшилади. И.Юсупов асарида эса фрагментлик шаклда бўлса ҳам шунча йил воқеаларини ўқувчи кўз олдида гавдалантиради. Туркумнинг яна бир ўзига хослиги у етти бўлимдан иборат бўлгани билан, биринчи ва иккинчи бўлимдаги воқеалар алоҳида, 4-,5-,6-,7-бўлимдаги воқеалар алоҳида бир-бири билан боғлиқ. Учинчи бўлим эса булар орасида алоқадорлик вазифасини бажариб келган. Учинчи бўлимдан бошқа бўлимлар ҳар бир қатори 11 бўғиндан, аралаш қофия шаклида ёзилган. Учинчи бўлимнинг ҳар бир мисраси 8 бўғиндан бандли ёки биргалик қофия шаклида ёзилган. Демак, шоир икки сюжетлик линияни боғлаб турувчи бўлимга алоҳида мусиқий қофия танлаган. Бу ҳолат достонларда бир воқеадан иккинчи воқеага ўтишда қўлланиладиган насрий шеърни эсга туширади.

Мана биз таҳлилга тортган шеърлар бир-бири билан оҳангдош қилиб китобнинг энг бош қисмига қўйиши ҳам бир ижодий ният ва тамойилдан келиб чиққан. Бу асарларни бириктириб турадиган энг асосий белги – уларда лирик қаҳрамон битта. Давр, замон, ҳаёт муаммоларига, экология қийинчиликларидан жабр чеккан «Тузли шамоллар» гавдасини тешиб ўтиб, юрагига, ўпкасига чанг солганидан унинг аччиғига чидамасдан теварак атрофга овозининг борича гоҳ шовқин солиб, гоҳ нолиб, гоҳ нажот сўраётган мунгли, аммо ҳали келажагига ишончини йўқотмаган лирик қаҳрамон образи гоҳ элегиялик, гоҳ медитативлик фалсафий усул орқали ифодаланади. Воқеалар шу лирик қаҳрамоннинг атрофига жамланиб, бир асардан иккинчисига ўтиб туради. Бу нарса улар орасидаги органик бирликни ҳам тўпламнинг бутунлигини ҳам таъминлайди. Китобхон бир бутун асарни ўқиб чиққандек таассурот олади. Бу асарлар тизмасини биз шартли равишда тўпламнинг биринчи бўлими деб ҳисоблаймиз.

Тўпламда бундан кейин «Афанасий Фетга», «Бўронли тунда», «Тегма унга», «Бойқушга» мавзусидаги 4 шеър жой олган. Бу тўрт шеърни бириктириб турган нарса – тўрттасида ҳам тасвир объекти сифатида ҳайвонлар, қушлар танлаб олинган. Биринчисида - булбул, иккинчисида – кийик, учинчисида – илон, тўртинчисида – бойқуш. Албатта, қадимги бадиий адабиётда ҳайвонлар, қушлар ҳақида сўз борганда улар одамзод умри, хулқ-атвори билан қиёсланади. Уларда аллегорик, рамзий тасвир усулларидан фойдаланилган.

Бундан кейинги тўрт шеър – «Икки қувонч», «Ўзи қизиқ одамлар», «Ду Фу», «Бурмаловчига» номли асарларидан иборат, уларнинг ҳажми кичик. Ҳар бир асар фақат иккиуч банддан ташкил топган. Фрагментар ўй-хаёл «ялт» этиб кўз олдимиздан ўтади ва бизнинг онгимизга ўрнашиб олади. Шунингдек бу шеърларда икки детал бир-бирига қарама-қарши қўйилиб тасвирланади. Тўпламдаги «Ўтиб бормоқда», «Жинсимни куйлайман», «Булутлар оқ бўз отини тоққа тушовлаган» шеърларида бир-бирини боғлаб турувчи мазмуний ва шаклий яқинлик бор. Айниқса улардаги алоқадорлик метафоранинг қуршовига ўранган, чуқур бадиий тафаккур мазкур шеърларга катта муваффақият келтирган. «Йигитнинг етмиш кўклами», «Аскарбойга», «Пари минган от», «Бердақнинг дутори» , «Ажиниёз шоирнинг шамолга арзи», «Амира азоблари» шеърлари шоирлик илҳом, ижодий иш, умуман, санъат ҳақида ёзилган. Ушбу асарларнинг давоми сифатида китоб сўнгида «Ажиниёз» либреттоси берилган.

Биз шоирнинг лирик тўплам тузиш тажрибасини «Тузли шамоллар» тўплами мисолида кўриб ўтдик. Ушбу тўпламнинг бадиий хусусиятлари қандай? Шоир тўпламни тузиш борасида қандай тамойилларга асосланган? Бизнинг пайқашимизча тўпламда асосга олинган бош мезонлардан бири – бу замон. Тўпламда маълум бир вақт оралиг‘ида яшаб, ҳаракат қилган лирик қаҳрамоннинг ҳаётга, даврга, атрофимиздаги оламга бўлган муносабатини уни тушунишга бўлган интилишини очиб беришга катта эътибор қаратилади. Уларда вақт чегарасидаги лирик қаҳрамоннинг ҳаракат қилиш доираси чекланмаган. Бир асарда лирик қаҳрамонни экологик машаққатлар, давр муаммолари ташвишга солса, иккинчи, учинчи, тўртинчи гуруҳдагиларда лирик қаҳрамоннинг табиатга, маданият, адабиётга муносабати, фрагментал тасаввур биринчи планга чиқади. Демак, лирик қаҳрамон бир вақтнинг ўзида ҳар хил маконда ҳаракат қилади. Мана бу бутунликка интилишнинг асосий белгиларидан бири

бўлиб ҳисобланади. Сабаби ҳаёт фақат бир хил ташвишлардан иборат эмас. Эпик бадиий асарнинг вазифаси ҳаётни шундайлигича, бутун борлиғича тасвирлаб беришдан иборат. Шундай экан, лирик тўпламда ҳам эпиканинг элементлари борлигини кўриш мумкин.

Лирик тўпламга киритилган асарларни вақт бирлиги тамойили билан муштараклаштириш ва шу орқали тўплам тузиш тажрибаси адабиётда илгаридан бор. Бунда вақт бирлиги деганда кўпинча асарларнинг яратилиш даври ёки унда тасвирланган воқеаларнинг қайси вақтда бўлиб ўтганлиги эмас, балки уларнинг мазмунидан келиб чиқадиган вақт тушунчаси назарда тутилади.

Тўғри, лирик тўплам – бу эпик асар эмас. Аммо унинг алоҳида лирик асардан фарқли жиҳати у бир неча ўнлаб шеърларни бирлаштиради. Уларнинг орасида бир-бирига боғлайдиган бириктирувчи куч ҳосил қилади. Албатта, лирик тўпламга киритилган шеърлар ўзича алоҳида туриб ҳам аниқ мазмунга эга бўлиб, тугал асар сифатида қабул қилинади. Лекин унинг мазмуни лирик тўплам таркибида яна ҳам кенгаяди ва у тўпламдаги бошқа асарлар билан ўзаро алоқага киришади. Бир асардаги фикр иккинчисида ва ундан кейингиларида ҳам давом этади. Лекин, лирик тўпламдаги алоҳида асарлар лирик туркум таркибидаги асарларга қиёсланганда, айниқса, поэманинг бўлимларига нисбатан эркин.

Шоир И.Юсуповнинг «Тузли шамоллар» тўпламига киритилган лирик асарларни бириктириб турадиган яна бир бош белги улар орасидаги шаклий яқинлик. Шеърлардаги фикрни етказиб бериш шакли ҳам, ташқи шакли ҳам бир-бирига жуда яқин. Уларнинг ҳаммасида ҳам метафора, аллегория, ўхшатиш, эпитет кўпроқ қатнашади, шунингдек, фикрни етказиб беришнинг параллелизм, инверсия, градация усулларидан фойдаланилади. Тўпламдаги асарларнинг кўпчилиги 11 бўғинли шеърлар, қофия шакли ҳам бир-бирига яқин. Мазкур шароитлар уларни бир нафасда ўқиб чиқиш имконини яратади.

Учинчидан, ҳаётни тушуниш концепциясининг ҳамма асарларда бир-бирига ниҳоятда яқин эканлиги тўпламга сарлавҳа танлашданоқ кўриниб турибди. «Тузли шамоллар» – фақат тўпламгагина эмас, ундаги ҳар бир лирик асарга сарлавҳа бўла олади. Юқорида айтиб ўтганимиздек бу нарса шоирнинг тўпламни яратишга ижодий муносабатда бўлганлигидан, унинг бадиий изланувчанлигидан дарак беради.

УДК: 891.709

МЕН – ХАЛҚИМНИНГ ТОМИРИДА ҚОН

Ҳ. Умуров
Самарқанд Давлат университети

Йиллар ўтиши билан юракка яқин бўлган инсонларнинг қадр-қиммати янада ошади...

Орифжон Икромов биз учун қадрли бўлган кишилардан эди...

Орифжон Икромов тоғаси Ҳамид Олимжондай шеъриятнинг мафтуни эди. Шеърни гўё кишини сеҳрлаб олгудай бўлиб, берилиб ўқирди:

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Бу жўшқин овоз шунчалик жозибага эга эдики, унда янгиликдан, гўзалликдан ҳаяжонланиш, ҳаяжонни эса “юқтира билиш” мужассам эди.

Орифжон Икромов шоирона қалбга эга адабиётшунослардан бўлиб, даврнинг долзарб, бугун ҳал қилиниши керак бўлган масалаларини яхши тушунар, мана шу ҳаёт янгиликларини завқу ҳаяжон ва аниқ сўзларда ифодаларди. У одамлар учун янги фикр ва ҳислар уйғотувчи, интилишга ундовчи ўз сўзини айта биларди.

Шу сабаб шогирдлари ҳам, дўстлари ҳам, устозлари ҳам уни севар, чиқишларига мунтазир эди. Орифжон Икромов қаерда бўлмасин – илмий конференциями, мажлисми, институт советиними, ўртоқлик учрашувими, ҳамма ерда бош-қош бўлар, одамларни аниқ ва зарур мақсадга йўналтирарди...

Орифжон Икромов 1926 йил 2 сентябрда Жиззах областининг Жиззах раёнидаги Москва колхозида хизматчи оиласида туғилди. 1934-1944 йилларда Жиззах шаҳридаги Ленин номли ўрта мактабда ўқиди. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанддаги А.Навоий номли Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетида таълим олди ва университетни 1949 йилда

имтиёзли диплом билан тугатди. Ўша йилиёқ у ЎзДУнинг ўзбек адабиёти кафедраси ҳузуридаги аспирантурага кирди ва 1953 йилда “Шоир А.Умарийнинг ижоди” деган мавзуда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

1956 йилда унга доцентлик унвони берилди. 1956-1962 йиллар давомида Орифжон Икромов СамДУ ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, декан ўринбосари, факультет декани вазифасида ишлади. О.Икромов СамДУда 10-йилдан кўпроқ ишлаб, адабиётшунос кадрлар етиштиришдек масъулиятли вазифани шараф билан бажарди.

1964 йилда у Қарши Давлат педагогика институтининг ректори қилиб тайинланди. 1967-йилдан то умрининг охиригача С.Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг ректори ва ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлади.

Бу икки институтда ишлаш жараёнида студентларнинг отаси, уларга илм-фан сирларини очишга калит тутқазаётган меҳрибон педагогларнинг оғаси, билим даргоҳининг дарғаси сифатида унинг ажойиб ташкилотчилиги, раҳбарлиги, жонкуярлиги яққол намоён бўлди.

Иккала институт ҳам қисқа муддат ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Янги факультетлар, кафедралар, лабораториялар ташкил этилди. Студентлар оммасининг илм чўққиларини эгаллашга интилишлари, кўплаб фан кандидатлари етишиб чиқишида унинг хизматлари ғоят катта бўлди. Буларнинг ҳаммаси унга чексиз ҳурмат, эҳтиром, обрў бағишлади.

Орифжон Икромов 1948 йилда Коммунистик партия сафига кирди. У Қашқадарё область советининг депутати, Самарқанд область ва шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси, Самарқанд шаҳар советининг депутати сифатида актив фаолият кўрсатди.

Орифжон Икромов СССР Ёзувчилар союзининг, СССР Журналистлар союзининг, СССР Бадиий адабиёт фондининг аъзоси, область “Билим” жамиятининг раиси, “Новости” матбуот агентлигининг Самарқандда жамоатчилик асосида ташкил қилинган бюросининг раиси, Самарқанддаги Совет-Ҳинд дўстлиги жамиятининг аъзоси.

Унинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ киши илмий иш олиб борди, кандидатлик диссертациялари ёқлади.

Орифжон Икромов ташкилотчилик, раҳбарлик ишини ижод билан, илмий фаолият билан бирга олиб борди. Унинг “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон проблемаси” мавзусидаги докторлик диссертацияси жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлган эди.

Профессор Орифжон Икромов партиявий ва ижтимоий ишга принципиал қарайдиган сезгир, дилкаш ва камтарин киши эди. У “Меҳнат Қизил байроқ”, “Ҳурмат белгиси” орденлари, “1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун” ва В.И.Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги юбилей медаллари билан мукофотланган.

1970 йилда Орифжон Икромовга “СССР халқ маорифи аълочиси” унвони берилган эди.

Кўзга кўринган олим, таниқли жамоат арбоби, меҳрибон дўст ва камтарин инсон профессор Орифжон Икромов ижодий куч-қувватга тўлган бир пайтда, 1971 йил 18 июлда орамиздан кетди.

“Инсон умри қисқа қуш уйқусидай,
Минг йилни безайди шу умр баъзан.
Булбул кўз ёшидек эл қайғусидан,
Умр дарахтидан тўкилар хазон”.

Ҳа, Инсон умри қисқа, умр эса гоҳ унинг номини мангулик осмонида юлдуздек порлатади, гоҳ бир лаҳза ёниб сўнган шамдек унутади. Инсон ўзининг улуғвор ишлари, она Ватан олдидаги буюк хизматлари, нодир кашфиётлари, ноёб асарлари билан ўз халқи қалбидан муносиб ўрин олади. Инсон ҳар бир ишда жонбозлик қилса, фидойи бўлиб унга борлигини бахш этса, кишилар қалбининг нозик торларидан янграётган оҳангларни илғай олса, элу юрт олдида обрў эътибор ва қадру қиммат топди. Элу юрт олдида қадрини топган инсон энг бахтиёр инсондир. Олим ва шоир Орифжон Икромов ана шундай инсонлардан”[12].

[12] Бойқобилов Б. “Умр қадри” (сўз боши), Орифжон Икромов, “Юрак тўлқинлари”, 5-бет, “Ёш Гвардия”. Т., 1975 й.

Ҳа, Орифжон Икромов ўзининг “қуш уйқусидек” қисқа умрида “мазмундор ҳаёт кечирди, кунлари беҳуда ўтмади, адабиётда ва илмда ўзига яраша из, ёрқин хотира қолдирди”[13].

45-баҳорни кўра олмаган бўлсада, Орифжон Икромов ижодий журъатларга тўлиқ ҳаёти, илмий ва поэтик мероси билан бугунги даврамизда тирикдай, тириклар билан суҳбатдадир. Унинг “Гул фасли” (1970-йил), “Юрак тўлқинлари” (1975), “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон” (1969), “Танланган асарлар”и (1977) ҳам бунинг исботидир.

***

Шеърий истеъдод бирданига туғилмайди. Туғилгандан сўнг ҳам бирданига ҳамманинг қалбини забт этолмайди. Чунки ҳар қандай шоир ҳам ўз бошидан кечирган, кўрган воқеа-ҳодисаларни замон ва даврнинг бадиий умумлашмаси даражасига кўтариши, халқ юрагининг акс-садосини гўзал ифодалаши учун талай вақт, меҳнат ва тажриба керак бўлади.

Орифжон Икромовнинг биринчи шеъри “Мен бахтиёр” 1944 йилда Жиззахда чиқадиган “Социализм йўли” газетасида босилиб чиқди. Ва у чорак асрдан сўнггина биринчи шеърий тўплами “Гул фасли”ни (1970) эълон қилишга журъат этди.

Шоир ижодининг замини ва томири унинг оиласи оиласидаги адабий муҳит билан мустаҳкам боғлиқдир. Бу, биринчи навбатда, бувиси – Комила онанинг, онаси – шоиртабиат Асолат аянинг, тоғалари – Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Сарвар Азимовларнинг, келин ойиси – Зулфиянинг бадиий завқи, донишмандлиги, билимдонлиги, ибратомууз ҳаётларининг ижобий таъсири эди.

Орифжон Икромовнинг етук сиймо бўлиб етишишида ҳам ана шу мўътабар хонадон вакилларининг энг яхши фазилатлари унга маёқ вазифасини ўтади. У халқимизнинг содиқ фарзанди, тиниб-тинчимас ўғли сифатида халққа хизматда, коммунистик эътиқодида, ёшларга меҳрибонликда уларнинг издоши бўлди.

Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия қуйидагича ёзади: “Мен учун О.Икромов жуда севикли инсон эди. У Ҳамид Олимжондаги жуда кўп фазилатларни ўзида мужассам этган эди. У ҳаётда ўзини жуда мустаҳкам, гўё юз йилларча яшашга келгандай ҳис қилар, борлиги ишонч, орзу ва фаолият эди. Тоғаси сингари барваста, йирик қадамли, кўзлари жаҳонга катта боққан, устун ҳаёт гўзаллигига, неъматларига ташна, севиб севилган, табиат берган нарсаларни жамият аъзолари билан бирга яратишда борлигини бағишлаш учун дунёга келган чиройли, туйғун йигит эди. Шундай чиройли ва мазмунли бахтиёрликда яшади. Менимча, мазмундорлиги билан чиройли яшаш, меҳнатни завқ манбаи деб билиш ҳам шеър ёзишдай катта бир санъатдир. Ўзини табиат ва жамиятнинг ажралмас бир қисми сезиб, унинг ҳаракати, камолоти, равнақи билан уйғун яшашни толе деб билиш ҳам катта бир истеъдод. Мана шу санъат ва истеъдод, шеър ва шеъриятга, адабиётга муҳаббат бўлиб Орифжон Икромовни ўзи беҳад севган халқи, давлати, партиясига хизмат қилиш жараёнида ёрқин бир сиймога айлантирди. Орифжоннинг ижоди ҳақидаги гаплар менда ниҳоятда кўп. Лекин бу гапларни бирон мақолага қолдираман. Мен орифжон Икромовни кўп жиҳатдан Ҳамид Олимжон изидан боришга урингани ва унга ўхшаб тинимсиз фаолияти, адабиётга чексиз муҳаббати учун ҳам севган бўлсам керак. У Ҳамид Олимжон менга кўрсатиб улгурмаган туғилган ери гўзалликларини кўрсатишга, кездириб улгурмаган ерларни кездиришга ҳаракат қилар эди. Бу унинг она ерига, халқига, адабиётига ва ижодкорларига бўлган муҳаббатнинг бир ифодаси бўлиб кўринар эди.

Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари, ёрқин жамоли сингари мен учун алоҳида муқаддас ва қадрли жойлар ҳам бор. У Ҳамид Олимжоннинг йигитлиги етилган, шеърияти шаклланган, шуҳратига парвоз бағишланган ерлар... СамДУ ҳамда Сиёб, Зарафшон дарёлари соҳиллари...

Самарқандга ким билан ва нима муносабат билан келмайлик, албатта, шу ерларни тавоф қилиб кетиш бизга одат эди. Бу ерларда, албатта, Ҳамид Олимжон шеърлари билан бошланадиган шеърхонликлар бўларди. Бу ерда Ғ.Ғулом ва Уйғун, А.Умарий ва У.Носир каби Самарқандда вояга етган шоирлар шеърлари янграр эди. Кейин Орифжоннинг шеърларини тинглар эдик. Бошқа шоирларнинг шеърларини ўқиган пайтда соҳилларни, залларни ларзага солган овоз ўз шеърини ўқиганда жуда майин, гўё журъатсиз бўлиб қолгандай туюлар эди. Бу

[13] Носиров Э. “Муаллифни эслаб” (сўз боши), О.Икромов, “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон”, 4-бет. –Т., 1973 й.

унинг камтарлиги, қолаверса, шеърни тингловчи ихтиёрига топширишнинг ўзи катта жасорат деб билишидан эди. Оз бўлса ҳам мерос қолган яхшигина, дилбар, ёлқинли шеърларининг деярли ҳаммасини бирга ўқирканмиз, дейишим мумкин. Тошкентда ёки Самарқандда меҳмондорчилик охирлагач, шеърхонлик бошланган масъум онларни ҳар икки оила аъзолари ҳеч қачон унутмасалар керак. Шеъралар ҳақида фикрлашганда ҳамиша фикримиз бир ердан чиқар эди. Сиёсий шеърларда лирик руҳ ва юракнинг оташин нафаси уфуриб туриши лозим бўлганидек, лирикани кишилар руҳини тетиклаштирадиган замонамиз кўлами ва шиддатига хос сафарбарлик ҳаракатлантириб туриши лозим деган хулосага келар эдик.

Орифжон ўз шеърларини онасининг меҳридай майин, ҳароратли ўқир эди. Унинг ҳамишалик ҳамроҳи, рафиқаси Нарзихоним эса бу шеърларини бир неча бор эшитган бўлса ҳам гўё худди биринчи бор гўзаллик ва эзгулик билан учрашаётгандай бахтиёр мастона тинглаб ўтирар эди. Эсимда, биз Самарқандда май байрамини бирга нишонлагач, эртаси куни Жиззахга жўнадик. Биз қариндошларни кўриш, Орифжон таъбирича, тоғасининг болалиги яланг оёқ кезган далаларни мен бир кўриб қўйишим керак эди. Баҳор. Ҳаммаёқ лола. У қаер кўзига дилбар кўриниб кетса, ўша ерда машинани тўхтатиб гул териб келар эди-да:

Мана сенга олам-олам гул,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл, -

деб бизнинг қучоғимизга ташлаб кетар эди. Орифжон инсон сифатида жуда садоқатли. Бир она, бир Ватан, бир халқ, бир Коммунистик партияга севги ва садоқатда яшаганидек ҳаётда ҳам танҳо бир аёлга чексиз муҳаббати ва бахтиёрлигида яшаб кетди. Назаримда севги қудрати ва қимматини яхши билгани сабаб мен билан учрашувни ҳамиша Ҳамид Олимжон билан янгидан учрашувга айлантирар эди. Мен унинг руҳига букун мана шу юксак минбардан миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Уларни, биз яқин кишилари, ҳар иккисини ҳам шахсан билган кишилар бир-бирига жуда ўхшатиб донланар эдик. Шунинг учун Ҳамид Олимжоннинг худди бугунгидай ўзисиз ўтган 60 йиллиги нишонланган минбарга чиққан Орифжон:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда,

деб шеър бошлаганида Ҳамид Олимжоннинг ўзи минбарга чиди, деган эди шоирни тирик кўришга муяссар бўлган авлод.

Лекин минг афсус ва минг надоматлар бўлсинки, Орифжонни тобутда кўрганда яна бир Ҳамид Олимжон тобутда ётибди деди. Ўлим не-не азиз кишиларимиздан айирмади. Лекин юпанч шуки, улар ҳамиша бизнинг қаторимизда, дилимизда, номлари тилимизда.

Бир юпанч шуки, улар хизмат қилиб ҳаётини, фаолиятини халқ хизматига бағишлаган кишилар доимо иззатда қоладиган бир даврда яшадилар.

Бир юпанч шуки, уларнинг ижоди китоблардан-китобларга, диллардан-дилларга ўтиб ҳамиша коммунистик қурилишнинг улуғ ғояларига хизмат қилишдан тўхтамайди.

Бир юпанч шуки набира кўриб шодлигини билмай, асарларининг катта-катта жилдларини қўлга тутиб улгурмай кетган бўлсалар ҳам, фарзанд, набира ва асарлар ўз боболари ва муаллифлари ҳаётини узайтириб, яшаб, хизматларини адо этадилар”[14].

Шоир ўзининг шеъриятида гўзал Самарқанд, унинг бунёдкор кишиларини лирик қаҳрамон қилиб олди, уларнинг меҳнатини, бахтини, севги ва садоқатини куйладики, бу руҳ яққол кўзга ташланади.

Ўргулай мен толеимдан,
Шу Ватан фарзандиман.
Минг розиман ўз элимдан,
Мен унинг дилбандиман.

Ўткир ақл-идрок эгаси Орифжон Икромов қайси темада қалам тебратмасин, ўзига хос овозда, оргинал куйлашга интилади. Бу овоз – ҳаёт ҳақиқатини баддий идрок этиб, бошқаникига ўхшамайдиган қилиб ифодаланишида, фикр ва туйғулар, мушоҳада, юрак ҳароратининг самимийлигида, қалб, зеҳн ва руҳнинг поэзия билан тўлиқ эканлигида сезилади:

[14]Умуров Ҳотам. Олим ва ёзувчи. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 3-сон, 90-92 бетлар. 1977.

севги ва садоқат, ишқ-муҳаббат хусусида ҳам (“Ишон, эркам”, “Ишонч”, “Соғинганда, “Интизорман йўлингга” каби) қалам тебратар экан, уларда мушоҳаданинг чуқур ва эҳтиросниг кучли бўлишига, энг нозик, энг интим интилишларни давр ташвишлари, талаблари билан ҳамоҳанг тасвирлашга эътибор беради:

Бунча назокатни, шўхлик-кўхликни,
Қаёқлардан олдинг, эй садқаи жон?
Кишилар кўзига яқин бўлмоқни,
Қай инсон ўргатди сенга, пахтажон?

Шоирнинг шеърлари мавзусининг муҳимлиги, фикрнинг аниқлиги билангина характерланмайди. Балки, шеърларидаги ғоявий ва бадиий унсурларнинг мутаносиблиги билан, жўшқин эҳтирос ва лирик мушоҳаданинг уйғунлиги билан ажралиб туради:

Баҳористон – бахтлар макони
Эрур мангу Ватаним маним
Шу диёрда кўрдим жаҳонни,
Шу диёрдир маним чаманим...

Эй, Бахтистон, толеимга сен
Қуёш каби қорайма асло.
Дард кўрмайин қучоғингда мен,
Сенга айлай жонимни фидо!

Орифжон Икромов шеърларини ўқир экансиз, унинг баъзи шеърларида Ҳамид Олимжон поэзиясига хос бўлган жозибани халқ ва Ватан учун фидойиликка тайёр юксак эътиқодли лирик қаҳрамонни учратасиз. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжоннинг:

Ҳар айтганинг буюк жангнома
Қайга десанг, қайтмай кетурман.
Кўзларимни юммасман асло,
Дарё киб уйғоқ ўтурман –

Мисраларига Орифжон Икромовнинг қуйидаги мисралари ҳамоҳангки, бу Ҳамид Олимжоннинг кучли таъсиридан далолатдир:

Боларидек меҳнат билан банд
Кечаю кундузни унут этаман.
Ватан хизматига белимни боғлаб,
Эртами – кеч демай, доим кетаман.

Орифжон Икромов кўнглидаги ниятини ҳис қилиб ёзарди, фикрини бир мақсадга йўналтирарди. Шоир шеърларидаги ёрга бўлган муҳаббат она-Ватанга бўлган муҳаббат билан қўшилиб кетади. У Ватанини жондан севади, ундан кўз юмиб кетишни истамайди, халқи ва юрт учун хизмат қилишни хоҳлайди, ҳали орзулари кўплигини айтади:

Бу дунёга кимлар келиб,
Кимлар ўтиб кетмаган.
Менинг эса ҳеч кетгим йўқ
Орзуларим битмаган.

Шоирнинг халққа шеър билан ҳам хизмат қилишдек орзуси, поэтик изланишлари шеърдан шеърга теранлаша борди. Шунинг учун биринчи шеърий тўплами “Гул фасли”га нисбатан иккинчи “Юрак тўлқинлари”да шоир юксак ижтимоий ғояларни фалсафий мушоҳадаларга ўраб, ёрқинроқ, таъсирчанроқ қилиб ўқувчига етказади.

Бир мисол:

Бир мисра битолмас одамлар ҳам кўп,
Бир мисра умрга бўлар андоза.
Эҳ, шоир яратган шеърлари билан,
Бир ҳайкал яратса қандайин соз-а!

Ўз умрининг баҳорини, юрагининг қувватини халқ хизматига бағишланган инсон ҳеч қачон ўлмайди. У ҳамма вақт элу юрт билан бирга, биз билан олға одим отмоқда. Абдулла Орипов О.Икромовга бағишлаб ёзган марсиясида айтганидек:

Оққан сув ортига келмагай қайтиб,

Ўтган жойни лекин айлагай жаннат.
Сиздан қолган ном бу – шогирдлар ажиб,
Сиздан қолган ном бу – ҳеч ўчмас ҳиммат.

***

Орифжон Икромовнинг адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасидгаи изланишлари ижодий фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Дарҳақиқат, унинг жанговар руҳ касб этган 300 дан ортиқроқ адабий-танқидий мақолалари, тақриз ва эсдаликлари, А.Умарий, П.Турсун, Зулфия каби санъаткорларимиз ҳақидаги адабий портретлари, “Ўзбек романида ижобий қаҳрамон” номли тадқиқоти ўзбек совет адабиётшунослиги ва адабий танқиднинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Унинг адабиёт илми соҳасидаги қизиқиш доираси ғоят кенг эди. Буни муаллифнинг ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши ва тараққиёти йўлига бағишланган ишларидан, айрим ижодкорларнинг ўзига хос томонларини очишга интилишидан, ўзбек адабиётининг назарий масалаларига бағишланган тадқиққотларидан ҳам кўриш мумкин.

Орифжон Икромов ўз мақолаларида ижодкорларни ҳаётни чуқур ўрганишга, унинг қайноқ гирдобида яшашга, халқ билан бирга нафас олишга, халқимизнинг буюк ишларини ҳаққоний акс эттиришга даъват этади.

Танқидчи мақолаларининг бир қисми В.И.Ленин ва адабиёт мавзусига бағишланган бўлиб, уларда В.И.Лениннинг санъат ва адабиёт ҳақидаги таълимоти ва бу таълимотнинг самараси ўзбек адабиёти мисолида тадқиқ этилади.

Адабиётнинг ҳаёт билан узвий алоқасини текшириш борасида “партия ва ҳукуматимизнинг ёзувчилар олдига қўйган вазифаси – коммунизм кишисини тарбиялаб етиштириш” эканини, адабиётимиз олдида турган муҳим масалаларни тўғри ва ишонарли ҳал этади:

“Новаторлик, замонавийлик, илғор традициялардан кенг фойдаланиш – ўзбек совет адабиётининг шиоригина эмас, балки унинг тасвирий кучи ва қудрати, бадиий интилиши, ажойиб фазилати бўлиб қолди. Яқин ўтмишни тасвирловчи асарларда ҳам, ҳозирги қайноқ ҳаётимизни ифода этувчи полотноларда ҳам асримиз кишисининг кайфиятини, орзу-умидини, кураш ва ҳароратини акс эттириш, етти йиллик қаҳрамонлари, меҳнат фронти машъаллари характерларини яратиш, юксак бадиий умумлашмаларга эришиш адабиёт ва санъат аҳллари олдидаги масъулиятли вазифа бўлиб қолди”[15].

Танқидчи “Ҳамиша барҳаёт”, “Халқ улуғлайди” ва бошқа шу каби маоқлаларида ўзбек адабиётида башарият доҳийси В.И.Ленин образини яратиш соҳасидаги изланишларни таҳлил этади. Э.Жуманбулбул, Шайҳзода, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, К.Яшин каби ижодкорларнинг Ленин образини яратишдаги ютуқ ва камчиликлари, ўзига хослик томонларини очади ва қуйидагича асосли хулоса чиқаради:

“Г.Ғулом В.И.Ленин темасини В.И.Ленин ва Шарқ аспектида файласуфона, Ҳ.Олимжон бу темани миллий ва интернационализм руҳдаги планда акс эттириши, Миртемир ва Шайҳзода ҳужжатли бадиий тасвир, Пўлкан, Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодида мазкур темани халқ оғзаки ижодиётига хос услуубда ишланиши чексиз эҳтиромнинг ранг-баранг жилоланишидир”.

У. Ҳ.Олимжон ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишга кўп куч сарф этди, ўнлаб мақолалар эълон қилди. Бу унинг олимжоншунос бўлиб танилувига сабаб бўлди.

Олим Ҳ.Олимжон ижодининг тадқиқотчилари назаридан қолиб келаётган қатор жиҳатларни топа билди ва улар ҳақида ўзининг оргинал фикрларини эълон қилишга улгурди. Бу жиҳатдан унинг Ҳ.Олимжонни публицист ва адабиётшунос олим сифатида характерлаган мақоласи ибратлидир.

Тадқиқотчи мазкур мақолада, биринчидан, публицистик ижоднинг ижтимоий ҳаётдаги жанговар ролини очиб беради, иккинчидан, ўзбек совет адабиётида бу жанр тараққиётига Ҳ.Олимжоннинг қўшган ҳиссасини тўғри кўрсатади, учинчидан эса, шу жанрни тадқиқ этиш

15

асносида Ҳ.Олимжон ижодининг ҳозиржавоблик характерини давр воқеалари билан узвий алоқасини тўғри талқин этади.

Профессор О.Икромов “Истеъдоднинг туғилиши”, “Севимли шоиримиз”, “Совет жангчиси шоир назмида”, “Ажойиб балладалар ижодкори” сарлавҳали мақолаларида ҳам, ўзига хос конкретлилик билан Ҳ.Олимжон ижодининг айрим қирралари ҳақидаги илмий текширувларни бойитган, уларни янги фикрлар, далиллар билан тўлдирган.

Орифжон Икромов адабий ҳаракатнинг, “ҳаракатдаги эстетика”нинг актив иштирокчиси сифатида адабиётимизда воқеа бўлган асарларни таҳлил этар, адабий янгиликларни ўз вақтида пайқар, янги-янги изланишларни қўллаб-қувватлар эди. Унинг А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия, Миртемир, Ҳ.Ғулом, О.Ёқубов, М.Бобоев, Ҳ.Ёқубов, Шуҳрат, И.Султон, Б.Бойқобилов каби ёзувчи ва танқидчилар, уларнинг асарлари ҳақидаги мақолалари фикримизнинг исботидир.

Бу мақолаларда Орифжон Икромов ёзувчи ва танқидчиларнинг ижодий ютуқларини, адабиётимизда тутган ўрнини белгилайди, ўзбек адабиёти эришган ютуқ ва тажрибаларни конкрет ижодкор ёки асар мисолида умумлаштиради, ўзининг назарий қарашларини дадил ўртоқлашади.

О.Икромовнинг адабий портрет жанридаги изланишлари ҳам аҳамиятга моликдир.

У яратган адабий портретларнинг биринчиси шоир Амин Умарий ҳаёти ва ижоди таҳлилига бағишланган. Унда шоирнинг фаолияти давр, замон, адабиёт билан биргаликда ўрганилади. Унинг ижодий камолотга таъсир этган омиллар – севет воқелиги, маданий меросдан фойдаланиш, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли, рус ва қардош халқлар адабиётининг таъсри ўрганилади.

Амин Умарий поэзиясига, поэтикасига асосий урғу берилади ва унинг ижодига хос бўлган бадиий хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Унинг сикл шеърлар туркумлари, коллектив авторларнинг бири сифатидаги хизматлари кенг ва атрофлича анализ қилинади.

Орифжон Икромов талантли ўзбек ёзувчиси Парда Турсун ижодий эвелюцияси тўғрисида китобхонларни атрофлича таништиришдек хайрли ишга бел боғлаб, бу вазифани шараф билан уддалади.

Ишда муҳим фазилатлардан бири танқидчининг П.Турсун фаолиятини умумсовет адабиёти, хусусан, ўзбек совет адабиёти тараққиёти, хусусиятлари билан биргаликда олиб қараши, ёзувчи камолотининг муҳим манбаларини ҳаётнинг ўзидан – социалистик Ватанимизда содир бўлаётган воқеалар ва ўзаришлардан ахтаришдир. Натижада, кўз олдимизда П.Турсун ёзувчи сифатида ҳаёт оқими билан бирга ўсиб боради. Мазкур ишда П.Турсуннинг маҳорати сардан-асарга ўтган сайин мукаммаллашиб бораётганлиги жуда ишонарли далиллар асосида ўринли ва ибратли исботланади: гўё унинг ҳар бир очерки, ҳикояси ва ҳатто таржимаси маҳорат чўқисига чиқишда бир зинапоя бўлган. Шу тариқа ёзувчининг “Ўқитувчи” романини яратишдаги пойдевор илмий асосда тушунтирилади. Орифжон Икромов ёзувчининг “Ўқитувчи” романини кенг, атрофлича таҳлил қилади. Тадқиқотчи бу таҳлилда ҳам ўз манерасига содиқ қолиб, асарнинг ғоявий йўналишини, образлар системасининг давр талаби билан, революцион ўзгаришлар билан, халқ онгида, ҳаётда юз бераётган буюк ўзгаришлар билан чамбарчас боғлаб таҳлил қилади.

Орифжон Икромов асардаги ҳар бир масалага марксча-ленинча дунёқараш асосида ёндашади, асарнинг асосий ғоявий юкини ташувчи моментларга алоҳида аҳамият қаратади, ўқувчига масаланинг нозик моҳиятини алоҳида таъкидлаб, бўрттириб кўрсатишга интилади. Роман таҳлилини ана шу фундамент асосига қуради. Орифжон Икромов романдаги асосий образлар ва воқеаларнинг муштараклигидан ташқари келтирилган ҳар бир персонаж, кўриниш ва фактнинг ҳам асар ғоясини очишдаги ўрнини белгилашга алоҳида эътибор беради.

Орифжон Икромов асарнинг бадиий қувватини, ғоявий юксаклигини ошириш мақсадида ёзувчининг қаҳрамонлар портретига, тил индивидуаллигига, турли бадиий воситалардан фойдаланиш маҳоратига ҳам алоҳида диққат қилади. Шу асосда Парда Турсун ижоди яхлит ва кенг таҳлил қилинади.

Танқидчи замонамизнинг талантли шоираси Зулфия адабий портретини яратар экан, бу санъаткор дунёсини, унинг ички йўналишини, шоиранинг ўзигагина хос бўлган ижодининг асосий, белгиловчи қонунларини тушунишга интилади.

Зулфия лирик қаҳрамонининг “Энг нозик, мўЪтабар ҳис-туйғуларини, орзу-интилишларини, баҳордек гулгун, зилол сувдек тиниқ, қуёшдек ҳароратли муҳаббат ва садоқатини, ҳижрон ва висол кайфиятларини аниқ бўёқларда бериш” санъатини очишга, шоира ижодининг бош фазилатларини кўрсатишга эришади...

Хуллас, олимнинг илмий фаолияти – адабиётшунослик ва адабий танқиддаги мероси ҳақида дастлабки фикрларни якунлар эканмиз, уларда Орифжон Икромовнинг иқтидорини, жонбозлигини, таҳлил санъатини яққол кўрамиз. Бу ижод адабиётни, нафосатни тушуниш ва тарғиб этишда биз учун намуна вазифасини ўташи табийдир.

***

Хулоса. Илм ва поэзия Орифжон Икромовнинг севимли эгизак фарзандларидир. Балоғатга етган, забардаст, бу фарзандлар “халқимизнинг томирига қон”, қалбига гўзаллик бахшида этиб, кечаю-кундуз хизмат қилиш табиийдир.

Шоира Зулфия Орифжон Икромовнинг 50 йиллик юбилейида таъкидланганидек, “Асарларингиз яшаркан, демак, Сиз ҳаёт!” Демак, Сиз яшайсиз севган халқ билан!

УДК: 494.3:378(575.141)

САМДУ ТИЛШУНОСЛАР БЕШИГИ

С.Каримов, Ж.Ҳамдамов
Самарқанд Давлат университети

Не-не буюк ва улуғларга, не-не олим-у фозилларга бешик бўлган Самарқанд меҳварида пайдо бўлган илм-у маърифат масканлари неча асрлар давомида дунё тамаддунининг, ўзбек илмининг такомиллашуви ва бойиб боришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Биз бугун фахр ва ифтихор туйғуси билан тилга олаётган ва Мирзо Улуғбек асос солган олий мадрасининг бевосита вориси ҳисобланадиган дорилфунунимиз Самарқанд довруғининг дунёга таралишида беқиёс хизмат қилиб келаётгани аллақачонлар ўз эътирофини олган.

Ўтган асрнинг турли йилларида дорилфунун бағрида шаклланган илмий мактаблар унинг салобатини ҳамон юксакда ушлаб турибди. Маърифатли дунё ҳамжамиятида *ўзбек* деган номни улуғлаб келаётган ана шундай мактаблардан бири ўзбек тилшунослиги мактабидир.

Аждодлар илмидан самарали озиқланган бу мактабнинг тамал тошлари ҳозирги Самарқанд давлат университетининг илк шаклланиш пайтларида, яъни ХХ асрнинг 20-йилларида «Олий педагогика институти» номи билан ташкил этилган олий ўқув юртида қўйилган. Илк фаолиятини икки йўналишда – табиий ва ижтимоий фанлар факультетлари таркибида бошлаган институтнинг ижтимоий фанлар факультетида тил ва адабиёт бўлими ҳам иш бошлаган ва бу соҳаларда илмий тадқиқот ишлари ҳам йўлга қўйилган эди. Бугун биз бу икки йўналишнинг, айниқса, ўзбек тилшунослиги фанининг оёққа туришида хизматлари беқиёс бўлган Абдирауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Солиҳ Муталлибов сингари фидойиларнинг номларини чуқур эҳтиром билан тилга оламиз. Соҳанинг шаклланишига хизмат қилган А.А.Соколов, Й.Д.Поливанов, И.Т.Пономарёв сингари рус олимларининг номларини ҳурмат билан эслаймиз.

Буюк халқимизнинг шонли тарихида чор Россияси истильоси оғир жароҳат изларини қолдирди. Босқинчилар халқни истибдод занжирида ушлаб турдилар. Халқ қанча авом бўлса, уни тутқунликда сақлаш шунчалик осон бўлишини тушуниб етган ҳолда сиёсат юритдилар. Айни пайтда, ўзларини бу «саводсиз халқ»нинг халоскорлари қилиб кўрсатишга уриндилар.

1927-йилда иш бошлаган, 1929-йилда Ўзбекистон Давлат педакадемиясига, 1933-йилдан эса Ўзбекистон Давлат университетига айлантирилган Самарқанд Олий педагогика институти маълум маънода ана шу сиёсатни амалга оширишга қаратилган эди. Айни пайтда, бу олий ўқув юртининг ташкил этилиши ўзбек тилшунослиги илми ривожида ижобий рол ўйнади.

Юқорида номлари тилга олинган тилшунослар нафақат таълим жараёнида машғул бўлдилар, айни пайтда, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб бордилар. Жумладан, бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ Евгений Дмитриевич Поливановнинг (1891-1938) ҳозиргача ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган «Ўзбек тилининг қисқа грамматикаси» (1926),

«Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили» (1933), «Ўзбек тили грамматикасидан материаллар» (1935) каби рус тилидаги асарлари майдонга келди.

1927-1931 йилларда Ўзбекистон Давлат педакадемиясида ўқитувчилик қилган профессор Ғози Олим Юнусовнинг (1893-1939) «Ўзбек тили» (1930), «Юридик терминлар луғати» (1933), «Ўзбек лаҳжаларини таснифидан бир тажриба» (1936), «Ўзбек тили грамматикаси» (қўлёзма, 1936) каби асарлари ҳам шу илмий тадқиқотларнинг натижаси бўлди.

1927-1930 йилларда Самарқанд Олий педагогика институтида таҳсил олган ва шу даргоҳда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасидан дарс берган профессор Солиҳ Муталлибов (1900-1991) яратган «Алифбе» китоби (1929, 1930, 1931), «Алифбе» ўқитувчиларига методик қўлланмалар»и (1930, 1931, 1932) ўз даврида халқ маорифига сезиларли фойда келтирди.

Ўша даврларда И.Т.Пономарёв томонидан ёзилган «Рабочая книга по узбекскому языку» китоби ҳам зарур қўлланма бўлган эди.

Самарқандда ўзбек тилининг илмий тадқиқини бошлаб берган олимлардан яна бири Абдурауф Фитрат бўлди. Унинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. Биринчи китоб» (Самарқанд-Тошкент, 1930) номли асари жуда муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 30-йилларида мамлакатимизга малакали филолог кадрлар тайёрлаб бериш, тилшунослик фанини янада ривожлантириш соҳасида янги давр бошланди. Бунда Ўзбекистон Давлат университети бағрида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ташкил этилиши ва унга 1938-йилдан доцент Улуғ Тошмуҳамедович Турсуновнинг раҳбарлик қилиши аҳамиятли бўлди. Катта иқтидор ва ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган олим ўзбек тилшунослари орасида биринчилардан бўлиб, 1941 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1941 йилда бошланган машъум Иккинчи жаҳон уруши, гарчи ЎзДУнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйишга, уни САГУ (ҳозирги ЎзМУ) билан бирлаштиришга олиб келган бўлса-да, парокандаликка сабаб бўлолмади. 1944 йилда Ўзбекистон Давлат университети Самарқандда қайта тикланди. Ўқиш-ўқитиш, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишлари яна изга тушди. Урушдан омон қайтган «шинелли домлалар» У.Турсунов бошчилигида яна ғайрат билан ишга киришдилар. Ғ.Қодиров, А.Исломов, Абдулла Сулаймонов, Ҳамдам Бердиёров кабилар алоҳида фидойилик кўрсатдилар.

Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўтган асрнинг 50-йилларида ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Шу йилларда кафедра қошидаги аспирантура орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашга киришилди. У.Турсуновнинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини мувафақиятли ҳимоя қилган ёш тилшунос олимлар – Ғанижон Абдураҳмонов, Жаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Жўрабой Ҳамдамов, Фатҳиддин Исъҳоқов, Назар Ражабовлар ўша йилларнинг маҳсули ҳисобланади. Мана шу тарзда ўзбек тилшунослиги Самарқанд мактабига асос солинган ва у республикада олий малакали мутахассислар тайёрловчи марказлардан бирига айланган эди. Бу юксак хизматлари учун У.Турсуновга 1958-йилдан профессор, 1965 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонлари берилди.

Кафедранинг илмий-педагогик фаолияти ўтган асрнинг 60-70-йилларда изчиллик билан давом эттирилди. Самарқанд тилшунослик мактаби янада гуллаб-яшнади. Худди шу даврда Тоҳир Хўжаев, Моҳира Мўминова, Носир Абдураҳмонов, Раҳматулла Қўнғуров, Муҳаммадризо Ҳусаинов, Мухтор Валиев, Очил Исроилов, Ойша Амирова, Мажид Аҳмедов, Обида Абдуллаева, Раъно Миразизова, Мубарро Рўзиқулова, А.Холиқов, Холиқ Абдураҳмоновлар филология фанлари номзоди деган юксак илмий даражага эга бўлдилар ва ўзлари тарбияланган кафедрада ўқитувчилик қила бошладилар.

Мактаб фаолияти гуллаб яшнаган бу даврда кафедра республикамизнинг бошқа олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари учун ҳам юқори малакали мутахассислар – фан номзодлари етиштириб бера бошлади. Аҳмаджон Абдуллаев, Рауф Сайфуллаев, С.Равшанова, Фароғат Убаева, Эрка Ўрозов, Лола Абдуллаева, Фатҳиддин Исъҳоқов, И.Зиёева, Холмирза Холиёров, Б.Эгамбердиев, Т.Ўринов, Ҳ.Ҳамроев, Амир Ҳазратқулов, Бозор Ўринбоев, Мухтор Тўйчиев, Ўрол Носиров, Икром Суяров, Абдужаббор Дониёров, Бекмурод Йўлдошев, Ёқуб Хўжамбердиев, Малик Маҳматқулов, Самариддин Аслиддиновлар ана шу даврда етишиб чиққан ёш олимлар эди. Уларнинг илмий камолотида кафедранинг етакчи

олимларидан У.Турсунов, А.Сулаймонов, Ҳ.Бердиёров, Х.Дониёровларнинг хизматлари катта бўлди.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари олинган илмий натижаларни ўқув жараёнига татбиқ этишда ҳам муҳим давр бўлди. Шу йилларда кафедрада 15 та тўплам нашр қилинди. У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслиги шу йилларда ёзилди ва тўрт марта (1960, 1965, 1975, 1992) чоп этилди.

1969 йилда ўзбек тилшунослиги кафедраси негизида умумий тилшунослик кафедраси ташкил қилинди. Кафедра қарийб ўн йил фаолият кўрсатди ва яна ўзбек тилшунослиги кафедрасига бирлаштирилди. Бу даврда уни профессорлар Ҳ.Бердиёров ва Х.Дониёровлар бошқаришди.

У.Турсунов вафотидан сўнг шаклланган анъаналар 1971 йилдан эътиборан олимнинг шогирди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Раҳматулла Қўнғуров томонидан 23 йил мобайнида давом эттирилди. Кейинги 1995-2010 йилларда кафедрага унинг шогирди профессор Суюн Каримов, 2010-2015 йилларда филология фанлари доктори Абдували Абдусаидов, 2016 йилда филология фанлари доктори Жўлибой Элтазаров мудирлик қилишди. 2017 йилдан бошлаб унга проф.С.Каримов раҳбарлик қилмоқда.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг тарихий ютуғи бўлган мустақилликнинг қўлга киритилиши билан кафедранинг барча соҳадаги фаолияти янада яхшиланди, талабаларга билим бериш сифати ва усуллари замон талаблари даражасига кўтарилди, талабаларга янги педагогик технологияларга таянган ҳолда дарс ўтиш, уларнинг билимини назорат қилиш ва мустақил ўқиб-ўрганишларини ташкил этиш такомиллашди, илмий-текшириш ишларининг кўлами ва самарадорлиги янада ошди.

Биз бугун Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси хизматларидан маълум даражада баҳраманд бўлиб, илм-фан тараққиётига ва олий таълим юксалишига муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган олимларимизни фахр билан тилга оламиз. Булар филология фанлари докторлари, профессорлар Солиҳ Муталлибов, Собиржон Иброҳимов, Ғанижон Абдураҳмонов, Худойберди Дониёров, Жаббор Мухторов, Раҳматулла Қўнғуров, Ғайбулла Саломов, Аҳмаджон Абдуллаев, Холиқ Абдураҳмонов, Назар Ражабов, Бозор Ўринбоев, Фатҳиддин Исъҳоқов, Эрнст Бегматов, Б.Турдалиев, Насриддин Шаропов, Ҳисом Ғуломов, Ренат Дониёров, Болта Жўраев, Суюн Каримов, Бекмурод Йўлдошев, Ибодулла Мирзаев, Усмон Санақулов, Лола Абдуллаева, Абдували Абдусаидов, Жўлибой Элтазаров, Саодат Боймирзаева, Муродқосим Абдиев; филология фанлари номзодлари, профессорлар Ҳамдам Бердиёров, Холмирза Холиёров, Ваҳоб Эгамов, Тўра Нафасов, Эргаш Қиличев, Жўрабой Ҳамдамов ва бошқалардир. СамДУнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олиб, кафедрадаги етакчи олимлардан илм сирларини ўрганган, тилшунослик соҳасида филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган А.Аҳмедов, У.Валиев, А.Жўрабоев, Ж.Лапасов, А.Маъруфов, Ў.Носиров, О.Орифов, Р.Расулов, Б.Юсуфов, Т.Қудратов, Ш.Махматмуродовлар ҳам шулар жумласидандир.

СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мамлакат халқ маорифи ва олий таълим тизими учун ташкилотчи раҳбар кадрлар етказиб беришда ҳам муайян ишлар қилди. Филология факультетида, хусусан ўзбек тилшунослиги кафедрасида илм, билим, тарбия олган тилшунос олимлардан бир қанчаси турли олий ўқув юртларида, бошқарув органларида раҳбарлик лавозимларида, ишладилар. Жумладан, Х.Холиёров Ўзбекистон Республикаси Маориф вазири ўринбосари, кейинчалик Термиз давлат педагогика институтида ректор, Х.Дониёров Сирдарё, Б.Ўринбоев Самарқанд ва Жиззах педагогика институтларида ректор лавозимида фаолият кўрсатдилар. С.Каримов кўп йиллар Ўзкомпартия Самарқанд вилоят қўмитасида лектор, инструктор ва сектор мудири вазифларида ишлади.

Ўз юксак илмий фаолияти билан мамлакатимизда донг таратган Ҳосият Комилова, С.Муталлибов, У.Турсунов, Р.Қўнғуров, Ғ.Саломовлар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвонга, Ҳ.Комилова билан Ғ.Абдураҳмоновлар эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

Кафедра аъзоларидан бир нечаси фахрий унвонлар ва нишонлар соҳиби бўлишди. Агар Ҳ.Бердиёров Х.Дониёров, ва В.Эгамовларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берилган бўлса, Ж.Ҳамдамов «СССР Олий таълими аълочиси»

нишони, М.Маҳматқулов ва Б.Ўринбоевлар «СССР халқ таълими аълочиси» ва «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишонлари, А.Сулаймонов «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирландилар. Мустақиллик йилларида С.Каримовга Республика Президенти томонидан «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги» нишонлари берилди.

Сўнгги ярим аср давомида кафедра илмий-педагогик кадрлари сафига янги илмий кучлар келиб қўшилди. Телман Раҳматов, Қарши Усмонов, Зариф Аликулов, Тоҳир Қурбонов, Эшқобил Абдиев, Х.Ахтамова, Нуриддин Бегалиев, Толиб Жўраев, Мубарро Рўзиқулова, Мухтор Тўйчиев, Раъно Миразизова, Дилбар Ўринбоева, Алишер Ғаффоров, Роҳила Сувонова, Зафар Пардаев, Азамат Пардаев, Шавкат Маҳмадиев, Орзибону Юсупова кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг бир қисми шу кунларда кафедрада илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Кафедра илмий фаолиятининг самарали бўлишида унинг мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан олиб борилаётган алоқалари ҳам муҳим рол ўйнаб келмоқда.

Кафедра олимлари нафақат ЎзР ФА қошидаги Тил, адабиёт ва фольклор институти, Тошкент Миллий университети, Тошкент тил ва адабиёт университети, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро, Термиз, Нукус, Урганч, Қарши, Жиззах, Сирдарё шаҳарларидаги олий билим даргоҳларининг етакчи тилшунос олимлари, балки Россия Федерацияси ва Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари илмий мазказларда фаолият олиб борган Н.А.Баскаков, Г.Ф.Благова, Э.А.Грунина, Н.К.Дмитриев, А.А.Коклянова, Э.Н.Нажип, В.М.Насилов, Э.В.Севортян, Э.Р.Тенишев (Москва), А.К.Боровков, В.Г.Гузев, С.Н.Иванов, А.Н.Кононов, С.Й.Малов, А.М.Шчербак, Д.М.Насилов (Санкт-Петербург), И.А.Батманов, К.К.Юдахин (Бишкек), С.Жаъфаров, М.Ширалиев (Баку), М.Н.Хидиров (Ашгабад), С.Кенесбоев (Алмати), Н.К.Антонов (Якутск) каби энг йирик туркологлар билан ҳам турли йилларда илмий мулоқотда бўлиб келдилар.

Бу илмий алоқалар мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этиб, кафедранинг Ж.Элтазаров, С.Боймирзаева, А.Ғаффоров, Р.Сувонова каби аъзолари Туркия, Япония, Корея, Германия, Хитой, Малайзия сингари мамлакатларида ишлаб, илмий-педагогик амалиётларни ўтаб келдилар. Бу хорижий алоқалар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Кафедра олимлари ўз илмий ишларининг натижаларини оммалаштириш мақсадида бу ишларни нашр қилиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш билангина чегараланиб қолмай, турли илмий марказларда ўтказилиб келинаётган халқаро ва республика илмий анжуманларда ҳамда университет ўтказилиб келинаётган анъанавий илмий конференцияларда фаол иштирок этишмоқда.

Қуйида кафедра аъзолари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. Ўзбек диалектологияси. Шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 30-йиларда бошланган эди. Й.Д.Поливановнинг ўзбек шевалари таснифи, шеваларнинг ўзбек тилининг ривожланишидаги ўрни каби долзарб масалаларга бағишланган илмий ишлари, жумладан, «Ўзбек дилектологияси ва ўзбек адабий тили» (1930) асари, Ғ.О.Юнусовнинг ўзбек лаҳжа ва шевалари устида олиб борган илмий ишлари, айниқса, «Ўзбек лаҳжаларини таснифидан бир тажриба» (1936) номли китоби ўзбек диалектологияси соҳасидаги дастлабки илмий тадқиқотлар эди.

Ўзбек диалектологияси бўйича кузатишлар кейинчалик У.Турсунов раҳбарлигида олиб борилди. Кафедра диалектологлари томонидан 50-60-йилларда Самарқанд вилоятининг турли туманларига экспедициялар уюштирилиб, шу вилоятда тарқалган шеваларга доир муҳим материаллар тўпланди ва ушбу материаллар асосида салмоқли илмий асарлар юзага келди ва ўзбек диалектологияси харитасига янгилик бўлиб қўшилди. Ғ.Қодировнинг фориш, Ҳ.Бердиёровнинг буркут, Х.Дониёровнинг бахмал, В.Эгамовнинг ғаллаорол, Н.Ражабовнинг қарнаб, Н.Валиевнинг найман, М.Аҳмедовнинг жўш шевалари хусусиятларини ёритишга бағишланган илмий тадқиқотлари номзодлик диссертациялари сифатида ҳимоя қилинди.

Кейинчалик ўзбек лаҳжа ва шеваларини атрофлича ўрганиш натижалари ўлароқ йирик, умумлаштирувчи характердаги асарлар юзага келди. У.Турсунов, Х.Дониёров,

Н.Ражабовларнинг «Самарқанд область халқ шевалари таснифи материаллари» (1963), Х.Дониёровнинг «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» (1963), «Ж»ловчи шеваларни ўзбек адабий тили билан қиёслаб ўрганиш тажрибасидан» (1975), «Қипчоқ диалектларининг лексикаси» (1979), «Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ шевалари» (1978), Н.Ражабовнинг «Ўзбек диалектологиясидан очерклар» (1972), «Ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилиши» (1990), «Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари» (1977), В.Эгамовнинг «Ўзбек тилининг Ғаллаорол шеваси» каби монография, қўлланма ва рисолалари шулар жумласидандир.

2. Ўзбек тили тарихи йўналишдаги илмий тадқиқотлар кафедрада XX асрнинг 50-йилларидан бошланди. Бу масалада ҳам У.Турсунов раҳнамолик қилди. Дастлаб А.И.Абражеевнинг Абул-Ғози «Шажараи турк» асарининг тил хусусиятларини, «Қиссаси Рабғузий» ва «Муҳокамат ул-луғатайн» асарлари тилидаги қўшма гаплар тизимини ўрганишга бағишланган, сўнгра ўз илмий-педагогик фаолиятини шу кафедрада бошлаган Д.М.Насиловнинг қадимги туркий ва қадимги уйғур тилларидаги қўшма феъллар тадқиқотига бағишланган илмий ишлари юзага келди. Кейинчалик бир қатор дарслик, ўқув қўлланмалари ва монографиялар яратилди, Ж.Ҳамдамов, Қ.Усмоновларнинг номзодлик ва Ж.Мухторовнинг докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Шу ўринда С.Муталлибовнинг «Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк» (1959) ва «XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси» (1955), У.Турсунов, Б.Ўринбоевларнинг «Ўзбек адабий тили тарихи» (1962,1982), Н.Абдураҳмоновнинг «Қадимги туркий тил» (1989), Ж.Мухторов, У.Санақуловларнинг «Ўзбек адабий тили тарихи курсидан методик кўрсатмалар» (I қисм. «Қадимги туркий адабий тил», 1987; II қисм «Эски ўзбек адабий тили», 1989), «Ўзбек адабий тили тарихи» (1995); У.Санақуловнинг «Ўзбек халқининг ҳамда тилининг таркиб топиши ва номланиши» (1991), «Ўзбек адабий тили тарихи» (2001), «Ўзбек адабий тили тарихининг илк даври» (2004), «Ўзбек халқи ва тилининг этногенизи ҳамда этник қатламлари (2010), «Ўзбек халқи ва тили тарихини ўрганишда ўтмиш манбаларининг талқини» (2013), «Қипчоқ этноними ва унинг даштиқипчоқ топонимига алоқаси» (2015), «Ўзбек халқи ва тилининг илдизлари ҳақида тарихий манбалар талқини. I қисм» (2015), «Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг илк шаклланиш ва тараққиёти босқичлари. II қисм» (2015); Ш.Махматмуродовнинг «Туркий адабий тилларнинг ўрганилиш тарихидан» (1995), Ж.Ҳамдамовнинг «Ўзбек тили тарихи, 1-қисм» (1999), «Ўзбек тилида равишдош» (2000), «Ўзбек тили тарихи, 2-қисм» (2002), уч қисмдан иборат «Ўзбек тили тарихидан маърузалар матни» (2005), «Ўзбек тилининг тарихий морфологияси» (2006) каби ўқув қўлланмаларини, Қ.Усмоновнинг «Проблемы языковой преемственности сентралноазиатских тюркоязычных памятников XI-XIV вв. и современних тюркских языков Сентралной Азии» (2016) монографияси ва XI-XIV асрлар эски туркий ва эски ўзбек тилининг айрим морфологик хусусиятларини тадқиқ қилишга оид мақолаларини тилга олиш жоиздир.

3. Ҳозирги ўзбек тили йўналишида ўтган асрнинг 30-йилларда бошланган ишлар уларнинг издошлари томонидан давом эттирилди. Бу борадаги дастлабки ишлар сифатида И.Т.Пономарёвнинг ўзбек тилидаги келишикларнинг вазифаларига, У.Турсуновнинг феъл ясалиши, кўмакчиларнинг хусусиятлари, терминология масалаларига, А.Сулаймоновнинг феъл замонлари ва гап турларига, Ж.Мухторовнинг боғловчиларга доир ишларини кўрсатиш мумкин.

Кейинчалик ўзбек тилининг морфологияси ва синтаксиси масалалари чуқур ва атрофлича ўрганилиб, эътиборга лойиқ ишлар бажарилди. Ф.Исъҳоқовнинг иш-ҳаракат ва ҳолат отларига, О.Амированинг сабаб, мақсад ҳолларига, Т.Хўжаевнинг феъл майлларига, М.Мўминованинг равиш ҳолларига, Б.Ўринбоевнинг вокатив категорияга, С.Аслиддиновнинг эгалик категориясига, Х.Холиёровнинг от сўз бирикмаларига, М.Рўзиқулованинг идиомаларга, Р.Қўнғуровнинг тасвирий-экспресив сўзларга, Б.Ўринбоевнинг сўз бирикмаси ва содда гапга, Н.Ражабовнинг феъл замонларига, З.Алиқуловнинг қисқартма отларга, О.Исроиловнинг кўчирма ва ўзлаштирма гапларга, А.Ғаффоровнинг парселляция ва деривация ҳодисаларига, Ж.Элтазаровнинг сўз туркумлари назариясига, Д.Ўринбоеванинг ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзларга оид илмий асарларини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Бу ўринда ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикасига бағишланган У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили (1960,1965,1975); А.Сулаймонов, А.Ҳожиев, Ж.Жўраеваларнинг «Феъл замонлари» (1967); Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тилида тасвирий сўзлар» (1966); Н.Абдураҳмоновнинг «Ўзбек тилида жуфт сўзлар» (1969); Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовларнинг «Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили» (1990); Р.Қўнғуровнинг «Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар, И, ИИқисм» (1978); Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар» (1996) каби асарларини эслаш жоиз.

Р.Қўнғуров «Ўзбек тили грамматикаси» (1975) академик нашрининг Х.Дониёров «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1980) дарслигининг муаллифлари бўлишган.

Ҳозирги ўзбек адабий тили **лексикология**си ва **фразеология**си масалалари ўтган асрнинг 60-йилларидан кафедра олимларининг диққат-эътиборида бўлган. Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов, Б.Йўлдошев, З.Пардаевларнинг «Ўзбек фразеологиясидан материаллар. I, II, III, IV қисмлар» (1976,1978,1983,1997); Б.Йўлдошевнинг «Фразеология тарихидан лавҳалар» (1998), «Фразеологик услубият асослари» (1999), «Перифразаларнинг фразеологизмлар билан муносабати ва уларни мактабда ўрганиш масалалари» (ҳаммуаллифликда, 2001), «Ўзбек тилида фразеологизмларнинг функционал-услубий ва прагматик имкониятлари» (2002), «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиянинг шаклланиши ҳамда тараққиёти» (2007), «Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида» (ҳаммуаллифликда, 2007), «Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси» (ҳаммуаллификда, 2016), «Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич» (ҳаммуаллифликда, 2016) сингари тадқиқотлари кўп йиллик илмий изланишларнинг натижаси ҳисобланади.

Кафедра аъзолоридан баъзилари **топонимика** ва **ономастика** масалалари билан шуғулланишган. Самарқанд топонимлари Телман Раҳматовнинг, гидронимлари Нуриддин Бегалиевнинг, Ургут топонимлари Сурхон Бўриевнинг номзодлик диссертациялари учун объект бўлди. Т.Қурбоновнинг «Тарихий романлардаги топонимларнинг лисоний таҳлили» (2006) китоби ва Ж.Ҳамдамовнинг «Қўл» компонентли жой номлари ва «Ургут» этнотопоними ҳақидаги мақолалари илмий жамотчилик томонидан эътироф этилди.

Лексикография соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар ҳам кафедра аъзоларининг жиддий ютуғи саналади. Р.Қўнғуров, А.Тихоновларнинг «Ўзбек тилининг чаппа луғати» (1969); А.Ғуломов, А.Тихонов, Р.Қўнғуровларнинг «Ўзбек тилининг морфем луғати» (1977); Р.Қўнғуров, С.Каримовларнинг «Зулфия асарлари тилининг луғати» (1981), Ҳ.Бердиёров, Р.Расуловларнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» (1984), Б.Йўлдошев, К.Бозорбоевларнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» (1998), Б.Ўринбоев, К.Бозорбоевларнинг «Алпомиш» достонида иборалар таъбири» (1999); С.Каримов, А.Қаршиев, Г.Исроиловаларнинг «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Альфавитли луғат» (2007), «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат» (2007), «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Терс луғат» (2007) сингари лексикографик ишлар республикада биринчи бўлиб яратилган луғатлардир. Ж.Ҳамдамовнинг «Навоий сўз хазинаси луғатларда» (1977); «Хазинанинг бебаҳо калити. Ёки Навоий асарларига тузилган илк икки изоҳли луғат ҳақида» (1996) номли мақолалари ҳам бу соҳадаги жиддий тадқиқотлар саналади.

4. Нутқ маданияти ва стилистика муаммолари билан шуғулланиш кафедра ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ўзбек тилшунослигининг бу соҳаси кафедрада ўтган асрнинг 70-йиллардан бошлаб ўрганила бошлади. Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошев, С.Каримов, Ж.Ҳамдамов, Т.Қурбонов, Ж.Элтазаров, Т.Жўраев, Р.Сувонова, З.Пардаев, А.Пардаев, С.Боймирзаева, Ш.Махмадиев, О.Юсупова ва бошқаларнинг илмий кузатишлари натижаси ўлароқ майдонга келган салмоқли ишларни бунга намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тилида от формасини ясовчи морфемаларнинг семантик-стилистик хусусиятлари» (1982), Б.Йўлдошевнинг «Ўзбек тили фразеологизмларининг семантик-услубий хусусиятлари» (1994), С.Каримовнинг «Ўзбек тилининг бадиий услуби» (1994), А.Абдусаидовнинг «Газета жанрларининг тил хусусиятлари» (2005), Ж.Элтазаровнинг «Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши» (2008), С.Боймирзаеванинг «Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар» (2011) номли докторлик, О.Абдуллаеванинг «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилида эмоционал-

экспрессив сўзлар» (1969), М.Тўйчиевнинг «Шухрат прозасининг тили ва услуби» (1973), Б.Йўлдошевнинг «Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби» (1979), Э.Абдиевнинг «Комил Яшин драмаларининг тили» (1981), Б.Ёриевнинг «Мақсуд Шайхзода поэзиясининг тили ва услуби» (1979), С.Каримовнинг «Зулфия асарларининг тили ва услуби» (1983), Т.Қурбоновнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публисистик стили» (1987), А.Абдусаидовнинг «Газета тили ва адабий норма» (1988), Д.Ўринбоеванинг «Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар» (1994) Т.Жўраевнинг «Ўзбек тилида эпистоляр жанрнинг семантик-услубий хусусиятлари» (1994), Ф.Бобожоновнинг «Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари» (2002), З.Пардаевнинг «Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари» (2004), С.Боймирзаеванинг «Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи» (2004), А.Пардаевнинг «Ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари» (2005), Ш.Махмадиевнинг «Халқ достонлари тилида стилистик формулалар» (2006), О.Юсупованинг «Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари» (2011) сингари номзодлик диссертасиялари айнан шу кафедра негизида ёзилди.

Шу кафедрада тилшунослик илмининг сирларини ўрганган Ўрол Носиров, Қаршибой Самадовлар эса А.Мухтор, Ойбек асарларининг тили юзасидан кузатишлар олиб боришди.

Бадиий асарлар тилини тадқиқ қилишнинг умумий масалалари Х.Дониёров ва С.Мирзаевларнинг «Сўз санъати» (Тошкент, 1962) деган китобида атрофлича ёритилди.

Номлари тилга олинган олимларнинг ўзбек тили нутқ маданияти ва стилистикаси юзасидан олиб борган илмий тадқиқотларининг натижалари кафедрада нашр этилган ўндан ортиқ илмий тўпламларда, турли йилларда кафедра негизида ўзбек тили стилистикасининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро ва республика анжуманлари, СамДУ профессор-ўқитувчилари анъанавий илмий-назарий конференцияси материалларида эълон қилинди.

Бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ кўплаб монографиялар, ўқув қўлланмалари юзага келди. Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (1975), «Ўзбек тилининг тасвирий воситалари» (1977), «Стилистика имени существительного в узбекском языке» (1980), «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари», (1980); Б.Ўринбоевнинг «Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» (1974), «Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби» (1991, ҳаммуаллиф Д.Ўринбоева), «Функционал услубият ва унинг моҳияти» (1992), «Нотиқлик маҳорати» (1984), «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (2005); Р.Қўнғуров, С.Каримов, Т.Қурбоновларнинг «Нутқ маданияти асослари. I, II, III қисмлар» (1985,1986,1987), шу муаллифларнинг «Ўзбек тилининг функционал стиллари» (1987); Б.Йўлдошевнинг «Бадиий нутқ стилистикаси» (1982), «Стилистический анализ узбекской художественной прози» (1989), «Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари» (2006), «Бадиий асар тили ва услуби масалалари» (2006, ҳаммуаллиф Т.Қурбонов); С.Каримовнинг «Язык поэзии Зулфии» (1987), «Ўзбек тилининг бадиий услуби» (1992), «Бадиий матннинг услубий аломатлари» (1992), «Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари» (1994), «Ўзбек тилининг меъёрий муаммолари» (2001), «Тил таълими ва меъёр» (2002, 2003), «Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати» (2003, ҳаммуаллиф М.Муҳиддинов), «Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш» (2003, ҳаммуаллифлар О.Каримова, Ш.Махматмуродов), «Юристнинг нутқ маданияти» (2004, ҳаммуаллифлар Х.Маматов, И.Бўриев), «Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси» (2016) номли монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари; Т.Қурбоновнинг «Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари» (2006) қўлланмаси; А.Абдусаидовнинг «Газета тили ва адабий норма» (1986), «Газета тилида мақоллардан фойланиш» (1987), «Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари» (1991), «Газета жанрларининг тили ва услуби» (2001), «Матбуотда адабий нормага риоя қилиш муаммолари» (2001), «Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита» (2001), «Матбуот тили маданияти» (2002), «Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти» (2008); Ж.Элтазаровнинг «Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув» (2004), «Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари» (2006); З.Пардаевнинг «Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари» (2007); А.Пардаевнинг «Ўзбек тилида кўмакчилар стилистикаси» (2008), «Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили» (2013) асарлари шулар жумласидандир.

Ушбу айтилганлар ўзбек тилшунослигида стилистика соҳасида асосий ишлар Самарқандда олиб борилаётганлигидан, бинобарин, Самақанд тилшунослик мактаби негизида, республика тилшунослари расман эътироф этган стилистика мактаби шаклланганидан далолат беради.

5. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурлари яратиш иши кафедра аъзоларининг асосий машғулотларидан бўлиб келган. Шу пайтга қадар ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек диалектологияси, ўзбек тили тарихи, қадимги туркий тил, ўзбек тили нутқ маданияти ва стилистикасига доир яратилган қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалари бунинг далилидир.

Бу хайрли ишлар юқорида номлари тилга олинган Й.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов), С.Муталлибов, А.Фитрат сингари олимларнинг асарлари билан бошланган бўлса, кейинчалик талабалар ўрганиши шарт бўлган тилшунослик фанларидан дарслик, ўқув қўлланмаси ва ўқув дастурлари яратиш тарзида давом эттирилди.

У.Турсунов, А.И.Абражеевларнинг «Рус ва ўзбек тиллари грамматик қурилишининг қиёсий таҳлили» (рус тилида, 1962); Б.Ўринбоевнинг «Туркий филологияга кириш» (1989); Ж.Ҳамдамовнинг «Туркий филологияга кириш. Ўқув дастури», 1982), «Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича план-программа» (1990); Ҳ.Бердиёров, Т.Хўжаев, Б.Йўлдошевларнинг «Умумий тилшунослик» (1974,1979) каби бир қатор дастурлар чоп этилди. Тилшунослик фанида пайдо бўлган янгиликларни ҳисобга олган ҳода янги ўқув дастурлари тузилиб, «Ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўтиладиган фанлар дастурлари» номи билан нашр этиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши муносабати билан мамлакатимизда таълим тизими мутлақо янги ҳуқуқий ва илмий-педагогик асосга қўйилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (1997) кучга кирди ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1977) ҳамда шу асосда таълим тизимининг барча бўғинлари учун Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбек тилшунослиги кафедраси аъзолари ана шу Давлат таълим стандартлари асосида республикада биринчи бўлиб ўзбек тилшунослиги соҳасидаги 19 предметдан намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқишди ва уларга таянган ҳолда ёзган 20 га яқин ўқув қўлланмаларидан бевосита ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Жумладан, Б.Ў.Ўринбоевнинг «Илмий тадқиқот асослари» (2005), «Тилшунослик асослари» (2005), «Ўзбек тилининг янги имло қоидалари ва ўқувчилар нутқини ўстиришнинг долзарб муаммолари» (2006), «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (2006, ҳаммуаллиф А.Мусаев), «Умумий тилшунослик» (2006, ҳаммуаллиф А.Мусаев), «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис» (2006), «Ўзбек тилшунослиги масалалари» (2006), «Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи» (2006), «Ўзбек тилшунослиги тарихи» (2006, ҳаммуаллиф Т.Қурбонов); Ж.Ҳамдамов. «Ўзбек тилининг тарихий морфологияси» (2005); Н.Абдураҳмоновнинг «Ўзбек тили тарихи. Қадимги туркий тил» дарслиги (2004), «Ўзбек тили тарихига асос бўладиган ёзма обидалардан амалиёт» номли ўқув қўлланмаси (2004); Қ.Усмоновнинг «Ўзбек тили» каби дарслик, ўқув қўлланмалари ҳозирги ўзбек тили тараққиётига ҳамда уни ўрганиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. С.Каримов ёзган «Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш» ўқув қўлланмаси 2003-йилдан буён республика академик лицей ва коллежларида асосий дасрлик сифатида ўқитб келинмоқда. Бу каби нашрларнинг сони 100 дан ортиқ.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилшунослиги кафедраси жамоаси ёш авлодга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳар томонлама билимдон, комил инсон, етук мутахассис қилиб тарбиялашдек машаққатли, лекин шарафли ишни собитқадамлик билан давом эттирмоқда. Ўзбекистон Республикаси қўлга киритган мустақиллик барча қатори ўзбек тилшунослиги мактаби давомчиларининг ҳаётида ҳам жуда катта рол ўйнамоқда. Шерзод Нормўминов, Ихтиёр Ёқубов, Юлдуз Неъматова сингари иқтидорли ёшлар илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли давом эттириб, ПҳД докторлик диссертациялари устида меҳнат қилишмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги (1989, 1995), «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги (1993, 1995) қонунларни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини (1997) оғишмай амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909, 2017/18 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги 2017 йил 5 май ПҚ-2955 қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида тинмай меҳнат қилаётган кафедра жамоаси ҳам муносиб кутиб оладилар.

УДК: 491.7(09)

ИЗ ИСТОРИИ ФАКУЛЬТЕТА РУССКОЙ ФИЛОЛОГИИ САМГУ

Е.А.Малиновский
Самарқанд Давлат университети

В сентябре месяце этого года Самаркандскому государственному университету, который всегда славился своей богатой историей, исполнится девяносто лет.

Этот вуз был легендой не только в Узбекистане, но и далеко за его пределами. А легенду ему создавали выдающиеся ученые различных отраслей знаний на протяжении нескольких десятилетий. Это были сотрудники математического, физического, химического, биологического, географического и некоторых других факультетов. Среди них известное место занимали и работники одного из старейших факультетов – филологического, объединявшего три отделения: узбекско-таджикское, русское и отделение иностранных языков.

В 1963 году на базе русского отделения и возник факультет русской филологии, который существует по сей день. Однако истоки его относятся к более далеким временам, а именно к 30-м годам двадцатого столетия. Так, первая литературоведческая кафедра была открыта в университете в 1933 году, а кафедра русского языкознания – в 1939 году.

Педагогическая и научно-исследовательская деятельность уже в те годы осуществлялась опытными преподавателями: на кафедре русской и всеобщей литературы работали доценты П.П.Белов (зав.кафедрой), П.В.Вилькошевский, Л.Н.Чернец, а с начала 40-х годов известные историки литературы и критики профессора Б.В.Михайловский, С.А.Малахов, Р.К.Войцик; на кафедре русского языкознания – профессор А.В.Соколов (зав.кафедрой), доценты В.А.Краснов, К.Е.Гаккаев, И.М.Багрянский. С середины пятидесятых годов эту кафедру возглавил И.М.Багрянский, выпускник Петроградского университета, защитивший к этому времени докторскую диссертацию. В этот период эта кафедра была укомплектована опытными научными сотрудниками: доцентами Л.И.Ройзензоном, А.Н.Тихоновым, А.А.Цоем (будущими профессорами, признанными в Союзе учеными), доцентами В.Б.Куликовым, А.А.Нагяевым, Л.Г.Ботиной, старшими преподавателями М.П.Ефимовой, Р.С.Ибрагимовой.

В это время из сильного коллектива формируется и кафедра русской и зарубежной литературы, которую с 1954 года возглавил известный литературовед, критик, поэт, переводчик Я.О.Зунделович. Уже в 20-е годы он был профессором Высших литературно-художественных курсов в Ленинграде. Являлся учеником поэта В.Я.Брюсова, лично знал В.В.Маяковского и А.В.Луначарского. Вокруг него и сплотились талантливые литературоведы тех лет: С.Е.Шаталов, В.Г.Ларцев, Р.П.Шагинян, Е.П.Магазанник, Э.Б.Магазанник, И.В.Тонышева, Т.Д.Ивина, Л.В.Богомолова, В.И.Каржусфеско.

В 1958 году была создана межфакультетская кафедра русского языка. Ее заведующим стал известный специалист по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков, автор учебников по этой дисциплине доцент А.И.Абражеев. Он отобрал на свою кафедру опытнейших специалистов по русскому и узбекскому языкам А.С.Фукеман, А.В.Акопову, С.И.Дюгая, Б.А.Грозман и нек. др.

В начале шестидесятых годов происходит распад филологического факультета и на его базе с 1963 года возникают три самостоятельных факультета: узбекской и таджикской филологии, русской филологии и иностранных языков. Деканом первого факультета становится доцент А.И.Икрамов, второго – доцент В.Г.Ларцев, третьего – доцент А.Н.Мороховский.

Икрамов и Ларцев бывшие заместители декана узбекского и русского отделений филологического факультета, прирожденные администраторы и прекрасные ученые, сыграли большую роль в организации учебного и научного процесса на своих факультетах. (Через четыре года автор этих строк был назначен на довольно долгое время заместителем декана

факультета русской филологии по учебной работе). После безвременной кончины профессора В.Г.Ларцева руководителями факультетами становятся доценты В.Н.Благонравов, В.Б.Лагутов, Е.А.Малиновский, М.Н.Холбеков, А.Б.Бабаходжаев и Р.А.Ряснянская.

Уже с середины 60-х годов прошлого столетия на факультете русской филологии создается две научные школы, признанные во всех республиках бывшего Союза: языковедческая (фразеологическая), возглавляемая профессорами Л.И.Ройзензоном и Ю.Ю.Авалиани, объединяющая более сорока языковедов-русистов, тюркологов, иранистов, германистов и романистов, и литературоведческая, заложенная Я.О.Зунделовичем, В.Г.Ларцевым и Р.П.Шагиняном, культивирующая метод поэтико-структурного анализа литературных явлений.

Именно в этот период, когда набор сотрудников в русские и национальные группы был очень высок (это привело к расширению штата профессорско-преподавательского состава), происходит формирование научно-педагогического потенциала специальных кафедр. В это время научно-исследовательской работой занимаются буквально все сотрудники факультета.

Можно смело сказать, что с этого времени наука на факультете не просто расцветает – она достигает своего пика.

Состоямиь защиты докторских и кандидатских диссертаций (чаще всего они проходили в МГУ, МГПИ, ЛГУ, Минском университете, в ТашГУ). Буквально за полтора-два десятилетия существования факультета русской филологии состоялись защиты докторских монографий по литературоведению В.Г.Ларцевым Р.П.Шагиняном (в ЛГУ) и кандидатских диссертаций братьями Е.П. и Э.Б.Магазанниками; вслед за ними проходит целый ряд защит кандидатских диссертаций талантливыми литературоведами среднего поколения. В МГУ: Г.М. Павловой, С.М.Хорошухиным, Ю.Р.Гольцекером, В.Н.Благонравовым, Э.Н.Тархановой, Г.Ф.Меньшиковым, В.Б.Лапуровым, Г.Н.Медведевой, Л.И.Дюгаевой, Б.С.Михайличенко; в ТашГУ и СамГУ В.И.Прежевозинским, А.В.Шеком, С.А.Саламовой, В.Ф.Холоповой, Н.Н.Назамовым. Литературоведческие проблемы несколько позже решались и в кандидатских диссертациях следующих сотрудников факультета: П.А.Ольвовеного (МГУ), П.А.Майданюка (МГПИ), Л.Х.Абдуллаевой (МГУ), Ж.О.Степанянц, Е.О.Кузьменко, А.С.Абдуллаевой (все в ЛГУ), Д.Х.Алимовой, Ш.А.Ишниязовой, Н.Ф.Абдухалик-Заде, А.С.Югай (все ТашГУ), К.Т.Мустаева (СамГУ).

Очень оживленная научная работа наблюдалась и у языковедов факультета русской филологии. Под руководством профессора Л.И.Ройзензона и у профессора Ю.Ю.Авалиани только за шестидесятые – семидесятые годы было защищено около сорока кандидатских диссертаций. Назовем некоторых авторов этих работ: В.Б.Куликов, А.М.Эмирова, А.Г.Ломов, Е.А.Малиновский, В.Г.Головин, И.А.Абрамец, О.И.Соколова, А.М.Лятина, К.М.Гюлумянц, Н.И.Агафонова, З.И.Мячина, Г.Х.Суяров, В.А.Ивницкая. Отдельные работники после защиты кандидатских диссертаций приступили к написанию докторских работ: А.М.Бушуй, А.М.Эмирова, В.Г.Головин, Е.А.Малиновский, А.Д.Дуличенко, А.Г.Ломов. Все они стали докторами филологических наук, профессорами.

Еще раньше них по русскому и славянскому языкознанию докторские монографии защитили А.Н.Тихонов, А.А.Цой, Р.О.Могилевский (все в МГУ).

Надо заметить, что возглавляемая профессором Ройзензоном кафедра русского и общего языкознания за неполные пятнадцать лет стала одной из сильнейших языковедческих кафедр в Среднеазиатском регионе. И это не случайно. Сам он, защитив в 1971 году в институте языкознания АН Белоруссии докторскую диссертацию по исследованию глаголов в славянских языках, был широко известен далеко за пределами Союза как лингвист-славист, энциклопедически образованный ученый, прекрасный лектор, организатор семи Всесоюзных конференций и симпозиумов по различным проблемам лингвистики. С его именем связано развитие и становление некоторых областей языкознания: фразеологии, лексикологии, лингвостилистики, диалектологии. Именно он организовал на факультете русской филологии изучение славянских языков: польского, чешского, болгарского, украинского, белорусского, сербо - хорватского.

Добавим, что ведущие ученые кафедры русского и общего языкознания неоднократно осуществляли руководство научной работой преподавателей других вузов страны, консультировали стажеров-исследователей из зарубежных стран.

Третья специальная кафедра – кафедра русского языка (для национальных групп факультета русской филологии) (заведовали кафедрой в разные сроки доц. В.Б.Куликов, доц. З.И.Мячина, проф. Е.А.Малиновский) уделяла в большей степени внимание закономерностям развития национальных языков, сопоставительному изучению русского, узбекского и таджикского языков, а также изучению научно-методических вопросов. Больших успехов здесь добились Р.У.Турсунов, А.Б.Бабаходжаев, Х.М.Икрамова, М.Н.Шукурова, Г.С.Цой, Г.Т.Ибрагимова, С.А.Барсикьян и нек. др. Работы четырех первых сотрудников завершились успешной защитой кандидатских диссертаций.

Межфакультетной кафедрой русского языка, долгие года возглавляемую проф. А.А.Цоем, с 1988 года стал руководить проф. А.С.Пардаев, защитивший докторскую диссертацию по антонимии современного русского языка.

Сотрудники этой кафедры сохранили прежние научные традиции, сосредоточенные вокруг проблем билингвизма и методики преподавания русского языка как неродного (иностранного). По современному русскому языку здесь были защищены кандидатские диссертации О.Д.Латиповым, И.Т.Бабакуловым, Г.А.Хидировой, Ф.Х.Холмурадовой.

В конце XX века происходит резкое сокращение набора студентов на факультет русской филологии, в частности, на дневное отделение, а вечернее и заочное отделения вообще закрываются. Это привело к тому, что на едущих кафедрах также происходит сокращение штатов. Многие дипломированные сотрудники уезжают за пределы Узбекистана (профессора А.Н.Тихонов, В.Г.Головин, А.М.Эмирова, А.Г.Ломов, Р.Г.Карунц, Р.П.Шагинян, доценты И.В.Абрамец, Н.И.Агафонова, С.Г.Талышкина, О.И.Соколова, В.А.Ивницкая, П.А.Майданюк, П.А.Ольвовский, Е.О.Кузьменко, А.Ф.Абдухалик-Заде, Н.М.Черненко, А.Б.Геворкян, к.ф.н. Степанцева О.Н. и нек. др.). На малочисленных кафедрах остаются работать незначительное количество защищенных специалистов. Более того, из-за малого набора студентов определенный период кафедры не пополняются новыми специалистами. Однако в последние годы в связи с увеличением набора студентов на факультет русской филологии, открытием магистратуры на кафедрах русской литературы и русского языкознания были оставлены лучшие выпускники-магистры, что привело к заметному оживлению научной работы. Так, у языковедов Р.Х.Абдуллаевой, К.А.Дубровской, З.Ч.Раджабовой утверждены темы кандидатских диссертаций, близится к завершению докторская монография З.С.Васиева; на кафедре литературы плодотворно работают: над докторскими диссертациями доц. Д.Х.Алимова, Ш.А.Ишниязова; над кандидатскими диссертациями Б.Н.Зикириллаев, М.Х.Эгамова.

Не отстает от специальных кафедр и межфакультетская кафедра русского языка. Здесь сравнительно недавно была защищена кандидатская диссертация И.У.Мамасалиевым (зав.кафедрой), подготовлена к защите докторская монография И.Т.Бабакуловым; начали работать над кандидатскими диссертациями молодые преподаватели Кадырова З.А., Маматова Ш.Н., Хамидова У.О.

В заключении хочется отметить, что факультет русской филологии за долгие годы своего существования подготовил тысячи и тысячи высококвалифицированных кадров для нужд народного образования и других сфер жизни Республики Узбекистан и других республик бывшего Союза. Среди них немало видных деятелей науки, культуры и политики.

УДК: 37

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Н.Шодиев, Ш.Ахмедова
Самарқанд Давлат университети

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида "Узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш", "... халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган ..." ҳолда ўқувчи-ёшларни маънавий тарбиялашни назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш бўйича давлат дастурига киритилган "Ўқувчи-ёшларни маънавий тарбиялаш ва унга талабаларни тайёрлаш" комплекс илмий мавзуни тадқиқ қилиш натижаларини ва уларни олий ўқув юрти амалиётида қўллашни долзарб масалалар сирасига киритиш мумкин.

Президент И.А.Каримов "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида "... ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосланган илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради", - деб айтган фикрлари олий ўқув юрти таълим-тарбия жараёнининг мақсад, мазмунини аниқлайдиган амалдаги фан дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари миллий тикланиш ғояси принциплари асосида холисона, объектив таҳлил қилишни тақозо этади.

Ушбу мақсадда дастлаб "Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш" таълим йўналиши ўқув режасидаги педагогик, табиий-математик фанлар бўйича турли даврларда – мустақилликкача, 1992-1997-ва 1998-2009 йилларда амалда бўлган фан дастурлари, дарсликлари ва қўлланмаларининг ҳар бир мавзусини маънавий тарбиявий таҳлил қилиш тамойили ишлаб чиқилиб, уни қўллаш бўйича тавсиялар берилди, ҳамда мазкур ҳужжатларнинг маънавий тарбиявий имкониятларини педагогик таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилди. Бу эса миллий педагогикамиз тараққиётига оламшумул ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг шахс камолоти, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари, таълим мазмуни, ўқитишни ташкил этиш, ўқитувчи (мударрисниг касбий тайёргарлиги ва маънавий-ахлоқий сифатлари ва ҳ.к.) ҳақидаги фикр, ғоя, таълимотлари, аниқ тавсияларини излаб топиш, саралаш ва умумлаштиришга имкон берди.

Ушбу тадқиқот натижалари асосида педагогик туркум фанлар бўйича амалий машғулотларда талабаларни маънавий мазмунга эга бўлган савол, ўқув-топшириқлари ва педагогик вазиятлар устида мустақил ишлаш учун услубий қўлланма яратилди ва таълим жараёнига жорий қилинди.

Педагогика фанининг таққос (қиёс)лаш усули асосида ишлаб чиқилган ишланмалар материаллари мовароуннаҳрлик алломалар ўзлари яшаган давр талабларига мос равишда таълим мазмуни, мадрасалар учун дасрсликлар ёзишда илмийлик, ўқув материалини тизимли баён қилиш, кўргазмалилик каби қоидаларга амал қилиш, ўқитиш шакллари, ўқитиш методлари, ўқитиш принциплари каби дидактиканинг таркибий қисмларини ривожлантириб бориб жамиятнинг буюртмаси ва эҳтиёжларини Оврўпа халқларидан 500-600 йил олдин илғаб олганликлари ва мазкур соҳада самарали ишлаб ҳозирги замон дидактика фанига жуда яқинлашиб қолганликларидан далолат беради.

Буни Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва б.қ. ишлаб чиққан ва амалда қўллаган таълим принциплари, таълим методларини Я.А.Коменскийнинг "Буюк дидактика" (1637-йил) китобида баён қилинган таълим принциплари, методлари билан чоғиштириш орқали пайқаш қийин эмас.

Бу ерда аслида Оврупацентрик тамойили асосида яратилган собиқ совет ўқитиш назарияси, ўзининг тор доирадан чиқаолмай буюк аждодларимизнинг педагогик меросини четлаб ўтганини, хашпушлаганини, пировард натижада бизга кимлигимизни, жаҳон педагогика фани тамаддунидаги ҳаққоний ўрнимизни илмий асосда аниқлаб олишимизга, озод ва обод Ватан, фаровон турмуш қуришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз суръатига бир мунча қийинчиликлар туғдираётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Миллий педагогикамиз ва унинг

тарихига бўлган нохолисликни Н.А.Константинов ва б.қ. “Педагогика тарихи” номли ўқув дарслиги (М., 1974 й)ни варақлаб яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки, ушбу дарсликда ҳозирги Ўзбекистон (шу жумладан, Ўрта Осиё) ҳудудида яшаб, педагогика фани тараққиётини маълум тизимга солиш ишини бошлаб берганликлари, унинг асосий категориялари (тарбия, таълим, маълумот ва ҳ.к.)ни тўғри талқин қилганликлари, комил инсонни тарбиялаш тўғрисида бутун бир таълимот яратганликларига қарамай Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек ва б.қ. умуман тилга олинмаган. Боз устига 447 бетдан иборат ушбу дарсликда Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихига ярим саҳифа жой ажратилган холос. Бу ерда вақтидан олдинроқ бўлсада, улуғ мутафаккирларимизнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаларини четлаб ўтиш яқин ўтмишдаги табиий-математика дарсликларида ҳам одат тусига кириб қолганини намойиш қилишда талабаларни жалб қилиш лозимлигини қайд этиш зарур.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, ўзида турли замон ва маконларда мавжуд бўлган таълимий ва тарбиявий ёндашувлар, нуқтаий назарларни жамлаган мазкур ишланмалар билан танишишга уларни чуқур ўрганишга бўлажак ўқитувчиларни изчил жалб қилиш, уларнинг педагогик тафаккурини кенгайтириш баробарида узоқ ўтмишда бобокалонларимизнинг эзгуликка, яратувчиликка қаратилган жасоратлари талабаларни ҳайратлантиради, уларда маънавий эҳтиёж уйғотади. Шу боис талабалар мазкур соҳа бўйича зўр қизиқиш билан реферат, илмий маъруза, малакавий битирув иши, магистрлик диссертациялари устида ишлашларига янада эътибор кучайтирилди.

Афсуски, тадқиқот жараёнида аждодларимизнинг бой педагогик маънавияти бўйича тўпланган материаллар миллий дастур қабул қилингандан кейинги йилларда ишлаб чиқилган фан дастурлари, дасрликлари ва қўлланмаларида етарлича даражада ўз аксини топди, деб бўлмайди.

Талабаларни маънавий шакллантириш бўйича юқорида бажарилган тадқиқотимизнинг мантиқий давоми сифатида мовароуннаҳрлик қомусий алломаларнинг “... бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга ...” солаётган, ўзбек миллати қалбида эса миллий ғурурни жўш урдиришга хизмат қилаётган, умумжаҳон қадриятига айланган миллий қадриятимиз-бу уларнинг табиий-математика фанлари соҳасида қолдирган миллий маънавий меросидир.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро конференция очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, география, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, ... ривожланишида намоён бўлди”, деган эди.

Таниқли инглиз фан тарихчиси Ж.Бернал ХХ асрнинг ўрталарида Президентимизнинг юқорида билдирган фикрларига ҳамоҳанг равишда шундай ёзади: “Оврўпанинг катта қисмида Рим империяси қулашида, алғов-далғов бўлиб ётган пайтда мусулмон дунёси мисли кўрилмаган тараққиётни бошидан ўтказган эди. ... Мусулмон олимлари тирик ва ривожланаётган фанни яратдилар. Улар Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистон илмини ривожлантириб математика, астрономия ва тиббиётни кенгайтирдилар, алгебра, тригонометрия ва оптикага асос солдилар. Энг ҳал қилувчи ютуқларни мусулмон олимлари кимё ва алкимё соҳасида қўлга киритдилар. Улар эски назарияларни тубдан қайта ишладилар, унга тажрибалар якунларини қўшдилар ва янги кимё фанини яратдилар”.

Шу боис талабаларни маънавий шакллантириш бўйича кафедрада бажарилаётган тадқиқотларимизнинг мантиқий давоми сифатида “Биология”, “Кимё”, “Физика”, “Математика” таълим йўналишлари бўйича умумкасбий фан дастурлари, дарсликлари, қўлланмаларида миллий илмий меросимизнинг ифодаланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби катта ҳажмдаги мураккаб ишлар биз ишлаб чиққан тамойиллар асосида амалга оширилди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим мазмунини миллийлаштиришнинг назарий асосларини яратиш бўйича миллий педагогикамиз олдига қўйилган буюртмани ишлаб чиқиш, шубҳасиз яқин ўтмишда ва амалдаги янги авлод дарсликлари, қўлланмаларида Президент И.А.Каримовнинг “дарслик ва қўлланмаларни миллий маънавият нуқтаий назаридан

янгитдан қараб чиқишни” собитқадамлик билан амалга ошириш заруриятига оид даъватлари ҳамда Олий Мажлиснинг IX сессиясида яна шу мавзуга қайтиб “Ахир дарсликларда миллат фикрларининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак эмасми?” деган саволлари амалдаги янги авлод дарсликларида қай даражада рўёбга чиққанлигини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақозо этади.

Ўтказилган таҳлиллар шундан далолат берадики, мазкур таълим йўналишлари бўйича яратилган фан дастурларида кафедра профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнида талабаларни маънавий шакллантиришга дахлдорлигини англатувчи тавсия ва кўрсатмалар берилмаганидан; янги авлод дарслик, қўлланмалари ҳамда маъруза матнлари мақомига эга бўлган қўшимча адабиётларда уларнинг муаллифлари талабаларни маънавий шакллантириш имкониятини бойита оладиган таълимнинг тарихийлик, политехник, назария билан ҳаётнинг бирлиги, илмийлик каби принциплага ҳамда мустақиллик йилларида фанимиз эришган ютуқларни уларга сингдириб бориш зарурлигига изчил амал қилмаганликларидан; талабаларни маънавий шакллантиришда буюк аждодларимизнинг ижодий фаолияти ва уларнинг табиий-математика фанларининг тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган ғоялари, таълимотлари, кашфиётлари баён қилинган илмий-оммабоп рисолалар таъсирининг муҳимлигини ҳисобга олиб, уларни тайёрлашда етук олимларни жалб қилишни жадаллаштирилмаганидан; дарсликларда ўтмиш қомусиий олимларимиз бошлаб берган йўналишларни мустақил Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари лабораторияларида муносиб давом эттирилаётганлиги тўғрисидаги материалларнинг заифлигидан; ўқувчи-ёшларни маънавий шакллантириш бўйича жамиятимизнинг буюртмаси ва эҳтиёжини рўёбга чиқариш зарурлиги профессор-ўқитувчилар томонидан ўзининг касбий педагогик, маънавий-ахлоқий бурчи эканлигини тўлақонли ҳис этмаётганликларидан; табиий-математика фанлари тараққиётининг ўтмиши (IX-XV асрлардаги Хоразм Маъмун академияси ва Улуғбекнинг Самарқанд академияси (Вольтер ибораси) мисолида бугунни ва истиқболни ёритувчи материалларни ёшлар учун мўлжалланган оммавий ахборот нашрларида, радио-телекўрсатувларда изчил тарғибот-ташвиқот қилинмаётганлигидан; ва ҳ.к. далолат бермоқда.

Юқорида кўрсатилган сабабаларни бартараф этиш мақсадида, механика, молекуляр физика, оптика, астрономия, ҳисоблаш математикаси, биологик ва кимёвий туркум фанларнинг мавзулари бўйича профессор-ўқитувчи ва талабалар қўллашлари учун қулай бўлган жадвал тарзидаги ишланмаларимиз бўлажак ўқитувчиларни маънавий шакллантиришнинг мазмуни, шакл, методлари ишлаб чиқилди ҳамда мазкур фанларнинг интеграциясини амалга ошириш орқали талабаларни маънан бойитиш йўл-йўриқлари намоён қилинди.

Шунингдек, таълимнинг фан билан интеграциясини таъминлаш бўйича механика, молекуляр физика, оптика, астрономия, математика фанлари мавзулари бўйича маънавий йўналтирилган аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар ва ҳ.к. билан боғлиқ ишланмалар ўқув-тадқиқот ва илмий изланишлар мавзулари аниқланиб, уларни талабалар томонидан бажарилишига доир йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Шу вақтнинг ўзида таълим жараёнининг субъекти сифатида талабаларнинг ўқув-билув фаоллиги таълимнинг қиёслаш, кластер, кичик гуруҳларда ишлаш каби усуллари ҳамда фан кечалари, даҳолар кунини нишонлаш, конференциялар ўтказиш орқали оширилди ҳамда улар жаҳон фани таъмаддунига буюк мутафаккирларимизнинг дахлдор эканликларини намойиш қилишга эришдилар.

Олий ўқув юртида талабаларни маънавий шакллантириш ишининг самарадорлигини ошириш вазифаси очиқ динамик ривожланувчи таълим-тарбия тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлган аудиториядан ташқари машғулотлар ва тадбирлар тизимча (компонент)ларининг бу соҳадаги имкониятларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Шунинг учун миллий Истиқлол ғояси асосида талабаларни маънавий шакллантиришга йўналтирилган аудиториядан ташқари машғулотлар ва тадбирларда талабаларни маънавий шакллантириш модели ишлаб чиқилди. Унинг компонентларининг ҳар бири ўрганилди ва таҳлил қилинди. Улар орасидан тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлганлари – унумли меҳнат, илмий тўгарак, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётлари, малакавий битирув иши, экскурсия каби компонентлари ажратиб олинди ва уларнинг ҳар бирини талабаларни маънавий

шакллантириш бўйича мазмуни, мақсади, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётда бўлажак ўқитувчиларнинг фаол иштирокида синаб кўрилди.

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”да “Таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиётидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш” ҳамда “Таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш” (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш) белгилаб қўйилган. Бироқ ўтган давр ичида нашр қилинган ўқув-услубий, илмий педагогик адабиётлар, ҳимоя қилинган диссертациялар таҳлили, ўқув-тарбия жараёнини корхона унумли меҳнати билан интеграциялашуви ва бунда талабалар меҳнат тарбиясини ва маънавиятини юксалтиришга йўғрилган изланишлар натижаларини учратмадик десак хато бўлмайди.

Шу боис талабалар маънавиятини шакллантириш тизимининг муҳим компоненти сифатида унумли меҳнатнинг бу соҳадаги имкониятлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди ҳамда республикамизда шаклланган амалдаги “Бунёдкор” меҳнат ёшлар ижтимоий ҳаракати (олдинги қурилиш отрядлари) ҳамда кузги йиғим-терим даврида талаба-ёшларнинг қишлоқ хўжалик ходимларига ёрдам кўрсатиш бўйича қилаётган ташаббуслари билан боғлиқ унумли меҳнат мисоллари асосида бўлажак мутахассисларнинг унумли меҳнатга доир билим, кўникма ва малакалари (қурилиш, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти асослари, бошқариш жараёнида, иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш, ғишт териш, суваш, пардозлаш приёмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини йиғиб олиш муддатлари, сортларга саралаш ва ҳ.к.), иродаси, диққати, хотираси, индивидуал қобилиятлари каби психофизиологик сифатларининг ривожланиши баробарида, уларни маънавий шакллантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари намоён қилинди.

Бу ерда талабаларнинг унумли меҳнати мустақил тизим сифатида ташкиллаштирувчи тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга эканлигини намоён қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, унинг доирасида талабаларни маънавий юксалтиришга йўғрилган ўлка тарихи, маданияти, моддий ва маънавий қадриятларини намоён қилишга қаратилган илмий ва ўқув-тадқиқот изланишлар, фанлар аро уюштирилган экскурсиялар, кечалар, фан, санъат, техника вакиллари, корхона (фермер хўжалиги) ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, савол-жавоблар ва ҳ.к.нинг ОТМ таълим-тарбияси билан интеграциялашуви жараёни учун қулай шароит яратилади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари, аспирант, магистрлар ва талабалар иштирокида 1998-2014 йиллар давомида бажарилган илмий изланишлар бўлажак ўқитувчиларни маънавий тарбиялаш ҳамда уларни маънавий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш билан бирга мазкур тадқиқот натижалари асосида ёзилган монография, услубий қўлланма, ишланмалар кўп сонли илмий мақолалар, умумкасбий фанлар бўйича маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотларини маънавий мазмунга эга бўлган материаллар билан бойитишда, уларни маънавий йўғрилган индивидуал ва жамоавий ўқув топшириқларини, курс, малакавий битирув ишларни бажаришга жалб қилишда асқотади.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот натижалари кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ифодаланган жамиятимизнинг ижтимоий буюртмаси ва эҳтиёжини қондириш ва миллий маънавиятимизнинг муштараклиги, яъни амалий асосини яратишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир ва улар жамиятимизнинг маънавий юксалишига муносиб ҳисса қўшиши муқаррардир.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.:- Шарқ 1998.-63 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. -174 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасдир. - Т.: Ўзбекистан, 1996. -366 б.
4. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланишидаги роли ва аҳамияти. Президент И.А.Каримовнинг 2014 йил 15 майда Самарқандда бўлиб ўтган Халкаро конференцияда сўзлаган нутқи//Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 16 май.
5. Бернал Ж. Наука в истории общества. - М.: Наука, 1956. - 735 с.
6. Шодиев Н., Шукруллаева С. Ёшларга аждодларимизнинг илмий мероси ҳақида. - Т.:

2008. - 112 б.
7. Шодиев Н. Педагогика фанидан муаммоли вазиятлар ва ўқув топшириқлари. — Самарқанд: СамДУ, 2004, - 115 б.
8. Шодиев Н., Шукруллаева С., Шодиев Р. Талабаларни маънавий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти.- Т.: Фан, 2014.-250 б.
9. Шодиев Н., Дониев Б. Миллий мафкура тарғиботининг педагогик- ахборот технологиялари таълим жараёнида талаба ёшларнинг ғоявий- мафкуравий тарбияси мавзусида Республика илмий-амалий конференция материаллари. — Самарқанд: СамИСИ, 2007. - 114-116 б.
10. Шодиев Н. Духовное воспитание студентов как один из приоритетов национаалной программы подготовка кадров//Ценностные приоритеты общего и профессионалного образования Материалы международной научно-практической конференции. 12-14 сентября 2004 г. Часть 4. - М., 2000.-с 182-186.
11. Шодиев Н. Шукруллаева С. Мовароуннахр фан тарихи – маънавий тарбия воситаси сифатида// Педагогик таълим ж, 2005, 4-сон.— 3-5 б.
12. Шодиев Н., Утанов У. Унумли меҳнат - талабаларни маънавий шакллантириш воситаси сифатида //Мактаб ва ҳаёт ж., 2010, 1-сон.- 20 - 22 б.
13. Утанов У. Самарканд маънавият ўчоқларига экскурсиялар уюштириш жараёнида талабалар маънавиятини шакллантириш. Услубий қўлланма. Масъул муҳаррир. проф. Н.Шодиев. - Самарканд, 2008. - 68 б.

УДК: 371

ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

(Самарқанд Давлат университети мисолида)

А.Солеев, Ҳ.Қурбонов, Ҳ.Хушвақтов
Самарқанд Давлат университети

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим смарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунинг учун юқори малакали, рақобатбардош олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Чунки, фан-техниканинг ривожланиши барча фанлар ва соҳаларга оид ахборот оқимининг жадаллашуви, тайёрланаётган олий маълумотли кадрларни билим, малака ва кўникмаларини замон талаби даражасига кўтариш, уларни ўз касбининг моҳир устаси қилиб шакллантиришни талаб қилади [1-2].

Таълим тизимини модернизациялаш шароитида замонавий ижтимоий – иқтисодий шарт-шароитлар, меҳнат бозори ва жамият эҳтиёжлари асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини ҳамда ташкилий – услубий негизини янада такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб муаммо ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълимни ислоҳ қилишнинг бош йўналишларидан бири унинг сифати ва самарадорлигини оширишдир [2].

Таълимда сифатни ва самарадорликни ошириш учун нималарга эътибор қаратиш керак бўлади. Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш таълим олувчилар томонидан ўқув материалларни ўзлаштириш жадаллиги ва самарадорлигини ошириши амалиётда исботланган [3-4].

Таълимнинг сифати муаммосига нисбатан ҳар хил ёндашувлар шаклланган. Кимдир бу муаммога бошқарув муаммоси сифатида қарайди, кимдир мутахассисларни тайёрлаш сифати муаммолари тўғрисида сўз юритади, кимдир олий ўқув юртлари учун таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларининг сифати ҳақида гапиради, кимдир ўқув жараёнини ташкил этиш сифати ҳақида сўз юритади [5].

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқув-услубий соҳани такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада Самарқанд Давлат университети ҳам ўзига хос тажрибага эга бўлиб, бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Таълим

тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросини таъминлаш мақсадида ўқув жараёнининг меёрий-ҳужжатларини услубий жиҳатдан такомиллаштириш, ўқув-ахборот манбаларини ривожлантириш, таълимнинг педагогик, психологик ва услубий муаммоларини изчиллик билан ўрганиб бориш, таълимга оид маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва бу борада талаб этиладиган ахборотларни тайёрлашга эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд Давлат университети томонидан мустақиллик йилларида таълим йўналишлари билан магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини ташкил этишни, шунингдек, таълимнинг меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштириш бўйича 80 дан ортиқ таклиф киритилди ва ушбу таклифлардан аксарияти олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таълим жараёнига жорий этилди. Жумладан, магистратура таълимини ташкил этиш ва тизимга солиш бўйича 13 та, бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича 10 га яқин, олий таълим муассасаларига қабул якуний давлат аттестацияларига оид 14 та, кафедра ва деканатлар иш юритиш ҳужжатларини такомиллаштиришга оид 10 дан ортиқ, “Таълим тўғрисида қонун” янги лойиҳаси бўйича 15 та, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни янги талаблар асосида такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилди.

Ушбу йиллар давомида давлат томонидан қабул қилинган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида кўплаб низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилиб, шу асосда таълим жараёни ташкил этилди. Жумладан, кафедра ва деканатларнинг иш юритиш ҳужжатлари, рейтинг тизимини самарали жорий этиш бўйича йўриқнома, педагогик, ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув–дала, диплом олди амалиётларини ташкил этиш ҳақида низом, битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва расмийлаштириш тартиби бўйича йўриқнома, ёзма-оғзаки ва тест шаклида ўтказиладиган оралиқ ва якуний назоратларни ташкил этиш тартиби, талабалар мустақил ишини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар, қолдирилган дарсларни қайта ўзлаштиришни ташкил этиш бўйича йўриқнома ва бошқа кўплаб таълим жараёнини ташкил этишга оид ҳужжатлар ишлаб чиқилиб жорий этилди ва бу ўз самарасини бермоқда.

Энг аввало ўқув ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ишлар мажмуаси доимий равишда тўлиқ таҳлил қилиб чиқилмоқда ва соҳаларга тегишли қўшимча равишда бажарилиши лозим бўлган ишлар белгиланиб амалга ошириш йўлга қўйилган. Университет ва унинг барча бўлинмалари миқёсида амалга оширилиши керак бўлган биринчи галдаги ишлар жумласига ўқитишда инновацион педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш эканлигига асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда, машғулотлар сифатини яхшилаш, ўқув жараёнига оид меёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, ўқув жараёнининг ўқув-услубий ва моддий-техник таъминотини яхшилашга асосий эътибор қаратилган бўлиб, илмий-педагогик салоҳиятни кўтариш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини мустаҳкамлаш, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиш даражасини кўтариш, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Самарқанд Давлат университетида 13 та таълим йўналишида кадрлар тайёрланган бўлса, бугун 12 та факультет, 56 та кафедрада, 34 та бакалавриат таълим йўналишлари, 40 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Таълим жараёни ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб борилади.

Ҳозирги пайтда университетимизда талабаларга фан (**36,9** %), таълим (**31,1** %), гуманитар фан, санъат (**22,8** %), ижтимоий фанлар, бизнес (**5,4%**), ижтимоий таъминот (**2,4** %), хизматлар (**1,4** %) каби 12 соҳага тегишли йўналишлар бўйича таълим берилмоқда.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг манфаатини кўзда тутувчи янги факультетлар, устивор таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Университетнинг барча ўқув бинолари давлат дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилди ва моддий-техник базаси янгиланди [6]. Мустақиллик йилларида университетда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг талаб ва таклифларидан

келиб чиққан ҳолда 25 дан ортиқ янги замонавий таълим йўналишлари очилди. Жумладан, психология, археология, информатика ва информацион технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, кимёвий технологиялар, биотехнология, гидрометеорология, электроника ва асбобсозлик, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси каби янги таълим йўналишлари очилди. Кейинчалик иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор йўналишлар (социология, фалсафа, электроника ва микроэлектроника) бўйича талабалар қабул қилиш вақтинча тўхтатилди.

Шунингдек, магистратуранинг “Таълимда ахборот технологиялари”, “Иқтисодий назария”, “Биотехнология”, “Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш” каби мутахассисликларини очилишини алоҳида қайд этиш мумкин.

Мустақиллик йилларида, айниқса 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб, ўқув жараёнига тадбиқ этилган ўқув режаларида талабаларнинг кўпроқ мустақил ишлашларига эътибор кўчатирилиб, амалий ва лаборатория машғулотлари, курс ишлари, семинарлар ҳамда ўқув ва дала амалиётлари учун ўқув соатлари миқдори кўпайтирилди [7]. Кафедралар томонидан талабалар мустақил ишини ташкил этиш бўйича юзлаб услубий кўрсатма ва қўлланмалар ишлаб чиқилди ва улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Самарқанд Давлат университети ўз тарихи давомида кўплаб илмий йўналишлар бўйича юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрловчи умумеътироф этилган марказга айланди. Университет мустақиллик йилларида мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ҳар йили 2000 дан ортиқ малакали мутахассислар етиштириб бермоқда.

Бугунги кунда университетда ўқув жараёнини тўлақонли ташкил қилиш учун барча шароитлар яратилган. Бунинг учун университетда 56 та кафедра, 62 та ўқув лабораториялари, СамДУ илмий-амалий музей лабораторияси, археология, геология, зоология йўналишлари бўйича лаборатория-музейлар ишлаб турибди. Ботаника боғи ва оранжерия, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази, 2,5 млн. дан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази ва бошқалар ҳам ўқув жараёнини юқори савияда ташкил қилишга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ҳамда ёш ўқитувчиларни ўқув-тарбия жараёнини инновацион ва педагогик технологияларни татбиқ этиш ишларига тайёрлаш, шу билан биргаликда услубий-меёрий ҳужжатларни яратиш ва мукаммаллаштиришга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ойда доимий равишда университет ўқув-услубий кенгаши, шунингдек, махсус семинарлар, халқаро ва республика конференциялари мунтазам ўтказилмоқда, етакчи мутахассислар маърузалар ўқишга, семинар-тренинглар ўтказишга жалб қилинмоқда.

Университет ҳар йили профессор-ўқитувчиларнинг дарслари таҳлил қилиниб, «Намунали очиқ дарслар» танловини тизимли ўтказиш йўлга қўйилган. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказиладиган ҳар бир дарснинг илмий-услубий даражаси таҳлили натижалари кафедра йиғилишларида, факультет ва университет илмий кенгашларида атрофлича муҳокама этиб бориш йўлга қўйилди. Очиқ дарсларни илғор педагогик технологиялар, жумладан, ақлий ҳужум, кластер, кейс-стади, баҳс-мунозара, зинама-зина ва бошқа усуллардан ҳамда электрон дарсликлар, слайдлар, анимациялар, тегишли манбалар асосида кўргазмали ўтиш йўлга қўйилган.

Университетнинг кейинги йилларда намунали дарс ўтган профессор-ўқитувчиларнинг дарсларини оммалаштириш йўлга қўйилди. Жумладан, профессорлар Ж.Хўжаев, З.Иззатуллаев, Н.Шодиев, О.Қувондиқов, доцентлар Ж.Вафаева, А.Азизқулов, Э.Арзиқулов, Х.Шакаров, Ш.Хушмуродов, М.Абдурахимов ва бошқа ўқитувчиларнинг дарслари ёш ўқитувчиларга намуна сифатида оммалаштирилди. Барча профессор-ўқитувчилар томонидан ҳар бир кафедрада очиқ дарслар график асосида ташкил қилиб борилмоқда. Кейинги уч йилда юздан ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг илғор дарс усуллари тажрибаси оммалаштирилди.

Университетда ўқув жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида дарс жадвалининг технологик харитасини тасдиқдан ўтказиш, рейтинг журнали, қайдномалар, ўқув юкламаси ҳажми ҳамда тақсимотини белгилаш варақалари, йиғма қайднома ва ишчи ҳужжатларнинг қулай вариантлари яратилди ва жорий этилди. Баҳолаш қайдномаларини рўйхатдан ўтказишнинг марказлаштирилган тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи талабалар мониторингини таҳлил қилиш натижасида маълум билимлар ва фанларга бўлган эҳтиёжлар ўрганиб борилиб, ишчи ўқув режаларига танлов фанлари, қўшимча фанлар, махсус фанлар ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритиш мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

СамДУ профессор-ўқитувчилари ўзларининг педагогик маҳоратини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сонли қарори «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловида иштироки билан ҳам намоён қилиб келишмоқда. 2015 йилдан буён ушбу танловда 200 дан ортиқ профессор-ўқитувчиларимиз фаол қатнашиб, улардан 9 нафари танловнинг республика босқичи ғолиби бўлишга эришдилар. «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинацияси бўйича профессор З.Й.Муқимовнинг, «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича профессор Б.Х.Хўжаёровнинг, «Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог» номинацияси бўйича профессор М.К Абдурахимов, доцент Ш.Хушмуродов, доцент Х.Боймуродов, катта ўқитувчи М.Шеровларнинг ишлари юқори баҳоланди.

Самарқанд Давлат университетида ўқув жараёнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган муҳим томонларидан бири ўқув адабиётлар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш муаммосини ҳал қилишда ўзига хос ишлар амалга оширилди. Ҳар ўқув йилида фанлар кесимида бу муаммолар аниқланиб, бартараф қилишни йўлга қўйилганлиги яхши натижалар бермоқда.

Мустақиллик йилларида университетнинг илғор профессор-ўқитувчилари томонидан янги авлод ўқув адабиётларини яратиш йўлида қилинган меҳнатлари эвазига 1500 дан ортиқ ўқув адабиётлари яратилиб таълим жараёнига татбиқ қилинди. Таъкидлаш жоизки, университет профессор-ўқитувчилари томонидан электрон дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар ва бошқа электрон адабиётлар яратишда катта тажриба тўпланди. Масалан, 2008-2016 йилларда 51 номдаги дарслик ва 710 номдаги ўқув қўлланмалар вазирлик грифи билан нашр қилинди, 1300 дан ортиқ фанлар бўйича ўқув-услубий мажмулар яратилди. Бундан ташқари, мустақил таълимни ташкил қилиш, курс ишларини ёзиш, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш учун ҳар йили 100 дан ортиқ услубий қўлланмалар яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ қилинмоқда. Фақат 2016-2017 ўқув йилининг ўзида янги талаблар асосида 1000 дан ортиқ ўқув-услубий мажмуалар, 24 та фан бўйича ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилди.

Университетда яратилган ўқув адабиётларинин барчасининг электрон вариантлари ахборот ресурс марказининг электрон ресурслар базасига киритилган. Бугунги кунда яратилган электрон адабиётлар (электрон дарслик, виртуал лабораториялар, дарс машғулотларининг электрон тақдимотлари ва ҳ.к.) сони 1200 дан ортади. Шундан 150 га яқини мультимедияли электрон дарсликлар, 78 таси гипермурожаатли электрон адабиётлар, 64 таси виртуал лабораториялар. Булар ҳаммаси, ўқув жараёнини ташкил қилишда, талабаларга ўқув адабиётларидан фойдаланишлари учун шароитлар яратилишига ва босқичма–босқич масофали таълимга замин тайёрламоқда.

СамДУ олимлари томонидан яратилган ўқув адабиётлари нафақат университетда, балки республикамиздаги бошқа илмий ва таълим муссасаларининг талабалари томонидан фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, Ж.Хўжаевнинг «Ўсимликлар физиологияси», З.Муқимовнинг «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи», Ж.Лахановнинг «Умуртқалилар зоологияси», Н.Бозоровнинг «Меҳнат социологияси ва иқтисодиёти», К.Ҳасанованинг «Педагогика назарияси ва тарихи» дарсликлари, Р.Орзибековнинг «Ўзбек адабиёти тарихи», А.Ғозиев ва бошқаларнинг «Математик анализдан мисол ва масалалар» ва бошқа китоблар шулар жумласидандир.

Бу фикримизни, кейинги йилларда ўтказилиб келинаётган «Йилнинг энг яхши муаллифи ва ўқув адабиёти» танловида СамДУ профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этиб, 2017 йилгача 50 дан ортиқ муаллифлар танловда ғолиб бўлишгналиги ҳам тасдиқлайди. Ҳ.Тўраевнинг “Дискрет математика ва математик мантиқ”, И.Исроиловнинг «Геометриядан масалалар тўплами», А.Абдуҳамидов ва бошқаларнинг «Алгебра ва анализ асослари» дарслиги, А.Воҳидовнинг ўрта мактаблар учун «Тожик тили»дарслиги, И.Мирзаев, М.Болтаевларнинг «Ўзбек тили» дарслиги, Ж.Эшназаровнинг «Жисмоний тарбия тарихи ва бошқариш» дарслиги, З.Ражамуродов, А.Ражабовларнинг «Одам ва ҳайвонлар физиологияси» дарслиги,

У.Жўраевнинг “Молекуляр физика” дарслиги, Й.Машариповнинг «Спорт психологияси» ўқув қўлланмаси ва яна бир қатор дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, дарс машғулотларида кенг фойдаланиш имконини берадиган электрон ўқув воситалари: электрон дарслик, ўқув адабиётларининг электрон вариантлари, мультимедиали ва видеодарсликлар, виртуал стендлар, лаборатория ишларининг дастурий моделларини яратиш бўйича катта ишлар олиб борилди ва давом эттирилмоқда. Ҳозирда 180 га яқин мультимедиали, 300 дан ортиқ электрон дарсликлар, 900 дан ортиқ ўқув адабиётларининг электрон вариантлари ва ўқув-услубий мажмуалар киритилган махсус таълим портали яратилиб, талабалар фойдаланишмоқда.

Бу соҳадаги ишларни янада самарадорлигини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларимиз педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш, лойиҳавий таълимнинг технологияси, кейс технологияси, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари, илмий фаолиятга тайёргарлик асослари бўйича изланишлар олиб боришмоқда. Буларга, кириш маърузада инновацион технологияларни қўллаш, учинчи ва бешинчи даражали тестлар асосида ўқув натижаларини баҳолаб бориш, маълум лойиҳалар бериб шу асосда ўқитиш технологиясини қўллаш, таълимнинг кейс усулидаги замонавий технологиясидан фойдаланиш, турли чизмали органайзерлардан фойдаланиб талабаларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, ахборотли муаммоли маърузалар технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ҳар бир дарсда таълимнинг интерактив усулларидан фойдаланиб келишмоқда.

Таълим жараёнининг асосий муаммоларидан яна бири, талабалар давомати. Давоматни яхшилаш борасида университетда қолдирилган дарсларни ўзлаштириш, тизими жорий этилган. Бунинг натижасида, 2010 йилгача талабаларнинг реал давомати ўртача 90-91 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб ўртача 98-99 фоизни ташкил этмоқда, бунда 1-2 фоиз асосан сабабли қолдирилган дарслар ҳисобига тўғри келмоқда.

Ўқув жараёнининг яна муҳим соҳаларидан бири, таълим соҳаларининг хилма–хиллиги ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув режаларида педагогик амалиёт, ишлаб чиқариш амалиёти, ўқув амалиёти, дала амалиёти, диплом олди амалиётлари каби амалиёт турларини ташкил қилишдир. Талабаларимиз учун мавжуд йўналишлардан 27 тасида педагогик амалиёт, 15 та йўналиш бўйича ишлаб чиқариш амалиёти, 25 та йўналиш бўйича ўқув амалиёти, 9 та йўналиш бўйича эса дала амалиётини ўтаб келишмоқда.

Амалиётларни ҳозирги талабларга янада мувофиқлаштириш мақсадида амалиёт ўтказиладиган муассасалар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Университет томонидан амалиёт ўтказиш мўлжалланган объектлар билан корпоратив шартномалар асосида мунтазам иш олиб борилмокда.

Педагогик амалиётлар Самарқанд шаҳри ва вилоятимизнинг яқин туманлардаги 43 та таълим муассасалари - ўрта таълим мактабларида, университет қошидаги академик лицей, иқтисодиёт ва сервис институти, қишлоқ хўжалик институти, тиббиёт институти, архитектура-қурилиш институтлари қошидаги лицейларда, Самарқанд саноат, педагогика, касб-ҳунар коллежларида корпоратив шартнома асосида ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқариш амалиётлари Республикамизнинг вилоят ва шаҳарларида жойлашган 254 та ишлаб чиқариш объектларида, ташкилотлар ва муассасаларида ўтказилади. Бу ташкилотлар билан шартномалар, амалиёт дастурлари тузилган ва тегишли факультетлар томонидан бу бўйича қўшимча тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Дала амалиёти 9 та йўналиш: тарих, биология, экология, география, гидрометеорология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, ўзбек, рус, тожик филологияси йўналишлари бўйича белгиланган бўлиб, биология ва экология йўналиши талабалари университетнинг Ургут туманидаги оромгоҳида, тарих йўналиши бўйича Нуробод туманида, Афросиёб мажмуасида, ўзбек, рус, тожик филологиялари Самарқанд вилояти туманларида амалиётни ўташади.

Ўқув амалиётлари 25 та йўналиш бўйича мавжуд бўлиб, бу амалиётларни талабалар кафедралар қошидаги лабораторияларда, шаҳар спорт иншоотларида, ўрта таълим мактаблари, болалар уйларида, Самарқанд кимё заводида, шаҳар музейлари, архивлари ва туманларда ўтамоқдалар.

Мустақиллик йилларида якуний давлат аттестацияси (ЯДА)да белгиланган барча фанлар бўйича ёзма иш вариантлари, баҳолаш мезонлари ва синовларини ўтказиш тартиблари

қайта ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилди. Барча йўналишлар ва фанлар бўйича комиссия аъзоларининг 54% ини республикамиз профессор-ўқитувчилари, шаҳримиздаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари, илмий-текшириш институтлари ходимлари, лицей, коллеж, мактаб ўқитувчилари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ташкил қилмоқда.

Ўқув жараёнини такомилаштиришнинг муҳим шартларидан бири профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бугунги кунда университет **861** нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Асосий штатда фаолият кўрсатаётган **759** нфар профессор-ўқитувчидан **233** (**31 %)** нафари янги тизим бўйича малака оширишдан ўтди.

СамДУда ўқув-услубий жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган ижобий ишлардан яна бири, ўқув аудиторияларнинг ва лабораторияларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилашга қаратилган ишлардир. Жумладан, кейинги уч йилда ўқув жараёнида фойдаланилаётган компьютер синфларининг сони 19 тадан 37 тага, видеопроекторли аудиториялар 4 тадан 27 тага етказилди. Ўқув лабораторияларининг моддий-техник базасини яхшилашга чет эл инвестицияларидан самарали фойдланиш ишлари амалга оширилган. Масалан, Нато гранти доирасида 43,5 минг Еврога янги лаборатория асбоблари олинган. Глобал экологик фондининг кичик грантлар дастури ва БМТнинг ривожлантириш дастури молиявий кўмаги асосида 154,3 минг АҚШ долларига СамДУ ботаника оранжереяси тўлиқ таъмирланди. Англиянинг СНСП дастури томонидан 230 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган грант маблағлари ҳисобидан 6 комплект замонавий сцинтилляцион спектрометр-радиометр ва гамма спектрометрлар ҳамда дастурий таъминоти билан бирга бета-нурланиш МКГБ 01 каби асбоб-ускуналари сотиб олинган. Халқаро Магате ташкилоти гранти ҳисобидан 231 минг Еврога ўқув лабораториялар учун асбоб-ускуналар, замонавий компьютер синфлари олинган.

Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган археология, геологик-палеонтология ва зоология илмий лаборатория музейлари, ва А.Навоий номидаги илмий-амалий музей лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу музейларда илмий изланишлар олиб бориш билан бир қаторда тегишли таълим йўналишлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари ҳам ўтишига мўлжалланган. Шунингдек, университет қошидаги “Ядро физикаси” илмий лабораторияси, “Астрономия илмий ўқув маркази” тегишли йўналишлар бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини, малакавий амалиётларини ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш учун ўзига хос замонавий лаборатория базалари ҳисобланади.

Мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли қарори асосида университетнинг 2 та ётоқхонаси, ахборот-ресурс маркази ва 7 та ўқув биноси капитал таъмирланиб замонавий жиҳозланди, спорт мажмуаси қурилиб, ишга туширилди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида СамДУда замонавий педагогик технологияларни қўллаш асосида ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашга эришиш, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини кўтариш, ўқув жараёнини демократлаштириш, техникавий саводхонликни юксалтириш орқали касбий йўналишларга доир ахборотлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, бўлғуси кадрларни мустақил фикрловчи комил инсонлар сифатида камол топтириш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўқув–услубий жараённинг такомиллашуви талабаларга берилаётган билимларнинг сифати ва самарадорлигини таъминланмоқда, университет таълим тизимининг жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишига замин яратмоқда.

Республикамизда олий таълим тизимини ривожланган хорижий давлат тажрибасини танқидий ўрганиш асосида миллий менталитетимиз ва тез суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётимизнинг бугунги ва эртанги талабларини эътиборга олган ҳолда ислоҳ қилиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш вазифасини амалга ошириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу ишларнинг бугунги кунда Самарқанд Давлат университетининг ҳам ўз нуфузи, обрў–эътибори ва салоҳиятига лойиқ ҳиссаси, ўрни бор.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида” ги Қонуни. -Т: Шарқ; 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари, 3 - 18 бетлар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. -Т: Шарқ; 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари, 18 - 52 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1942 сонли Қарори, 26.03.2013 йил.
4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т: Фан, 2009 йил.
5. Рахимов О.Д. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. //Ўқув-услубий қўлланма, -Қарши, 2015 й., 44 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Олий таълим. Меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, - Т.: Тафаккур-Бўстони, 2013. – 512 б.

УДК: 371

ОЛИЙ ТАъЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

А.С.Джураев

Бош илмий-методик марказ

Кириш

Олий таълим муассасаларида (ОТМ) кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш жуда мураккаб масала ҳисобланиб, унинг қай даражада аниқ ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалга оширилиши бутун ташкилотнинг келажак истиқболига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда ОТМларда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Жуда кўп илмий-тадқиқот ишларида, асосан, ходимларни бошқариш, фирмалар ва ташкилотларда кадрлар сиёсати, корхоналарда кадрларни бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқ этилган. Айниқса, таълимни бошқаришда таълим тизими билан боғлиқ турли касбий-ижтимоий гуруҳларда ижтимоий стратегик тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири.

Таълим стратегияси олий таълим тизимининг бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Ташқи ва ички муҳитнинг барқарорлиги олий ўқув юртининг рақобатбардошлик даражасини оширувчи янги менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Бугунги кунда раҳбарлар жорий вазиятни яхши тушунишлари учун аниқ ва зарурий ахборотлар талаб этилади, бу эса келажак истиқболни белгилаб берувчи стратегик сиёсатни белгилаш ва танланган стратегияни амалга ошириш билан боғлиқ.

Ушбу масалаларни такомиллаштириш юзасидан О`збекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак” [1].

Олий таълим муассасаси таълим сифатини таъминлашда, энг аввало, кадрлар стратегиясини шакллантириши зарур. Муассаса раҳбари бунинг учун ҳамкасблари билан турли муносабатларга киришиши, ишга доир барча муносабатларда ижодий ёндошиши, керакли ахборотларни ўзлаштириши ва ундан фойдаланишни тўғри ташкил этиши лозим. Олий таълимнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таълим сифатини таъминлашда кадрлар сиёсатини тўғри белгилашлари учун истиқболли стратегияни ишлаб чиқишлари зарур.

Олий таълим тизимида замонавий раҳбар танланган стратегияни амалга оширишда инсон захираларидан самарали фойдаланиш учун ташкилий, ижтимоий-педагогик ва психологик воситалар мажмуидан фойдаланиши керак.

Кадрлар сиёсати стратегиясини шакллантиришда узоқ ва қарама-қаршиликларга эга бўлган жараён босиб ўтилади. Замонавий ОТМда кадрлар сиёсатини таҳлил қилар эканмиз, ана шу ўзгаришлар жараёнини ҳисобга олишимиз зарур. ОТМ фаолиятини олиб боришни таъминловчи кадрлар 3та гуруҳга бўлинади: профессор-ўқитувчилар гуруҳи, маъмурий-бошқарув ходимлари ҳамда ёрдамчи ходимлар, яъни лаборантлар, услубчилар, кабинет мудирлари ва лаборатория мудирлари[3].

Кадрлар сиёсати ҳар учала гуруҳ учун ҳам тегишли бўлиб, ҳар бирини шакллантириш ўзининг алоҳида тизимига эга. Таълим жараёнида ўзаро боғланган фаолиятни амалга оширувчи ОТМ кадрларини ташкил этувчи мазкур гуруҳларни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бунда энг аввало, ОТМларда кадрлар стратегиясидан келиб чиқадиган бутун муассасанинг ҳамда ҳар бир ишловчи учун кадрлар сиёсатининг мақсади аниқланади. Сўнгра муассаса олдига қўйилган мақсадга эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган вазифалар аниқланади, хусусан, керакли ўринга, талаб этилган сондаги мутахассисни ўз вақтида таъминлаш масаласи кўриб чиқилади. Ниҳоят, барча гуруҳ ходимлари учун ОТМ кадрлар сиёсатини амалга ошириш режасини шакллантиради.

Мутахассислар фаол, пассив, реактив, ёпиқ ва очиқ кадрлар сиёсати шаклларини бири-биридан фарқлайдилар[6].

Фаол кадрлар сиёсати ОТМ миссиясини, уни ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган стратегиясига асосланган бўлиб, ОТМ учун қабул қилинган қадриятлар ва устуворликларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Фаол кадрлар сиёсати амалга оширилар экан, ОТМ раҳбарияти стратегик кўра билишликка асосланган ҳолда, муаммоли ҳолатларни юзага келиши мумкинлигини олдиндан таҳлил қилиши лозим. Натижада, таваккал даражасини пасайтиришга қаратилган сиёсатни ҳам олиб боради, кадрлар стратегиясига ички ва ташқи муҳит ўзгаришларига қараб тузатишлар киритилади.

Шундай қилиб, кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг бу тури раҳбариятга қўйилган мақсадларга эришиш, тўсиқларни, тасодифий қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш имконини беради. Жамоа ОТМ профессор-ўқитувчилар гуруҳи ҳамда ходимларининг қўллаб-қувватлашига асосланган ҳолда мақсадга мувофиқ тарзда шакллантирилади.

Амалиётда пассив кадрлар сиёсати кўпроқ учрайди, бунда бошқарув фаолияти содир бўлаётган ходисаларга қараб амалга оширилади. ОТМ раҳбарияти аниқ бир стратегияга эмас, ўзгарувчан стратегияни қўллаши мумкин. Кадрлар ҳаракати стихияли равишда, ҳодисаларнинг қай тарзда бораётганлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. ОТМ раҳбарияти содир бўлаётган жараёнларга баъзан таъсир кўрсатишга масъулиятсизлик билан билан қарайди ёки имконияти бўлмайди. Жамоада тез-тез келишмовчиликлар ва низоли вазият юзага келади. Оқибатда кадрлар қўнимсизлиги янада юқори бўлади.

Кадрлар сиёсатининг бундай шакли кўпинча, ўткинчи тавсифга эга бўлади, раҳбарият ОТМ учун салбий оқибатларга олиб келадиган ҳолатларни тўхтатишга, вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилади. Аммо, стратегиянинг ҳамда аниқ белгилаб олинган мақсаднинг пухта ўйлаб чиқилмаганлиги, асосланмаганлиги ва истиқболли кадрлар сиёсатининг йўқлиги сабабли ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун, кадрларни ўзгартиришни олдиндан истиқболини белгилаб бориш зарур. Жамоа раҳбариятга ишонмай қўйса, турлича касбий ҳамда ижтимоий қизиқишлари бўлган турли гуруҳларга бўлиниб кетиши мумкин.

Кадрлар сиёсатининг самарали шаклларидан бири, аниқ стратегияга ва таҳлил натижаларига асосланган сиёсат ҳисобланади. Жамоанинг қадриятлари мақсадга эришишнинг асосий омили ҳисобланади, шу боисдан ҳам, раҳбарият жамоани шакллантирганда, кадрларни тўғри танлаш ва мотивацияга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

ОТМларда назарий жиҳатдан кадрлар стратегиясини шакллантиришда очиқ ва ёпиқ шаклларидан ҳам фойдаланиш таҳлили ёритилади. Очиқ усул кўпроқ бошқарувнинг ғарб маданиятига мос келади. У кадрларни бўш ўринларга танлов асосида қабул қилишни, имкони борича юқори малакали кадрларни олий касбий таълим тизимидан ташқаридан жалб этишни кўзда тутади. Мазкур кадрлар стратегиясининг устунлик жиҳати – унинг танловга асосланганлиги, юқори касбий малаканинг зарурлигини талаб қилиниши, инновациявийлик,

ҳамда ошкораликдир. Камчилиги эса, рақобатнинг кучли эканлиги, нобарқарорлик ҳамда зиддиятлилик ҳисобланади[5].

Кадрлар стратегиясини шакллантиришда кадрлар сиёсатининг ёпиқ усули ташкилотнинг ўзини ички кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга асосланади. Бу усул кўпроқ бошқарувнинг кадрлар билан ишлашнинг шарқ маданиятига мос келади. Бундан ташқари, у кўпроқ юқори даражада илмийлик талаб этиладиган жамоалар учун хосдир. Бу усулнинг устунлик жиҳатларига жамоадаги ҳар бир ходимнинг имкониятларини очиб беришга, уларнинг салоҳиятидан иложи борича тўлиқ фойдаланишга, юқори даражадаги ижтимоий ҳимояланганликка, жамоанинг эришган ютуқлари унинг ҳар бир аъзосининг қўшган ҳиссаси боғлиқлигига асосланганлигидир. Камчилигига эса, ресурсларнинг чекланганлиги, раҳбарлик қилиш ўзгартирилгандагина, уларни тўлдириш мумкинлигини кўрсатиш мумкин.

Кадрлар сиёсатининг очиқ ва ёпиқ усулларини олимларни қиёсий таҳлил қилган вазиятларда, кадрларни ишга жалб этиш очиқ усулда меҳнат бозоридаги юқори даражадаги рақобатга асосланса, ёпиқ усулда эса, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, сифатли билимларга эга янги мутахассислар оқимининг бўлмаслиги ҳолатини кўриш мумкин.

Ходимларни ишга мослашуви масаласи бўйича очиқ усулда янги мутахассислар томонидан таклиф этилган инновацион ғояларни жорий этиш, рақобат муносабатларига тез қўшилиш имконияти билан тавсифланса, ёпиқ усулда эса, устозлар сабоқига кўра, меҳнат вазифаларини бажаришга самарали киришиш, жамоанинг юқори даражадаги жипслиги билан тавсифланади.

Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш борасида очиқ усулда муассасадан ташқаридаги илмий тадқиқот марказларида ҳам амалга оширилади. Ходимларни мансаб зинапоялари бўйича ҳаракатланиши масаласида очиқ усулда ўсиш, лавозимнинг кўтарилиши баъзан қийин бўлади, чунки, бу усулда ходимларни ташқаридан жалб этиш устунлик қилади. Ёпиқ усулда эса, ходимларни юқори лавозимларга қўйилиши ўз муассаса ҳисобига бўлади ҳамда уларнинг карьераси режалаштирилади. Муассасадаги кадрларнинг мансаб зинапоялари бўйича ҳаракатлантириш амалга оширилади.

Рағбатлантириш ва мотивация масаласида очиқ усулда кўпроқ ташқи рағбатлантиришга эътибор қаратилса, ёпиқ усулда эса ижтимоий мақсадларни, жамоанинг барқарорлиги ва хавфсизлиги инобатга олинади.

Демак, кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг очиқ ва ёпиқ усулларининг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд.

ОТМларда ходимларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда малакавий ёндашув асосида ходимларга нисбатан касбий шартларни ўрнатиш, ходимларни ўқитиш тизимини яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш, рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш ва ташкилий маданиятни шакллантириш масалаларига катта эътибор бериш лозим.

Бу вазифаларнинг қўйилиши ОТМнинг кадрлар сиёсатида кўпинча, устувор стратегик вазифа сифатида қаралади. Кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ОТМда содир бўладиган ўзгаришлар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган бир қатор таваккалчиликни ҳисобга олиш ва зиддиятли ҳолатларнинг салбий оқибатларини таҳлил қилиш, юқори раҳбарият томонидан ходимларни бошқариш стратегиясига нисбатан тўлиқ ёндашув ишлаб чиқилиши керак.

Шу билан биргаликда, кўпчилик бошқарув раҳбарияти ходимларининг бошқарув билимлари ва кўникмалари етарли даражада эмас, кадрлар сиёсати чегарасидаги ишларни амалга ошириш учун эса зарурий малакага эга бўлган ходимлар сонини таъминлаш ва инсон капиталини бошқариш бўйича ишларни амалга ошириш жараёнини талаб этиладиган моддий ва молиявий қўллаб-қувватлашни шакллантириш зарур.

Шу билан бирга, таваккалчиликнинг даражасини пасайтириш учун ўрта ва юқори бўғин раҳбарларида зарурий бошқарув малакаларини ривожлантириш, ходимларни ишдан бўшатишнинг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш, янги кадрлар сиёсатининг мантиқийлиги, асосланганлиги ва барча ходимларни ОТМда содир бўлаётган жараён ва ўзгаришлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаб бориш лозим. Булар кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

ОТМнинг кадрлар сиёсатига фақатгина иқтисодий нуқтаи назардан қараш ҳам тўғри бўлмайди. Бугунги кунда кадрлар сиёсатининг жамиятда тутган ўрнини баҳолаш мураккаблиги сабабли уни аниқловчи индикаторларни яратиш лозим. Айнан, профессор-ўқитувчилар инновацион мақсадли билимларни бериш ва узлуксиз малакаларини ошириб бориши ҳамда замонавий таълим усулларидан кенг фойдаланган ҳолда интерфаол тарзда амалга ошириш бугунги кун талаби. Аммо, бу фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш учун профессор-ўқитувчилар таркибини янги замонавий асосда шакллантириш талаб этилади, бу вазифанинг бажарилиши эса ОТМда кадрлар сиёсатини амалга оширилиши орқали таъминланади.

Замонавий таълим муассасасининг кадрлар сиёсати стратегияси – бу тизимли таълим фаолиятни амалга оширишнинг узоқ муддатли, комплекс режасини ҳамда барча қонуниятларни, ички ва ташқи ҳолатларни, кадрлар сиёсати, қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида ташкилотнинг самарали фаолият юритишини таъминлашни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Юқоридаги таҳлилларга кўра, олий таълимнинг жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолдаги қонуниятлари, контсептуал асосларини, ташқи ва ички шароитлар таҳлилини, муқобил вариантлар ва тенденцияларни башорат қилишни, қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган технологияларни, усулларни, ташкилий формаларини ўрганишни ўз ичига олади.

Таълим муассасаси стратегиясининг айрим ҳолларда, ташкилотнинг ривожланишини белгилаб берувчи фаолият дастури ва дастурнинг бажарилишига қаратилган бошқарув сифатида, шунингдек, мазкур дастурни ривожланишнинг ҳар бир босқичи учун натижаларнинг аниқ кўрсаткичларини ўз ичига олувчи топшириқлар мажмуаси кўринишида ҳам тавсифланиши ҳам кадрлар сиёсати стратегиясини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2016 йил 14 декабрь
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.
4. Қодиров Б.Б. Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. – Тошкент. 2012. – 22 б.
5. Карташова Л.В. “Управление человеческими ресурсами”. М.: ИНФРА-М. 2007.
6. Кибанов А.Я., Дудакова И. Б. Управление персоналом: отбор и оценка при найме, аттестации. М.: ЭКЗАМЕН. 2007.
7. Корилов М.И. “Современные персонал – стратегии” // Управление персоналом. 2008

УДК: 33:378(575.141)

ИҚТИСОД ИЛМИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Насимов Д. А.
Самарқанд Давлат университети

Самарқанд Давлат университети ташкил қилинганининг дастлабки кунларидан илм ва таълим соҳасидаги қадимги анъаналарнинг давомчиси сифатида, уларни авайлаб-асраб сақлаш ҳамда янгидан ривожлантириш йўлини танлаган маскан эканлигини намоён этиб келмоқда. Натижада, университет ташкилий тузилмасидан муҳим ўрин эгаллаган иқтисодиёт факультети ҳам ёшларга илм ва билим бериш манбасига айланди. Ўтган асрнинг охирларида таклиф қилинган етакчи олимлар ва университет бағрида шаклланган малакали мутахассислар университетда Ю.Дунаев, К.Саидов, Э.Аликулов, Э.Хўжаев, Б.Мирзахўжаевлар сингари иқтисодчиларнинг янги авлоди шакллантирди.

Сиёсий иқтисодиёт йўналиши етакчи олимларидан бири профессор Карим Саидов (1928-2006) ўз тадқиқотлари ва шогирдларини иқтисодиёт фанининг туб ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилишга йўналтирган етук олим эди. Карим Саидов ўз тадқиқотларида аҳолининг турмуш-шароитини, урбанизациянинг ижтимоий оқибатларини ўрганишга қаратган.

1960 йилда Москва Давлат университети иқтисодиёт факультети аспирантурасига қабул қилинган. Ўша йилларда таниқли иқтисодчи олимлар Н.Саголов, И.Козодоев, академик Немчинов ва ўнлаб йирик олимлардан сабоқ олди. Муддатдан олдин – икки йил ичида номзодлик диссертасиясини муваффақиятли ёқлаган. 1976-йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иқтисод институти қошида ташкил этилган ихтисослашган кенгашда “Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яқинлаштиришнинг иқтисодий муаммолари” мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертасиясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Титовнинг Ўзбекистондаги энг биринчи тайёрлаган фан номзодларидан бири Самад Турсунович Турсунов ҳисобланади. У ҳозирги Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида туғилган, 1933 йилда Самарқанд Педагогика академияси тугатган ва аспирантурада ўқиган, 1932-1937 йилларда эса шу олийгоҳда ишлаган. 1937 йилда Ўзбекистон тупроқларининг иссиқлик ўтказувчанлигини ўрганишга доир ишлари асосида фан номзодлиги илмий даражасини олган. Унинг К.Абдурашидов билан ҳамкорликдаги «Электр» (1946) курсидан конспектлар тўплами, «Ўнинчи синфларда уч фазали ток» мавзусини ўтиш (1954), «Ўрта мактабда ультратовуш», «Ўрта мактабда физикадан қишлоқ хўжалик темаларига доир масалалар ечиш» (1955) каби методик ишлари унинг юксак методик савиясидан далолат беради. С.Турсуновнинг кейинги илмий ва педагогик фаолияти Фарғона педагогика институти (1932-1946) ва 1946 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтлари билан боғлиқ бўлиб, шу давр ичида 50 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган. Олимнинг таълим ва фан соҳасидаги хизматлари, жамоатчилик ишлари эътироф этилиб, собиқ Иттифоқнинг орден ва медаллари билан тақдирланган, шунингдек, «Халқ маорифи аълочиси» унвони берилган.

Проф.А.М.Титовнинг яна бир шогирдларидан бири Михаил Филимонович Киншаков бўлиб, у 1932 йилда Самарқанд гидротехникумини ва 1938 йилда эса Самарқанд Давлат университетини битирган. 1958 йилда А.Титов раҳбарлигида «Кўчма регенератив қуёш чучуткичининг конструкцияси ва ҳисобининг физик асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Дастлаб кафедра доценти лавозимида ишлаган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, қайтгач 1946-1969 йилларда СамДУ физика факультети декани лавозимларида фаолият юритган. М.Ф.Киншаковнинг асосий илмий тадқиқотлари гелиотехника масалаларига бағишланган, илмий педагогик фаолияти эса олий ва ўрта таълим муассасаларида физика ўқитишни ташкил қилиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Самарқанд Давлат университетида ўзининг илмий ва педагогик фаолияти билан чуқур из қолдирган физиклардан яна бири Алексей Никитич Текучевдир. У Москва Давлат университети физика-технология факультети физика ихтисослигини 1930 йилда тугатгач, Самарқанд педагогика академиясига ишга жўнатилган ва дастлаб физика кафедрасига ассистент, кейинчалик доцент (1936) ва профессор (1948) бўлиб ишлайди. 1945-1956 йилларда эса СамДУ ректорининг ўқув ва илмий ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритади. Кейинчалик Россиянинг Рязан Давлат педагогика институти физика кафедраси мудири ва профессори лавозимларида ишлаган.

А.Текучев Ўзбекистонда физика соҳасида илмий тадқиқотларни йўлга қўйган ва бир қанча фан номзодлари тайёрлаган дастлабки олимлар қаторига киради. Унинг илмий фаолияти асосан гелиотехника ҳамда металл ва пленкаларнинг нур ютиш хусусиятларини ўрганиш масалаларига бағишланган, у 1935-йилда номзодлик ва 1945 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилади. Унинг номзодлик диссертацияси чучуткичнинг конструкцияси ва ишлаш принципи, уни ишлаб чиқаришнинг назарий ҳисоблашлари ва моделини экспериментал текшириш баёни тўғрисида бўлса, докторлик диссертациясида металларнинг нур ютиш хусусиятлари ва металл пленкаларининг оптик хоссаларини ўрганиш, бу пленкаларнинг ёруғликни қайтариш ва ютиш коэффициентларини аниқлаш методларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. А. Текучевнинг илмий ва педагогис, жамоатчилик фолиятлари собиқ Иттифоқнинг орден ва медаллари, Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиғи ва «Халқ маорифи аълочиси» унвонлари билан муносиб тақдирланган.

Самарқанд Давлат университетини Иккинчи жаҳон урушидан кейин қайта тиклаш, профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, моддий-техника базасини яратиш ва бир сўз билан айтганда, университетни «қайта туғилиши»да, 1944-1954 йилларда ректор бўлиб ишлаган, ўзбек олий таълими тизими ва фанига тамал тошини қўйган профессор Мусо Мўминовнинг номини халқимиз фахр билан тилга олади.

Мусо Мўминович Мўминов 1903 йилда ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида таваллуд топган. У мактабни битиргач, турли жойларда ишлаган ва 1924-1926 йилларда Москва шаҳридаги Г.В.Плеханов номидаги институтнинг ишчилар факультетида (рабфак) ўқийди, 1932 йилда Самарқанд педагогика академиясига (ҳозирги СамДУ) келади ва 1936 йилда аспирантурани тугатгач Бухоро педагогика институти директори ўринбосари ва умумий физика кафедрасининг мудири лавозимларига тайинланади. Кўп вақт ўтмай М.Мўминов М.Горкий номидаги Самарқанд педагогика ва ўқитувчилар институтига директор ва умумий физика кафедрасига мудир бўлиб ўтади (1937-1944). 1944-1954 йилларда эса Самарқанд Давлат университети ректори ва умумий физика кафедрасининг мудири (1944-1969) вазифаларида фаолият юритади.

Мусо Мўминовнинг илмий фаолияти гелиотехника, ядро физикаси, хусусан радиоизотопларнинг халқ хўжалигида қўлланиши, гамма нурланишларнинг табиати ва уларнинг тупроқ ва бошқа моддалар томонидан ютилиши, ўсимликлар, шу жумладан пахтанинг ўсиши ва ҳосилдорлигига тасири масалаларини қамраб олган. Ўзи ташкил қилган лаборатория ходимлари Ҳ.Ҳайдаров ва И.Алексанян билан ҳамкорликда пахта чигитига ^{60}Co таъсирида унинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар лаборатория шароитидагина эмас, балким Самарқанд вилоят туманлари хўжаликларда ҳам (масалан, Пастдарғом туманидаги собиқ «Москва» ва «Калинин») кенг ёйилиб, пахтанинг ҳар гектаридан 8 центнергача қўшимча ҳосил ошишига эришилган.

Мусо Мўминов 1941 йилда проф.А.Титов раҳбарлигида «Дифференциал калориметр методи билан тупроқнинг солиштирма иссиқлик сиғимини аниқлаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, доцентлик ва 1951 йилда эса профессор унвонини олади.

Ажойиб ташкилотчи раҳбар, олимнинг яна бир илмий-педагогик фаолияти йўналишларига физика фанини ўқитиш ва унинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш, амалий физика машғулотларига алоҳида эътиборни қаратиш ҳам кенг ўрин олганлигини эътироф этиш лозим. Унинг Ҳ.Ҳайдаров ва А.Кочневлар билан ҳамуаллифликдаги «Молекуляр физика» (1951), 2 қисмдан иборат «Физикадан лаборатория ишлари учун қўлланма» (1971) каби дарсликлари ўз вақтида олий ўқув юртлари талабалари учун ўзбек тилида ёзилган дарслик ва қўлланмаларнинг биринчиларидан эди.

Профессор Мусо Мўминовнинг илмий ва илмий педагогик, жамоатчилик фаолиятларини, мамлакатимизда олий таълим тизими ва илм-фанни ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги беқиёс хизматларини собиқ Иттифоқ ва республика ҳукумати муносиб баҳолаб, олий даражадаги орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

XX асрнинг ўрталарида СамДУ физика факультетида илмий тадқиқотларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшган олимлар қаторига Владимир Александрович Кизелни ҳам ҳақли равишда киритиш мумкин. Москва Давлат университетини 1932 йилда тугатган В.Кизель 1949 йилда Ўзбекистонга келади ва турли йилларда узлуксиз равишда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида, 1950 ва 1955 йилларда СамДУ оптика кафедрасининг доценти ва мудири сифатида фаолият олиб боради. 1956 йилдан бошлаб Москва Физика-техника институтига ишга ўтиб кетади. Олим Ўзбекистонда нефть маҳсулотларининг люминесцент таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, суюқлик ва эритмаларнинг оптик хоссаларини ўрганишга оид илмий тадқиқотларни ташкил қилади. Унинг, СамДУни 1936 йилда битирган Мухтор Неъматович Раҳматов (юқоридаги маълумотлар шу олим ёзган китобдан олинганлигини мамнуният билан эътироф этмоқчиман) билан ҳаммуаллифликдаги, «Суюқликларнинг кўк рангда нурланиши» тадқиқоти ўша даврдаги янги фикр ва хулосалар қаторига илмий жамоатчилик томонидан тан олинган. Олимнинг илмий раҳбарлигида 1957 йилда Анатолий Федорович Степанов номзодлик диссертациясини СамДУ оптика кафедрасида ҳимоя қилади. Унинг ўғли Владимир Анатолевич Степанов 1938 йилда Самарқандда туғилган ва 3 курсгача СамДУда ўқиб, кейин А.Жданов номидаги Ленинград Давлат университетига

(ҳозирги Санкт-Петербург Давлат университети) ўқишини кўчирган, бугунги кунда Россиядаги Рязан Давлат университети профессори, физика-математика фанлари доктори, узоқ йиллар собиқ Иттифоқда газоразрядли лазерлар бўйича бош конструктор, дунё таниган олимдир.

СамДУ тарихи билан боғлиқ бошқа машҳур физиклар тўғрисида гап кетганда Бахрилло Нарзуллаевни, 1927 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган ва университет физика факультетини 1951 йилда битириб, Тожикистон Давлат университети профессори, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбобини; Раҳматулла Холмуродович Маллинни, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» 1931-1941 йилларда Самарқанд Давлат университети физика-математика факультетининг декани, умумий физика ва назарий физика кафедраларининг мудири бўлиб, университетимизда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва ташкилий ишларга фаол иштирок этганини; Вафо Арабович Мўминовни (1927-1989), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 1948 йилда СамДУни тугатиб, физика кафедрасига ассистент(1948-1950) бўлиб ишлаганларни ҳам айтиб ўтиш лозим.

Мақоланинг бошида номлари келтирилган академиклар, олий таълим муассасаларининг ректорлари ва илмий тадқиқот институтларининг директорлари тўғрисида маълумотлар келтирмадик, чунки бу машҳур физик олимлар тўғрисида алоҳида буклетлар тайёрланган, юбилейлари муносабатлари билан кўплаб китоблар чоп этилган ҳамда Ўзбекистон энциклопедияси ва жаҳон даврий нашрларида уларнинг илмий ишлари ва ҳаёти кенг ёритилган.

СамДУ физика факультетида илмий тадқиқотларни ривожланишидаги 2-муҳим давр 1955-1985 йилларни ўз ичига олган бўлиб, айниқса, факультет декани лавозимларида ишлаган Неъмат Бадалов, Акбар Отахўжаев ва Мақсуд Мўминов каби ташаббускор ва билимли инсонларнинг ёрқин фаолиятлари билан боғлиқдир. Шу давр ичида янги ва долзарб илмий йўналишларда собиқ Иттифоқнинг нуфузли илмий марказлари ва олий ўқув юртларида ўқиган, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб келиб, университетда илмий лабораториялар ва ижодий гуруҳлар ташкил қилган, ҳозирда дунё таниган олимлар даражасига кўтарилган Ахрор Рахимов, Леонард Собиров, Неъмат Низомов, Бахром Махмудов, Облоқул Қувондиқов, Фарид Тухватулин, Рафқат Сафаров, Ортиқ Пардаев, Амри Турсунов, Абдиҳаким Носиров, Сулаймон Муродов, Толиб Мўминов, Амриддин Холиқулов, Рустам Ахмеджанов, Рустам Ибодов, Умар Салихбаев ва уларнинг издошларининг илмий педагогик фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

Бу олимларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли олдин мавжуд бўлган оптика ва спектроскопия ҳамда ядро физикаси мактаблари кенгайиб, янги илмий йўналишлар шаклланди – ночизиқли оптика ва лазер физикаси, молекуляр люминесценция, космик нурлар физикаси, назарий физика ва ҳ.к.

Мустақиллик йилларида физика факультетида иқтидорли ёшларни илмий ижодий муҳитга олиб киришга янада катта эътибор берилди. Масалан, 2016 йилда 2 та ходимимиз фан докторлиги диссертациясини ёқлаган бўлса, улардан бири П.Редкин 29 ёшда фан доктори бўлди. Ҳозирда магистратура ҳамда докторантурада оптика; лазер физикаси; назарий физика; атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, тезлаштирувчи техника; конденсирланган муҳит физикаси ва материалшунослик; гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш; астрономия каби мутахассисликлар бўйича ўнлаб иқтидорли ёшлар таҳсил олишмоқда. 1995-2016 йилларда физика факультетининг бакалавр талабалари ва магистрантлари ичидан 10 дан ортиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти номидаги давлат стипендиялари (Лазиз Тўрақулов, Шавкат Низомов, Барий Осмонов, Павел Редкин ва ҳ.к.) ҳамда Улуғбек ва Буруний номидаги давлат стипендиялари совриндорлари бўлишди.

Мустақиллик бошқа соҳалар каби, илм-фан соҳасида ишлайдиганларга ҳам кенг ва қулай имкониятлар яратилди. Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Олий аттестация комиссияси (ОАК) ва шаклланган илмий мактаблар базасида ОТМ ва ИТИлариИ хтисослашган Кенгашлар (ИК) тузилди. Шу жумладан, ОАК қарорига асосан Самарқандда, СамДУ қошида «Оптика» йўналиши докторлик диссертацияларни ҳимоя қиладиган ИК тузилди. Кенгаш раиси академик А.К.Отахўжаев, раисининг ўринбосари этиб профессор Н.Низомов тайинланди, кейинчалик бу кенгашни Н.Низомов бошқарди. 2003 йилдан бошлаб Кенгаш аъзолари таркиби қўшимча мутахассислар киритиш ҳисобига, «Магнит ҳодисалар физикаси» ихтисослиги бўйича ҳам диссертациялар ҳимоя қилишга рухсат берилди.

Бу йўналиш республикамизда фақат СамДУда очилганлиги эътиборга лойиқдир. 2009 йилда Ўзбекистон ФА Иссиқлик физикаси бўлими ва СамДУ қошида лазерлар физикаси, оптика, молекуляр физика ва магнит ҳодисалар физикаси бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қиладиган бирлаштирилган ИК тузилди.

Ҳозирда ҳам нуфузли физик-олимларимиз иштирокида ЎзФА Физика-техника институти қошида ташкил қилинган Илмий кенгашларнинг фаол аъзоларидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4958 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2789 сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида СамДУ базасида ЎзФА илмий тадқиқот институтлари, нуфузли университет ва институтлар олимлари билан ҳамкорликда оптика, лазер физикаси, конденсирланган ҳолатлар физикаси ихтисосликлари бўйича ПҳД ва фан докторлиги илмий даражаларини олиш учун Илмий кенгашлар очиш таклиф-асос номалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этилди.

Бугунги кунда физика факультети ходимлари томонидан 2 та халқаро (СНСП, НАТО) ва 10 дан ортиқ республика грантлари доирасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Физик олимларимиз ҳар йили Тошкент шаҳрида ўтказилаётган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси»нинг фаол иштирокчиларидир. Масалан, 2011 йилдаги ярмаркада «Икки ҳажмли фаол қувватли ультрабинафша импульсли азот лазери» ишланмаси 1-даражали диплом билан тақдирланди (Н.Эшкобилов, А.Холманов). Физикларимизнинг илмий тадқиқот натижалари чет эллардаги нуфузли журналларда (Пҳйсисал Ревиэw, Жоурнал оф Раман Спестроссопй; Журнал оф Молесулар Струстуре; Квантоваяэлектроника; Оптикаиспектроскопия; Атомнаяфизикавах.к..) чоп этилмоқда ва уларга берилган иқтибослар миқдори 3 мингдан ортиқдир.

СамДУ физика факультетининг юксак илмий ва техник салоҳияти туфайли ҳар йили университетимиз базасида бир қатор ҳалқаро ва республика миқёсидаги конференция, симпозиум ва семинарлар ўтказилади. 2009 йилда ЎзФА Астрономия институти ва ЮНЕСКО ташкилотчилигида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги ва «Халқаро астрономия йили-2009» га бағишлаб «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси», 2013 йилда ЎзМУ Амалий физика илмий тадқиқот институти билан «Оптика ва фотоника», 2016 йилда ЎзФА Ион-плазма ва лазер технологиялари, ЎзМУ ҳамкорлигидаги «Молекуляр физиканинг долзарб муаммолари» конференциялар шулар жумласига киради.

Факультетда замонавий физиканинг қатор соҳалари бўйича изчил тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган «МТ-22С» микротрон базасида ташкил қилинган Ядро физикаси лабораториясида ядро физикаси ва элементар зарралар, радиацион физика йўналишларида академик Толиб Мўминов раҳбарлигида ўта нозик, техник ва технологик жиҳатда мураккаб экспериментлар йўлга қўйилган. Айниқса, назарияларда башорат қилинган металларнинг силлиқ сиртидан юқори энергияли зарраларни кўзгусимон қайтишини экспериментларда кузатишнинг ўта нозик ва мураккаб усули жаҳонда биринчи бўлиб амалга оширилди. Кейинги 10 йилда Ядро физикаси лабораторияси олимлари ва мутахассилари томонидан фундаментал, амалий ва инновацион давлат лойиҳалари доирасида 6 та грант ва 4 та хўжалик шартномалари ҳамда 3 та чет эл грантлари бажарилди, ЎзФА Ядро физикаси институти мутахассислари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материалларини радиацион назорат қилувчи текширув лабораторияси» ташкил қилинди (2011 й.), СНСП лойиҳаси (Буюк Британия) доирасида 6 комплект замонавий синтилляцион спектрометрлар харид қилинди ва ўрнатилди, дастурий таъминотли МКГБ-01 маркали бетта нурланиш манбаси олинди. ЯФЛ олимлари томонидан ёмғир таркибида қисқа яшовчи радон Ра ($T_{1/2}$=26,8 мин) ва бериллий ^{214}Би ($T_{1/2}$=19,9 мин) радионуклидларини аниқлашнинг оригинал (ўзига хос) спектроскопик усулларини, радионуклидларни ёғингарчилик туфайли тушиши усули ёрдамида Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидаги тупроқнинг емирилиши (эрозияси) даражасини баҳолашни ишлаб чиқишди (Т.Мўминов, Ш.Хушмуродов, А.Сафаров). Бу тадқиқотлар Россия ФА Бирлашган ядро

тадқиқотлари институти (Дубна ш.) ва Рентгеноптикаси институти (Москва ш.), ЎзФА Ядро физикаси институти (Тошкент ш.) ва ЎзМУ олимлари ҳамкорлик асосида амалга оширилмоқда. Академик Толиб Мўминов ядро физикаси ва элементар зарралар физикаси соҳасидаги тадқиқотлари учун бир гуруҳ олимлар қаторида Беруний номидаги давлат мукофотини олишга сазовор бўлди. Мустақиллик йилларида ЯФЛ базасида 2 та докторлик ва 10 та номзодлик диссертациялари тайёрланди ва ҳимоя қилинди.

Физика факультети ЯФЛ ҳудудида 2007 йилда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ичида биринчилардан бўлиб, СамДУнинг ички имкониятлари ва ЎзФА Астрономия институтининг илмий-техник салоҳияти ва амалий ёрдами (проф.Ш.Эгамбердиев) натижасида Германияда ишлаб чиқарилган оптик кўзгусининг диаметри 0,48 м бўлган «Граб Парсонс» маркали телескоп базасида «Астрономия илмий-ўқув маркази» ташкил қилинди (доц. А.Ажабов). Бу обсерваторияда университет талабаларидан ташқари ҚарДУ, БухДУ, НавДПИ, ЖизДПИ ҳамда Самарқанд шаҳридаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талабалари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари астрономия фанидан амалий машғулотлар ўтказиш, осмон жисмларини кузатиш имкониятларига эга бўлдилар. Бу яратилган имкониятлар ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан Улуғбек ватани бўлмиш Самарқанд шаҳрида, СамДУда астрономия таълим йўналиши бўйича бакалавриат ва магистратура таълими очилди. Шунингдек, 40 йиллардан буён қуёш портлашлари ва чақнашларини, улар натижасида юзага келадиган космик бўронларни мунтазам мониторинг қилиш мақсадида «Кенг атмосфера ёғдуси» номли супер монитор ишлаб турибди ва қуёшнинг 11 йиллик цикллари қайд қилиб борилмоқда (проф. Б.Махмудов, доц. Т.Алимов). Ушбу мураккаб қурилмаларда олинган илмий натижалар асосида СамДУ базасида кўплаб халқаро конференция ва симпозиумлар ўтказилди ва бу тадбирларда дунёнинг машҳур олимлари қаторига физика соҳасида Нобел мукофотининг совриндорлари (П.А.Черенков, В.Л.Гинзбург, И.М.Франк, Б.М.Понтекорво) ҳам Самарқандга ташриф буюришган.

Академик А.Отахўжаевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида ташкил қилинган «Молекуляр спектроскопия» муаммовий илмий лаборатория нафақат Ўзбекистонда машҳур, шунингдек, чет элларнинг нуфузли илмий марказлари ва университетларининг физик олимлари томонидан ҳам тан олинган ва ўзига хос нуфузга эга. Мазкур лаборатория базасида 10 га яқин фан докторлари ва 30 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди. Лаборатория илмий натижалари ва салоҳияти асосида Самарқандда оптиклар мактаби шаклланди ва кейинчалик унинг таркибидан молекуляр люминесценция (Н.Низомов), лазер физикаси ва ночизиқли оптика (Л.Собиров), лазер спектроскопияси (А.Турсунов, Н.Эшқобилов) илмий йўналишлар мустақил тузилмаларга айланди.

Ҳозирги кунда молекуляр спектроскопия лабораториясида 2 нафар фан доктори ва 5 нафар фан номзоди, 1 нафар докторант ва 6 нафар магистрантлар илмий тадқиқотлар билан шуғулланишмоқда. Лаборатория ходимлари (А.Жумабаев, У.Ташкенбаев, Ҳ.Хушвактов ва бошқ.) ўз-ўзидан ташкилланувчи системаларнинг шаклланиш механизмлари табиатини янги лазер технологияларини қўллаш орқали аниқлашга доир тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Улар томонидан нанокластерларнинг геометрик тузилиши ва боғланиш энергияларини, полимер ва полимерсимон муҳитлардаги алоҳида ажратилган молекула ва молекуляр агрегатларнинг электрон тузилиши ва спектроскопик параметрларини ёруғликнинг комбинацион сочилиши ва инфрақизил ютилиш спектрлари асосида ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Бу илмий йўналишларда 1 та республика фундаментал гранти бажарилмоқда ҳамда Санкт-Петербург Давлат университети ва Киев Миллий университети билан ҳалқаро ҳамкорлик асосида изланишлар давом этмоқда. Лаборатория ходимларининг илмий тадқиқот натижалари ҳар йили «Ўзбекистон физика журнали» ҳамда чет элларнинг нуфузли, жумладан, Journal of Raman Spectroscopy; Journal of Molecular Structure; Оптика и спектроскопия каби физика журналларида чоп этилаяпти. 2009 йилда лаборатория ходимлари (Ф.Тухватуллин, А.Жумабаев) Киев Миллий университети (Л.Булавин, В.Погорелов) ва Ўзбекистон Миллий университети (Ш.Отажонов), ЎзФА Иссиқлик физикаси институти бўлими (П.Ҳабибуллаев) ҳамкорлигида «Динамика молекул в жидкостях» номли ва 2014 йилда эса Ф.Тухватулин, У.Ташкенбаев, А.Жумабаев, Ҳ.Хушвақтов, А.Абсановларнинг «Структура молекулярных

агрегатов в жидкостях и их проявления в спектрах комбинационного рассеяния» монографиялари «Фан» нашриётида чоп этилди.

СамДУда «Молекуляр люминесценция» лабораторияси проф.Н.Низомов ва МДУ профессори Л.В.Лёвшинларнинг саъйи –ҳаракатлари туфайли 1970 йилларда ташкил қилинган бўлиб квант электроникаси, биология тиббиёт, экология ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиладиган буёқларни спектрал-люминесцент ва фотокимёвий характеристикалари эритмаларда, полимер матрицаларда ва пленкаларда ўрганиб келинмоқда. Кварц сиртида юпқа қатламларда кумушсиз фотоматериаллар олиш (Н.Низамов ва бошқ.) ҳамда полимер матрицаларда киритилган буёқлар асосида янги дозиметрлар яратилди (Н.Низамов ва бошқ.)

Молекуляр люминесценция лабораториясида 3 та докторлик ва 21 та номзодлик диссертациялари тайёрланди. Шогирдларнинг кўпчилиги лабораторияда олган йўналишларини Ўзбекистон ва чет элларда муваффақиятли давом эттирмоқдалар С. Астанов (БухИТИ), З.Н.Тураева (РФАДОИ), В.И.Власкин (АҚШ), Ш.Н.Низамов (Бранденбург техника университети). Умуман, люминесценция мактаби ходимлари томонидан Ўзбекистон, Россия, Корея ва бошқа давлатларнинг 100 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаларини олишган.

Лаборатория ходимлари ўз тадқиқотларини халқаро (Украина илмий техника маркази, ЭсоНет (Франция) фонди) ва қатор республика грантлари асосида ҳамда Киев миллий университети, Украина Миллий академия фанлари Молекуляр биология ва генетика институти ва бошқа халқаро илмий марказлар ходимлари билан ҳамкорликда бажарилмоқда. ЎзФА Биоорганик кимё институти (проф.Б.Ибрагимов) билан пахта ёғи таркибидаги кансероген модда госсиполни аниқлашни тезкор усули ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу ишлар асосида госсиполни улчайдига ихчамгина қурилма яратилди.

Лабораторияда олинган натижалар АҚШ, Франция, Германия, Россия ва бошқа давлатларда ўтказилган қатор халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилиб, юзлаб мақолалар нуфузли чет эл журналларида («Journal of Molecularli quids», «Оптика и спектроскопия» ва бошқалар) чоп этилган.

Профессор Л.Сабиров раҳбарлигида «Квант электроникаси ва ночизиқли оптика» лабораториясида ёруғликни спонтан ва мажбурий сочилиши, суюқликларда таркибий фазовий ўтишларни экспериментларда кузатиш ва уларни физикавий табиатини тушунтириш бўйича изчил тадқиқотлар ўтказилмоқда. Лаборатория ходимлари томонидан яратилган ва замонавий талаблар бўйича такомиллаштирилган қурилмаларда дунё олимлари эътироф қиладиган илмий натижалар олинган, жумладан, профессор Л.Сабиров, академик А.Отахўжаев ҳамда Россия ФА Физика институти олимлари профессор Л.ФАбелинским ва В.Старуновларнинг илмий ишларига Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган.

«Лазер спектроскопияси» лабораторияси 1974 йилда доцент А.Турсунов ва акад.Р.Хохловларнинг (МДУ) ташаббуслари билан ташкил этилган. Ушбу лабораториянинг асосий мақсади атом ва молекулаларнинг юқори уйғонган квант ҳолатларини тадқиқ қилиш ва олинган натижаларни фан ва техниканинг амалий соҳаларига татбиқ қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ҳамда шу соҳа бўйича миллий кадрларни тайёрлашдан иборат эди. 1974-2017 йилларда лаборатория базасида 5 та халқаро ва республика илмий грантлари, 5 та хўжалик шартномалари бажарилди, 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 10 та монография ва ўқув қўлланмалар чоп этилди, 5 та илмий ишланма(патент)лар олинди, 2 нафар фан доктори ва 5 нафар фан номзодлари етишиб чиқди.

Самарқанд магнетизм илмий мактаби Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб, профессор О.Қувондиқов томонидан 1970 йилларда ташкил қилинган. «Сийрак ер ва ўткинчи элемент металл қотишмалари ҳамда ўзаро бирикмаларнинг электр, магнит ва гальваномагнит хоссаларини кристалл, аморф ва суюқ ҳолатларда текшириш» илмий йўналишларида 2 нафар фан доктори (О.Қувондиқов, Д.Сайфуллаева) ва 12 нафар фан номзодлари (Х.Шакаров, И.Субхонқулов, Н. Хамраев,Р.Ражабов,З. Шодиев ва ҳ.к.) тайёрланган, 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги конференциялар ўтказилган, 300 га яқин илмий мақолалар, 10 дан ортиқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилган, бир нечта чет эл ва республика грантлари бажарилган.

Қаттиқ жисмлар физикаси соҳасидаги изчил тадқиқотлар 1972-1995 йилларда кристалл ва шишаларнинг акустооптик хоссаларини ўрганиш бўйича (А.Носиров, С.Муродов,

Ф.Ахмеджанов, Ғ.Ғуломов) РФА Физика –техника институти (проф. В.Леманов) ва ЎзФА Ядро физикаси институти (акад. Ш.Воҳидов) билан ҳамкорликда олиб борилган. Ҳозирги кунда замонавий электроника ва қуёш энергетикаси материалларини синтез қилиш, кичик ўлчамли структуралар ва юпқа қатламли пленкалар олиш, уларнинг электр, магнит, галвонамагнит ва оптик хоссаларини тадқиқ қилиш ва амалиётга қўллаш бўйича экспериментал ва назарий изланишлар олиб борилмоқда (рах.доц. Э.Арзиқулов).

Назарий физика соҳасидаги изланишлар ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш Л.Г.Яковлев (1956-1962), Р.Сафаров (1966-1975), О.Пардаевлар (1975-1987) кафедра мудири бўлиб ишлаган даврларга тўғри келади. Жумладан, ЎзФА академиги Назар Тўраев, Ядро физикаси институти профессори Раҳим Ярмуҳамедов, СамДУ профессори Рустам Ибодов, ЎзФА Астрономия институти профессори Бобомурод Ахмедовлар шу кафедрада таҳсил олганлар. Дастлаб квант электродинамикаси масалалари, гравитация ва иссиқлик назариялари ўрганилган (Л.Яковлев, Н.Митскевич), кейинчалик ярим ўтказгичларда ультратовушларни ютилиши ва кучайиши назариясига доир тадқиқотлар давом эттирилган (О.Пардаев). СамДУ доценти О.Пардаев, ТожФА академиги А.Адхамов ва РФА Физика-техника институти профессори Ю.М.Галперинлар ҳаммуаллифлигида «Физические основы акустоэлектроники» монографияси чоп этилган (1986). Профессор Р.Ибадов раҳбарлигида Эйнштейн тенгламаларининг янги ечимлари ва коинотдаги «қора ўралар»нинг пайдо бўлишининг назарий жиҳатлари ўрганилмоқда.

Фанлар тарихининг гувоҳлик беришича, астрономия фани физика фанидан анча олдин шаклланган. Физиканинг энг бирламчи ўрганиш объекти –бу ёруғлик (электромагнит тўлқинлар) ва умуман физика фани жисмларнинг ҳаракат қонуниятларини ўрганиши эътиборга олсак, буюк бобомиз Мирзо Улуғбек осмон жисмлари (юлдузлар) ҳаракатини ва уларни координаталарини ёруғлик асосида ўргангани унинг илмий кузатишлари физика соҳасидаги дастлабки тадқиқотларга киришининг гувоҳи бўламиз. Астрономия ва физика фанлари Ойнинг турли томондан ёки турли вақтларда кўринишидир, холос.

Бу фикримиз эса “Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам Улуғбек мадрасайи олиясининг таъсис этилиш тарихига (1420-мелодий йил) бориб тақалади. 1927 йил эса унинг қайта тикланиши тарихи сифатидагина қаралиши мақсадга мувофиқдир”, деган таниқли адабиёт шунос олим, академик Ботурхон Валихўжаевнинг хулосаларига ҳам оҳанг бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, СамДУ физик олимлари жонажон университетимизнинг 90 йиллик юбилейини муносиб кутиб олмоқдалар ва келгусида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарорини амалга ошириш орқали мамлакатимиз халқ хўжалигига замонавий кадрлар етиштириб беришда бутун куч ва имкониятларидан фойдаланадилар.

Адабиётлар

1. Самаркандский государственный университет. Краткий исторический очерк (1927-1987). Под общей редакцией проф.М. Д.Джуракулова. -Т.: Изд-во «Фан», 1990.-247с.
2. Раҳматов М.Н. Ватанимиз физиклари. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. –Т.: «Ўқитувчи», 1983.-432 б.
3. Устоз, олим, ғамхўр мураббий. Мусо Мўминович Мўминов. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2003.-18 б.
4. Атаходжаев Акбар Касымович. Библиографический очерк. –Самарканд: Изд-во СамГУ, 2016.- 61 с.
5. Низомов Н., Курталиев Э.Н., Арзибеков У. Самарқандда камол топган физик-академиклар. –Самарқанд, СамДУ нашри, 2015. –136 б.
6. Қодиров М. Самарқанд илмий мактаблари: молекуляр люминесценция мактаби ва унинг асосчилари. –Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. –88 б.

УДК 535.36:534.2

К ВОПРОСУ ОБ ИЗБЫТОЧНОМ ПОГЛОЩЕНИИ ВЫСОКОЧАСТОТНОГО ЗВУКА В ОКРЕСТНОСТИ ОСОБОЙ ТОЧКИ РАСТВОРА

Л.М.Сабиров, Д.И.Семенов

Самаркандский Государственный университет

Введение

Спектроскопия рассеяния света представляет собой эффективный метод для изучения критических явлений в жидкостях, значительно расширяя представления о природе критического состояния. Исследования индикатрисы интенсивности рассеянного света вблизи критической точки, а также измерения спектральной ширины света, рассеянного на флуктуациях параметра порядка, позволили подтвердить предсказания масштабной теории (скейлинг) для поведения ряда равновесных и кинетических коэффициентов вблизи критической точки. Однако, несмотря на успехи, достигнутые масштабной теорией, не все особенности критического состояния вещества изучены. Прежде всего, практически экспериментально малоизучен вопрос о характере распространения гиперзвука в окрестности особой точки растворов. Необходимость такого рода исследований определяется тем, что высокочастотная акустическая спектроскопия дает возможность получения недостающей информации о корреляционных свойствах жидкостей на малых расстояниях.

Экспериментальное и теоретическое исследование процессов в критической области представляет собой актуальное направление современной физики в связи с тем, что теория конденсированного состояния недостаточно развита, а сами явления в области фазовых переходов второго рода протекают очень похожим образом, т.е. существует изоморфизм критических явлений. Это важное свойство критических явлений дает возможность выбора удобного объекта исследования и распространение полученных результатов на другие, не изученные объекты.

Существенную информацию о динамике критических явлений дают исследования характера распространения ультра- и гиперзвука. Скорость и затухание гиперзвука определяется обычно из спектров рассеяния Мандельштама-Бриллюэна [1]. Эти спектры возникают вследствие рассеяния света на адиабатических флуктуациях плотности.

Экспериментальные исследования распространения ультра- и гиперзвука вблизи критических точек и фазовых переходов второго рода предпринимались уже давно. Фиксман [2] и Кавасаки [3] на основе теории взаимодействующих мод описали поведение скорости и коэффициента поглощения ультразвука вблизи критических точек расслаивания. Формулы этих теорий, а также их дальнейших модификаций, удовлетворительно согласуются с экспериментальными данными в ультразвуковом диапазоне частот, где $\Omega\tau\leq1$ (Ω – частота звука, τ – время релаксации флуктуаций параметра порядка). В области высоких частот, где $\Omega\tau>1$, формулы указанных теорий предсказывают уменьшение критического вклада в коэффициент поглощения звука. При $\Omega\tau>1$ поведение кинетических свойств лучше описывается теорией «динамического скейлинга» [4]. При этом происходит замена характерного размера r_C в системе на волновое число звуковой волны q^{-1}, и кинетические свойства, согласно теории, перестают зависеть от близости к критической точке.

Попытка построения общей теории распространения звука и рассеяния света в растворах с особой линией, особой точкой и в расслаивающихся растворах была сделана Чабан [5] с учетом нелокальности, которая в сочетании с теорией взаимодействующих мод позволила получить выражения, описывающие экспериментальные данные также и при $\Omega\tau>1$. С помощью этой теории удается достаточно хорошо описать поведение дисперсии скорости и коэффициента поглощения ультразвука вблизи критических точек вплоть до $\Omega\tau\approx50$.

Однако попытки применить теорию к расчету коэффициента затухания гиперзвука в растворе с куполом расслаивания не увенчались успехом [6], что стимулировало поиск новых подходов к проблеме описания гиперакустических свойств растворов в окрестности точки расслаивания, двойной критической и особой точки термодинамически неустойчивого состояния.

В настоящей работе проведено исследование температурной зависимости коэффициента поглощения гиперзвука в окрестности температуры особой точки раствора ацето-вода. Полученные экспериментальные результаты проанализированы с точки зрения современных представлений о характере распространения высокочастотного звука в сильно флуктуирующих средах.

Эксперимент

Исследование коэффициента поглощения гиперзвука осуществлялось по спектрам линейно-поляризованного молекулярного рассеяния света путем измерения величины частотного смещения компонент Мандельштама-Бриллюэна (КМБ). Для изучения КМБ была использована экспериментальная установка с двухпроходным интерферометром Фабри-Перо (контраст интерференционной картины ~10^5, область дисперсии 0.625 $см^{-1}$). Спектр рассеянного света сканировался изменением давления в камере интерферометра. Рассеяние возбуждалось одночастотным излучением He-Ne лазера (λ=632.8 нм, мощность ~2 мВт). Возбуждающий свет был поляризован перпендикулярно плоскости рассеяния.

Частотный сдвиг КМБ $\Delta\nu$ от частоты возбуждающего света ν_0 равен

$$\Delta\omega = \Omega_0 = \pm 2n\omega_0 \frac{V}{c}\sin\frac{\theta}{2} \qquad (1)$$

где n – показатель преломления, V – скорость распространения гиперзвуковой волны, c – скорость света в вакууме, θ – угол рассеяния.

Полная спектральная ширина КМБ на половине максимальной интенсивности определяется временным коэффициентом затухания звуковой волны δ[1]:

$$\delta\omega_{МБ}=2\delta \qquad (2)$$

Временной коэффициент затухания выражается через амплитудный коэффициент α:

$$\delta=\alpha V \qquad (3)$$

где V – скорость звука.

Как было найдено в работе [7] при измерении поглощения ультразвука в растворе ацетон-вода, концентрация ацетона, соответствующая максимуму поглощения ультразвука и минимуму стабильности раствора, составляет 0.4 мольной доли ацетона. Измерения в настоящей работе проводились именно для раствора этой концентрации. Температура особой точки $T_0 \approx 24\ ^0$C [8].

Результаты эксперимента и анализ

Определенные по ширине КМБ значения коэффициента поглощения α гиперзвука в растворе ацетон-вода приведены на Рис.1. Как видно из рисунка, с изменением температуры раствора α изменяется немонотонно и на зависимости $\alpha(t)$ отчетливо наблюдаются два максимума. Положение высокотемпературного максимума совпадает с температурой особой точки (ОТ). Температурная зависимость избыточной (критической) части поглощения в окрестности температуры ОТ напоминает λ-кривую, что противоречит классическим теориям поглощения звука вблизи критической точки. В случае гиперзвука произведение частоты на время релаксации флуктуаций $\Omega\tau >> 1$, и теории предсказывают уменьшение критического вклада в поглощение, а в эксперименте критическая часть поглощения растет.

Рост коэффициента поглощения гиперзвука вблизи критической точки расслаивания, двойной критической и особой точки экспериментально наблюдался и ранее, хотя такие работы весьма малочисленны [8, 9-14].

Несостоятельность классических теорий для описания поведения коэффициента поглощения вблизи критической точки стимулировала разработку современной теории Чабан [15].



Рис.1. Температурная зависимость коэффициента поглощения гиперзвука в растворе ацетон-вода. Сплошные линии – расчет по формулам теории Чабан [15]. Пунктирная линия – фоновая (некритическая) часть поглощения.

Классические теории описывают именно поглощение ультразвука, т.е. потери звуковой волны из-за перехода ее энергии в тепло. Такой переход обусловлен запаздыванием изменения плотности среды относительно изменения давления в волне при наличии релаксации в среде. Однако затухание звуковой волны может быть обусловлено как поглощением, так и рассеянием звука на неоднородностях.

В теории Чабан предполагается, что основным механизмом затухания гиперзвука в среде с развитыми флуктуациями при больших величинах $\Omega\tau$ является рассеяние гиперзвуковой волны на флуктуациях концентрации. Коэффициент затухания, вызванный рассеянием гиперзвуковой волны, будет описывать ширину компонент Мандельштама-Бриллюэна в спектре рассеянного света подобно коэффициенту поглощения звука. На ультразвуковых частотах такой вклад в поглощение несущественен, поскольку длина волны ультразвука много больше радиуса корреляции флуктуаций в условиях стандартных экспериментов. Длина гиперзвуковой волны сравнима с радиусом корреляции. Это обстоятельство приводит к заметному рассеянию гиперзвука, связанному с некогерентным сложением рассеянных волн (складываются их интенсивности).

Согласно Чабан [15], при изменении концентрации меняется плотность жидкости и ее сжимаемость β. Соответственно, флуктуации концентрации вблизи критической точки порождают не только оптические, но и акустические неоднородности в среде.

Не углубляясь в детали теории, приведем ее основной результат, который может быть использован для сопоставления с данными эксперимента. Для критической части поглощения теория Чабан дает следующее выражение:

$$\alpha = (G/B_1^{PP}) \times [(T - T_{PP})^2 + a_1(x - x_{PP})^2 + a_2]^{-\gamma} \qquad (4)$$

Здесь γ – критический индекс обобщенной восприимчивости, x –концентрация, T_{PP} и x_{PP} – абсолютные температуры и концентрации, соответственно, особой точки, a_1, a_2, и B_1^{PP} – некоторые постоянные, G – слабо зависящая от температуры величина.

Полагая, что концентрация нашего раствора точно соответствует концентрации особой точки ($x - x_{PP} = 0$), получим:

$\alpha = (G/B_1^{PP}) \times [(T - T_{PP})^2 + a_2]^{-\gamma}$ (5)

При температуре особой точки $T = T_{PP}$ критический вклад в поглощение принимает максимальное значение $\alpha_{max} = (G/B_1^{PP}) \times a_2^{-\gamma}$ или $G/B_1^{PP} = \alpha_{max} \times a_2^{\gamma}$. Подставляя последнее выражение в (5), получим:

$$\alpha = \alpha_{max} \times \left(\frac{a_2}{(T - T_{PP})^2 + a_2} \right)^{\gamma} \qquad (6)$$

Параметр a_2 в теории имеет смысл квадрата расстояния (по температуре) от особой точки до двойной критической точки. Принципиальным моментом теории является выбор величины критического индекса обобщенной восприимчивости γ, определяющего температурный ход критической части поглощения в окрестности ОТ. В нашем исследовании никаких изначальных предположений о величине γ не делалось, и параметры γ и a_2 определялись путем минимизации суммы средних квадратов отклонений экспериментальных данных от кривой, рассчитанной по формуле (6). Полученные результаты приведены в таблице 1 и на рис.1.

Как видно из таблицы и рисунков, теория адекватно описывает рост поглощения гиперзвука в окрестности температуры ОТ. Критический индекс восприимчивости γ=1, следовательно, критическая динамика флуктуаций в окрестности ОТ раствора описывается в рамках теории Ландау.

Наличие двух максимумов поглощения гиперзвука, установленная нами ранее сингулярность поведения адиабатической сжимаемости, а также согласованное описание этих явлений в рамках теорий Ландау и Чабан указывает на существование в изученных растворах двух различных состояний с минимумом термодинамической стабильности, разнесенных по температуре.

Таблица 1.

Критический индекс восприимчивости γ и квадрат расстояния a_2 от особой до двойной критической точки в растворе ацетон-вода (высокотемпературный максимум поглощения гиперзвука) и эти же параметры для низкотемпературного максимума.

Раствор ацетон-вода	**γ**	**a_2**
Высокотемпературный максимум	1±0.05	0.07±0.01
Низкотемпературный максимум	1±0.08	6.6±0.5

В окрестности температуры ОТ система характеризуется высоким уровнем флуктуаций параметра порядка (флуктуаций концентрации в случае ОТ раствора) ввиду наибольшей близости к ДКТ. Недостижимость ДКТ «обрезает» радиус корреляции флуктуаций, и их динамика описывается в приближении теории Ландау. При меньшей температуре система также термодинамически нестабильна, но уже вследствие структурного фазового перехода. Флуктуациями параметра порядка в этом случае являются флуктуации концентрации «дырок» (т.е. областей, в которых структура отсутствует). Динамика флуктуаций концентрации «дырок» также описывается теорией Ландау.

Заключение

Основные выводы настоящей работы:

1. Избыточное спектральное уширение компонент тонкой структуры спектра в окрестности особой точки обусловлено взаимодействием адиабатических флуктуаций плотности с флуктуациями параметра порядка, приводящим к росту коэффициента затухания гиперзвука за счет его некогерентного рассеяния на флуктуациях параметра порядка;
2. Динамика флуктуаций в окрестности температуры особой точки исследованных водных растворов описывается теорией Ландау фазовых переходов второго рода с критическим индексом обобщенной восприимчивости $\gamma=1$;
3. Наличие двух максимумов в температурной зависимости коэффициента поглощения гиперзвука, сингулярность поведения смещения компонент тонкой структуры спектра и адиабатической сжимаемости, а также согласованное описание наблюдаемых явлений в рамках теорий Ландау и Чабан обусловлено существованием в растворе двух различных состояний с минимумом термодинамической стабильности.

Литература

1. Фабелинский И.Л. Молекулярное рассеяние света. - М.: Наука, 1965. - 511 с.
2. Fixman M. Absorption and dispersion of sound in critical mixtures // J. Chem. Phys., 1962. - V.36. - P.1961.
3. Kawasaki K. in: Phase Transitions and Critical Phenomena, ed. By M.S. Green and C. Dome, Acad. Press, New York - London. 1976, - V.5A. - P.165.
4. Kadanoff L., Swift J. Transport coefficients near the liquid-gas critical point // Phys. Rev., 1968. - V.166. - P.89.
5. Чабан И.А. Общая теория распространения звука и рассеяния света в растворах с сильными флуктуациями концентрации // Акустический журнал, 1983. - Т.29(5). - С.685.
6. Кривохижа С.В., Чайков Л.Л. Попытка описания с помощью нелокальной теории экспериментальной температурной зависимости поглощения гиперзвука в критическом растворе с областью расслаивания // Краткие сообщения по физике ФИАН, 2004. - вып.1. - С.32.
7. Бажулин П.А., Мерсон Ю.М. Поглощение ультраакустических волн в смеси ацетон-вода // Доклады АН СССР, 1939. – т. 24(7). – с. 689.
8. Исмаилов Э., Сабиров Л.М., Туракулов Я., Утарова Т.М. Температурная зависимость скорости и коэффициента поглощения гиперзвука в растворе ацетон-вода // Физика жидкого состояния, 1985. - вып. 13. – с. 99.
9. Garrabos Y., Zalczer G., Beyasens D. High-resolution Rayleigh-Brillouin spectroscopy in the critical mixture nitroethane-isooctane // Phys. Rev. A, 1982. - V.25. - PP.1147-1159.
10. Кривохижа С.В., Сабиров Л.М., Туракулов Я., Утарова Т.М. Изучение спектра рассеяния света и распространения ультра и гиперзвука в растворе β - пиколин - вода // Письма ЖЭТФ, 1980. - Т.31(2). - С.746-749.
11. Sabirov L.M., Semenov D.I., Haidarov H.S. Negative dispersion of high-frequency sound velocity in aqueous solutions of non-electrolyte in the vicinity of the singular point concentration // Украинский физическийжурнал, 2015. – Том 60, – № 9. – С. 872–875
12. Коваленко К.В., Кривохижа С.В., Фабелинский И.Л., Чайков Л.Л. Распространение гиперзвука в области верхней, нижней и двойной критических точек в жидком растворе // Письма в ЖЭТФ, 1993. - Т.58. - С.395-398.
13. Коваленко К.В., Кривохижа С.В., Фабелинский И.Л., Чайков Л.Л. Распространение гиперзвука в растворе с особой точкой // Кр. сообщ. по физике ФИАН, 2001. - вып.2. - С.40-45.
14. Fabelinskii I.L., Chaikov L.L., Kovalenko K.V., Krivokhidzha S.V. Propagation of hypersound and ultrasound in a liquid solution undergoing a phase transition // Laser Phys., 2003. - V.1. - PP.332-336.
15. Кривохижа С.В., Чабан И.А., Чайков Л.Л. Скорость и затухание гиперзвука в критической области раствора // ЖЭТФ, 2005. - Т.127(3). - С.623-632.

УДК: 53(575.141)

ФЛАГМАН ФИЗИЧЕСКОЙ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

А.Бабаходжаев
Самаркандский государственный университет

В мире есть немало научных школ и направлений, служащих на благо общества. В Самаркандском государственном университете было и функционирует несколько таких научных школ. Одной из таких является школа молекулярной люминесценции, функционирующая при СамГУ.

История Самаркандской школы молекулярной люминесценции берет начало с середины 60-х годов прошлого столетия. В 1964 году, будучи студентом IV курса физфака МГУ Н. Низомов обратился к Л.В.Левшину – ученику акад. С.И.Вавилова, изъявив желание вести научно-исследовательскую работу в лаборатории люминесценции. В то время природа широко распространенного явления концентрационного тушения люминесценции (КТЛ) была дискуссионной. Перед Н.Низомовым была поставлена задача: экспериментально проверить основные положения теории КТЛ. Молодой ученый экспериментально доказал, что основной причиной КТЛ является образование не флуоресцирующих агрегатов. Эти результаты были опубликованы в соавторстве с Л.В.Левшиным [1] и уже цитировались в авторитетниях изданиях [2]. После окончания университета Н. Низомов был оставлен в аспирантуре МГУ, где он досрочно завершает и успешно защищает кандидатскую диссертацию в 1969 году, основные результаты которой вошли в золотой фонд физической науки [3].

После защиты кандидатской диссертации Н. Низомов возвратился в Самарканд, где при поддержке заведующего кафедрой оптики проф. А.К. Атаходжаева и при содействии профессора МГУ Л.В.Левшина за короткий срок била организована первая в Средней Азии лаборатория по молекулярной люминесценции. За это время Н. Низомову удалось собрать и сплотить вокруг себя плеяду молодых сотрудников и одарённых студентов, которые в дальнейшем стали активно развивать исследования по молекулярной люминесценции.





Рис.1. Концентрационная зависимость спектров поглощения (а) и флуоресценции (б) родамина С в ДМФА:1-2×10^{-3} М, 2-10^{-3} М 3-5×10^{-4} М, 4-10^{-4} М.

Основным научным направлением лаборатории явилось: исследование спектрально-люминесцентных, фотохимических и фотобиологических свойств органических веществ, широко используемых в лазерах, биологии, химии, медицине, экологии и других областях науки и техники. Наряду с известными красителями изучено более 200 новых веществ, синтезированных в России, Украине, Болгарии, Узбекистане и других странах. Подробное

изучение влияния концентрации и температуры раствора, природы растворителя на спектрально-люминесцентные характеристики родаминовых красителей с карбоксильной группой и некоторых других классов красителей в протоноакцепторных растворителях привело к обнаружению нового явления – обесцвечивание растворов этих красителей (рис.1).

17. Буронов А.У., Мухамадиев Н.К., Шохидоятов Х.М., Эргашев И.М. Исследование возможности применения производных пиримидинона-4 в качестве НФ для разделения хиральных соединений в ГХ //Нефтехимия.- Россия, 1999.- т.39.-N 1.-С.66-69.
18. Мухамадиев Н.Қ., Эргашев И.М. Газ хроматографиясида ушланиш катталикларини сорбент-сорбат гуруҳ ташкил этувчилар параметрлари асосида ҳисоблашнинг ўзига хослиги //СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 1999.- N 1-2. – Б.71-76.
19. Мухамадиев Н.К., Саттикулов А., Эргашев И.М., Хафизов Х.Ф. Исследование состава эфирного масла, выделенного из Peralgonium Roseum //Химия природных соединений (Спец. выпуск).–Ташкент,1999.– С.63-65.
20. Мухамадиев Н.К., Саттикулов А., Эргашев И.М., Хафизов Х.Ф., Луков М.К. Газохроматомасс-спектрометрическое изучение состава эфирного масла, выделенного из Mentha Piperita //Химия природных соединений (Спец. выпуск). – Ташкент, 1999. – С.65-67.
21. Мухамадиев Н.К.. Ибатова Ш.М. Газохроматографическое изучение жирных кислот в сыворотки крови делей, больных рахитом //Материалы 2-го Западноукраинского симпозиума по адсорбции и хроматографии. – Львов (Украина). – 2000.-С.211-214.
22. Mukhamadiyev N.Q., Sayitkulov Sh.M., Ergashyev I.M., Khafizov Kh. F., Fayzullaev N. I. Optimization of Separation on the Basis of Unifac Parameters and Evaluation of the Composition of the Stationary Phase in Gas-Liquid Chromatography // Chromatographia.- 2003.- V.57.- N 7.- P.831-833.
23. Файзуллаев Н.И., Мухамадиев Н.К. Газохроматографическое изучение реакции каталитического гидрохлорирования ацетилена // ДАН РУз.- 2003.- N 1. – С. 85-88.
24. Дустов Ш.С., Мухамадиев Н.Қ., Эргашев И.М. “Saflor” мойи таркибини хроматография усулида ўрганиш //СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси.– Самарқанд,2005.– N 3.–С.79-81.
25. Нуриллаев Ж.Я.. Мухамадиев Н.К. Особенности липидного объмена у больных с пузирно-влагалищными свищами // Урология.- 2007.- N 6.- С.36-39.
26. Sayitkulov Sh.M., Nurillayev J. Ya., Muhamadiyev N. Q. Analysis of Lipid Exchange in Patients with Urinogenital Fistula //Biophys J. – 2009. - V. 96. - N. 3. - P.353a-353a.
27. Muhamadiev N. Q., Mahmudov B. B. The role of Kallikrein-kinin System in the Immune Response of Nasal Papilloma and Adventitious Sinusitis //Biophys J. – 2009. - V. 96. - N. 3. - P.441a-441a.
28. Сайиткулов Ш.М., Мухамадиев Н.Қ. Газ хроматографиясида ушланиш қонуниятларини баҳолашда квант-кимёвий ҳисоблашларнинг ўрни //Ўзбекистон кимё журнали. –2009. –N 1. – 41-45 бетлар.

29. Muhamadiev N. Q., Mahmudov B. B., Sayitkulov S. M.. Diagnostic importance of the kallikrein-kinin system enzymes activity in some pathologic conditions of an organism //Clinical Chemistry.- 2010.- V.56.- N 6.– P.A96.
30. Мухамадиев Н.Қ., Сайитқулов Ш.М., Мухамадиев А.Н., Халилов Қ.Ф. Сирт-ғовак силикагелларнинг олиниши ва уларнинг геометрик тузилишини адсорбция усулида ўрганиш // СамДУ ахборатномаси, 2013 – N 5. (81), 107-109 бетлар.
31. Рузиев И.Х., Мухамадиев Н.Қ. Закономерности удерживания производных пиримидинона-4 в ВЭЖХ // СамДУ ахборатномаси, 2013. – N 5. (81), 34-38 бетлар.
32. Мухамадиев Н.Қ., Фазлиева Н.Т., Сайитқулов Ш.М., Халилов Қ.Ф., Сулаймонов Э.С. Доривор ўсимликлар таркибидан йодни аниқлаш. - Самарқанд: СамДУ, 2014. – 92 бет.
33. Мухамадиев А.Н., Фазлиева Н.Т., Мухамадиев Н.Қ. Pimpinella anisum L. ўсимлигидан ажратиб олиган эфир мойининг кимёвий таркибини ГХ-МС усулида ўрганиш // СамДУ ахборатномаси, 2014. – N 1 (83), 83-87 бетлар.
34. Сайиткулов Ш.М., Мухамадиев А.Н., Фазлиева Н.Т., Мухамадиев Н.Қ. Математические модели параметров удерживания для оптимизации процесса разделения и прогнозирования величин удерживания в газовой хроматографии // СамДУ ахборатномаси, 2014. – N 5 (87), 93-96 бетлар.
35. Фазлиэва Н.Т., Муҳамадиев Н.Қ., Сайиткулов Ш.М. Ион хроматографияси усулида Berberis Vulgaris L. va Xanthium Strumarium L. Ўсимликлари таркибидаги ёд миқдорини ўрганиш // СамДУ ахборатномаси, 2014. – N 3 (85), 65-69 бетлар.
36. Fazlieva N. T., Muhamadiev N.Q., Sayitkulov Sh. M. Study Iodine Amount in Content of Some Medicinal Plants by Ion Chromatography // International Journal of Chemical and Physical Sciences. – 2014. – V.3. - N 6. – P. 91-95.
37. Muhamadiev N.Q., Fazlieva N. T., Sayitkulov Sh. M. Optimization of separation processes in chromatography using liquac model // International Journal of Engineering Sciences & Research Technology. – 2015. – 4(1). – P. 663-666.
38. Сайиткулов Ш.М., Муҳамадиев Н.Қ., Саидов Х.М. Баъзи тупроқлардан олинган сорбентларда икки валентли ионлар сорбцияси // СамДУ ахборатномаси, 2015. – Н 3 (91), 125-128 бетлар.
39. Саидов А.Ш., Виноградова В.И., Мукаррамов Н.И., Мухамадиев Н.Қ. Гомовератриламиннинг бир асосли карбон кислоталар билан конденсатланиш ва сиклланиш реакциялари маҳсулотларининг ушланиш қонуниятлари // СамДУ ахборатномаси, 2015. – N 1 (89), 130-133 бетлар.
40. Fazlieva N.T., Muhamadiev N.Q., Sayitkulov Sh.M., Khalilov Q.F. The optimization algorithm of separation process in ion chromatography //International Journal of Engineering Sciences & Research Technology. – 2015. – 4(9). – P. 1-3.
41. Ibatova Sh. M., Muhamadiev N.Q., Axmedov Sh.O, Muhamadieva S.N. Improvement of vitamin-D deficient rachitis treatment in children //International Journal of Medicine & Health Research. - 2015. – Vol. 1 (52).- N 1. – P. 1-5.
42. Rabbimova G.T., Muhamadiev N.Q. State kallikrein-kinin system in pregnant women groups infectious risk //International Journal of Medicine & Health Research. - 2015. – Vol. 1 (53).- N 1. – P. 1-3.
43. Rabbimova G. T., Muhamadiev N.Q. Evaluation of Microflora Features the Method of Gas-Liquid Chromatography in Pregnant Women with Infectious Risk // International Journal of Medical and Health Research. – 2016. – Vol. 2. N 4. – P. 18-20.
44. Муҳамадиэв А.Н., Найимова Б.К., Муҳамадиэв Н.Қ. “Пимпинелла Анисум Л.”дан эфир мойларини ажратиш технологик жараёнини мақбуллаштириш //СамДУ ахборатномаси, 2016. – Н 1 (95), 131-134 бетлар.
45. Сайиткулов Ш.М., Саидов Х.М., Муҳамадиэв Н.Қ. Турли тупроқ намуналаридан олинган сорбентларнинг фазовий таркибини рентгенофазоли дифрактометрия усулида оʻрганиш // СамДУ ахборатномаси, 2016. – Н 1 (95), 134-138 бетлар.
46. Саидов А.Ш., Узоқов Ж.Р., Муҳамадиэв Н.Қ., Астанова Д., Виноградова В.И. Гомовератриламин билан олеин кислота ўртасидаги конденсатланиш ва сиклланиш

реакцияларининг боришини квант-кимёвий ўрганиш // СамДУ ахборатномаси, 2016. – Н 3 (97), 146-150 бетлар.
47. Muhamadiev N. Q., Sayitkulov Sh. M., SaidovKh. M. Phase Composition Studies of the Clays of Urgut District, Uzbekistan and their Application in the Sorption of Some Bivalent Ions // Indian Journal of Advances in Chemical Science. – 2016. V.4. – N 3. –P. 308-313.
48. Сайиткулов Ш.М., Муҳамадиев Н.Қ. Хроматография учун маҳаллий хом-ашё – бентонитдан “Зол-гел” технология ёрдамида алюминий оксидини олиш // СамДУ илмий ахборотномаси. – 2017. - 5-сон (99). – 131-135 бетлар.
49. Муродова Д.К., Мухамадиев Н.К., Муродов К.М., Анварьов Т.У. Юқори молекуляр нитрилларнинг спиртлардан синтез қилиш реакцияси термодинамик қонунларини ўрганиш // СамДУ илмий ахборотномаси. – 2017. - 3-сон (103/2). – 32-35 бетлар.
50. Найимова Б.К., Муҳамадиев А.Н., Муҳамадиев Н.Қ. Тажрибаларни кўпомилли режалаштириш усулида Пимпинелла Анисум Л.дан эфир мойини ажратиш шароитини мақбуллаш // СамДУ илмий ахборотномаси. – 2017. - 3-сон (103/2). – 77-79 бетлар.
51. Ишанкулов А.Ф., Саидов А.Ш., Тўхтаев Д.Б., Мухамадиев Н.Қ., Виноградова В.И. Гомовератриламин билан фенилаланин ўртасидаги конденсатланиш ва сиклланиш реакцияларининг боришини квант-кимёвий ўрганиш //СамДУ илмий ахборотномаси. – 2017. - 3-сон (103/2). – 85-88 бетлар.

УДК: 57(575.141)(09)

САМАРҚАНД БИОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ

Х.О. Келдиёров
Самарқанд Давлат университети

Халқимиз орасида ибратли нақллар, асрлар мобайнида сайқалланган, тарошланган ҳикматли иборалар кўп учрайди. Шулардан бири яхшилик ҳақида бўлиб, “Яхшилик қил – дарёга сол, балиқ билади, балиқ билмаса, Холиқ билади”, нақлидир. Ҳақиқатдан ҳам, инсон бу дунёга келибдики, ўзидан яхшилик қолдиргиси, ўз номининг авлодлар томонидан фақат яхшилик билан хотирланишини истайди. Кимдир боғ яратади, кимдир кўприк қуради ва яна кимдир одамларга сув келтиради. Аммо бундай эзгу амалларни бажариш учун ҳар қайси инсон илм ўрганишга ва ўз касбининг моҳир устаси, билимдони бўлишга мажбурдир. “Илмни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққами кетгумдир охир”, деганларида Ҳазрат Алишер Навоий буткул ҳақ эдилар.

Умр мазмунини фақат одамларга наф келтиришда деб билган инсонлар орасида шундай тоифаси ҳам борки, бутун вужудини илмга бахш этади. Ҳаёти давомида ундан жозиба излайди, комиллик қидиради, ўзидан ҳар томонлама етук шогирдлар қолдиришга интилади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу борада шундай таъкидлайди: “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналармиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”. Дарҳақиқат, инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, устозларидан олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Самарқандда “Ботаника илмий мактаби”га асос солган Николай Иванович Меркулович ана шундай инсонлардан биридир. Николай Иванович Меркулович Самарқанд Давлат университетининг биринчи ректори (1927-1938) ва ботаника кафедрасининг биринчи мудири бўлган. Ботаника илмий мактабининг асосий илмий йўналиши Зарафшон водийси флорасини ўрганишга бағишланган. Олим томонидан 2 та туркум ва бир нечта янги турлар аниқланиб кашф этилган. Н.А. Меркулович “Флора Узбекистана” монографиясининг И-жилдини ёзишда иштирок этган ва *Acoraceae, Lemnaceae, Potamogetonaceae, Najadaceae, Zosteraceae* оилалари туркуми турларининг аниқлагичини тузган.

Флористик ишлар билан бирга Н.А. Меркулович Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Бойсун туманлари ўсимликлар қопламини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борган ва бир қанча илмий мақолалар эълон қилинган. Бундан ташқари, олим Зарафшон водийси ҳудудидаги фойдали ўсимликлар ва қоя тошлар ўсимликларини ўрганишни бошлаб берган. Самарқандда йирик олимларнинг етишиб чиқишида ва кафедра илмий стратегиясини яратишда олимнинг ҳиссаси бениҳоят катта.

Н.А. Меркуловичнинг дастлабки шогирдларидан бири академик Қ.З. Зокировдир. Қодир Зокирович Зокиров (1908-1992) 1932 йилда ЎзДУни (ҳозирги СамДУ) тамомлаб, 1933-1936-йилларда аспирантурада ўқиди. 1936 йилда "Нишон чўлининг ўсимликлар қоплами” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1955-1957 йиллар университетнинг ректори лавозимида ишлади ва “Юксак ўсимликлар систематикаси” кафедрасини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилди.

Олимнинг илмий раҳбарлигида Самарқанд Давлат университети ходимларидан битта фан доктори ва бир нечта фан номзодлари тайёрланди. (Ж.Т. Қобулов, А.Ж. Қобулова ва бошқ.). Ўша йилларда ботаника кафедрасида доцент Н.И. Шербаков фаолият кўрсатди ва асосий илмий ишлари Самарқанд шаҳри ва вилоят ҳудудида тарқалган маданий, табиий манзарали, мевали дарахт ва буталарни ўрганишга бағишланди. XIX асрнинг охирларида Самарқанд вилоятида интродукция этилган манзарали дарахтларнинг 1940 йилларгача сақланган турлари ҳақида қимматли маълумотларни умумлаштирди.

1944-1965 йилларда «Ботаника» кафедрасига профессор Евгений Иванович Проскоряков (1895-1965) раҳбарлик қилди. Олимнинг илмий ишлари асосан ботаниканинг назарий

масалаларига, флористик ва хомашёшунослик соҳаларига бағишланган. Е.И. Проскоряковнинг дастлабки шогирдлари М.И.Икрамов, Н.А.Амирханов, И.Ҳ.Ҳамдамовлар фаол иштирок этишди ва ҳар бири келгусида ўз илмий мактаб ва йўналишларини яратди.

Ўз фаолияти даврида Е.И. Проскоряков 16 та фан номзодларини тайёрлашга илмий раҳбарлик қилди (Гузаиров Ф, Қобулов Ж.Т, Икрамов М.И, Жалолов О, Н.А. Амирханов, Ҳайдаров Р.С, Хамдамов И.Х, Хамидов А.Х, Каримов Қ, Маликов М.М, Эгамбердиев Р.Э, Инамов А.И, Рахимов Ў.Р, Жўраев И.Ж, М.Ҳалилов, М.М. Мўминов). Улар Республикамизнинг бир қатор олий ўқув юртларида фаолият кўрсатишди ва айримлари ҳозир ҳам ишлашмоқда.

1955 йилда «Ботаника» кафедраси базасида «Юксак ўсимликлар систематикаси» кафедраси ташкил этилди ва унга акад. Қ.З. Зокиров раҳбарлик қилди.

1960 йилдан сўнг «Юксак ўсимликлар систематикаси» кафедрасини доц. Ж.Т. Қобулов бошқарди ва акад. Қ.З. Зокиров бошлаган йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари давом эттирилди.

Қобулов Жаббор Тиллаевич (1911-1995) - систематик, шумғияшунос, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Шуҳрат” медали соҳиби, «Юксак ўсимликлар систематикаси» (1960-1977) ва «Юксак ўсимликлар систематикаси ва ўсимликлар физиологияси» (1977-1987) кафедрасининг мудири лавозимида ишлади. 1948-йилда “Самарқанд вилояти шароитида миср шумғиясининг биоэкологияси” мавзусида фан номзодлиги, 1969 йилда “Ўрта Осиё шумғиядошлари” мавзусида фан докторлиги диссертацияларини ҳимоя қилди. Иш фаолияти давомида 5 та фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди (Муқумов Х.М., Сулаймонов Э.С., Эсиргалиев., О.Э. Файзиева С.З., Тошбеков И.Т.).

Олим 90 га яқин илмий асар, рисола ва мақолалар муаллифидир. Шулардан “Ўрта Осиё шумғиядошлари” (1978), “Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари” (1976), “Шумғия ва ҳосил” (1981) кабилар алоҳида диққатга сазовордир.

1970-1985 йилларда кафедрада Х.М. Муқумов полиз экинларининг миср шумғиясига чидамлилигини ўрганиш, М.Х. Халимов тамакининг замбуруғ касалликлари ва уларга қарши кураш, Э.С. Сулаймонов кўп йиллик бегона ўтлар илдиз системаларининг тузилиши ва регенерацион хусусиятлари, С.З. Файзиева (1965-1995) помидор ва тамаки навларининг миср шумғиясига чидамли навларининг танлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришди.

1965 йилда «Ботаника» кафедрасига М.И. Икрамов раҳбарлик қилди. Маматқул Икрамов лагохилус доривор ўсимлиги устида ўтказган тадқиқотларини жамлаб, 1960-йилда номзодлик диссертациясини, 1972 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Устоз (1923-2005) хомашёшунос, систематик, морфолог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Самарқанд Давлат университетининг фахрий профессоридир. Олимнинг илмий ишлари собиқ Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилиб, кумуш медаль билан тақдирланган.

М.И. Икрамов иш фаолияти давомида 7 та биология фанлари номзодларини ва битта фан докторини тайёрлади (Жонибеков Т.Ж., Амирханова Т.И., Қабулова Ф.Ж. Нормуродов Х.Н., Юлдашев А.С., Буриев Ҳ. Б, Ҳайдаров Х.Қ.). Олим 100 дан ортиқ илмий асарлар ва мақолалар муаллифидир.

Проф. Н.А. Амирхановнинг илмий тадқиқотлари натижалари табиий ўсимлик хомашёларини ва муҳим маҳаллий ҳамда ўзга флоралардан келтирилган қимматли ем-хашак ўсимликларнинг биологиясини ўрганишга ва иқлимлаштиришга қаратилган.

Проф. Н.А. Амирханов 1987-1997 йилларда «Ботаника» кафедрасига раҳбарлик қилди. Н.А. Амирханов (1933-1999) хомашёшунос, ўтлоқшунос олимдир. 1962 йилда “Кочи қатрони ва уни Самарқанд вилоятида маданийлаштириш” мавзусида фан номзодлиги, 1974 йилда “Ўзбекистонда қатрон” мавзусида биология фанлари докторлиги диссертацияларини ҳимоя этди. Иш фаолияти давомида 6 та фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди (Жанонов Н.Ж., Келдиёров Х.О., Ҳамроқулов Ш.С., Муқумов Х.Р., Исломов Б.С., Умурзакова З.И.). Олим 60 га яқин илмий асарлар ва мақолалар муаллифи. Шулардан 3 таси монографиялар: “Самарқанд вилоятида ўстирилган айрим қатрон турларининг витамин ва микроэлементлар сақлаши” (1987), “Қатрон турларининг биологияси ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш” (1986), «Қурғоқчил минтақаларда қатрон ва жавдарли ўтлоқларнинг ҳосилдорлиги» (1988).

Н.А. Амирхановнинг шогирдларидан Х.О. Келдиёров пиёзли арпа ва хушбўй қатрон билан экилгандаги биологик хусусиятлари, Б.С. Исламов соячил карракнинг биологиясини, З.И. Умурзакова топинамбурнинг биологик хусусиятлари ва интродукциясини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

1997-2005 йилларда «Ботаника», 2006-2011 йилларда «Ботаника ва ўсимликлар физиологияси» кафедрасида доцент Х.Н. Нормуродов мудир лавозимида фаолият кўрсатди. Кафедра ботаниклари томонидан "Табиий флора биохилма-хиллигини ўрганиш, фойдалиларини интродукциялаш ва уларни муҳофаза қилишнинг биологик асослари" йўналишида илмий ишлар олиб борилди. Бу даврда кафедра аъзолари таркибини ёш мутахассислар билан тўлдириш, ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича анча ибратли ишлар қилинди. Х.Н. Нормуродовнинг шогирдларидан Э.Ҳ. Ҳамдамова кўкўт етиштиришнинг биологик ва технологик асослари, З.Б. Номозова артишокнинг биоэкологик хусусиятлари ва интродукциясини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Доц. Х.Н. Нормуродов ҳаммуаллифлигида (проф. Икромов М.И., доц. Юлдашев А.С.) "Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси" (2002), "Тубан ўсимликлар" (1995) олий мактаблар учун дарсликлар чоп этилди ва ҳозирги кунда Республика олий ўқув юртларида қўлланилмоқда.

2010 йилда доц. Э.С. Сулаймоновнинг ҳаммуаллифлигида (проф. Пратов Ў.П., проф. Шамсувалиева Л., проф. Охунов М.Х. ва бошқалар) олий ўқув юртлари учун лотин алифбосида "Ботаника" дарслиги нашр этилди ва Республикамиз олий ўқув юртларида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедрасига доц. Х.Қ. Ҳайдаров раҳбарлик қилмоқда (2012 йилдан). Доц. Х.Қ. Ҳайдаров "Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудлардаги Жийдадошлар уларнинг морфологияси, систематикаси, географияси, филогенияси ва экологияси" мавзусидаги фан докторлиги диссертациясини ёқлаш арафасида турибди.

Кафедранинг иккинчи йўналиши "Ўсимликлар физиологияси" ҳам илмий тарихий йўналишда фаолият олиб борган.

1944 йил биология фанлари номзоди, доцент С.С. Абаева «Ўсимликлар физиологияси ва микробиология» кафедрасига мудир этиб тайинланди ва шу лавозимда 28 йил (1972 йилгача) хизмат қилди. Физиологлар илмий мактабига асос солинди.

Ўсимликлар физиологияси кафедрасида 1956-1991-йиллар мобайнида Т.Я.Стеснягина (1930-2009) катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади. Асосий илмий тадқиқот ишлари ўсимликларда микроэлементларнинг физиологик аҳамиятини ўрганишга қаратилди.

Университетни 1963 йилда тугатган ва кафедрада ишлаб келаётган (Абаеванинг шогирди) биология фанлари доктори, проф. Ж.Х. Хўжаев (1975-1977 ва 1987-2005 йиллар мобайнида кафедра мудири) 1975 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача ўсимликлар физиологияси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларига умумий илмий раҳбар вазифасини бажармоқда. Тинимсиз қилинган меҳнат ва изланишлар натижасида 1985 йили «Ғўзанинг совуққа, қурғоқчиликка чидамлилиги ва ҳосилдорлигига микроэлементлар таъсирининг физиологик асослари» мавзусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ж.Х. Хўжаев илмий раҳбарлигида 5 киши номзодлик ишини ҳимоя қилди (Б.Д. Давронов, А.Э. Холлиев, А.А. Зулфанов, Х.Х. Келдиёрова, Ж.З. Бошмонов). А.Э. Холлиев докторлик диссетациясини ҳимоя қилди ва М.Г. Носиров докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида тайёрланмоқда.

Зоологлар илмий мактаби бўйича 1938 йилдан бир нечта йирик илмий йўналишларга асос солинган. Уларнинг бири фитогелминтология йўналиши бўлиб, ушбу йўналишнинг асосчиси А.Т. Тўлаганов эди. Дунёга машҳур Самарқанд илмий муҳитида камол топган Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси даражасигача эришган заҳматкаш олим Ахрор Тўлаганович Тўлагановнинг серқирра маъмурий ва илмий фаолияти таҳсинга сазовордир.

Университетда ишлаш билан бирга Санкт-Петербургдаги Зоология институтининг аспирантурасида ҳам таҳсил олди. 1936 йилда ўзбек ёш биолог олимлари орасида биринчи бўлиб, Э.С. Кирянова раҳбарлигида "Помидор ва унинг илдиз системаси атрофи тупроғининг нематодафаунаси" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш олимнинг эндигина шаклланаётган янги соҳада олиб борган тадқиқотлари Ўзбекистон иқлими шароитида ўсимликларнинг текинхўр (паразит) фитонематодаларини ўрганиш бўйича дастлабки тадқиқот

иши эди. Олим фитогелминтология соҳасидаги тадқиқотларини давом эттириб, 1947 йилда Санкт-Петербургда СобиқИттифоқ Фанлар академияси тасарруфидаги Зоология институтида “Ўзбекистоннинг ўсимликхўр ва тупроқ нематодалари” мавзусида биология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини муваффаққият билан ҳимоя қилади.

Олимнинг 1940-48 йилларда амалга оширган тадқиқотлари ҳамда қўлга киритган илмий маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси нашриётида юқорида келтирилган мавзуда чоп этилган 230 саҳифали монографик асари ўша даврда нафақат Ўзбекистонда, балки Иттифоқ миқёсида фитогелминтология соҳасида яратилган энг йирик илмий тадқиқот иши эди.

Ташаббускор олим А.Т. Тўлаганов СамДУ ректори сифатида ўқув жараёнини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини кенгайтиришга алоҳида эътиборни қаратди. Унинг раҳбарлигида янгидан-янги илмий лабораториялар ташкил этилди.

Устознинг шогирдларидан бири К.Х. Самибаева томонидан Ургут тумани шароитида тамакининг нематодафаунаси ўрганилади. Ўрганишлар натижасида ушбу ўсимликнинг нематодафаунаси 100 турдан ортиқ бўлиши ва шундан 2 таси фан учун янги турлар эканлиги аниқланди. А.Т. Тўлагановнинг ҳозирги кунда ҳам ўз илмий-педагогик фолиятини давом эттираётган шогирдларидан яна бири Ҳ.Н. Ҳакимов Мирзачўлнинг ўзлаштирилмаган ва ғўза агроценозларига айлантирилган тупроқларининг нематодафаунасини ўрганиб унда 115 тур нематодалар бўлиши аниқланган, лекин ўзлаштирилмаган тупроқда ва ғўза агроценози тупроғида фитонематодаларнинг тур таркиби деярли бир хил бўлиши қайд қилинган. Шунингдек Мирзачўл ҳудуди нематодафаунаси таркибида бундан олдин Ўзбекистон нематодафаунасида қайд қилинмаган 15 тур нематода янги тур сифатида аниқланди.

Умуртқасиз ҳайвонларни ўрганишда яна бир илмий йўналишга 1938 йилда б.ф.н. доц. М.М.Нарзиқулов томонидан асос солинган. Кейинчалик бу борада илмий изланишлар проф. Р.О.Олимжонов бошчилигида олиб борилган. Дастлабки тадқиқот ишлари Зарафшон водийсида тарқалган зараркунанда ҳашаротлар фаунасини ўрганиш билан бошланган. Р.О.Олимжонов 1952 йилда СамДУ ректори вазифасига тайинланди. У бир вақтнинг ўзида зоология кафедрасига мудирлик вазифасини ҳам бажаради. Р. О. Олимжонов бошчилигида Зарафшон водийсининг умуртқасиз ҳайвонлари (асосан ҳашаротлар, ўргимчаклар, каналар) фаунасини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилади.

1957-90 йиллар мобайнида Р.О. Олимжоновнинг илмий мактабининг фаолиятини давом эттиришда хизмат кўрсатган шогирдлари С.Г. Бронштейн, Д. Насруллаев, Б.М. Горенштейн, Э.Н. Абдуллаев, З. Хайдарова, Ф. Исоммидиновлар томонидан кенг тарқалган зараркунанда ҳашаротларга биологик усулда қарши кураш ишлаб чиқарилади ва бу ишда катта муваффақиятларга эришилди.

А.К. Сагитов 1949 йилда «Анатомическое строение первых шести пар черепно-мозговых нервов птитс» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1966 йилда «Эколого-морфологические особенности костного лабиринта врановых птитс» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Проф. А.К. Сагитов 200 дан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар ва ўқув қўлланмалари муаллифи ҳисобланади. У «Ўзбекистон Қизил китоби»нинг бош муҳаррири ва 4 томлик «Птитсы Узбекистана» номли монографиянинг муаллифларидан биридир.

Проф. А.К. Сагитов раҳбарлиги остида 11 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Қизилқум ва Зарафшон воҳаси қушларининг биологияси, биохилма-хиллигини сақлаш ва табиатни муҳофаза қилишга бағишланган тадқиқотлар устоз шогирди Ж.Л. Лаханов томонидан олиб борилган.

Ж.Л. Лаханов 1962-1964 йилларнинг март-июнь ойларида чўл шароитида табиат билан яккама-якка ҳолда “Жанубий-ғарбий Қизилқум қушлари” мавзуси илмий тадқиқотлар олиб борди. 1967-йилнинг март ойида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Проф. Ж.Л.Лаханов 1998 йилдан 2012 йилга қадар зоология кафедрасининг профессори лавозимида фаолият кўрсатди.

Устоз республикада биринчилардан бўлиб давлат тилида “Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи”, “Умуртқали ҳайвонлар зоологияси”, “Умуртқалилар зоологияси фанидан лаборатория машғулотлари” (ҳаммуаллифликда) ўқув қўлланмалари, “Умуртқалилар

зоологияси” электрон китоби ва дарсликларини чоп эттирди. Бу ўқув қўлланмалари ва дарсликлардан республикамиз университетлари, педагогика институтларининг биология мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалари кенг фойдаланиб келмоқдалар.

1995 йилда Б.Х.Ботиров ЎзР ФАсининг “Зоология” институти қошидаги махсус Илмий Кенгашда «Антропоген даврда Ўрта Осиё териофаунасининг шаклланиш тарихи» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Проф. Б.Х. Ботиров Республикамизда кўзга кўринган палеозоолог бўлиб, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида сут эмизувчи ҳайвонлар фаунасининг шаклланиш тарихини илк бор ўрганган ва унинг ривожига катта ҳисса қўшган олим ҳисобланади. 100 дан ортиқ илмий, ўқув ва услубий мақолалар чоп этган.

Факультетимизнинг яна бир машҳур олимларидан кўп йиллар давомида СамДУнинг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, 1972-1993 йиллар “Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси” кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатган Марк Арнолдович Риш бўлади. У проф. Л.Н. Лапиннинг шогирди бўлиб, 1961 йилда устози томонидан бошланган “Одам ва ҳайвонлар организмида содир бўладиган физиологик ва патологик жараёнларда микроэлементларнинг роли ва микроэлементларни аниқлашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий тадқиқотларнинг фаол иштирокчиси бўлган.

1967 йил СамДУнинг Одам ҳамда ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси кафедраси қошида Ҳайвонлар организмида микроэлементларнинг биологик ролини ўрганиш муаммовий лабораторияси ташкил қилинди ва унга раҳбарлик қилишни М.А. Ришга топширилди. Хусусан, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларига мувофиқ яйлов чорвачилигида микроэлементларидан фойдаланишга оид тадқиқотлар олиб борилиб, Ўзбекистон Республикасининг биогеокимёвий воҳаларини тасвирий харитаси тузилди, ҳар хил биогеокимёвий воҳаларнинг тупроғи, ўсимликлари ва яйловларида боқиладиган чорва молларининг макро- ва микроэлементлар таркиблари ҳамда у ёки бу элементнинг танқислиги ёки ошиқчалиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар, уларни олдини олиш ва даволаш йўллари ўрганилди.

Генетика илмий мактаби “Генетика, селекция ва дарвинизм” кафедрасининг ташкил этилишидан бошланган. Кафедра 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, биринчи кафедра мудири С.З.Жалилов эди. С.З.Жалилов раҳбарлигидаги илмий жамоа тут ипак қурти генетикаси ва селекциясини ўрганиш соҳасида кўплаб илмий ишлар олиб боришган. Бу илмий мактаб фаолияти 1965 йилдан проф. П.К. Солдатов томонидан давом эттирилган.

Кейинги йилларда генетика илмий мактаби вакиллари З.В. Махмудова, А.А. Азизов, А.К. Алексанян, Ю.В. Вонов, Р.С. Гайбуллаева, Н.И. Давиденко, В.Б. Энштейн, П.К. Солдатовлар раҳбарлигида атроф-муҳитни ифлослантирувчи антропоген омилларнинг, жумладан, пеститсидларнинг мутаген таъсирини ўрганиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришдилар.

1983-1986 йилларда проф. П.К.Солдатов раҳбарлигида илмий жамоа Экспериментал метрология институти билан биргаликда «Пахтачиликда қўлланиладиган пеститсидлар ва минерал ўғитларнинг мутаген таъсирини ўрганиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси бўйича илмий иш олиб борган. Уни бажаришда проф. П.К.Солдатов унинг шогирдлари фаол иштирок этишган.

Илмий мактабнинг давомчилари сифатидаб.ф.д. З.Ф. Исмаилов ва асс. Б.С. Алиқуловлар қишлоқ хўжалигида тупроқнинг нопатоген микроорганизмларидан фойдаланишнинг биотехнологик асосларини ўрганиш, биомассадан муқобил энергетик манбаларни яратиш соҳасида, И.Ш. Джабборов ва Ф.Ф. Олимовалар Марказий Осиё юмшоқ буғдойи генофондидан селекцияда фойдаланиш соҳасида мақсадли илмий изланишларини давом эттиришмоқда.

Биологиянинг илмий-тадқиқот фаолиятининг устивор йўналишларидан “Жанубий-Ғарбий Ўзбекистон флорасининг биохилма-хиллигини ўрганиш, инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва уларни муҳофаза қилишнинг биологик асосларини аниқлаш”, ”Жануби-Ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва муҳофазаси, ҳамда улардан рационал фойдаланиш” ҳамда “Зарафшон воҳаси биоресурслари потенциалини инновацион тадқиқ қилиш” масалалари ҳисобланади.

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари сифатида биология соҳасида кўплаб ишлар йўлга қўйилган.

Жумладан, Республика миқёсида доц. Х.Қ. Ҳайдаров раҳбарлигида ва бошқа аъзолари иштирокида Ф-5-10-рақамли фундаментал лойиҳа “Ўзбекистон тўқайзорлари ўсимликларининг хилма-хиллиги ва уларнинг келиб чиқишини ўрганиш”, доц. З.Б. Номозова раҳбарлигида А-8-1 амалий лойиҳа “Изучение структуры ценопопулятсии лекарственных видов рода *Лагочилус* (Ламиасэаэ) в Нуратау и сопределных к ней территорий”, доц. С.Х. Ўроқов раҳбарлигида А-9-15 Самарқанд вилоятининг буз тупроқлари шароитида маржумак (гречиха) етиштириш агротехнологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда б.ф.н Т.Ф. Ражабов раҳбарлигида ЁА-7-1 «Ўзбекистон чўл яйловларидан оқилона фойдаланишнинг интеграллашган ва экологик самарали усулларини ишлаб чиқиш (Қарнобчўл мисолида)» ва ЁФ-5-1 «Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғлари ўсимликлар қопламининг замонавий флористик таркиби ва экологик-фитоценотик ҳолатини ўрганиш» мавзусида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, факультет қошида олтин фонд Гербарий коллекцияси мавжуд бўлиб, ушбу гербарий тўплами миқдори ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда ЎзР ФА қошидаги ЎҲОГ институтининг гербарий фондидан кейин Республикамизда иккинчи ўринда туради. Гербарийлар кафедра тарихи билан боғлиқ бўлиб, 1900 йиллардан асосан Зарафшон водийси ва Ўрта Осиё ҳудудидан кафедра олимлари- устозлари томонидан йиғилган. Ҳозирда, гербарий маълумотларини информацион компьютер базасида рақамли электрон каталогини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

1927-2017 йиллар давомида Биология соҳаси бўйича 12 та фан докторлари, 69 та фан номзодлари тайёрланди. Факультет олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси талабалари учун Биологиянинг турли соҳалари бўйича 13 та дарслик яратилди.

Факультетда “Erasmus+ECAP (Enhancing Competencies of Central Asian Universities in Agricultval policy focused on Environmentae Protection and Land Management)” номли лойиҳа давом эттирилмоқда. Лойиҳа раҳбари: доц. Носиров М.Г. Лойиҳа режасига мувофиқ экология, ботаника, ўсимликлар физиологиясига оид ишчи ўқув дастурлари инглиз тилига таржима қилинди. Лойиҳа иштирокчиларининг бир гуруҳи дастлаб Словакиянинг Нитра шаҳрида қишлоқ хўжалиги университетида ишчи семинарда қаташдилар (Март, 2016) кейин Чехия табиий фанлар университетида ташкил қилинган семинарда қатнашдилар (Сентябрь, 2016).

Халқаро ҳамкорлик ва чет эл билан илмий алоқалар асосида эришилган натижалар борасида асс. А.Қ. Аҳмедов Германиянинг Грайфсвалд университети, Ботаника ва ландшафт экологияси институтида CABNET (Ўрта Осиё биохилма-хиллик тармоғи) лойиҳасининг якунига бағишланган семинарда қатнашди. Шу билан бир қаторда А.Қ. Аҳмедов Россия Федерацияси Новосибирск марказий Ботаника боғи илмий текшириш институтида, Америка Қўшма Штатлари, Юта Штатидаги Юта университетининг Изотоп экологияси лабораторияси стажировкада бўлди.

Б.ф.н., асс. Т.Ф. Ражабов Англиянинг Манчестер шаҳрида бўлиб ўтган «ВИ Бутунжаҳон табиий ресурсларни экологик қайта тиклаш» номли илмий конференцияда ўз маърузаси билан иштирок этди. Доц. Б.М. Бозоров Россияда нашр этилаётган “SCI-ARTICLYe” электрон журналининг редактори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Факультет ўқитувчилари томонидан Германиянинг Грайсвалд университети, М.Зукков фонди ва Самарқанд Давлат университети ўртасида тузилган икки томонлама меморандум асосида илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Ушбу мемонрандум асосида «Qualitative quantitative assessment of rangeland restoration extent in sandy deserts of Uzbekistan (case study in Surkhandarya province) (Ўзбекистон қумли чўллари яйловларининг тикланишини сифатий ва микдорий кўрсатгичларини баҳолаш, Сурхондарё вилояти мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертация иши 2016-2017 йиллар давомида бажарилиши режалаштирилган. ИИ курс магистранти Расулов Давлат. Магистрлик диссертация мавзусини бажариш бўйича Д.Расулов икки ой муддатда (2016 йил сентябрь-октябрь ойларида) Германияга стажировкага бориб келди.

Факультетнинг ассистентларидан Т.Ражабов, Х.Жалов, А.Ахмедовлар 2016 йилнинг 19-23 сентябрь кунлари Эрасмус+дастурининг ECAP (Enhancing Competencies of Central Asian Universities in Agricultural Policy focused on Environmental Protection & Land Management) лойиҳаси доирасида Чехиянинг Табиий фанлар университетида бўлиб ўтган илмий семинарда иштирок этди.

УДК: 91:378(575.141)

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА ТАЪЛИМИДАГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

С.Б. Аббасов, А. Рахматуллаев
Самарқанд Давлат университети

Кириш. Самарқанд Давлат университетида география таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш университет ташкил қилингандан кейинроқ, яъни 1931 йилдан бошланган ва 1936-йилда биринчи битирувчилар 6 кишини, 1937 йилда 13 кишини ташкил қилган.

1934 йилда геология-география факультети табиат-математика факультетидан ажралиб чиқди. Геология бўлими 1955 йилда Тошкентга кўчирилиши муносабати билан география бўлими биология, кейин тарих факультети таркибида фаолият кўрсатди.

1966 йил проф. Мардон Умаровнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан география бўлими география факультетига айланди ва учта кафедра фаолият кўрсатди: умумий табиий география; регионал табиий география ва иқтисодий география. Проф. М.Умаров 25 йил давомида (1966-1991 йиллар) узлуксиз декан вазифасида ишлади ва СамДУда география фани ва таълимининг ривожланишида жуда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. СамДУ география мактабини нафақат Ўзбекистон, балки собиқ иттифоқдаги йирик география марказлари тан ола бошлади.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси: 1990 йиллар бошларида география факультетида учта фан доктори (Абдулқосимов А., Алибеков.,Л.А, Нишонов С.А.) ва 20 га яқин фан номзодлари ишлар эди. Кейинчалик Республика бўйича кафедраларнинг йириклаштирилиши муносабати билан факультетлар бир-бирларига қўшилди. Шундай ҳолат СамДУда ҳам рўй берди, биология, химия, география факультетлари қўшилиб табиий фанлар факультети ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларининг бошларида география фани ҳам бошқа фанлар қаторида илмий даражали кадрлар тайёрлашда бироз сусткашлик рўй берди. Лекин, илмий тадқиқотлар давом этди. 2007 йилда С.Б.Аббосов докторлик диссертациясини, 2004 йилда М.Усмонов ва 2007 йилда О.Мухаммедовлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Мустақиллик йилларида география факультети ходимлари Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб, 1994 йилда Европа Иттифоқининг ТАСИС (Темпус) дастур асосида қатор Европа давлатлари билан илмий алоқа ўрнатди. 1994-2000 йилларда туризм, урбанизм ва шаҳар қурилиши муаммолари бўйича Эвропа иттифоқидаги ТАСИС (ТЕМПУС) дастури асосида Бельгия давлатининг Брюсселдаги Ла-Камбра олий архитектура институти ва Италия давлатининг Милан политехника институти ходимлари билан илмий хамкорликда тадқиқот ишлари бажарилди. Факультет ходимларидан беш киши 1995 йилнинг май ойида (проф. А.Абдулқосимов, доц.А.Рахматуллаев, доц.Т.Жумабоев, проф.С.Б.Аббасов ва талаба Б.Аллаёров) Брюссел шаҳридаги Ла-Камбра олий архитектура институтида бир ой мобайнида хизмат сафарида бўлиб қайтишди. Кейинги йилларда факультет ходимларидан Х.Т.Халилова, А.Х.Равшанов, Р.И.Мамажонов, К.Қ. Давронов, А.Самяевлар Бельгияда Брюссел архитектура институт қошида ташкил қилинган уч ойлик халқаро семинарда иштирок этиб сертификат олишга муяссар бўлдилар. Доц. М.Усмонов Германия, Миср, Руминия давлатларида малака оширишда бўлиб қайтди.

Европа Иттифоқиннинг Эрасмус+ дастури асосида Руминияда М.Усмонов, Л.Ибрагимов, Р.Мамажонов, А.Облоқулов, З. Розиқова, К.Давроновлар туризм бўйича малака оширишди. Шулардан З.Розиқова Чехия давлатида доктарантурага қабул қилинди.

Лутфулла Ибрагимов 2017 йили Руминия давлатида доктарантурани тугатиб фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаси бўйича диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб келди.

География ва экология факультетида география юналишида илмий тадқиқот ўқув-услубий ишларни олиб бориш ва ривожлантириш борасида проф.А.Абдулқосимовнинг ҳизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Проф. А.Абдулқосимов Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун

“Материклар ва океанлар табий географияси” ўқув қўлланмаси 1998-2003 йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди. Бу қўлланма 2004 йилдан бошлаб А.Соатов, кейинги йилларда М.Т.Миракмалов билан ҳаммуаллифликда дарслик сифатида рус, тожик, туркман, қирғиз, қорағалпоқ тилларида ҳам нашр қилинмоқда.

Кейинги йилларда проф.А.Абдулқосимов муаллифлигида кўплаб монографиялар чоп этилди. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: “Ландшафтно-экологические исследования Сентралного Кызылкума” (ҳаммуаллиф Аббасов С.Б., 2001), “Сўх ёйилмаси ландшафтларини микрозоналаштириш ва мелиоратив баҳолаш” (ҳаммуаллиф Қўзибоева О.М., 2009), “Закономерности дифференциатсии ландшафтов Зарафшанских гор и прилегающих равнин” (ҳаммуаллиф Жўрақулов Х.Ж., 2014), Структура ландшафтов межгорных котловин Средней Азии (ҳаммуаллиф Давронов К.Қ., 2015), Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геоэкологияси (ҳаммуаллифлар Абдураҳмонова Ю.Х., Давронов К.Қ., 2017).

Проф. А.Абдулқосимов Ўзбекистонда антропоген ландшафтшунослик илмий йўналиши бўйича ўз мактабини яратган йирик олимдир. Унинг илмий раҳбарлигида С.Б.Аббосов (2007) докторлик, К.М.Боймирзоев (1995), Ю.Х.Абдурахмонова (2003), О.М. Қўзибоева (2006) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишди. Фан соҳасида ва таълимда қилган хизматларини инобатга олиб ҳукуматимиз А. Абдулқосимовни 2006 йилда “Эл-юрт ҳурмати ордени” билан мукофатлади.

Проф. Л.Алибеков бир неча йиллар давомида НАТО нинг атроф-муҳит муҳофазаси комиссияси аъзоси сифати фаолият кўрсатди. Мустақиллик йилларида проф. Л.Алибеков томонидан кўплаб монография ва ўқув қўлланмалар чоп этилди.

География, геоэкалогия фанлари соҳасида бажарган илмий-тадқиқот ва ўқув услубий хизматларини инобатга олиб профессор Л.Алибековга “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” унвони берилди.

Профессор С.Б.Аббасов (факультет декани) ландшафтшунослик, геоэкология, чўлланиш ва география ҳамда геоэкологиянинг муаммолари билан шуғулланади. Мустақиллик йилларида 200 дан ортиқ мақолалар ва бир неча монография чоп эттирди. Буларга “Ландшафтно-экологические исследования Сентралного Кызылкума» (ҳаммуаллиф Абдулқосимов А., 2001), «Научно-методические основы изучения суффозионных процессов Средней Азии» (ҳаммуаллиф Маматқулов М.М., 2017) каби монографияларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. С.Аббасовнинг магистрантлари ва доктарантлари Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан рационал фойдаланиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради.

Проф. Ш.Т.Холиқулов (гидрометеорология кафедраси мудири) тупроқ экологияси, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқлар унумдорлигини ошириш, агрометеорология фанини ўқитишни янада такомиллаштириш ва бошқа муаммоли масалалар билан шуғулланади.

География кафедрасига 2016 йил ишга таклиф қилинган г.ф.н, проф М.Хошимов халқаро ва маҳаллий туризм, туристик хизмат, туристик карталар тузиш масалалари билан шуғулланади. Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах регионлари бўйича ўнлаб туристик маршрутлар планини тузган, буклетлар ва карта схемалар тайёрлаган ва энг муҳим туристик обйъектлар ҳақида ўндан ортиқ брошюралар тайёрлаган.

География кафедрасининг проф-ўқитувчилари Жануби-ғарбий Ўзбекистоннинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш, туристик, рекреацион ресурсларни карталаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги географияси, аҳоли географияси муаммолари билан шуғулланишади. 2017 йилда кафедра доценти М.А.Қодировнинг “Самарқанд вилояти аҳоли географияси” номли монографияси чоп этилди. Энг янги статистик маълумотлар асосида ёзилган ушбу рисоладан дарс ўтиш жараёнида ўқув қўлланма, илмий-тадқиқот ишлар билан шуғулланаётган ходимлар, магистрлар ва талабаларга янги манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Гидрометеорология кафедраси ЎзМУ география бўлимидаги “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси ходимлари билан г.ф.д. проф. Ф.Ҳикматов раҳбарлигида, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларни олиб боришади. Бир-неча ҳамкорлик натижалари асосида 2016 йил 17,0 босма табоқ ҳажмидаги “Зарафшон дарёси ҳавзасининг гидрометеорологик шароити ва сув ресурслари” монографияси чоп қилинди. Бу рисола (муаллифлар: проф. Ф.Х.Ҳикматов,

С.Х.Ҳайдаров, Қ.С.Ярашев, Д.Н.Ширинбоев, Р.Р.Зияев, Н.Б.Эрлапасов, Ш.Р.Ғаниев) тўпланган катта маълумотлар баъзаси орқали бажарилди ва келажакда монографияда қўйилган муаммолар бир неча номзодлик ва докторлик диссертациялар учун илмий асос вазифасини бажаради.

Факультетда география йўналишида бир нечта республика миқёсидаги грантлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. География кафедрасининг мудири доц. Х.Т.Назаров иккита грантга раҳбарлик қилади. Ушбу грант лойиҳаларининг мавзуси қуйидагилар: 2015-2017-йилларга мўлжалланган "Зарафшон водийсининг рекратсон, туристик ва экологик карталарини тузиш" ва 2017-2019 йилларга мўлжалланган "Мирзачўл воҳаси табиий ресурслари (шамол, сув ва қуёш радиацияси) асосида ноанъанавий энергия ишлаб чиқариш имкониятларини тадқиқ қилиш". Гидрометеорология кафедраси доценти А.Раҳматуллаев раҳбарлигида иккита республика гранти бажарилмоқда. Биринчиси "Янги стационар постлар ёрдамида Самарқанд вилоятининг электр энергия берадиган шамол ресурсларини ўрганиш ва картасини тузиш" (2015-2017 йиллар) ва иккинчиси "Тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш, баҳолаш ва карталаштириш" (2017-2020 йиллар). Грант вазифаларини бажаришда кафедраларнинг проф-ўқитувчилари, магистрлар, иқтидорли талабалар қатнашади ва шу асосида магистрлик диссертациялари, малакавий битирув ишлар бажарилмоқда.

География факультетида иқтидорли талабалар билан ишлаш масалалари яхши йўлга қўйилган. 1998 йил география факультетининг 1-курс талабаси Ш.А.Рахматуллаев республикамизнинг Биринчи Президенти ташкил қилган "Умид жамғармаси" ғолиби сифатида АҚШнинг Колорадо университетига "Экология ва сув ресурсларини бошқариш" йўналишида 4 йиллик бакалавриатурани тугатди. У "Сув омборларида лой босишни ГИС тизими орқали ўрганиш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ҳозир АҚШ элчихонасида УСАИД агентлигида лойиҳаларни бошқариш бўйича мутахассис сифатида ишламоқда. Мустақиллик йилларида 4 та талаба Улуғбек ва Беруний номидаги Давлат стипендиати бўлишди (Ибодуллаев Н., С.А.Ҳайдаров, У.Абжалова, Р.Давронова). Буларнинг илмий раҳбари доц. А.Раҳматуллаев. Булардан Н.Ибодуллаев фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилди, С.А.Ҳайдаров диссертацияни ҳимояга тайёрлаган. Булардан ташқари ўнга яқин студентлар университет миқёсидаги стипендиат ғолиби бўлишган.

Россия ва бошқа ҳорижий давлатлар билан илмий алоқаларнинг яхшиланиши натижасида студентларни чет давлатларга ўқишга юбориш ишлари яхшиланди. 2017 йилда СамДУ география йўналишини битирувчиларидан Р.Давронова, Т.А.Абдураимов, З.Ваҳобов, А.Ахмедовлар грант асосида Россиянинг Ставропол университетининг география факультетига магистратурага ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 20 декабрдаги қарори ва Самарқанд давлат унивеситети ректорининг 2017 йил 11 январдаги №19 сонли буйруғига асосан табиий фанлар факультети таркибида фаолият юритиб келган география бўлимига экология кафедраси қўшилиб "География ва экология факультети" ташкил қилинди. Ушбу факультет Республикамиз олий ўқув юртлари орасида география, гидрометеорология ва экология соҳаларида мутахассисларни тайёрлайдиган ягона факультетдир. Факультетда учта кафедра мавжуд: география кафедраси (кафедра мудири доц. Х.Т.Назаров), гидрометеорология кафедраси (кафедра мудири проф. Ш.Т.Холиқулов), экология кафедраси (кафедра мудири доц. Х.Боймуродов). Бу кафедраларда 7 нафар фан докторлари-профессорлар 20 га яқин фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Кафедраларнинг ҳаммасида магистратура, докторантура мавжуд бўлиб география, экология ва сув ресурсларидан фойдаланиш, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларни олиб бормоқда.

Хулоса. География ва экология факультетининг илмий салоҳиятини янада кўтариш, ҳозирги давр талабига мос малакали кадрларни тайёрлаш учун янги компьютер дастурларини мукаммал ўрганиш, етакчи ҳорижий давлатлар тилларини яхши билиш, дала тадқиқот ишларини олиб бориш, экспедициялар, дала-экспериментал таянч-тажриба участкаларни ташкил қилиш, ривожланган чет давлатларнинг йирик географик, экологик, гидрометеорологик

илмий-тадқиқот марказлари билан илмий алоқаларни ўрнатиш, уларнинг фан ва таълим бўйича илғор тажрибаларини ўрганиш, илмий лабораториялар ташкил қилиш, ёш ҳодимларни ривожланган ҳорижий давлатларга магистратура ва докторантурага жўнатишни вақт тақозо этмоқда. Келажакда факультетни янада кенгайтириш мақсадида истиқболли, ҳозирги давр талаб қилинаётган фан йўналишларини, жумладан туризм картографияси, экотуризм, сувни тозалаш ва ундан тежаб фойдаланиш, сув экологияси, ер кадастри ва тупроқ экологияси йўналишлари бўйича магистрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишлар олиб бориш, илмий лабораториялар ташкил қилиш лозим.

УДК: 92

ОЛИМ, ПЕДАГОГ, ТАШКИЛОТЧИ РАҲБАР, КАМТАРИН ИНСОН МУСО МЎМИНОВ: ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

Р.И.Халмурадов
Самарқанд Давлат университети

Жамият ва мамлакатлар тарихида шундай воқеа ва ҳодисалар юз берадики, уларнинг қадр-қиммати ва инсон тамаддунидаги ўрни йиллар ва асрлар ўтгач ҳам унутилмайди. Худди шундай, инсоният цивилизациясида ҳам тарих саҳифаларидан ўрин олган шахслар бўладики уларнинг илмий-ижодий меҳнатлари самараси, инсонийлик фазилатлари узоқ вақтлар ўтсада янада тиниқлашади, ижтимоий-иқтисодиёт тараққиётига хизмат қилаверади.

Самарқанд Давлат университетининг шаклланиши ва ривожланишида ўзининг серқирра ижоди,фидоий меҳнати ва кадрлар тайёрлашдаги ютуқлари билан тарих саҳифаларида ёрқин из қолдирган шахслар, жамоат ва давлат арбоблари бир талай. Ана шундай табаррук инсонлардан бири Мусо Мўминовдир.

Ўзбекистонда Мўминовлар сулоласини билмайдиган оила, зиёли инсонлар, оилй таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ходимлари бўлмаса керак. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг оилй таълими ва илм-фани, соғлиқни сақлаш тизими, маданиятини академиклар Иброҳим Мўминов ва Толиб Мўминов, профессорлар Мусо, Вафо, Мақсуд, Актам, Акрам Мўминовларсиз тасаввур этиш қийин.

Биз Ўзбекистонда илм-фан ва халқ маорифи тараққиётида муҳим ўрин тутган, физика, айниқса ядро физикаси фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган таниқли олим, устоз-мураббий, оилй жаноб инсон, бутун борлиғини халқ ва эл-юрт равнақига бахшида айлаган, том маънода халқ фарзанди, Мусо Мўминовнинг ҳаёт ёъли ва илмий-педагогик, раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолиятига баъзи чизгиларни беришни мақсад қилдик.

М.Мўминов 1903-йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида зиёлилар оиласида таваллуд топган. У ёшлигиданоқ отаси Абдулмўмин Файзуллаев ва ака-укалари билан оиланинг деҳқончилик ишларига ёрдамлашар, атрофдаги янгиликларни, олаговур

замон воқеа-ҳодисаларини синчковлик билан кузатиб, уларни таҳлил қилиш ва тушунишга интилар еди. Оиланинг катта ўғил фарзанди Араббой, кичиги эса Иброҳим Мўминов (академик, Ўзбекистонда фалсафа мактабини яратган олим ва жамоат арбоби) бўлиб, иккинчи фарзанд Мусо Мўминов 1920-24 йилларда деҳқон аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишда фаол қатнашади. 1924-27 йилларда Москва шаҳридаги Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Меҳнат факультетида, 1928-36 йилларда Самарқанд педагогик академиясида дастлаб физика-математика факультети талабаси, кейинчалик аспирант сифатида таълим олади. Таниқли профессор А.М.Титовга шогирд тушди ва аспирантурада ўқиш даврида бўлғуси академиклар У.О.Орипов ва С.У.Умаровлар билан дўстлашди ва бу дўстлик бир умр давом этди. 1936-37 йилларда Бухоро давлат педагогика институтида директор ўринбосари, кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатади. 1941 йилда проф. А.М.Титов раҳбарлигида “Тупроқнинг солиштирма иссиқлик сиғимини калориметр ёрдамида аниқлаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1937-44 йилларда Самарқанд педагогика институти директори лавозимида ишлайди.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли ёпилган Ўзбекистон Давлат университетини (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) қайта тиклашда 1944 йили Мусо Мўминов ректор этиб тайинланади, шу билан бир вақтда физика-математика факультетининиг “Умумий физика” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатади. 1944 йилнинг ўзидаёқ университетда 23 кафедра ишга туширилди. Университетда ўқув жараёни, кафедраларда илмий-тадқиқот ишлари ёлга қўйилди. Ўқув-илмий лабораториялар ташкил этилади, асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Ўқув жараёнини, илмий ишларни юқори савияга кўтариш мақсадида собиқ Совет Иттифоқининг оилй ўқув юртларидан, илмий марказларидан таниқли олимлар таклиф қилинади. Масалан, собиқ Иттифоқ ФА нинг мухбир аъзоси В.П.Желепов, профессорлар Л.И.Лапидус, Б.М.Головин ва бошқалар шулар жумласига киради.

Университетда таълим-тарбия жараёнини қайтадан шакллантириш ва тизимли ёлга қўйишда И.Мўминов, В.Абдуллаев, Е.Проскоряков, М.Аминов, А.Ефимов, М.Собиров, И.Умняков, Р.Искандаров, Ю.Алескеров, М.Абрамов ва бошқалар ташаббускор М.Мўминов билан фаол иштирок этдилар.

Мусо Мўминов университетда ўқув жараёнини яхшилаш, маъруза ва лаборатория машғулотларини юқори даражада ўтказиш учун барча соҳаларда замонасининг энг илғор кишиларини жалб қилди: С.Айний, У.Турсунов, Н.Романов, И.Куклес, Б.Басков, А.Текучев, П.Факторович, Р.Маллин, Я.Зунделович, Р.Ибадуллин, В.Ездаков шулар жумласига киради.

1952 йилда профессор М.Мўминов “Умумий физика” кафедрасида “Радиоактив изотоплар физикаси” бўйича махсус курс ташкил қилди, шукурс бўйича маърузалар ўқиди ва илмий лаборатория ташкил этди ҳамда 1956 йилдан бошлаб радиоактив изотоплар физикаси бўйича мутахассислар тайёрлаб бера бошлади.

М.Мўминов илмий ишлар савиясини кўтариш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишларини ёўлга қўйиш мақсадида ЎзФА Ядро физикаси ва Физика-техника институтлари, Ленинград ва Москва Давлат университетлари, Дубна шаҳридаги Бирлашган Ядро Тадқиқотлари институти(Россия) ва бошқа бир қатор илмий марказлар билан ҳамкорликни ёлга қўйди. Бу алоқалар республикамизда физика, хусусан ядро физикаси фани ва таълимининг ривожланишига, етук мутахассис кадрлар тайёрланишига катта ёрдам берди. Тез орада бир қатор фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқди, илмий-тадқиқот ишларини янги ёналишлари университетга кириб кела бошлади. Ўзбекистонда биринчилардан “Атроф-муҳит намуналарининг радиоактивлигини ўрганиш ”илмий ёналишини тадқиқ этиш ёлга қўйилди. Радиоактив гамма нурланишларнинг моддалар билан таъсирлашуви жараёнидаги янги қонуниятлар ўрнатилди, радиоактив нурланишларнинг ўсимликлар ва ҳайвонларга таъсири, радиоактив элементларнинг атроф-муҳитда тарқалиши, гамма-нурларнинг мураккаб моддаларда (сувда, НаСл, БаСл эритмаларида, пишиқ ғиштда, жунда, пахтада) ютилиши тажрибалар асосида ўрганилди. Жумладан, 1958 йилда чигитни нурлантириб экиш натижасида ҳосилдорликни гектарига 6-8% га ошиши, ҳосилнинг эртапишишига эришиш мумкинлиги тажрибаларда кўрсатилди, касалликларга чидамли навларни яратиш имкониятлари таклиф қилинди. Бу тадқиқотлар радиоактив изотоплардан халқ хўжалигига фойдаланиш кўламининг кенгайишига олиб келди. Бу амалий тадқиқотларнинг натижалари Ўзбекистон ва Тожикистон ФА нуфузли журналларида, жумладан, кенг жамоатчиликка мўлжалланган “Фан ва турмуш” ва “Природа” ҳамда бевосита илмий ходим ва мутахассисларга ёўналтирилган

“Хлопководство” ва “Радиобиология” илмий журналларида ҳам ёритилган. Бу тадқиқотларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оидлари биология факультети олимлари Ж.Қобилов, А.Алексанян, Ф.Исмаилов билан ҳамкорликда ўтказилганлигини эътироф этмоқ лозим.

Мусо Мўминов олий ўқув юртлари талабалари учун ўзбек тилида 10 га яқин дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг (“Молекулярфизика”, “Физик тажрибалар натижалари хатолари ҳақида”, “Физикадан лаборатория ишлари учун қўлланма”, 1-2қисмлар) муаллифидир.

Захматкаш устоз иш фаолияти давомида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келди. Бир неча марта шаҳар партия қўмитаси аъзолигига Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлигига, вилоят ва республика касаба уюшмалари қўмиталари Пленумлари аъзолигига сайланди.

Профессор Мусо Мўминовнинг халқ бахти саодати, Ватан равнақи ёўлида қилган улкан хизматлари халқ ва ҳукумат томонидан муносиб баҳоланди, ҳукуматимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланди. Устоз бошлаб берган илмий-тадқиқот ишлари, ғоялари кейинчалик муносиб фарзандлари–профессор Мақсуд Мўминов, академик Толиб Мўминов, профессор Камол Мўминов ва кўпсондаги шогирдлари томонидан давом эттирилди, ядро физикаси соҳасидаги замонавий қурилмаларда нозик ва мураккаб экспериментлар натижасида янги қонуниятлар очилди, кашфиётлар қилинди.

Мусо Мўминовнинг ўзига хос оилй жаноблиги ва серқирралиги кишиларни худди магнитдек ўзига тортар эди. У киши олим ва мураббий, раҳбар сифатида ходимларга чинакам ғамхўрлиги билан, кеккайиш, кибр-у ҳаво, мансабпарастлик, худбинлик, мақтанчоқликдан узоқ юриши билан бошқалардан тубдан фарқ қилар эди.

Устознинг мураббийлик, инсонийлик хислатларини янада теранроқ тасаввур этиш учун шогирдлари, ҳам касбларининг баъзи хотираларини келтириш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор В.Абдуллаев хотирлайди: “1936-йилда биз Мусо Мўминов билан бирга Бухоро Давлат педагогика институтида хизматда эдик. Мусо ака институтнинг ҳам ўқув, ҳам илмий ишларини бошқарар, мен бўлсам ўзбек адабиёти кафедрасида мудир эдим. Мусо Мўминов бутун умри давомида янгилик излар, уларни ўқув дастурларига сингдириб, тайёрлайдиган кадрларимизнинг ҳар томонлама етук, бақувват бўлиб камол топишларини ўйларди. Бу борада Самарқандда ҳам шоҳид бўлганим 1938 йилнинг сентябридан 1944 йилнинг августигача, аввало, ўқитувчилар институти, сўнгра Самарқанд педагогика институтида, 1944 йилнинг сентябридан ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) ректорлиги лавозимидаги серқирра фаолиятида ҳам ҳамма-ҳаммага ўрнак бўларли кўпдан кўп афзалликларни кўрардик. Ўшакезларнинг ҳамма долзарб масалалари бўйича фаолиятда Мусо Мўминович барчамизга намуна эдилар”.

Кўп йиллар М.Мўминов билан ишлаб, университетни қайта тикланишида жонбозлик кўрсатган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Афанасий Семенович Ефимов шундай дейди: “Мусо Мўминович бизнинг ҳаммамиз учун зиёли ва маданиятли киши намунаси, катта ҳарфлар билан ёзиладиган мураббий эди”. “Устоз, моҳир педагог Мусо Мўминович Мўминовнинг ўзбек физика мактаби асосчиларидан бирининг ажойиб ҳаёти ғоят ибратлидир”, деб эслайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги М.С.Саидов.

СамДУ ядро физикаси кафедраси доценти Г.Ахмедованинг М.Мўминов ҳақидаги қуйидагича сўзларига аҳамият беринг: “Профессор Мусо Мўминович Мўминов жуда кўп академик, профессор, олимлар устози, у кишини билган қанча-қанча инсонларнинг ишонган, суянган дўсти, ғамхўр маслаҳатчиси эдилар”. Устознинг яна бир истеъдодли шогирди, бугун ўзлари ҳам устоз деган шарафли номга сазовор инсон, профессор, физика-математика фанлари доктори, Самарқандда магнит ҳодисалар физикаси соҳасини ривожлантирган Облоқул Қувондиқов шундай хотирлайди: “Мен Москва шаҳрида аспирантурада бўлганимда ҳам домла билан алоқада бўлиб турганман. У киши Самарқандда илмий ишларни ривожлантиришни ўйлар эдилар. Бир хатларида, “Қувондиқов хатингизни олдим. Сиз физикавий асбоб-ускунлар билан ишлашни ўрганинг ва шу қурилмаларни Самарқандга олиб келишни ўйланг. Бизлардан нима ёрдам керак бўлса бажарамиз”, деганларини миннатдорчилик билан эслайди.

СамДУ Ўзбекистон тарихи кафедрасининг собиқ мудири, тарих фанлари доктори, профессор М.М.Абрамов кўп йиллар бирга ишлаган устози ректор сифатида тарих факультетига тез-тез келиб туришини, мажлис ва илмий кенгашларда қатнашишини, Ўзбекистоннинг қадимий тарихини чуқур билишини, В.В.Бертелс, А.Ю.Якубовский каби шарқшунос олимларнинг

асарларини яхши билиши, ҳаттоки, университет фундаментал кутубхонаси қошида Шарқ қўл ёзмалари фондини ташкил қилишга ҳам бошчилик қилганликлари билан ҳаммани ҳайратга қолдиришларини сўзлаб берарди.

Мусо Мўминов ректорлик вақтида ҳам қанчалик вазифа ва ишлар кўп бўлишига қарамай университетга ўқишга кираётган ёшларни имтиҳон баҳолари билан қизиқиб, уларни билим даражалари ва истиқболини сезган ҳолда тегишли маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатган эканлар. Ҳар бир ёшнинг келажагига бефарқ бўлмаган, барчани ўзининг фарзанди дек кўриш бахтига муяссар бўлган инсон бўлган. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институте ҳамда Самарқанд давлат университетида кафедра мудири бўлиб ишлаган доцент, физика-математика фанлари номзоди А.Рахимов айтиб юрарди: 1949 йил қишлоқдош дўсти О.Турсунов билан СамДУ география бўлимига кириш имтиҳонлари топшириб, математика ва физика фанларидан аъло баҳо олишганини билган университет ректори, физик олим Мусо Мўминов ҳар иккаласини чақириб, ярим соат вақт ичида ўйлаб, агар физика бўлимига ўқишга рози бўлсалар ариза ёзиб келишларини айтган. Дарҳақиқат, тажрибали устознинг шогирд танлашда ва ёшларни касбга ёўналтиришдаги донишмандликларини кейинг ҳаёти исботлади. А.Рахимов собиқ Совет Иттифоқи ФА Физика институти аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертасиясини ҳимоя қилди, дўсти О.Турсунов эса Тайлоқ тумани Жума бозор қишлоғидаги 65-ўрта мактабда (ҳозирги 29-мактаб) ишлаб жуда кўплаб ёшларни физика ўқитувчиси бўлишга хизмат қилди.

Мусо Мўминовдаги камтарлик ва инсонпарварлик фазилатлари, бойлик ва ҳашаматли, кўз-кўзга яшашдан йироқлик фарзандларига ҳам батамом ўтган. Катта ўғиллари Мақсуд Мўминов узоқ йиллар СамДУ да кафедра мудири, декан, ўқувишлари бўйича проректор, иккинчи ўғиллари академик Толиб Мўминов СамДУ даректор, ЎзМУ қошидаги амалий физика институтида директор, кичик ўғиллари Камол Мўминов ҳам республика миқёсидаги масъул лавозимларда ишлашларидан қатъий назар эл фарзанди сифатида эъзоздалар. Чунки, Мўминовлар сулоласининг турмуш-тарзи, эътиқоди ва анъанаси, хокисорлик, оддийлик, ҳалоллик ва энг муҳими, илм-фан ва маърифат ёўлидаги фидоийлик ҳисобланади.

Устознинг ёрқин хотираси у кишининг фарзандлари, шогирдлари ва у кишини билганлар қалбида абадий эъзозда яшайди.

УДК: 92:9(575.1)

ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Х.М.Мамарахимов
Самарқанд Давлат университети

Шароф Рашидов (1917-1983) таниқли давлат раҳбари ва ташкилотчи, жамият арбоби, ёзувчиэди. Ш. Рашидов 1917 йилнинг 7 ноябрида Жиззах шаҳрида туғилган. У 1933 йил етти йиллик мактабни битириб, мазкур шаҳарда фаолият олиб бораётган педагогика техникумига ўқишга киради. Уни тугатгач ўзи ўқиган мактабда ўқтитувчилик қилади. 1937-1941 йилларда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида ўқийди. Университетдаги ўқиш даврида Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, ўқишни тугатгач, 1941 йил газетанинг масъул муҳаррири бўлиб ишлади. 1941-йил ноябрь ойида урушнинг энг даҳшатли кунларида Самарқанд Давлат университетини ўқиётган талабалар ректор бошчилигида ёппасига ариза бериб, фронтга жўнашган. Улар сафида Шароф Рашидов ҳам бўлган. 1942-йилда Ш. Рашидов фронтдан оғир ярадор бўлиб қайтиб келади ва Жиззахдаги ўрта мактабда директорлик

қилди[1].

1943 йил яна «Ленин йўли» газетасида масъул муҳаррир, 1944 йил Самарқанд вилояти партия қўмитасида котиб лавозимларида ишлади. 1947-1949 йилларда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси муҳаррири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1949-1950), 1950 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси, СССР Олий совети Президиуми раиси ўринбосари сифатида фаолият юритди.

1959 йилнинг 14 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби Собир Камолович Камолов ўз вазифасидан озод қилинди. Икки кун давом этган бюро мажлисида Маркомнинг пленумига Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби вазифасига тавсия қилиш учун Республика Олий советининг раиси вазифасида ишлаб келаётган Шароф Рашидович Рашидов тавсия қилинди. Бюрода Марказком котиби Рахимбобоева Рашидов номзодини биринчи котибликка тавсия қилганда бюро аъзоларининг аксарият қисми бу таклифни ёқлашган.

Лекин Ўзбекистон Министрлар советининг биринчи муовини Расул Ғуломов Рашидовнинг саломатлигини баҳона қилиб, бунга қарши ўлароқ ўша пайтда Самарқанд область партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Ориф Олимов номзодини қўяди.

Бу таклифни ҳам уч тўртта бюро аъзолари ёқлашади. Шулар қаторида Ўзбекистон КГБ сининг раиси Алексей Петрович Бизов Шароф Рашидовнинг номзодига қарши чиқиб, О. Олимов номзодини ёқлайди. Кейинчалик А.П. Бизов ўзининг нотўғри ҳаракатидан пушаймон бўлиб, мен тамоман Москвани эсдан чиқариб қўйибман. Мен КПСС Марказий комитети котиби бўлиб ишлаётган Нуриддин Акромовични назарда тутиб, уни ориентир (нишон) қилиб, шу ишни қилиб қўйибман, чунки Ориф Олимовичнинг Муҳиддинов ва Расул Ғуломов билан жуда яқинлигини билар эдим. Роман Ефимович Мелниковга (Ўзбекистон Компартияси марказий Комитетининг иккинчи котиби) ориентир қилиш тамоман хаёлимдан кўтарилибди. Орқага қайтишга иложим қолмаган эди, - деб пушаймон қилади[2]. Ўзининг хотира китобида Шўролар ҳокимияти даврида иттифоқдош республикаларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбарлари номзодини КПСС марказий комитетининг сиёсий бюроси кўрсатар эди.

Шароф Рашидович Рашидов тўққиз йил давомида Ўзбекистон Олий совети президиумининг раиси вазифасида ишлаб, марказга яхши, сидқидилдан хизмат қилди. Унинг зиёлилик даражаси номзоди кўрсатилган О.Олимов даражасидан баланд халқаро миқёсда ҳам маълум раҳбар эди. Марказнинг рухсатисиз Рашидовнинг номзоди албатта, овозга қўйилмас эди. Буни ҳаётимдаги энг катта хатоларимдан бири деб биламан, - деб пушаймон бўлган эди Бизов[3].

Шароф Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қилиб сайланишини республика аҳли жуда яхши қабул қилди ва ундан янги тинч тотув ҳаёт йўлидаги ўзгаришларни кутди. Шароф Рашидов Ўзбекистон Олий Советининг раиси лавозимида 9 йил ишлабхалқнинг барча қатламлари билан яқиндан таниш эди. Ш.Рашидовнинг раҳмдил, бағрикенг раҳбарлигини шундан билишардики, Марком бюросида у кишининг номзодига қарши овоз берган кексайиб қолган собиқ КГБ нинг раиси А.П. Бизовни республикада олиб қолдилар ва обрўли лавозим билан таъминладилар. Шахсан Ш. Рашидовнинг ташаббуси ва Ёдгор Содиқова Насриддинованинг розилиги билан А.П. Бизов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши девонининг бошлиғи вазифасига ишга тайинланди ва узоқ йиллар ушбу вазифада ишлади.

Ш. Рашидов 1959 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон КП МК нинг биринчи котиби лавозимида ишлади. У 1961 йил КПСС МК сиёсий бюроси аъзолигига номзод бўлди. У икки маротаба меҳнат қаҳрамонига сазовор бўлди.

Ш. Рашидов Республикага деярли чорак аср раҳбарлик қилди. Ана шу йиллар Ватанимиз тарихининг мураккаб даврини ташкил қилади. Бу йиллар иттифоқ раҳбариятининг «ҳужум ва тазйиқ» билан «коммунизмга сакраш»ни амалга ошириши ҳамда тўқиб чиқарилган «ривожланган социализм» режаларини жорий қилиш билан волюнтаризм ва суюъективизмнинг кучайиши, совет давлати ҳаётининг барча соҳаларида танглик ҳолатларининг авж олиши билан ажралиб туради.

---

[1] Халқ сўзи газетаси 1992 йил 6 ноябрь

[2] Ҳайдар Зиёев «Тилсиз хотира» 1- китоб «Шарқ» нашриёти, -Тошкент; 2004. 203-204-бетлар.

[3] Ҳайдар Зиёев «Тилсиз хотира» 1- китоб «Шарқ» нашриёти, -Тошкент; 2004. 364-365-бетлар.

Ўз даврининг фарзанди бўлган Ш. Рашидов ўша мустабид тузумга садоқат билан хизмат қилишга, марказнинг буйруқларини ҳаётга тадбиқ этишга мажбур эди. Марказий сиёсий раҳбариятнинг тазйиқи билан Ўзбекистон туб манфаатларига зид боришга ҳам тўғри келарди. Лекин у иттифоқ раҳбариятининг империяча ҳатти ҳаракатлари туфайли етказилаётган зарарни энг кам миқдорга туширишга интилди. Республика учун зарур маблағлар ва моддий ресурсларни ундиришга ҳаракат қилди. Республикада кўпгина муҳим объектлар, қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, 1985 йилда республикада 900 та суғориш тизими, 92 та гидротехника иншооти қишлоқ хўжалиги учун ишлаётган эди. 23 та сунъий денгиз сув омборлари қурилган эди. Бундай сунъий денгизлар орасида Ўрта Осиёда энг йириклари ҳисобланган Чорвоқ сув омбори, Хоразм ва Амударёнинг қуйи оқимидаги Туямўйин сув омбори, Қорадарёдаги Андидон сув омборлари ишга туширилди. Натижада, 1966-1985 йилларда 1,6 млн. га ер ўзлаштирилди. Республиканинг қўриқ ерларида 160 та давлат хўжаликлари ташкил қилинди[4].

Ш.Рашидов раҳбарлигида республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, унинг моддий базасини яратиш ва мустаҳкамлашда қўриқ ерларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов бундай деган эди: “Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш Ўзбекистоннинг келажаги билан бевосита боғлиқ эди. Кечаги қўриқ чўллар бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун ишлаб турибди[5].

Ўзбекистон тарихидан маълумки, 1950 йилларнинг бошида А.Ниязов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби ва Ўзбекистон комфирқасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби Ҳ. Турсуновлар даврида уларнинг гумашталари давлат хавфсизлик қўмитасининг собиқ 4-бошқармасини бошқарган Язов ва унинг шериклари, ёзувчилар уюшмасининг собиқ партком котиби Милчаков кўп зиёли қаламкашларга нотўғри муносабатда бўлганлиги маълум. Собиқ 4-бошқарманинг ўрнига тузилган янги бўлимга бошлиқ бўлган Ҳайдар Яҳёевга ва Ўзбекистон КГБ сининг раиси этиб Москвадан тайинланган Георгий Фёдорович Наймушендан талаб ва илтимос қилиб, Ш. Рашидов мерос бўлиб ўтган қоғозларни, ижодкорлар устида тузилган махфий дело ва ахборотларни бирма-бир шахсан ўзингиз кўздан кечириб, ҳақиқат юзасидан туҳмат ва бўҳтондан иборат материалларни йўқ қилинг ва архивга топширинг- деб топшириқ беради[6]. Чунки- деб фикрини давом эттирган Ш.Рашидов, айрим исдеъдодсиз қаламкашлар илм-фан ва санъат вакилларини кўролмаслик юзасидан истеъдодли кишилар устидан турли воситалардан фойдаланиб КГБ га ёзма ахборотлар уюштириб турганини биламиз. Мана шу нарсаларга чек қўйинг деб маслаҳат берган.

Москва барибир республиканинг етакчи ёзувчию олимлари, ижодкорлари, раҳбар лавозимидаги зиёлилар дунёқараши, кайфияти билан қизиққан. Уларнинг тушунчасига кўра, кўпинча, миллий ғурур, бой ўтмишни эъзозлаш, ўзбекча турмуш тарзини ва ўзлигини англаш қандайдир ўзбек миллатчилигини кучайтиришга олиб келадиган омиллардан бири деб қараларди. Ана шундай нотўғри қарашлар туфайли Ўзбекистон ёзувчи зиёлиларидан Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Ҳамид Сулаймонлар қатағон қилинди. 1950-йилларнинг бошларида «қора рўйхат» га тушган адиблар сони Н.Муҳиддиновнинг берган маълумотларига қараганда 60 кишидан иборат бўлган[7].

1960 йилларнинг кузларига бориб, Язовдан мерос қолган асоссиз делолар архивга топшириб юборилди. Ш. Рашидов раҳборлиги йилларида республика ёзувчилар уюшмасининг боронта аъзоси КГБ томонидан сиёсий айб қўйилиб, жиноий жавобгарликка тортилмади. Чунки буни келтириб чиқарадиган механизм ва замини таг-томири билан йўқ қилинди. Бу унинг олийжаноб буюк хизматларидан бири эди.

Унинг даврида республиканинг иқтисодий, маданий ва сиёсий мавқеи Ўрта Осиё республикалари ўртасида тараққий топган республикага айланиб, халқаро миқёсда ва ташқи сиёсатда ҳам тўғри сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида Тошкент дўстлик ва нон шаҳрига айланди. Республикада кўплаб бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

---

[4] Ўзбекистон Республикаси режа қўмитасининг жорий архиви 1986 йил ҳисоботи. 2- жилд. 92-93 бетлар.
[5] Каримов И.А «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 89 – бет.
[6] Ҳайдар Зиёев «Тилсиз хотира» 1- китоб «Шарқ» нашриёти, -Тошкент; 2004 й.
[7] Муҳиддинов Н. «Кремлда ўтган йилларим» 58 бет.

Тошкенда «Халқлар дўстлиги» саройи қурилиши, 1966 йилда Тошкентда рўй берган зил-зила оқибатларини тугатиш ва шаҳарни қайта қуриш, Тошкент метрополитени қурилишини йўлга қўйиш ва унинг қурилиши, Ўзбекистоннинг кўп қиррали салоҳиятининг ривожланиши унинг номи билан бевосита боғлиқдир.

Ш.Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги алоҳида хизмати шундан иборатки, - деб таъкидлаган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов, - у ишлаб турган даврда ўзбек халқи бутун дунёга машҳур бўлди. Халқаротинчлик севарлик ҳаракатини ифодаловчи ва республикамиз заминида вужудга келган машҳур «Тошкент руҳи» тушунчаси бевосита Рашидов номи билан боғлиқдир. Ш. Рашидов ўзбек халқининг пок номини улуғлаш, уннга ажойиб фазилатларини дунёга намойиш қилиб кўрсатиш учун ҳаракат қилди. Бу жумҳуриятимиз тупроғида вужудга келган халқаро ҳаракатдир. Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кино фестивали, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тинчлик сулҳининг Тошкентда имзоланганини эслашнинг ўзи кифоя, -деди И.А. Каримов.

Мустабид тузум Ш. Рашидовнинг Ўзбекистон миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, Марказга қарамликни имкон даражасида бўлсада заифлаштиришга қаратилган интилиши билан келиша олмасди. У вафот этганидан кейин, республиканинг иқтисодий ривожланиши кескин равишда секинлашган бирпайтда иттифоқ раҳбарияти ўзининг ижтимоий иқтисодий сиёсатидаги мағлубияти сабабларини «Маҳаллий кадрлар» га ағдариш мақсадида Ш. Рашидовга қарши туҳмат тошларини ёғдирди. Ҳатто «Шароф Рашидовчилик» деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлиқ тўқиб чиқарилди. Оқибатда кўп азоб-уқубатлар чеккан Ўзбекистон халқи бошига яна оғир фалокатлар ёғилди ва ёвуз эксперименталар майдонига айлантирилди. Миллий қадр-қиммати оёқ ости қилинди.

Шароф Рашидов вафотидан кейин унга нисбатан туҳмат ва бўҳтонлар бошланади. Марказнинг топшириғи билан 1984 йилнинг июнида Егор Лигачев Тошкентга келиб Ўзбекистон компартияси Марказий комитетининг XVI пленумини ўтказади. Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираларини оёқ ости қилиш ана шупленумдан бошланади. Бунинг оқибатида Ш. Рашидовнинг ҳамма хизматларини, шужумладан, уни эслатадиган барча нарсаларни йўқ қилишга уриндилар. Ўша оғиркунларда Ўзбекистонга осон бўлгани йўқ. Юрт ороми бузилган эди. Марҳумнинг оиласидан ўч олиш бошланган, унинг кўп қаватли умумий уйдаги оддий квартираси тортиб олинган эди. Натижада оиласи кўчада қолди. Ш. Рашидовнинг қабрини қўзғатишди, фарзандларини қувғин қилишди. Марҳум Рашидов билан олишув бошланди. Унга қарши курашга сиёсий тус берилди. Уни гўрдан олиб, гўрга солдилар.

Афсуски, Ш. Рашидов қабрини очганлар, унга тошотганларнинг биронтаси «бегона» эмас эди. Рашидов қабрини бузиш ҳақидаги қарорга имзо чеккан бедавозотунинг ҳаётдаги энг ишончли «вориси» эди. «Рашидовчилик» каби ҳақоратли атамаларни ҳам ўйлаб топиш билан ўзбошига ўзи мағзава тўккан нодон ва нопок сиёсат фурушлар ҳам аслида Рашидов этаги остидан чиққан жўжачалар, палағда нусхалар эди[8].

Фақат, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейигина Ш. Рашидовнинг номи оқланди. Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигини тантанали нишонлаш ҳақида ҳукумат қарори эълон қилинди[9]. Рашидов даврига энг адолатли баҳо берган биринчи раҳбар Ислом Каримов бўлди. У киши Ш. Рашидовнинг 75 йиллик юбилейида сўзлаган нутқида бундай деган эди: - Биз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилиб халқ иродасини яна бир бор амалга оширганимизни кўриб турибмиз. Бу юбилейни ўтказишдан мақсадимиз авваламбор, шу улуғ зотнинг қарийб 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини яна бир бор эътироф этиш, унинг ҳалол ва покиза номини авлодлар олдида тиклаш эди, - деб қайд қилди. Халқимиз Ш. Рашидов номини доимо бошида кўтариб, энг оғир кунларда ҳам ерга қўймай эъзозлаб келмоқда[10].

[8] Шароф Убайдуллаев., «Шароф Рашидовнинг макони қаерда» Ўзбекистон овози газетаси, 1994 йил, 16 апрель.
[9] Халқ сўзи газетаси, 1992 йил, 6 ноябрь.
[10] Халқ сўзи газетаси, 1992 йил, 12 ноябрь.

1992 йил 6 ноябрь куни Жиззахда, шаҳарнинг Ўзбекистон меҳмонхонаси рўпарасидаги «Дўстлик» майдони, Шароф Рашидов номидаги катта кўча боғ эрта тонгдан одамлар билан тўлди. Йиғилганлар Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва унинг ҳамроҳларини кутиб олдилар. Атоқли давлат арбоби, таниқли адиб Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов тантанали мажлисда нутқ сўзлади.

Тантанали мажлисда қозоғистонлик меҳмон Д. Кунаев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ва Ш. Рашидовнинг умр йўлдоши Хурсан ая, Тожикистон меҳнат қаҳрамони А. Самадов, Туркманистонлик Р. Ғафуровлар сўзга чиқиб, Ш. Рашидов ҳақидаги хотираларини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар[11]. Д.Кунаев – Шароф Рашидов бениҳоя назокатли ва ўта покиза инсон эди деб баҳо берди[12].

Шароф Рашидов Ўзбекистонни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Унинг куч ғайрати туфайли бу ўлка бутун дунёга танилди. Унинг асарлари жаҳоннинг кўп тилларига, шу жумладан, ҳинд ва урду тилларига таржима қилинган. «Кашмир қўшиғи» Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатарни ривожлантиришга Шароф Рашидов қўшган ҳисса ҳаммага маълум. Ш. Рашидов 1975 йилнинг февраль ойида Ҳиндистонга ташриф буюрган эди ва у Ҳиндистон халқи томонидан яхши кутиб олинган эди.

Ш.Рашидов «Ғолиблар» (1951), «Кашмир қўшиғи» (1956), «Қалб амри билан» (1962) қиссалари, «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964) романлари бир қанча публицистик китоблар ва бошқа асарлар муаллифи. Бундан ташқари, 5 томлик танланган асарлари ҳам Москвада нашр этилиб ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган эди.

2016 йил декабрь ойида Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятининг Арнасой тумани сайловчилари билан учрашуви вақтида Ш.Рашидовнинг хотирасини эсга олди. Ш. Рашидов чорак аср мобайнида Республикага раҳбарлик қилиб катта ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишда бош-қош бўлди. Аммо унинг тақдири Совет империясининг нотўғри сиёсати туфайли барбод қилинди.

2017 йил Олий Мажлис сенатининг қарори билан Шароф Рашидовнинг туғилиб ўсган Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. 2017 йил 27 мартда марҳумнинг давлат ва жамоат арбоби, оташқалб ёзувчи, Республиканинг биринчи раҳбари бўлиб, фидокорона жасорат кўрсатиб, чорак аср буюк хизматлар кўрсатгани ҳисобга олиниб Республика Президенти Ш. Мирзиёев томонидан «Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш» ҳақида қарор қабул қилинди. Қарорда 2017 йилнинг ноябригача Жиззах шаҳрида унинг ҳайкалини, Тошкент ва Жиззах шаҳарларида уй музейини ташкил қилиш ва у жойларни ободонлаштириш белгиланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, давлат, жамоат ва сиёсат арбоби Шароф Рашидов чорак аср мобайнида Республиканинг биринчи раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди. У ўз фаолияти давомида ўзининг ҳалол ва пок, тўғрисўз раҳбар эканлигини намойиш этди. У давлатни бошқаришда, халқлар ўртасидаги тинчликни, дўстликни мустаҳкамлашда, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда, республика шароитини ҳисобга олиб раҳбарлик қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш борасида катта мерос қолдирди. Шунинг учун республика халқи ва унинг дўст биродарлари унинг сиймосига ҳурмат бажо келтирадилар. Зеро, Республикамизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек «Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодга катта мерос қолдирди. Бу мероснинг моҳияти Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатида ибратидир[13]. Шароф Рашидовдек буюк давлат ва жамоат арбобини жамият сийрак етиштиради.

[11] Халқ сўзи газетаси, 1992 йил, 7 ноябрь.
[12] Халқ сўзи газетаси, 1992 йил, 6 ноябрь.
[13] И. А. Каримов «Юртимизнинг оташқалб фарзанди» Халқ сўзи газетаси. 1992 йил, 12 ноябрь.

УДК: 92

УЧЁНЫЙ, ПОЭТ И РУКОВОДИТЕЛЬ С БОЛЬШОЙ БУКВЫ

А.Б.Бабахаджаев, М.К.Шарипова
Самаркандский Государственный университет

105- годовщине со дня рождения акад. В.Абдуллаева)

2017-год для Самаркандского государственного университета – одного из старейших учебных заведений страны - является особым годом, годом зрелости и демонстрации огромных достижений в учебно-воспитательной, научно-исследовательской, общественно-политической и других сферах деятельности. Ровно 90 лет назад, в 1927 году Постановлением правительства Республики Узбекистан был образован и стал функционировать Узбекский государственный университет (УзГУ) – нынешний Самаркандский государственный университет (СамГУ).

За прошедший период университет возглавляла плеяда настоящих, беззаветно преданных делу народного образования учёных, талантливых руководителей, отдавших весь свой жизненный опыт и научный потенциал процветанию науки, дальнейшему росту и развитию родного университета, превращению его в одного из флагманов высших учебных заведений не только Узбекистана, но всего Среднеазиатского региона. Их имена золотыми буквами вписаны в историю СамГУ.

Одной из ярчайших звёзд, оставивших немеркнущий свет в этой сфере, был академик Вахид Абдуллаев.

Известный литературовед, действительный член АН Узбекистана, доктор филологических наук, профессор В. Абдуллаев оставил потомкам богатое научное и духовное наследие, целую школу литературоведов, которую сейчас успешно представляют его ученики.

Если говорить о жизненном и творческом пути талантливого педагога, заботливого наставника молодёжи, одного из организаторов науки в Самаркандской области Вахида Абдуллаева, то следует отметить, что он тысячами нитей связан с Самаркандским госуниверситетом, с литературно-художественной и культурной жизнью области, воспитанием студенческой молодёжи.

Начав свою педагогическую карьеру ещё в годы военного лихолетья простым преподавателем, В. Абдуллаев на протяжении всей сознательной жизни постоянно двигался по пути совершенствования и оттачивания своего педагогического мастерства. Работая на различных должностях – преподавателя, доцента, профессора, заведующего кафедрой, и, наконец, ректора одного из крупнейших вузов страны – СамГУ (март 1963 – октябрь 1971), он сеял только «разумное, доброе, вечное». Его блестящие знания истории и культуры народа, утончённый ум и талант способствовали появлению своеобразной литературоведческой школы в Узбекистане на базе Самаркандского госуниверситета. Под пристальным вниманием и непосредственным руководством В. Абдуллаева Самаркандский госуниверситет поистине стал кузницей высококвалифицированных кадров. Об этом свидетельствуют имена его учеников – крупных учёных, докторов наук Орифжона Икромова, Ботурхона Валиходжаева, Нуриддина Шукурова, Шавката Шукурова, Рахманкула Орзибекова, Шавката Холматова и многих других, которые сами впоследствии стали известными учёными и руководителями многих научных учреждений. Благодаря В.А. Абдуллаеву и его ученикам в СамГУ образовалась и сейчас действует всемирно

известная литературоведческая школа по изучению творческого наследия Алишера Навои, в настоящее время возглавляемая доктором филологических наук, профессором Дилором Салохи.

Учитель многие годы читал студентам университета интересные и незабываемые лекции по «Истории узбекской литературы», которые впоследствии легли в основу его докторской диссертации «Узбекская литература в Хорезме в XVII-XVIII», защищённой в 1959 году. Из многочисленных его произведений особенно выделяется учебник «История узбекской литературы». Данная книга, хотя и написана как учебник для студентов филологических факультетов высших учебных заведений, фактически считается фундаментальным исследованием, характеризующим его как очень необходимое и важное открытие, ибо она является результатом многочисленных научных исследований учёного над бесценными рукописями и редкими первоисточниками.

Как отмечают ученики академика В. Абдуллаева профессора М. Мухитдинов и Б. Юлдашев, научные исследования и монографии ученого «Алишер Навои в Самарканде», «Правда о Мунисе», «Хоксор и Нишоти», «Дыхание веков», «Избранное», «Избранные произведения», являющиеся важнейшими достижениями узбекского литературоведения, давно превратились в бестселлер.

В. Абдуллаев горячо любил свою Родину, его древние города и в особенности Самарканд, которому он посвятил цикл своих стихотворений, многие из которых превратились в песни, исполняемые ведущими артистами страны.

С середины 30-х годов В. Абдуллаев стал выступать как поэт, оратор и публицист. Если в довоенное время он писал маленькие по жанру стихи и рассказы, посвящённые дружбе народов, освобождению женщин, проблемам труда и нравственного воспитания молодёжи, защиты отечества, то в послевоенные годы учёного привлекают просторы и горы Самаркандской, Джизакской, Бухарской, Кашкадарьинской и других областей, неповторимый пейзаж Ферганской долины. Несмотря на высокий пост ректора, будучи депутатом Верховного Совета Узбекистана, он всегда находил время для встреч с чабанами, сельскими тружениками, посещал детские дома, записывал образцы народных песен и мудрых изречений. Не без помощи учёного воскрешены из небытия и включены в школьные и вузовские программы по устному народному творчеству имена Эргаша Джумабулбуля, Ислама Шаира, Пулкана и других народных сказителей.

Следует подчеркнуть, что имя народного любимца Вахида Абдуллаева одинаково дорого всем слоям узбекского населения. Учёный всегда был в гуще народа. На базаре, на вокзале, в далёкой чабанской юрте или на виноградниках Кошрабада или Нураты, его всегда окружал народ, с ним советовались, получали от него бескорыстную помощь, ибо он никогда не был только кабинетным учёным. Его слова «Я из народа, я с народом» могли бы послужить девизом для многих учёных и руководителей. Дух Вахида Абдуллаевича, его энергия и гены продолжают вдохновлять молодёжь на новые свершения и штурмовать горизонты науки. Необходимо заметить, что именем учёного не замыкается чета Абдуллаевых. Из его семьи и прямых родственников, не говоря о кандидатах наук и ответственных руководителях города, области и республики, вышли 3 ректора престижных вузов, (И.Рахматуллаев, сам В Абдуллаев и первий ректор СамТИИЯ-Ю.Н.Абдуллев) более десяти докторов наук, работающих в различных сферах науки, искусства и культуры. Сегодня это дорогое имя достойно представляют его дети и другие родственники: доктор химических наук проф. Абдуллаев Ш.В., заслуженный деятель науки Узбекистана, доктор юридических наук, профессор Абдумажидов А.А., доктор филологических наук, профессор НУУз Абдуазизов А.А., доктор исторических наук, профессор Абдуазизова Н.А., доктор педагогических наук, профессор Абдуллаев Ю.Н., доктор медицинских наук, профессор Абдуллаева М.Н., кандидат филологических наук, профессор Центральной Ассоциации учителей русского языка Америки Абдуллаев Х.Н., а также совсем ещё юная и подающая надежды молодой учёный Абдуллаева Р.Х.

В преддверии 105-летию памяти со дня рождения академика В. Абдуллаева и отдельных его учеников, плодотворно занимавшихся и продолжающихся заниматься актуальными вопросами изучения творчества великого Алишера Навои и других представителей узбекской классической литературы, необходимо ещё раз склонить головы перед памятью этих людей, конечно, в первую очередь перед В. Абдуллаевым, который внёс весомый вклад в развитие университета и всего высшего образования Республики.

Поэтому закономерно статью об учителе, поэте, выдающемся учёном и Руководителе с большой буквы закончить словами великого русского поэта Н.А. Некрасова, посвящёнными в своё время М.В. Ломоносову, так как Вохида Абдуллаева – корифея узбекской литературы – вполне можно сравнить с гением мировой науки М.В. Ломоносовым:

«Не бездарна та природа,
Не погиб ещё тот край,
Что выводит из народа
Столько славных то и знай,
Столько добрых, благородных,
Сильных любящих душой
Посреди тучных, холодных
И напыщенныхсобой»

УДК: 378:53(09)

УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ОПТИКЛАР ТАЙЁРЛАШ ИЛМИЙ МАКТАБИ

Хушвақтов Ҳ.
Самарқанд Давлат университети

«Тўққизинчи – ўн бешинчи асрларда Маърифатли дунё Бухорийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим»

Ислом Каримов

Тараққиётнинг аввал илм-фанга, таълимга эътибордан бошланиши бежиз эмас, бу борада мамлакатимизда ҳам тарихий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ги Фармони ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг қабул қилиниши, тараққиётни аввал илм-фанга, таълимга эътибордан бошланганлигининг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд минг йилдан ортиқ олий таълим тарихига эгадир. Тарихий илдизларининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи-назаридан Самарқанднинг муборак номи дунёнинг кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради.

Самарқанд шаҳрининг илм-фан ва таълим соҳасида жаҳонга танилишида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда СамДУ Марказий Осиёдаги энг қадимги ва йирик олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, у расмий равишда XX асрнинг бошларидан фаолият кўрсатаётган бўлса-да, унинг тарихий илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақалади (XV-XVI асрлар). Улуғбекнинг яратган илмий мактаби, унинг салоҳиятининг буюклиги жаҳон илм аҳли томонидан эътироф

этилган. Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасаи олияси, шак-шубҳасиз, Самарқанд дорилфунуннинг «бешиги», унинг ташкилий асоси ва негизидир. Самарқандда қанчадан-қанча буюк алломалар яшаб ижод қилишмаган, ҳозир ҳам Самарқандда унинг шуҳратини дунёга танитаётган салоҳиятли ва зукко олимлар яшаб, ижод қилиб келмоқдалар, улар яратган илмий-ижодий муҳит ҳанузгача халқимизнинг зиёли ва фаровон яшашига хизмат қилмоқда. Жумладан, университет ўзининг фаолияти давомида бир неча юз минглаб юқори малакали мутахассисларни етказиб берди. СамДУнинг жаҳондаги нуфузли илмий ва ўқув марказлари орасидан жой олишида, унинг бағрида шаклланган кўплаб илмий мактабларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Бу илм даргоҳида бугунги кунда 15 дан ортиқ нуфузли илмий мактаблар фаолият кўрсатиб, уларнинг анъаналари давом эттирилмоқда. Жумладан, 1930 йилларда асос солинган ўзбек адабиётшйнослиги илмий мактабининг анъаналари, XX асрнинг 30 йилларида шакллантирилган ўзбек тилшунослиги илмий мактаби фаолияти, 1930 йилларда академик И.Мўминов томонидан шакллантирилган Фалсафа мактаби фаолияти, математика, биология, тарих, археология ва бошқа соҳалардаги илмий мактаблар фаолияти бугун ҳам давом эттирилиб, олимларимиз томонидан жаҳон илмий жамоатчилиги тан олаётган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда физика соҳасида фаолият кўрсатаётган илмий мактабларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бугун физика соҳасида 1940 йилларда проф. Мусо Мўминов томонидан шакллантирилган Ядро ва элементар заррачалар физикаси илмий мактаби,астрономия илмий мактаби ва бошқа мактаблар самарали фаолият кўрсатишмоқда.

1960 йилларда академик Акбар Отахўжаев томонидан асос солинган Оптика ва спектроскопия илмий мактабининг тадқиқотлари айни пайтдаги вакиллари профессорлар Ф.Тухватулин, Л.Собиров, Н.Низомов ва А.Жумабоевлар раҳбарлигида давом эттирилмоқда. Ушбу мактаб намояндалари томонидан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу мактабда кейинги йилларда ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиқди.

Республикада илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, кўплаб юқори малакали мутахассислар тарбиялаб етиштирган, ўз илмий-тадқиқотлари билан дунёга танилган олимлардан бири академик Акбар Қосимович Отахўжаев эди. «Яхшидан боғ қолур», дейди доно халқимиз. А.Қ.Отахўжаев Самарқандда илм-фанни ривожлантириш, Самарқанд Давлат университети салоҳиятини янада юксалтириш йўлида баракали меҳнат қилган йирик олим эди. Устознинг ташаббуси билан СамДУда илмий-тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Республика ҳукумати қарори билан 1960 йилда молекуляр спектроскопия бўйича муаммолар лабораторияси ташкил қилинган бўлиб, бу маскан ҳозирги кунда оптика ва спектроскопия соҳасида юқори малакали кадрлар, фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш, чуқур илмий изланишлар олиб боришсоҳасида дунёнинг нуфузли лабораториялари сафидан ўрин олган. Устознинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар докторлик, 30 га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлиб, кўплаб монография, илмий тўпламлар ҳамда 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи ҳамдир. 1983 йилда А.Қ.Отахўжаев Россия Фанлар Академияси қошидаги Физика институтинингходимлари билан биргаликда суюқликларда критик нуқта атрофида ёруғликнинг сочилиши тўғрисидаги илмий ишлари тўплами учун Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига сазовор бўлди. А.Отахўжаев ЎзР ФА Самарқанд бўлимининг асосий ташкилотчиларидан бири эди. А.Қ.Отахўжаев узоқ йиллар (1972-1985) СамДУ ректори лавозимида самарали фаолият олиб борди. Ушбу даврларда университет илмий-техник базаси мустаҳкамланди. У ўқув ва илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, янги ўқув бинолари ва иншоотлари қурилишига жиддий эътибор қаратди. Физика, химия факультетлари биноси, университет бош биноси қурилишларида бош-қош бўлди. Самарқанд Давлат университетида академик А.К.Отахўжаев томонидан олиб борилаётган илмий ишлар салоҳиятини ҳамда устоз яратган оптиклар мактабини тан олган ҳолда, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарорига биноан, академик А.Қ.Отахўжаев раҳбарлигида оптика соҳаси бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиши учун ихтисослашган илмий кенгаш очилди. Бу илмий кенгаш ҳозир ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби А.Қ.Отахўжаев юксак хизматлари учун давлатимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Устознинг хотирасини

абадийлаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги у киши яшаган кўчага акад. А.Қ.Отахўжаев номи берилган. Самарқанд Давлат университетининг бош биноси пештоқига у кишининг барельефи ўрнатилган ва табиий фанлар йўналишларида таҳсил олаётган аълочи ва иқтидорли талабалар учун акад. А.Қ.Отахўжаев номидаги атоқли стипендия таъсис этилган.

Дарҳақиқат, Самарқанд азал-азалдан устозлар улуғланган, нуфузли олимлар тўпланиб, илмий анжуманлар ўтказиладиган маскан бўлиб келган. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм истаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари, мадрасалари, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатган. Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир», деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Устоз Акбар Қосимович Отахўжаев ҳаётлик даврида «Молекуляр спектроскопия бўйича Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон минтақавий семинари» мунтазам фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази, фанлар академияси ва Самарқанд давлат университети раҳбарияти ёрдами билан бу семинар «Молекуляр спектроскопия бўйича халқаро илмий анжуман» номи билан фаолият кўрсатмоқда. Унда қатор ривожланган хорижий мамлакатлардан ҳам йирик олимлар, илм-фан даргалари иштирок этишмоқда. Олим мерос қилиб қолдирган кўплаб илмий йўналишлар, анъаналар бугунги кунда ҳам ўз салмоғИ ва салоҳиятини йўқотмасдан келмоқда. А.Қ.Отахўжаев бошлаб берган ташаббус туфайли кўплаб халқаро миқёсдаги нуфузли илмий анжуманлар Самарқанд давлат университетида ўтказиб келинмоқда. У киши асос солган илмий лаборатория ходимлари бугунги кунда дунёнинг кўпгина илмий марказлари – Гейделберг (Германия), Огайё (Америка), Вротслав (Польша), Москва, Санкт-Петербург, Киев ва бошқа шаҳарлар университет ҳамда илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорликда илмий изланишларини давом эттирмоқдалар.

Академик Акбар Қосимович Отахўжаев хотирасига бағишлаб шу йилнинг 29-31 май кунлари Самарқанд Давлат университетида «Молекуляр спектроскопиянинг долзарб муоммолари» бўйича ИВ халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур анжуман ишида Республикамиздаги нуфузли олимлар билан бир қаторда, Москва, Санкт- Петербург, Киев, Одесса, Минск, Красноярск, Новосибирск каби шаҳарлардаги бир қатор олий ўқув юртлари ҳамда илмий текшириш институтларида фаолият кўрсатаётган етук олимлар иштирок этди.

Уч кун давом этган уш бу халқаро конференцияда молекуляр спектроскопия бўйича 200 га яқин маърузалар тингланди, эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ва физиканинг бошқа йўналишлари бўйича кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

УДК: 539.1(575.141):92

SAMARQAND YADROFIZIKASI MAKTABIVA AKADEMIK TOLIB MUSAYEVICH MЎМИНОВ

А.Холиқов, Ш.Х.Хушмуродов, Г.Ахмедова
Самарқанд Давлат университети

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимиз зиёлилари, таниқли фан арбоблари, академиклар билан давлатимизда фан тараққиёти, оилй таълим муаммолари, нуфузли илмий мактабларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ҳақида суҳбатлашди. У асосий эътиборини фанимиз ривожида меҳнати сингган йирик олимлар нуфузини ошириш, уларнинг илмлари, тажрибалари ва қимматли маслаҳатларидан фойдаланиш лозимлигига қаратди. Муҳтарам Президентимиз эътиборига сазовор бўлган шундай олимлардан бири–Самарқанд давлат университети тарихида ёрқин из қолдирган физиклар сулоласининг етук вакили Толиб Мусаевич Мўминов ҳисобланади. Бу олим Президент тавфсиялари билан Самарқанд Давлат университетига мураббий сифатида бириктирилган 4 академикнинг биридир.

Самарқанд Давлат университети ядро физикаси кафедраси ташкил этилиши Ўзбекистоннинг фан ва маориф дарғаларидан бири бўлган профессор Мусо Мўминович Мўминовнинг илмий педагогис ва жонкуяр ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғликдир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида вақтинча Ўзбекистон Миллий университети билан бирлаштирилган Самарқанд давлат университети собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлари советининг 1944 йил 5 февралдаги қарорига асосан қайта тикланди. Университетга моҳир ташкилотчи Мусо Мўминович Мўминов рестор этиб тайинланди. М.М.Мўминовнинг ташаббускорлиги, юқори даражада ташкилотчилиги туфайли университетнинг моддий-ўқув базаси тез орада тикланди, университет истеъдодли педагог-олимлар билан мустаҳкамлана бошлади.

1944 йилда университетда 23 кафедра фаолият кўрсата бошлади. Бу кафедралардан бири умумий физика кафедраси (ҳозирги ядро физикаси кафедраси) эди. Мусо Мўминов университетга ректорлик қилиш билан бир вақтда умумий физика кафедраси мудири вазифасини ҳам бажарди.

1952 йилдан кафедрада “Гамма-нурларнинг моддаларда ютилиши” мавзусида илмий ишлар бошланди.1961 йиллардан бошлаб ядро физикаси соҳасидаги илмий ишлар ҳажми аҳамиятли даражада кенгайди. Тошкент ядро физикаси институти, Москва давлат университети, Дубна(Россия) шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти ва бошқа йирик илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Мусо Мўминов кадрлар тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор берар эдилар. Ядро

физикаси кафедрасини тугатган мутахассислар ядро физикаси соҳасидаги илмий ишларни давом эттириши учун, стажёр, аспирантлар сифатида йирик илмий марказларга юборила бошланди. Жумладан, Н.Б.Бадалов,М.

М. Мўминов, Т.М. Мўминов, А.Б.Холиқулов, И.Холбоев, Ш.Омонов, М.Маликов, У.Салихбаев, Т.Хазратов, К.М.Мўминов ва бошқалар. Самарқандда ядро физикаси мактабининг шаклланиши ва бугунги кундаги ривожига энг катта ҳисса қўшаётган Мўминовлар сулоласининг давомчиларидан бири академик Толиб Мусаевич Мўминовдир.

Толиб Мусаевич Мўминов 1943 йил 11 январда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1960 йилда Самарқанд шаҳридаги 37-мактабни муваффаққиятли тугатиб, Самарқанд давлат университети физика факультетига ўқишга кирди ва уни 1965 йилда имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида ядро муаммолари лабораториясида илмий фаолиятини бошлади. Ёш Толиб Мусаевич Мўминов таниқли олимларнинг, жумладан Ўзбекистон фан ва маорифнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, Самрқандда Ядро физикаси мактабига асос солган отаси таниқли профессор Мусо Мўминович Мўминов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Ибрагим Мўминович Мўминов, профессорлар Мақсуд Мусаевич Мўминов, Вафо Арабович Мўминов ва бошқа олимлар катта оиласининг анъаналарини муваффаққият билан давом эттирди. Бугунги кунда Толиб Мусаевич Мўминов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, илмий йўналишлар ташкилотчиси, фундаментал ва амалий ядро физикаси фанининг ривожига, республикада етук мутахассислар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган таниқли олим. Олимнинг ядро спектроскопияси, зарядланган зарралар ва ўрта энергиядаги гамма-нурланишларнинг моддалар билан ўзаро таъсири, радио экология соҳасидаги илмий ишлари Ўзбекистон Республикаси ва дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинган.

Т.М.Мўминов СССР да биринчи марта яратилаётган уйғонган ядроларнинг нано ва субнано секундли яшаш вақтини ўлчашга мўлжалланган оригинал магнит спектрометрини яратишда қатнашди. 1970 йилда Т.М.Мўминов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг, Дубна шаҳридаги(Россия) Бирлашган ядро тадқиқотлари институтидаги Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқотлар олиб бораётган физиклар гуруҳига раҳбарлик қилди. Бу гуруҳ томонидан ўз параметрлари билан хорижий аналогларидан кам бўлмаган қиска яшовчи ядролар нурланишларининг вақт ва фазовий корреляциясини ўрганиш учун ядровий қурилмалар комплекси яратилди. Экспериментал маълумотлар олишнинг аниқлиги ва эффективлигини аҳамиятли даражада оширишга имкон берадиган усуллар ишлаб чиқилди. Радиоактив емирилишда уйғонадиган 30 дан ортиқ изотопларнинг нано ва субнано секундли изомерларини комплекс тадқиқ қилиш натижасида катта ҳажмдаги экспериментал маълумотлар олинди. Бу маълумотлар кучсиз деформацияланган ядролар хусусиятларини ўрганишдаги натижаларни аҳамиятли даражада тўлдирди. Бета турғун ҳолатдан узоқда жойлашган ядролардаги ўзига хос хусусиятлар ва қонуниятлар аниқланди.

Т.М.Мўминов 1979 йилда аниқ ядролар хусусиятларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган ва ядро материяси тузилиши тўғрисидаги замонавий тушунчаларни ривожлантиришга имкон берадиган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида Бирлашган ядро тадқиқотлар институти Дубна шаҳри Ядро Муаммолари лабораторияси илмий кенгашида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий кенгаш диссертациянинг айрим натижаларини оилй ўқув юртлари учун ядро физикаси дарсликларига киритишни тавсия этди. 1974-йилда илмий ишларнинг тўплами учун Ўзбекистон Республикаси томонидан Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1981 йилда Т.М.Мўминовга профессорлик унвони берилди.

1981 йилда Т.М.Мўминов Ўзбекистон Миллий университети қошида янгидан ташкил этилган Амалий физика илмий текшириш институтига директор этиб тайинланди. Институтда Т.М.Мўминов томонидан институтнинг моддий-техник базаси яратилди, ижодий жамоа ва ишлаш шароитлари ташкил этилди. Т.М.Мўминов раҳбарлигида ва бевосита иштирокида бир неча зарядланган зарраларни тезлаштирувчи тезлаткичлар ўзининг параметрлари бўйича дунёда аналоги бўлмаган ўта аниқ бетатрон СБ-503,2004-йилда электростатик тезлаткич ЭГ-2 ишга туширилди.

1983 йилда Самарқанд давлат университети қошида Т.М.Мўминов раҳбарлигида тезлатилган электронлар оқимида ва уларнинг тормозланиш нурланиши даноёб экспериментлар ўтказишга имкон берадиган, МДҲ мамлакатлари орасида ягона бўлган 300 метрли гамма нурлар оқимининг тарқалиши канали билан бирлашган микротрон МТ-22 Селектрон тезлаткичи, электронларнинг ўта аниқ импульсли тезлаткичи“ Импульс-3С ва ”ионлар инжектори“ ИБМ-5” билан таъминланган СамДУ ядро физикаси лабораториясининг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай қурилмаларда ҳосил қилинган гамма нурлар оқимини жуда кичик бурчаклар остида сочилишини ўрганишда, яъни ноёб экспериментлар ўтказишга имкон берди. Тормозланиш нурланиши дастасида оғир ядроларнинг Фото бўлинишидаги экспериментлар, фото бўлинишдаги қисқа яшовчи ортиқча нейтронли парчаларнинг емирилишини спектрометрик тадқиқ қилиш имконини кўрсатди. Қаттиқ гамма-квантларнинг жуда кичик бурчакларда(градуснинг1/100 дан ва 1/1000 улушида) сочилишини ўрганиш гамма-нурларнинг суюқ симоб сиртидан ва қўрғошинли шишадан тўлиқ ташқи қайтиш ҳодисасини тажрибада кузатишга имкон берди. Бу эса гамма-диапазонда оптиктизимлар яратишнинг истиқболини очиб берди.

Тезлатилган электронлар дастасининг сийраклаштирилган газлардан ўтишини ўрганиш ўзига хос кичик частотали электромагнит нурланишларнинг генерациясини аниқлашга олиб келди. Бу эса алоқанинг ноанъанавий турларини яратиш имкони мавжудлиги билан қизиқиш пайдо қилди. Турли хилдаги нишонлардан тормозланиш нурланишининг дастаси йўналишида сочилган гамма-квантлар оқимини ўрганиш зондланадиган намуналарнинг физикавий параметрлари (геометрис ўлчами, эффектив атом номери, модда зичлигининг ҳажми бўйлама тақсимланиши ва б.) тўғрисида маълумот олиш аниқлиги албедогамма-нурларнинг анъанавий тадқиқотлардан аҳамиятли даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Бундай тадқиқотлар натижалари яъни гамма-локатситизимини ишлаб чиқишда ва ёпиқ контейнерларда оғир металлар миқдорини дистенсион назорат қилишда, масалан, учадиган космик қурилмаларда қўллаш мумкин.

Т.М.Мўминов 1992 йилда Самарқанд давлат университети ректори лавозимига тайинланди. Университет тарихида биринчи марта талабалар билимини назорат қилишда ўқитишнинг илғор тест тизимини ўқув жараёнига қўллади. Физика ва математика факультетларида иқтидорли талабалар учун махсус гуруҳлар ташкил қилди. Бундай гуруҳлар битирувчилари ҳозирги кунда Ўзбекистонда, чет элларда муваффаққият билан ўқимоқдалар ва ишламоқдалар.

1995 йил 19 сентябрда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2217-буйруғига биноан акад. Т.М.Мўминов СамДУ ядро физикаси лабораториясининг илмий раҳбари этиб тайинланди.

СамДУ ядро физикаси лабораториясида 1985-1993-йилларда лабораторияда ҳукуматнинг махсус қарори билан бажариладиган давлат аҳамиятига эга бўлган мавзулар билан боғлиқ ишлар бажарилди. Ҳозирги кунда СамДУ ядро физикаси лабораториясида (ЯФЛ) экспериментал ядро физикаси, қаттиқ жисмларнинг радиацион физикаси, радиацион материалшунослик, радиобиология йўналишлари бўйича илмий изланишлар, кадрлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. 2016 йилда лабораторияда 350 млн сўмлик 6 та амалий-илмий лойиҳа бўйича ва иккита халқаро лойиҳа бўйича ишлар бажарилди.

Т.М.Мўминов ватанимизнинг етакчи лабораториялари ва чет эл илмий ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишда ҳамда чет эл инвестицияларини киритишда салмоқли ҳамкорлик ишларини олиб борди. Масалан, Т.М.Мўминов ва у кишининг шогирдлари томонидан МАГАТЕ агентлиги томонидан 2011 йилда конкурс асосида эълон қилинган грантлар танловида иштирок этиб, 2012-2015 йилларга мўлжалланган 231000 евро миқдоридаги УЗБ0004“ Improving Educationaland Training Capabilities (Master studentsand doctors) in Applied Nuclear Scienceand Physical Ecology” (Амалий ядро физикаси ва физик экология соҳасида замонавий етук мутахассислар тайёрлаш) ҳамда 2015-2017 йилларга мўлжалланган СамДУ ва ЎзМУ қошидаги амалий физика илмий текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда“ Fostering high-level graduate students in nuclear science through improving experimental capacity of NNU and SSU” мавзусидаги 106000 евро миқдоридаги янги грантларни қўлга киритиш орқали “Атом ва ядро физикаси”, “Физикавий экология” ва “Амалий ядро физикаси” мутахассислик фанлари базалари ўта замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди ва таъминланмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида тупроқ ва бошқа табиат намуналари таркибидаги табиий ва техноген радионуклидлар миқдорини ўрганиш, келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган радионуклидларнинг тўпланиши ва миграциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берди. Жумладан, Ўзбекистонда биринчи марта техноген радионуклид ^{137}Cc нинг тўпланиши ва миграцияси жойларининг рельефи ва климатик хусусиятларига боғлиқ равишда тадқиқ этиш орқали тупроқнинг эрозияси ва седементацияси жараёнлари ўрганилди.

Илмий ишлар натижалари асосида Т.М.Мўминов томонидан ҳам муаллифликда 4 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 220 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 5 та муаллифлик гувоҳномаси олинди. Бу ишларнинг натижалари кўпгина Халқаро ва Республика илмий анжуманларида маъруза қилинди.

Академик Т.М.Мўминов Ўзбекистонда ядро физикаси соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашда таянч ўрин тутади.

Т.М.Мўминов раҳбарлигида 30 дан ортиқ номзодлик, 5 та докторлик ва бир қатор магистрлик диссертациялари, битирув малакавий ишлари ёқланган. Самарқанд давлат университетининг ўзидан 15 дан ортиқ фан номзодлари, 3 та докторлик, 20 та магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Т.М.Мўминов 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланган, 2003-йилда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

1996-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида физика бўйича эксперт кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Т.М.Мўминов 1992 йилдан ҳозирги кунгача Бирлашган ядро тадқиқотлари институти Илмий Кенгашининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. 2003 йилда шу институтнинг фахрий доктори этиб сайланди.

Академик Толиб Мусаевич Мўминов ҳозирги вақтда ядро физикаси лабораториясининг (ЯФЛ) илмий раҳбари ва Самарқанд давлат университети ядро физикаси кафедрасининг профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Т.М.Мўминов лабораториядаги илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда педагогик фаолиятини юқори савияда бажариб келмоқда. Т.М.Мўминов илмий раҳбарлигида магистрлик, докторлик диссертациялари бажарилмоқда. Т.М.Мўминов Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети физика факультетлари бакалавр ва магистрантларга ядро физикаси курсидан ва махсус фанлардан мунтазам равишда маърузалар ўқиб келмоқда. Т.М.Мўминов таниқли олим бўлиш билан бирга ёшларга таълим-тарбия бераётган моҳир педагог, ғамхўр мураббий, ёшларнинг раҳнамосидир.

Бугунги кунда Самарқанд давлат университети ядро физикаси кафедраси қошида академик Толиб Мусаевич Мўминов ташаббуси билан қурилган замонавий ядровий қурилмалар билан жиҳозланган ядро физикаси илмий лабораторияси тўлиқ қувват билан ишлаб турибди. Лабораторияда докторлик, магистрлик ва малакавий битирув ишлари бажарилмоқда.

Самарқанд давлат университети раҳбарияти етук олим академик Толиб Мусаевич Мўминовнинг илмий фаолияти, таълим ва тарбия соҳаларида эришган муваффаққиятларини университет ўқув-тарбиявий жараёнига, ёш олимлар, юқори малакали мутахассислар, иқтидорли талабалар тайёрлаш ишларига кенг тарғиб этишни мақсад қилди. Бу жараённинг бошланиши сифатида физика факультети ядро физикаси кафедраси қошида Академик Толиб Мусаевич Мўминов хонаси ташкил этилди. Академик ҳозирги кунда физика фанининг долзарб мавзулари юзасидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш билан биргаликда кафедра магистрантлари ва талабаларига дарс бериб келмоқда.

УДК: 92:53

ОСНОВАТЕЛЬ НАУЧНОЙ ШКОЛЫ КРИСТАЛЛООПТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Л.М.Собиров
Самаркандский государственный университет

Ашуров Мухсинджан Хуррамович - действительный член Академии наук Республики Узбекистан прошёл большую и плодотворную научную жизнь. Он родился 19 ноября 1949 г. в г.Самарканде. В 1966г. окончив среднюю школу, поступил на физический факультет Самаркандского Государственного университета. После окончания университета в 1971 году он был направлен в Институт ядерной физики (ИЯФ) Академии наук Республики Узбекистан. В последующем вся его научная деятельность была связана с этим институтом и исследования велись в тесном сотрудничестве с всемирно известной школой физиков под руководством лауреата Нобелевской премии академика А.С. Прохорова на базе института общей физики Российской Академии наук.

После защиты кандидатской диссертации в 1978 году, он взялся за организацию в Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан технологической базы по выращиванию оптических монокристаллов. Поначалу образовал небольшую технологическую группу из числа молодых энтузиастов, делом жизни которых стала технология получения оптических кристаллов. В 1980 году в Узбекистане им были получены первые монокристаллы, а в 1981 году был осуществлен экспорт научной продукции, выращенных кристаллов в ИЯФ АН Узбекистана, расширились возможности института по исследованию влияния радиации на оптические свойства кристаллов.

В период с 1978 по 1991 гг. М.Х Ашуров прошел путь от младшего научного сотрудника до заместителя директора по научной работе ИЯФ АН РУз.

Вместе с ростом количества научных работ, числа учеников, расширением круга научных и научно-производственных интересов росло и официальное признание Мухсинджана Хуррамовича Ашурова как ученого и общественного деятеля.

В 1989 году он успешно защитил диссертацию на соискание ученой степени доктора физико-математических наук в Институте общей физики АН СССР и в 1995 году ему было присвоено звание профессора, в том же году он был избран академиком Академии наук Республики Узбекистан. В период 1995-2005 гг. дважды избирался членом Парламента («Олий Мажлиса») Республики Узбекистан, с 2005 г. по 2010 г.г. являлся депутатом Ташкентского городского Кенгаша.

Академик М.Х. Ашуров является известным ученым в области физики твердого тела. Ему принадлежит ряд экспериментальных и теоретических работ, представляющих важный этап в развитии физики твёрдого тела, радиационной физики, спектроскопии лазерных кристаллов и обогативших современную науку и технику достижениями, имеющими первостепенное значение.

Научные работы академика М.Х. Ашурова обеспечили постановку и решение крупных фундаментальных и прикладных задач в области физики твердого тела, материаловедения и физики твердотельных лазеров. В частности, им установлен характер нарушения стехиометрии гомологического ряда кристаллов со структурой граната, обнаружен эффект, названный им «эффектом взаимного влияния» редкоземельных ионов в этих кристаллах, идентифицированы механизмы радиационного окрашивания кристаллов галлиевых гранатов, изучена роль ростовых структурных дефектов в этих процессах, решена проблема повышения радиационной стойкости важнейших типов лазерных кристаллов. Выработанные рекомендации позволили создать активные и пассивные элементы твердотельных лазеров, не утрачивающих свои генерационные и модуляционные свойства при дозах облучения до 10^9 Рентген.

М.Х. Ашуров и его ученики с 1980 года в Узбекистане успешно выращивают оптические и лазерные кристаллы.

С учетом того, что кристаллы фианита нашли широкое применение в ювелирном производстве, М.Х. Ашуров был инициатором создания новой отрасли в Узбекистане -ювелирной, и в 1991 году в беспрецедентно короткие сроки создал научно-производственное объединение «Фонон», где под его руководством проводятся работы по изготовлению ювелирных изделий Узбекистана, а также орденов и медалей Республики Узбекистан и проводятся научные работы по выращиванию монокристаллов и исследованию их свойств.

Он является автором более 200 научных работ, опубликованных в зарубежных изданиях, под его руководством учениками защищены докторская и несколько кандидатских диссертаций.

Академик М.Х. Ашуров с 1991 года является генеральным директором созданным им НПО «Фонон» и одновременно являлся заведующим отделом ИЯФ АН РУз и в настоящее время главным научным сотрудником этого института. Под его руководством осуществляется и развивается международное сотрудничество в сфере науки и технологий. Так например, в течение нескольких лет руководимая им группа ученых выполняла научные работы в рамках международного проекта - по исследованию влияния радиации на рабочие характеристики детекторов ядерных частиц - вольфрамата свинца и кварцевых оптических волокон, используемых в Международном центре ядерных исследований (Швейцария).

По инициативе академика М.Х. Ашурова в Узбекистане при поддержке руководства Республики были начаты поэтапные крупномасштабные работы с привлечением иностранных инвестиций по проведению геологоразведочных работ для выявления месторождений кварца и кварцитов, пригодных для дальнейшего синтеза технического, а также поли и монокристаллов кремния, и производства на их основе элементов микроэлектроники, в том числе солнечных элементов и фотоэлектрических модулей.

Дополнительно ими были проведены также комплекс экспериментальных технологических работ по непосредственному получению технического кремния из кварцевого сырья, взятого из различных месторождений. При проведении этих работ им наряду с электродуговой применялась также и СВЧ технология выплавки продукта в, так называемом «холодном» контейнере. Кроме прямой оценки приемлемости отечественного кремнеземного сырья ими также были проведены работы по оптимизации и модернизации существующей электродуговой карботермической технологии технического кремния. Результаты изысканий геологов, и эти научные и технологические результаты, проведение независимой экспертизы качества сырья и продукта позволили создать технико-экономическое обоснование на создание промышленного производства технического кремния в Узбекистане. Так, в 2012 г. в городе Навои был построен завод по производству технического кремния мощностью 12,0 тыс.тонн в год. Отметим, что это лишь первые шаги по становлению промышленных основ отечественной кремниевой фотоэнергетики. Большое внимание в своих научных изысканиях М.Х. Ашуров уделяет вопросу рентабельности создаваемых, новых производств - основы новой промышленной отрасли Узбекистана. То есть он стремиться, чтобы его предложения отличались не только новизной и работоспособностью, но и безусловной экономической целесообразностью.

Своей работой и жизнью Мухсинджан Хуррамович Ашуров создал не только научную школу физиков, технологов, но и на деле показал, что выдвигаемые и развиваемые идеи и предложения находятся на переднем крае современной науки, и они направлены на решение актуальных научно-производственных задач.

М.Х. Ашуров в настоящее время является председателем общества дружбы «Узбекистан - Греция», членом редколлегии ряда научных изданий, членом специализированных Ученых советов, ему присуждено звание «Фан арбоби» Республики Узбекистан, он награжден орденом «Дўстлик», «Почетной грамотой» Республики Узбекистан и нагрудным знаком «Ўзбекистон белгиси»

В настоящее время он в полном расцвете творческих сил и научных планов, желает передать свой накопленный научный опыт студентам и молодым сотрудникам физического факультета СамГУ.

Добро пожаловать, дорогой Мухсинджан Хуррамович, говорит коллектив Самаркандского госуниверситета, приобщайтесь к работе в подготовке научных кадров.

УДК: 378.095(575.141)

ҚУТЛУҒ МАСКАН САБОҚЛАРИ

Ф. Тошев

“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник”газеталари бирлашган таҳрияти бош муҳаррири

Самарқанд дорилфунуни ҳақида мулоҳазалар хонадонимизда мен 7-синфда ўқиётганимдаёқ айтиларди. Ўзбек филологияси факультетида сиртдан ўқийдиган Ҳабиба аммам ҳар семестрда домлалар ҳақида янгича яхши гап топиб келарди. Дарсликлари, конспектлари, курс ишларини ҳавас билан варақлардим.

1968 йил ёзида ҳовлимизга уста Тош бобомни зиёрат қилгани таниқли олимлар Саид Шермуҳаммедов, Ҳамдам Бердиёров, Сайдулла Мирзаев, Душан Файзий кириб келишди. Уларни отам бошлаб келди. Меҳмонлар бобомга Пахтачига тўйга келишгани, бизникига бирровга киришганини айтишди ва супамизда озроқ сухбат қуришди. Бобом дастурхонга эртапишар узум қўйди, меҳмонлар завқ билан танаввул қилишди, бир-бирига ҳазил-мутойибалар айтишди.

Мен уларга ҳавас билан қараб турдим. Шунда бобом қўлидаги папкани Ҳамдам Бердиёровнинг қўлига берди:

- Домла, неварам мухбирликка қизиқади. Мана бу – мақолалари. Келгусида сизларга шогирд бўлсин, дейман...

Домла папкадаги “Пахтакор овози”, “Ленин учқуни”, “Ёш ленинчи” газеталарини варақлаб, уни шогирди Шавкат Холматовга тутқазди.

- Шавкат, шогирд излаб юргандинг. Мана, ўзинг шуғуллан. Икки йилдан сўнг ўқишга киришга ҳам уни ўзинг тайёрлайсан.

Шавкат домла (жойлари жаннатдан бўлсин) ҳақиқатдан ҳам суриштириб турди, гоҳо Ризоқул тоғам билан уйига ўзим бордим. Талабалигимда эса домла меҳрини, маслаҳатини аямади, Талабчанлик баробарида илмий тадқиқот ва бадиий ижод сирларини ўргатди. Учинчи курслигимда “Ўқитувчилар газетаси” бўлим мудири Ўтамурод Нурмуҳаммедов ҳузурига юборди. Ўтамурод ака тўртта шеъримни тайёрлаб, оқ йўл тилаб, газетага чиқарди.

Гарчи Воҳид Абдулло, Ботурхон Валихўжаев, Ҳамдам Бердиёров, Сайдулла Мирзаев, Нуриддин Шукуров каби олимлардан сабоқ олсакда, улар билан мулоқот қилишга ҳаддимиз сиғавермасди. Шундай пайтда номзодлик диссертациясини энди ёқлаган Бекмурод Йўлдошев жонимга оро кирди. У киши бир муддат газетада ишлаган. Шу сабабли вилоят газеталарига мақола ёзишимга ёрдам берди, илмий конференцияларда қатнашишга даъват этди. Бу инсон руҳи олдида ҳам бир умр қарздорман!

Умуман таълим жараёнида университет чинакам ҳаёт мактаби эканига ишонч ҳосил қилдим. Бунинг устига ажойиб тенгдошлар сафида ўқидим. Собиқ гуруҳдошларимдан Бердақ Юсупов, Ойниса Мусурмонова эндиликда фан докторлари, Барно Самиева фан номзоди, Фароғат Шокировани ҳам вилоятда кўпчилик билади. Олим Таниев, Ўктам Ниёзов (жойлари жаннатдан бўлсин) журналист бўлиб ишладилар. Акром Қурбонов, Фахриддин Тўйчиев,Марҳамат Тошбекова, Матлуба Алибекова, Розия Баҳронова муаллимликдан обрў топдилар.

Бунинг асосий сабаби университетдаги муҳитда камол топганимиздир. Жўра Аҳмаджонов, Жўрабой Ҳамдамов, Тилаб Маҳмудов, Қобилжон Тоҳиров, Кимё Аҳмаджонова, Муса Ҳалилов, Анора Мўминова, Одил Раҳмонов, Сабоҳат Саломова сингари домлалар адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кириш баробарида бизга шахсий ибрати, меҳрибонлиги орқали одамийликдан ҳам сабоқ бердилар. Иштиёқ билан ўқишга, завқ-шавқ билан яшашга, замонага муносиб бўлишга ўргатдилар.

Фақат домлалар эмас, биз ўзимиздан юқори курс ўқувчи талабалардан ҳам кўп нарса ўргандик. Мисол учун Аҳмад Аъзам, Шарофиддин Шаропов, Ўткир Раҳмат, Муҳаммад Сайфиев, Мавлон Аллаёров, Илаш Абдиевдан бадиий асарни таҳлил қилиш, бадиий ижодга қўл уришни, Тоҳир Қурбоновдан тадбирлар ташкил этишни ўргандим. Марди ака Очилов ёрдамида унверситет халқ театрида роллар ижро этдим. Расмни қойиллатиб чизадиган Мустафо ака Расулов билан ҳар ойда эни 7 метрлик деворий газета чиқарадик.

Азиз Йўлдошев дўстлик муносабатларимиз туфайли дарсдан сўнг ишхонасига – вилоят радиосига кўп бор таклиф этди. Радио ишини ўргандим ва 2 йил шу идорада муҳаррир бўлиб ишладим. “Шалола” клуби таркибида ўша даврда эл оғзига тушган Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Маъруф Жалил, Омон Матжон асарлари муҳокамасида қатнашдим. Барот Бойқобилав, Нормуҳаммад Нарзуллаев каби шоирлар ижодидан курс иши ёзиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлдим.

Нуриддин Шукуровдек алломасифат ижодкор олимга шогирд тушиш ижодга меҳр қўйган ҳар бир талаба учун орзу эди. Мен шу бахтга муяссар бўлдим. Айниқса факультет ёшлар ташкилотинниг раҳбари сифатида бақамти ишлашга тўғри келди. Бир куни домла “Сен ҳадеб майда ахборотлар ёзаяпсан, энди мулоҳазали мақолага ўт”, дедилар. Икки-учта мавзу ҳам бердилар. Бу талаб мени газетачиликдаги нуқтаи назаримни шакллантирди.

“Университет газетаси” ҳам “Шалола” клуби каби ижодкор талабаларнинг энг гавжум, севимли масканига айланганди. Файласуф Ҳамид Каримов муҳаррир ва шоира Ҳамида Каримова масъул котиб эдилар. Опа мақола ёзишни ўргатиш, янги мавзу бериш баробарида газета таҳрири ва вёрсткасини ҳам ўргатар, бадиий машқларимизни эринмасдан кўриб берар эдилар.

Факультет ўзбек адабиёти кафедраси лаборанткалари Фая опа ва Тошхон опа ҳақида гапирмасам бўлмас. Очиғи, улар домла беришга улгура олмаган тарбияни бизга берарди, китоб танлаш ва ўқишни ўргатишарди. Улар онамиздек меҳрибон ва жонкуяр эдилар.

Қайси факультетда ёки қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, талабалар домлалардан, айниқса профессорлардан уларнинг юриш-туришидан, муомаласидан ибрат олишарди. Умуман, университетдаги ҳар бир бино, ҳар бир бўлинма, ҳар бир тадбир, назаримда, таълим-тарбияга дахлдор бўлган ёшлар иқтидорини намойиш этишга қаратилган. Шахсан ўзим фаррош, қоровул, ҳатто сартарошдан ҳам муомала маданиятини ўрганар эдим. Эсимда, бош ўқув биноси ичида 4-алоқа бўлими бўларди. Қалам ҳақи олгани келсанг, айрим почтачилар қоғоз тўлдиргунга қадар газеталарда чиққан айрим хабар ёки мақола ҳақида фикрини айтиб бўларди.

Беш йил ичида СамДУдаги муҳит берган маърифатни бошқа ердан ололган эмасман. Лекин бунинг учун инсонинг ўзида эҳтиёж бўлмоғи лозим. Бу эҳтиёж муҳит ёрдамида иштиёққа, ҳаракатга айланади. Бугун ўша шукуҳли ва самарали онларимни нечоғлик хурсанд ҳолда эсламайин, биз билан бир сафда ўқиб, лекин ана шу имкониятлардан фойдалана олмаганлар ҳам борлигини инкор этолмайман. Фақат кўнгилга таскин берадиган томони шундаки, менга ўхшаган тенгдошларим кўп эди. Ва уларнинг ҳар бири худди мен каби ўз қадрдон илм маскани, бу ердаги маънавий муҳит хусусида фахр билан гапира олади. Яширмайман, “Биз СамДУда ўқиганмиз”, дея ғурурланардик. Аслида бир пайтлар академик шоир Ғафур Ғулом, “Жаҳонга жамоли жаҳон орони кўрсатиб бергувчи бешиги бу ер”, деган масканнинг улуғлиги ҳам ана шундадир.

УДК: 378.095(575.141)

ОЛИЙ БУРЧ

(Ҳуқуқшунос дўстимга хат)

Ҳ. Умуров

Самарқанд Давлат университети

Зиёдулла ака, қалбингиз достони – «Қалбим кўзгуси» (Т., “Наврўз”, 2017й.)ни ўқидим. Айтганингиздек,

“Тингласам тартиб бериб, туркий инжу сўзларинг,
Порлатур қалбим тубининг ухлаган туйғуларин”.

Ҳа, кўнглимдаги туйғулар, ўйлар, дардлар, мушоҳадаларни уйғотди. Уларни сизники билан уйқашлиги, яқинлиги, ҳақлиги янада ўткирлашди, ҳаракатга солди.

Қирқ йил СамДУда бирга ишлаганим учун “Сизни яхши биламан”, деб юрганимни китобингиз чиппакка чиқарди. Қалбингиз иншосини ўқиб, Сизни янгитдан кашф қилдим. Ўзимга яқин дўст топдим. Декан, кафедра мудири, профессор лавозимларида ишлаб, 13

монография, 7 ўқув қўлланма, 5 дарслик, 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп тадқиқотларни яратиб, ОЛИМ-ПЕДАГОГ бўлиб танилишингизга қадар бўлган умрингиз сарҳисобини энди билдим, англадим.

Эсдаликларни уч қисмдан иборат қилиб яратгансиз. Биринчисида боболарингиз, ота-оналарингиз ва улар билан алоқадор болалигингиз, ўсмирлигингиз, йигитлигингиз воқеалари баён этилган. Олий мактабни тугатиб, ўқитувчилик касбини танлаганингиз, СамДУдаги фаолиятингиз воқе қилинган. Энг асосийси, болалигингизда туғилган ва шаклланган меҳнаткашлик, одиллик, интизомлилик, илмга ихлосмандлик, танлаган йўлдан дадил юришлик, одамгарчилик каби хислатларингиз ривожи қизиқарли воқеалар, изчил курашлар фонида очилган.

Иккинчи қисм – Сизнинг қизиқишларингизни, орзу тилакларингизни баёнига бағишланган: халқимиз – туркийлар тарихини ва тилини ўрганишингиз, адабиёт, шеърият, расм, ҳайкалтарьошлик, кино каби санъатларга ишқибозлигингиз ва улар ҳақидаги ўйларингиз ёритилган.

Учинчисида инсон ва табиат мувозанатини англашга, табиатга шайдолингиз, меҳрингиз донишмандона, кўпга татийдиган зарурат сифатида илм тарзида тадқиқ қилинган. Табиатга ошиқликсиз, санъатга ишқибозсизлик ва уларни идрок этишсиз бирор инсоннинг дурустроқ одам бўлмаслигининг, униб-ўсмаслигининг исботини берасиз. Кўп билган, кўп таъсирланганлар руҳи ва иродаси бақувват бўлишини асослайсиз. Гарчи бу қисмга алоқадор бўлмаса ҳам, сизнинг илмий салоҳиятингизни яққол кўрсатувчи асосий ишларингиз рўйхати илова қилинган... Ишнинг хулосаси берилмаганлиги учун китобингиз якунланмагандай таассурот уйғотади...

Бу тафсилотларнинг тагига етиш, моҳиятини англаш, борича тасввур қилиш учун қизиққанларга “Қалбим кўзгуси”ни ўқишни тавсия қиламиз-да, шу асар таъсирида туғилган бир нечта мулоҳазага ўтаман.

Маълумки, бир неча йиллар олдин (2012 йилдан) пенция ёшига етган забардаст олимлар ва кафедра мудирлари вазифаларидан озод этилдилар, ҳали пишиб етилмаган, фан соҳасида номдор устозларидан анчайин орқада қолганлар юқоридаги лавозимларга кўтарилдилар.

Уларнинг кўпчилиги фанни чуқур эгалламагани, илм (фан номзоди ва доктори диссертациялари)ни ясатиб олганлари сабабли бу “қўшин” илмда ҳам талабаларни саёзликка, юзакиликка, қалбакиликка ўргата бошлади. Чуқур билим бериш ўрнига талабалар ўртасида пул орқали фанни “ўзлаштириш”ни кенг ёйдилар. “…Иймон саломатлигига етадиган зарарларнинг бош сабабчиси – тама ” (А. Насафий) эканлигини унутдилар. Талабаларни илмни эгаллашга бўлган рағбатларини ўлдирдилар. **Натижада буюк кашфиётлар яратишга интилиш камайиб кетди.** Унинг ўрнига рейтингни кўтариш учун пуч “тадқиқот”лар ва уларни қалбаки баҳоловчилар сафи ортди.

Бу билан ўқитувчи ҳам, талаба ҳам сохталикни воқе қилаётганига, таги пучлик, юзакиликни вужудга келтираётганига, енгил-элпилик билимга эмас, қуруқ дипломга етаклаётганига, яъни ҳаминқадар мутахассис бўлишга сабабкор бўлаётганларига тўлиқ тушунмайдилар ёки уни англашни истамайдилар, вақтни умрни бекорга совураётганларига ачинмайдилар ҳам.

Тама бор жойда илм ва тарбия воқе бўлмайди, ахир. Устози ҳам, шогирди ҳам сохта бўлган жойда маънавият ўлади-ку! “…покликкина–буюкликка, инсонийликка, илмга, адолатга, комилликка етакловчи нур экани” (И. Каримов) қалбда уйғонмайди-ку!

Бундай ҳолатдан тамагир профессор-ўқитувчи ҳам, талаба ҳам эртасини барбод қилади. Жамиятни булғайди, ҳаромга катта йўл очади. Олий мактабдаги тўрт йиллик “меҳнат” – ўз соҳасининг устасини эмас, юзаки (саводхонликни илм деб тушунувчи) савияга эга бўлган тайёр “мардикор”ни беради ёки жамиятга керак бўлмаган “ортиқча мутахассис”ни етиштиради.

Ибодатга айланмаган бундай ҳамкорлик одамнинг, жамиятнинг тинкасини қуритади, шайтоннинг барча ҳийлаю найрангларига ўргатади, уларни устозу шогирднинг қалбига жойлашдан ташқари, ҳукмрон туйғуларига ҳам айлантиради. Жамиятга тайёр, айни пайтда, айёр олий бузғунчилар туҳфа қилинади. Улар жамият хазинасини ҳам, маънавиятнинг, ахлоқнинг ҳалолу поклигини ҳам дўзах шамоли билан совурадилар…

“Илм бир нур бўлгани учун нопоклик билан муносабати йўқ, балки бир-бирига тамоман хилоф” экан, тамагирлик – ҳаромхўрлик қилаётганлардан, кўнгилларида илми йўқлардан, сохта “олим”лардан воз кечиш лозим. Илмни ибодатга айлантирган домлаларнинг барчасини ёшидан қатъий назар, олий ўқув юртларига жалб қилиш орқали ўзлигини танишга интилаётган изланувчи талабаларни етиштиришга киришиш лозим…

Шогирдларингиз ҳақида ёзасиз: “Баъзиларига илм берган, тарбиялаган, илмга ўргатган бўлсам, иши битгач, ёқамдан олдилар, туз берган бўлсам, унутдилар. Билимсиз, илмий унвонни юқорироқ мансабга эришишнинг бир поғонаси деб билувчи, қабул комиссиясининг иш бошлашини кутиб яшайдиган шогирд”ингиз ҳақида афсусу надомат чекасиз, азобланганингизни қайд этасиз. “Менинг пешонамга кимга яхшилик қилсам, ёмонлик билан қайтиши ёзилган экан”, деган оширилган хулоса ҳам қиласиз. (Ҳолбуки, мен сизни ардоқлаб, эъзозлаб юрадиган шогирдларингиз борлигини биламан. Шулардан бири Республика прокуратурасида ишлаётган жияним – Отабек Эшонқуловдир. У сизнинг таълим ва тарбиянгизни, жонкуярлигингизни қувонч билан эслайди. Бугунги мартабасининг сабаблари илдизини сизга боғлайди...)

Умр йўлингиз жуда оғир ўтган бўлса-да, “Сулаймон подшо узугидаги ёзувдек, “Бу ҳам ўтиб кетар, ҳақ ўз йўлини топар” деган умрибоқий тўғри сабоқни айтасиз. Бундайин лаънатга лойиқ, ситамкор, ғийбатчи, ичи бўш кимсалардан кўрган ғамлару ранжларингизни унутинг, “олтин дафтар”ингиз – тажрибаларга бой ҳаётингиз кўзгуси хираланмасин, кечириб юборинг.

“Инсон, албатта, ҳаётда бошига тушган қийинчиликлар, омадсизлик ва ларзалар сабабини энг аввал ўзидан ахтариши, бу менинг камчилигим деб ҳисоблаши лозим” (55-бет) экан, бу ҳақиқат ҳам сизни кечиришга чорлайди.

Кўпни кўрган доноларнинг маслаҳат ва насиҳатларига амал қиладиган бўлсак, “сиз уларни кечиролмас экансиз, демак, ҳали юрагингизда кек-адоват, қасос алами яшаб турибди. Билингки, бу ўч олиш туйғуси сизни беҳаловатликнинг тубсиз ўпқонига ғарқ қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Кечиринг ва уларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ана шундагина ҳаёт йўлингизда пайт пойлаб турган хафагарчиликлар ва рақибларингиз ҳам сизга тегмай, заҳмат беролмай ўтиб кетишади”.

Кечиримлилик одамийликнинг, улуғликнинг, журъатдорликнинг белгиси экан, яхшиси, уларни Аллоҳ ҳукмига ҳавола этиб, Она табиатнинг қувончига, бахтига тўлиб яшашда давом этаверинг. Танлаган йўлингиздан дадил, улуғ қадамлар билан юраверинг. Ўз талабаларининг эртасини ва келажагини кўп ўйлайдиган УСТОЗлигингиз бардавом бўлсин.

Сизу менинг шунча йиллар олий таълимдаги адолат, сифат, инсонийлик учун курашганларимиз, лекин амалга деярли ошмаган ниятларимиз бугунга келиб ҳаёт ва давлат аҳамиятидаги (кечиктириб бўлмайдиган) даъватга, заруратга, яратишга айланди. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик” (Ш. Мирзиёев) кундалик қоидамизга, инсоний ўлчовимизга, борлиғимизга сингий бошлади. Эзгулик учун курашнинг бундай ҳақиқатга айланганига шукр, истаган ва орзиқиб кутган натижага етиб келганимизга, умримиз бекорга кетмаганига минг шукр. “Кураш, ҳақлик бизники, мангу зафар бизники!” (Ойбек) эканлигига ададсиз шукр!

Ҳа, **тенгқур дўст!** Шоирлар доноси Абулқосим Фирдавсий ҳақиқатни ёзганлар:

Бизлар бир ўткинчи, жаҳон барқарор,
Оламдан фақат сўз қолажак ёдгор.
Яхши ном қолса бас, шудир мақсуд – ком,
Танамиз ўткинчи, қолажаги – ном.

Ҳа, **профессор дўстим!** Умримиз мазмуни она Ватан ва жонажон халқимизга, олий мактаб ва талабаларга, оилага ва уларнинг камолоти учун курашга хизмат қилаверсин. Ҳаётимиз илм ўрганишга ва зиё таратишга сарфланаётганига шукрлар айтиб, олий бурчимиз талабига мос шундай яшашда давом этамиз, деган умиддаман. Вассалом.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли муаллифлар, мақола муаллиф томонидан қоғозда чоп этилган ва электрон шаклида тақдим қилиниши шарт. **Мақолада қуйидаги бандлар**: УДК, ишнинг номи (ўзбек, рус ва инглиз тилларида), мақола ҳаммуаллифларининг рўйхати (тўлиқ фамилия, исми, отасининг исми – ўзбек, рус ва инглиз тилларида), муаллиф ҳақида маълумотлар: иш жойи, лавозими, почта ва электрон почта манзили; мақола аннотатсияси (300 белгигача, ўзбек, рус ва инглиз тилларида), калит сўзлар (5-7, ўзбек, рус ва инглиз тилларида) бўлиши лозим.

МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР!

Мақолаларнинг нашр этилиши учун шартлар нашр этилиши мўлжалланган мақолалар долзарб мавзуга бағишланган, илмий янгиликка эга, муаммонинг қўйилиши, муаллиф томонидан олинган асосий илмий натижалар, хулосалар каби бандлардан иборат бўлиши лозим; илмий мақоланинг мавзуси информатив бўлиб, мумкин қадар қисқа сўзлар билан ифодаланган бўлиши керак ва унда умумий қабул қилинган қисқартиришлардан фойдаланиш мумкин; “Илмий ахборотнома” журнали мустақил (ички) тақризлашни амалга оширади.

МАҚОЛАЛАРНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШДА ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ:

Мақолаларнинг таркибий қисмларига: кириш (қисқача), тадқиқот мақсади, тадқиқотнинг усули ва объекти, тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси, хулосалар ёки хотима, библиографик рўйхат. Мақола компютерда Microsof Office Word дастурида ягона файл кўринишида терилган бўлиши зарур. Мақоланинг ҳажми жадваллар, схемалар, расмлар ва адабиётлар рўйхати билан биргаликда докторантлар учун 0,25 б.т. дан кам бўлмаслиги керак. Саҳифанинг юқори ва пастки томонидан, чап ва ўнг томонларидан - 2,5 см; ориентацияси - китоб шаклида. Шрифт – Times New Roman, ўлчами - 12 кегл, қаторлар ораси интервали - 1,0; бўғин кўчириш - автоматик. Графиклар ва диаграммалар қуришда Microsoft Office Excel дастуридан фойдаланиш лозим. Матндаги библиографик ҳаволалар (ссылка) квадрат қавсда рўйхатда келтирилган тартибда қайд қилиш лозим. Мақолада фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилиши лозим. Библиографик рўйхат алфавит тартибида - ГОСТ Р 7.0.5 2008 талабларига мос тузилади.

- Икки ойда бир марта чиқади.
- “Самарқанд давлат университети илмий ахборотномаси”дан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.
- Муаллифлар мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига шахсан масъул.

МАҚОЛАГА ҚУЙИДАГИЛАР ИЛОВА ҚИЛИНАДИ:

- Йўлланма хати;
- Эксперт хулосаси.

E- mail: axborotnoma@samdu.uz

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК **SCIENTIFIC REPORTS**

Масъул котиб: **Р. Ш.Тошқуватова,** фалс.ф.н.,доцент
Мусаҳҳих: **М.М. Рўзибоев**
Техник муҳаррирлар: **С. Д. Аронбаев**
Дизайнер саҳифаловчилар: **Х. Ш. Ташпулатов**
А. И. Инатов

Муассис: Самарқанд давлат университети
Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.
Телефон: (0 366) 239-14-07, Факс: (0 366) 239-13-87
E-mail: axborotnoma@samdu.uz

СамДУ «Илмий ахборотнома» журнали таҳририяти компютерида терилди.
Босишга 31.08.2017 йилда рухсат этилди. Қоғоз ўлчами А-4. Нашриёт ҳисоб табоғи 10,00.
Буюртма рақами 114. Адади 500 нусха.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони,
15. ***СамДУ босмахонасида чоп этилди.***